Р.А.ЙЎЛДОШЕВ М.М.РИХСИЕВА

ИНШОЛАРДАГИ МАТНИЙ ХАТОЛАР, УЛАРНИ ТУЗАТИШ МЕТОДИКАСИ

Р.А.Йўлдошев, М.М.Рихсиева

ИНШОЛАРДАГИ МАТНИЙ ХАТОЛАР, УЛАРНИ ТУЗАТИШ МЕТОДИКАСИ

33870
ALISHER NAV
Toshk
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент – 2018

Ушбу методик қўлланмада тилшуносликка оид адабиётлар асосида матннинг тузилиш хусусиятлари қисқа тарзда ёритилган, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ёзган ижодий ёзма ишлардаги матний хатолар аниқланиб, тасниф қилинган ва ҳар бир хато тури изоҳланган, шулардан кулиб чиққан ҳолда ўқувчиларга матн ёзишни ўргатиш методикаси баён этилган.

Қўлланма она тили ўқитувчилари, педагогика олий ўқув юртлари, педагогика билим юртлари талабалари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Муаллифлар: **Йўлдошев Рустам Аъзамович** (Юлдашев Рустам Агзамович), педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими;

Рихсиева Мухтарам Махмудовна, педагогика фанлари номзоди, доцент

КИРИШ

Жадал ахборотлашув даврида одамлар ўртасида хат-ҳужжат оркали шахсий-ижтимоий муносабатларнинг кенг йўлга қўйилишида уларнинг мулокот одоби ва хат саводхонлиги қатори ўз фикрларини ўзгаларга тушунарли ва таъсирчан қилиб баён эта олиш, ахборот алмашув жараёнида фаол иштирок этиш, бир сўз билан айтганда, оғзаки ва ёзма нутқ салоҳиятини эгаллашнинг аҳамияти бенихоя катта. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларида иншо ёзиш (матн яратиш) маданиятини ўқувчиларга сингдириш билан боғлиқ катта вазифалар она тили муаллимлари зиммасига юкланади. Маълумки, шу кунга қадар тил ўқитиш методикасида нутқ маданиятини ривожлантиришга оид методик тавсиялар таълим мазмунидан келиб чиқилган ҳолда тайёрланиб келди. Она тили таълими мазмуни ва методлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига таянган ҳолда дарсларни ташкил этиш эҳтиёжларини назарда тутиб белгиланган бўлса, бугун тил таълими ва усуллари она тилини ўрганаётган ўқувчилар учун хизмат қиладиган қилиб (инсонпарварлик тамойилига биноан) ишлаб чиқилиши кераклиги тобора кўпроқ аён бўла бошлади. Бунинг учун эса ўқув мажмуалари муаллифлари истаги билан эмас, балки ўқувчиларнинг иншони (матнни) шакллантириш жараёнида нималарни билган ҳолда иш бошлашлари ва тугаллашлари кераклигидан хабардор этиб борадиган таълим мазмуни ва усуллари белгиланиши заруриятга айланди. Ана шу заруриятдан, яъни ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб қўлингиздаги методик қўлланмада ўқувчилар ёзган ижодий ёзма ишларни уларда йўл қўйилаётган матний хатоларни аниқлаш ҳамда сабабларини тушунтириш мақсади билан ўрганиш асосида иншо ёзиш (матн яратиш) жараёнида билиш шарт бўлган билимлар мундарижасини белгилаш, шунга қараб ўргатиш чора-тадбирларини кўриш, яъни ўқувчиларнинг реал эҳтиёжларини қондириш йўли танланди.

Матний хатоларга урғу бераётганимизнинг боиси шундаки, улар она тили дарсларида махсус ўрганилмаётган тил ҳодисаларини амалий била олмаслик натижасидир. Бундай хатолар уч-тўртта эмас, балки кўпдир. Бу эса ёзилаётган иншоларнинг (яратилаётган матнларнинг) стандарт талабига жавоб бермаслигига сабаб бўлади. Аввалам бор, матний хатоларга она тили ўқитувчилари жиддий эътибор бермайдилар, қолаверса, методик адабиётларда бу ҳақда, хусусан, матний хатолар устида ишлаш юзасидан тавсиялар йўқ даражада. Матн тузилишини ўргатиш мазмуни ва методлари, машклар тизими ҳам махсус ишлаб чиқилмаган. Бошқача айтганда, матн тузилишини ўрганиш таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг она тили ўқитиш методикаси илмида деярли тадқиқ этилмаган.

I БОБ.
АТН ТУЗИЛИШИ (МАТН СИНТАКСИСИ) ТИЛШУНОСЛИКНИНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАРИ СИРАСИДА (ҚИСҚА ЭКСКУРС)

Кейинги даврда ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш учун мат қиладиган ижодий ёзма иш тури – «иншо ёзиш» «матн яратиш» эдаси билан аталиб, дарсликларда матн яратиш ҳақидаги топшириклар клида жорий этилмоқда, айрим ҳолатларда эса матн тушунчасига ғланишли (боғли) нутқ матни"[1] бирикмаси орқали аниқлик итилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Икки ва ундан ортиқ ўзаро боғланган лар матнни ҳосил қилади. Бошкача айтганда, матндан ташқарида ёлғиз ган бир гапнинг ўзи айрим иш қоғозларини мустасно этганда матн деб лмайди. Чунки матн сўзининг ўзида моҳиятан боғланишлилик маъноси жуд. Тилшунос А.Мамажонов матнга хос белги-хусусиятларнинг масини, матн тушунчасининг жами маънолари қўламини ҳисобга олиб, нг мазмуний ва структурал тугалликка эга бўлган йирик синтактик уктура саналишини таъкидлайди, мазмунан кетма-кетлилик характерига бўлган бирдан ортиқ содда ёки қўшма гаплар йиғиндиси эканлигини ирадi[2]. Лекин йирик асарга нисбатан синтактик структура тушунчаси рли қўлланмайди, яхлит асарнинг синтактик қурилиши матн синтаксиси алишида умуман таҳлил қилинмайди. Тилшуносликдаги янги йўналиш алмиш ***матн синтаксисида*** тилнинг энг катта синтактик бирлигини аккаб синтатик бутунлик (МСБ) доирасида чегаралаш маъқул топилди. бу чегара билан боғлиқ тушунчалар матн ва мураккаб синтатик бутунлик СБ) муносабати, МСБ ва унинг тузилиш хусусиятлари, матн ва мавзу, щ ва матн муносабати, мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши алаларида ўз аксини топди, ушбу масалалар атрофида турли ечимлар баён инди. Матнга бундай ёндашувнинг ўз сабаблари, назарий ва амалий триятлари бор.

1.1. Матннинг функционал-семантик турлари, уларнинг ўхшаш ва қли жиҳатлари

Иншо ёзиш ёки матн яратиш хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг яхлит кционал-семантик турлари ҳам, кичик мавзулар билан бир-биридан алиб турувчи абзацлари (МСБлари) ҳам ўз тузилиш хусусиятларига, таб таълими тили билан айтганда, таълим жараёнида қўлга киритиш м бўлган БКМларига эга.

Матн, ҳатто унинг жанр тури матн синтаксиси доирасида текширилмаса, г яққол кўриниб турадиган махсус таълимий бирликлари бевосита аён лайди, яъни ўзи ташкил топган гап турларига ишора қилмайди. Аммо сита таъсир этади. Масалан, ана шу бавосита таъсир туфайли тасвир-

---

ажонов А. Боғли нутқ тексти ҳақида // Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда ллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбек тили доимий анжумани Биринчи йиғини заларининг тезислари. – Самарқанд, 1991. – 70-бет.

ажонов А. Боғли нутқ тексти ҳақида // Номи кўрсатилган тўпламда, 70-бет.

матнда ишлатиладиган гап турлари ривоя-матнникидан муайян тафовутларга эга бўлади. Тасвир турғун (статик) ҳолатни, нарса ва ҳодисаларнинг белгиларини ифодалагани учун унда санаш оҳанги етакчилик қилади. «Тасвир»да ривожланувчи ҳаракат бўлмайди, ҳатто ҳаракатни ифодалаган сўзлар ҳам бу нутқ типида ўзига хос семантик функция бажаради. Матнда атрибутив конструкциялар кўп қўлланади, гаплар ўртасида асосан параллел алоқа юзага келади...»[1].

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, матннинг жанр турлари кўп жиҳатдан тил сатҳлари чегарасидан чиқиб, адабиёт дарслари билан боғланади. Она тили таълими мазмунида эса асосан абзац (МСБ) билан боғлиқ синтактик тушунчалар режалаштирилиши мумкин.

Маълумки, матн синтаксисига амал қилинганда, яхлит бир асар – матн ундаги кириш, асосий қисм, хулоса нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ушбу матннинг қисмлари – абзацлари (МСБлари) эса синтактик бирликлар нуқтаи назаридан текширилади. Чунки моҳиятан матн деганда бир неча томдан иборат ёзма асардан тортиб унинг энг кичик бўлаги – ўзаро боғланган икки ва ундан ортиқ гапгача, айрим ҳолларда эса яхлит матнда фикрий тугалликка эга бўлган, абзац кўринишида икки томондан хатбоши билан ажратилган бир гап назарда тутилиши мумкин. Ана шу ўзгаликка эътиборни қаратган тилшунос Р.Сайфуллаева матнни кенг ва тор маънода тушуниш лозимлиги ҳақида гапириб, буни қуйидагича изоҳлайди: «Бундай фаолиятнинг матн шаклида моддийлашгани» матннинг кенг маънода тушунилиши бўлса, «бир неча гаплардан иборат бўлиб, маълум бир фикрни ифодалашга хизмат киладиган нутқ парчаси»нинг назарда тутилиши[2] матнни тор маънода тушунишдир. Матнни кенг маънода тушунишда унинг ҳажм жиҳатдан катта-кичиклиги фарқланмайди, балки унинг «суҳбат нуткидаги оддий бир лукмадан кўп жилдли асар ҳажмигача бўлиши мумкинлиги» эътиборга олинади[3]. Демак, кенг маънодаги матннинг (бадиий, илмий-оммабоп, публицистик асарнинг) яхлит тузилиш хусусиятлари, фикр ифодалаш характери асар тури, нима қай тарзда баён этилаётганига боғлиқ.

Она тилидан яратилган аввалги дарсликларда иншо турлари юзасидан назарий маълумотлар берилар эди. Уларда ривоя-иншо экспозиция – тугун – кульминация – ечим тарзида, муҳокама-иншо эса тезис – далиллаш – хулоса тарзида тушунтирилган. Тасвир-иншо оддий тасвир ва бадиий тасвир турлари орқали баён этилган. Булар матнни кенг маънода тушунишдаги талқин саналади. Кенг маънодаги матннинг яхлит структура турлари (ривоя-матн, тасвир-матн, муҳокама-матн) ҳам тузилиш, ҳам мазмун жиҳатдан якунланганлигидаги ўзига хослик асосида ажратилади. Матннинг мазмунан якунланганлиги ривоя-матн ва муҳокама-матн мисолида яққол ажралиб туради. Шаклланган матннинг бу тарздаги мазмунан ва структуравий

---

[1] Хожалиев И. Она тили машғулотларида нутқ типларини ўргатишга доир // Ўзбек тили" доимий анжумани 1-йиғини материалларининг тезислари. – Самарқанд, 1991. – 144–145-бетлар.

[2] Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари // "Ўзбек тили" доимий анжумани тўртинчи йиғинининг тезислари. – Т.: 1997. – 12-бет.

[3] Ўша тўплам, 11-бет.

галланганлиги яхлит асар шаклида ўз ифодасини топади. Бундай таснифий ъулумотлар матннинг характерини тушунишга ёрдам беради, лекин лардан ***таълимий синтактик бирликлар, иншолардаги улар билан глиқ матний хатолар таснифи*** келиб чиқмайди. Бу эса таълимий дбирларни белгилаш ва режалаштириш ишини иложсиз қилиб қўяди. ситувчи ўқувчилар ёзган ижодий ёзма ишлар таҳлилида матний хатоларга тибор бермаслигининг асл сабаби ҳам шунда. Бундай ҳолат истиқлолдан гари ҳам амалда шундай бўлган, бугун ҳам шундай бўлиб қолмоқда. асалан, асарни ўқиган ва тузилишини (турини) яхши билиб олган ўқувчи да хатбошилар нима учун ва нималарга асосланиб ташлангани, нима учун зацлар ажратилганини билмай қолаверади, у гаплар бир-бири билан қандай глангани, қайси қоидаларга кўра бир асарда сўз такрори кўп қўллангани, шқасида сўз такрорига йўл қўйилмагани ва бошқа кўплаб масалаларни ганмайди, ўзи йўл қўяётган хатолар орасида матний хато турлари ҳам рлигидан, мукаммал асарга (матнга) қандай талаблар қўйилишидан хабар юраверади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, иншода кенг маънодаги (яхлит) матннинг арнинг) функционал-семантик турлари ҳақидаги маълумотларга осланиш икки хил ҳолат билан муаммо келтириб чиқаради:

1) уларда иншо ёзиш (матн яратиш) жараёнида матннинг (ёзма ишнинг) нкционал-семантик турлари, аталиши ва тузилиши билан боғлиқ муаммо ноаниқликлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат туфайли муайян қийинчиликлар ага келади;

2) матн синтаксисига доир таълимий бирликларни ажратиш ва ўргатиш конини бермайди.

Матнларнинг, жумладан иншоларнинг функционал-семантик турлари а тили ва адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида С.Долимов, С.Исматов, Раҳимова, Қ.Аҳмедов, Б.Турдиев, Й.Абдуллаев, А.Сайфуллаев ва бошқа имларнинг илмий-методик ишларида[1] аниқ ва равшан тасниф этилган ва рифлар берилган. Чунончи, уларда тасвир-иншо (тасвир-матн), ривоя-шо (ривоя ёки ҳикоя-матн), муҳокама-иншо (муҳокама-матн)ларнинг ўзига с хусусиятлари, ўзаро ўхшашлик жиҳатлари ва фарқлари батафсил тилган. Қуйида ана шу турларни дастлаб яхлит матн нуқтаи назаридан оим-айрим, лекин мухтасар тарзда кўриб чиқамиз.

Ривоя-матн. Мактаб она тили таълимида иншо турларидан ривояга та эътибор берилади. Афсуски, ривоя-иншо (ривоя-матн) кўпинча бадиий ар жанри ҳисобланмиш ***ҳикоя*** билан кориштирилади. Бундай чалкашлик годик адабиётларда ҳам мавжуд. Тилшунос олим А.Сайфуллаев «Иншо

Абдуллаев Й. Эркин темалардаги иншоларга тайёргарлик дарслари // Ўзбек мактабларида она тили ва биёт дарслари самарадорлигини ошириш. – Т., 1988. – 3–11-бетлар; Сайфуллаев А.Р. Иншо утказиш оди ҳақида // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш / Илмий олалар тўплами. – Т., 1990. – 8–20-бетлар; Сатторова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини ллантириш. 5-синфда она тили ўқитиш жараёнлари: Пед. фан. номзоди ... диссертацияси – Т., 1995, имов С. Таълимий баён ва иншо. – Т.: Ўқитувчи. 1961; Долимов У., Аъламова М., Аъзамова С. Иншо ва гантни қандай ёзиш керак: Олий ўқув юртларига кирувчилар учун. – Т.: 1991.

турлари» номли мақоласида[1] методист олимлар С.Долимов, А.Зуннунов, С.Исматов, Г.Раҳимовалар ривояга берган таърифларни ўзаро қиёслаш учун келтиради:

«Воқеа ёки бир-бири билан узвий боғланган ҳодиса ҳақидаги ҳикоя ривоя деб аталади» (С.Исматов).

«Ҳикоя шахслар иштирокида ифода этилган кичик воқеа ҳақидаги ривоядир» (А.Зуннунов).

«Қаҳрамоннинг турмушидаги воқеалар ва унинг ички кечинмалари ҳақидаги ҳикоя ривоя дейилади» (С.Долимов).

«Адабий асарда воқеликни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш ривоя дейилади» (Г.Раҳимова).

А.Зуннунов адабий жанр ҳисобланмиш ҳикояга таъриф бериб, уни ривоя деб тушунтиради. С.Долимов, С.Исматовлар ҳикояни ҳақли равишда *ҳикоя қилиш* маъносида қўллашса, Г.Раҳимова тўғридан-тўғри *сўзлаб бериш, баён этиш* ифодаларини ишлатади. Англаш мумкинки, ривоя адабий жанр ҳисобланмиш ҳикоя эмас. Лекин А.Сайфуллаев ҳам, методист олим Й.Абдуллаев ҳам[2] ривоянинг эмас, балки ҳикоянинг композицияси ҳақида сўз юритадилар. Й.Абдуллаев ҳатто ҳикоянинг тузилишини ривоя-иншо тузилиши ўрнида кўриб, чизма шаклида ҳикоя композициясини тасвирлайди. Аслида ривоя-иншо (ривоя-матн) бадиий асар эмас, балки ўқувчилар ёзадиган ижодий ёзма иш саналади. Гарчи топшириқ шартида ҳикоя ёзиш кўрсатилса ҳам, ёшлардан бадиий асар (ҳикоя) ёзиш талаб этилмайди ҳам, айниқса, қуйи синфларда бунинг ўрни эмас.

Тўғри, ривоя-матнларда бирор воқеа-ҳодиса ҳақида *ҳикоя қилинади*. Ўқувчи ҳам ўз иншосида шундай йўл тутади. Бу ўринда *ҳикоя қилиш* тушунчаси адабий асар жанри саналмиш ҳикояни англатмайди. *Ҳикоя қилмоқ* гапириб бермоқ, сўзлаб бермоқ, ривоя қилмоқ каби маъноларни билдиради. Ўқувчи ҳикоя қилади деганда унинг ҳикоя ёзиши тушунилмайди. Чунки ривоя-иншоларда (ривоя-матнларда) воқеанинг бошланиши, давом этиши ва тугаши ҳақида гапирилади. Баъзан воқеа тугалланмай қолиши ҳам мумкин. Лекин ҳикоя жанрига хос бадиий асарда бундай эмас: у экспозиция → тугун → кульминация → ечим изчиллигида бўлади. Турли муаллифларнинг ҳикоя композицияси ҳақида берган маълумотлари ва чизмаларида шу кейинги изчиллик асос қилиб олинади[3]. Ривоя-иншоларда ҳам ушбу таркибга амал қилинадими, йўқми, бу ҳақда махсус таъкидлар мавжуд эмас. Бизнингча, ривоя-матнда тугун ва кульминация ўрнида воқеа-ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг аталиши ва унинг баёни берилади, дейиш тўғри бўлади. Бошқача айтганда, воқеа маълум қилинади, тафсилотлари берилади, воқеанинг нима билан тугаши таъкидланади. Ҳикояда эса кўпинча тингловчини ёки китобхонни воқеани тушунишга тайёрлайдиган кириш (экспозиция) бўлади. Киришда воқеа содир бўлган пайт ва ўрин

---

[1] Сайфуллаев А. Иншо турлари // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари. – Т., 1977. – 7–8-бетлар.

[2] Абдуллаев Й. V синф ўқувчиларини ривоя иншога ўргатиш / Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари" тўпламида. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1977. – 14–15-бетлар.

[3] Абдуллаев Й. V синф ўқувчиларини ривоя иншога ўргатиш, 15-бет.

кўрсатилиши, иштирок этувчиларга қисқа характеристика берилиши мумкин[1]. Шуларни назарда тутган бўлса керак, М.Жўраев ривоянинг композициясини қуйидагича тушунтиради: «Ҳар бир иншо жанри устида ишлаётганда, унинг композицион жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатиш зарур. Чунончи, ривоя иншоларда бирор муддатда бўлиб ўтадиган у ёки бу ҳодиса ҳақида сўзланади, шунинг учун ривоянинг умумий схемаси қуйидаги тарзда бўлади: 1) ҳодисанинг бошланиши; 2) ҳодисанинг ривожланиши; 3) ҳодисанинг нихояси»[2].

Ўқувчи ёзадиган ривоя-иншо публицистика жанрларидан бири бўлган очеркка яқин туради. Очеркда публицистик мулоҳазалар устун туради. Ҳикояда бундай мулоҳазалар образлар воситасида баён этилади[3].

Методик адабиётларда ривояга хос лисоний хусусият сифатида унда пайт билдирувчи сўз ва сўз шаклларининг кўп ишлатилиши таъкидланади.

Муҳокама-матн. Иншо (матн)нинг ушбу тури таъриф билан тушунтиришни тақозо қилмайди, лекин ўқувчиларга ёзма ишда муҳокама эмас, мушоҳада устун туришини маълум қилиш фойдадан холи эмас. Муҳокама мантиқан баҳслашувчи тарафлар бўлишини тақозо этади. Мушоҳада бир кишининг фикр-ўйлари тарзида кечади. Муҳокама қилиш (мушоҳада юритиш) тезис орқали ифода этилган, илгари сурилган асосий масала атрофида мантиқий фикрлаш демакдир, бу вокеалар ва фактлар ўртасидаги сабаб-натижа муносабатларини кўрсатишдир.

Муҳокама-иншо (муҳокама-матн)нинг композицияси турлича талқин қилинса-да, моҳияти ўзгармайди. Масалан, у тезис → аргументлаш – хулосадан иборат дейиладими ёки, Й.Абдуллаев тушунтирганидек, муҳокама иншонинг чизмаси кириш → тезис → асосий қисм (тезисни асослаш) → хулоса кўринишида бўладими, фарқ катта эмас. Муаллифнинг фикрича, тезис кўпинча иншонинг кириш қисми ролини бажаради, асосий қисм – тезисни асослаш эса бир неча далиллардан иборат бўлади[4]. Олим А.Сайфуллаев муҳокама-иншонинг композициясини кенгроқ ва аниқроқ қилиб шундай тушунтиради: «Муҳокамада унинг қандай тузилишда бўлишидан қатъий назар (дедуктив, индуктив ёки индуктив-дедуктив), одатда уч қисм бўлади: а) тезис – исбот этиладиган асосий фикр берилган қисм; б) исбот этувчи қисм; в) хулоса қисм. Бошқача айтганда, муҳокама тезис, исбот, хулосадан иборат бўлади[5].

Муҳокама-матннинг асосий қисмида *биринчидан, иккинчидан, фикримча, менимча, бизнингча, шунинг учун, чунки* каби кириш сўз ва боғловчилар, хулоса қисмида *хуллас, шундай қилиб, шундай экан, демак* каби кириш сўз ва кириш бирикмаларидан фойдаланилади. Лекин бундай иншонинг ўзига хослигига ишора қилувчи ушбу тил хусусиятлари матн синтаксиси ҳақида сўз юритиш учун етарли эмас.

---

[1] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 8-бет.

[2] Жўраев М. IV–VII синфларда ўқувчилар иншосининг турлари // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. – 80-бет.

[3] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 9-бет.

[4] Абдуллаев Й. Эркин темалардаги иншоларга тайёргарлик дарслари, 7-бет.

[5] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 11-бет

Тасвир-матн. Методик адабиётларда, юқорида айтганимиздек, бундай матнларнинг оддий тасвир ва бадиий тасвир турлари кўрсатилади. Тасвир-матнлар тасвир объектига қараб икки хил бўлиши мумкин. Агар табиат, атроф-муҳит тасвирланаётган бўлса, пейзаж-матнлар, инсон тасвирланса, портрет-матнлар ёки тавсиф-матнлар ажратилади. Умуман, тасвир-матнга қуйидаги каби таърифлар берилган:

Воқеа-ҳодисаларнинг кўриниши, предмет белгиларининг боғлиқ ҳолда ифодаланиши тасвир деб юритилади[1].

Методист Г.Раҳимова таърифига кўра, ёзувчи баён этишнинг бу усули билан воқеларни ҳикоя қилмайди, балки воқеа бўлаётган жой, вазият ёки атрофдаги шароит билан таништиради, иштирок этувчи шахсларнинг ташки қиёфасини тасвирлайди ёки уларга характеристика беради[2].

Бадиий тасвир – ифодада субъективлик, образлилик, лирик элементлар устун келадиган тасвирдир[3]. Бундай тасвир расмий тасвирдан кескин фарқ қилади. А,Сайфуллаевнинг таърифлашича. расмий тасвир – бу предмет асосий белгиларининг атамалари, унинг хоссалари ҳақида тушунча берадиган тасвирдир. Бунда аниқлик, мантиқий изчиллик муҳимдир[4].

Бадиий тасвир учун образлилик, лирик элементлар бўлиши, ифодада субьективлик характерлидир, унда воқеа-ходисалар хам ҳаккоиий ёркин акс эттирилади. Тасвир илмий ишларда мушоҳада билан узвий боғлиқ бўлади. Бадиий асарларда эса кўпроқ ривоя таркибида берилади, масалан, ёзувчи табиатни тасвирлаш орқали китобхонларни келажакда бўладиган воқеаларга тайёрлайди.

Бадиий асарларда кўпинча асар қаҳрамони ёки асар тўқимасига янги кириб келган шахс ёхуд воқеа содир бўлган ўрин-жой, бирор буюм тасвирланади ва. Масалан:

Мана, октябрь ойи ҳам охирлаб қолди. Машина терими тугай деб турибди. Ҳарна бўлса озроқ териб олай, деб далага чиқсам, ***машинам жойида турибди. Бечорани бирам чанг босибдики, кимдир бўр билан ёнига "Колхозимизнинг собиқ механизатори фалончи мавсумда бир ҳафта далага чиқиб, шу машинада пахта терган" деб ёзиб кетибди.*** *Жуда алам қилди(С.Аҳмад.)*

Берилган парчада тасвир ривоянинг ичида келган. Асар қаҳрамонининг машинаси тасвирланган.

Тасвирда баъзан деталлар тасвири устун туради, баъзан эса умумий таассуротни тасвирлашга кўп эътибор берилади.

Тасвир-матнда жараён ёритилса, бундай баён ривояга ўхшашлик касб этали. Ҳаракат ва жараёнлар (масалан, расм чизиш жараёнининг тасвири) ривояга ўхшайди, лекин у тасвирдир. Фарқи шундаки, ривояда жараён шахс ҳаракати билан боғланиб, аник нисбатдаги феъл шакллари асосида ҳикоя

---

[1] Сайфуллаев А.Р. IV–VI синфларда иншо ўтказиш // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1983. – 3-бет.

[2] Сайфуллаев А.Р. IV–VI синфларда иншо ўтказиш, 4-бет.

[3] Сайфуллаев А.Р. IV–VI синфларда иншо ўтказиш, 4-бет.

[4] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 10-бет.

қилинса, тасвирда кўпинча мажҳул нисбат қўлланади. Масалан, дорини ичиш тартиби, дамлама тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни ва ҳ.к.

Тилшунос олим А.Сайфуллаев яхлит тасвир-матн композициясини (бошқа манбаларда бу ҳақда деярли гапирилмайди) ундаги компонентлар сифатида қуйидагича кўрсатади: а) предмет, шахс, воқеанинг умумий характеристикаси ифодаланган қисм; б) иншо объектининг характеристикасини тасдиклайдиган, умумий таассуротни очиб берадиган қисм[1]. Амалга оширилган таҳлиллар бунинг ҳақиқатга якин эканлигини тасдиклайди. Шунга таянган ҳолда тасвир композициясини матннинг бошқа функционал турлари композициясига монанд ўзга тарзда таснифлаш ҳам мумкин: ***экспозиция (тасвир предмети ёки объектини маълум қилиш); асосий қисм (тасвирлаш), хулоса***. Лекин хулоса аксарият тасвирларда келтирилмаслиги ҳам кузатилади.

Пейзаж-матнларда, умуман, тасвир-матнларда кўпроқ ўрин-жой муносабатини ифодаловчи сўзлар (*ўнгда, чапда, тепада, пастда, орқада, кираверишда* каби) ва сўз бирикмалари (*уйнинг орқасида, биринчи қаватда, ҳар томондан, бу ерда, ўша жойда* каби) ишлатилса, портрет-матнларда инсон тавсифига оид сўзлардан (ёши, бўйи, ҳолати, ташқи кўринишига оид) фойдаланилади. Тасвир-матнларда кесимлар равиш, сифат, от туркумига оид сўзлар билан ифодаланган бўлади. Афсуски, матнда юқоридаги каби сўзлардан фойдаланиш ҳақида ҳосил қилинадиган бу тушунча – билим тасвирда гапларнинг ўзаро боғланиш усуллари, тема-рематик боғланиш табиатини очиб бермайди.

Тасвир-матн соф ҳолда кам учрайди. Бадиий асарда тасвирлар кўпинча абзац аввалида келади, камдан-кам ҳолатда абзацни ифода этади. Мисолларга мурожаат этайлик.

Яйпан кўчалари кенг, лапкаси, отўйини бор, толларда бедана, кўча бўйи ва бозорбошидаги дўконларда каклик сайрайдиган обод қишлоқ эди. Қудаш кўчалари тор ва эгри-бугри, биронта дўкон бўлмаса ҳам кўзимга Яйпандан яхшироқ кўринди. Йўл бўйидаги деворсиз, девори қулаган, нураган боғлар, қингир-қийшиқ уйларни қучоқлаб ётган чорбоғлар қийғос гулга кирган, бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшарди. Кулала юриб кетаётган аравaнинг орқасидан сакраб тушди... (А.Қаҳҳор).

Ушбу абзацда тасвирга ривоя уланиб кетган. Лекин тасвир учала композицион қисмга эга. *«Яйпан кўчалари кенг, лапкаси, отўйини бор, толларда бедана, кўча бўйи ва бозорбошидаги дўконларда каклик сайрайдиган обод қишлоқ эди»* гапи экспозицияни эслатса, *«Йўл бўйидаги деворсиз, девори қулаган, нураган боғлар, қингир-қийшиқ уйларни қучоқлаб ётган чорбоғлар қийғос гулга кирган, бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшарди»* гапининг охирги қисми *(бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшарди)* хулосага ишора қилади.

Қуйидаги парчада эса тасвир алоҳида абзац сифатида ажратилган:

---

[1] Сайфуллаев А.Р. Иншо ўтказиш методи ҳақида // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиет дарслари самарадорлигини ошириш: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1990. – 14-бет.

Карвон сарой дарвозасининг чап томонида айвонлик янги дўкон, унинг олдидан ўтадиган анҳор устига тахта қоқилган; дарвозанинг ўнг томони – саройдан қайрилиб чиқадиган анҳор устига ҳам одамнинг белидай келадиган баландликда каттакон тахта сўри қилинган. Буларнинг ҳаммасига еттисаккизта азамат тол соя солиб турар эди. (А.Қаҳҳор).

Хуллас, учала функционал-семантик турдаги иншоларнинг ўзига хослигига ишора қилувчи юқорида ўз ўрнида айтиб ўтилган тил ҳодисалари матн синтаксиси билан боғлиқ тушунчалар ҳакида сўз юритиш учун етарли асос бера олмайди. Бу ўринда хатбошилар, абзацлар, мустақил гаплар ва абзацларнинг ўзаро боғланиш усуллари, боғланиш воситалари ва бошқалар, яъни матн синтаксиси билан боғлиқ жиҳатлар таълимий бирликлар сифатида ажралиб турмайди.

Шуни ҳам эслатиш керакки, 8-синф «Ona tili» дарслигида иншо турлари иккига бўлиб (маълумотнома матни, ижодий-тавсифий матн)[1] тушунтирилади. Маълумотнома ҳам, тавсиф ҳам иш қоғозларига хос матнлар саналади. Биринчисида воқеа-ҳодиса ёки мавжуд ҳолат ҳақида оддий ва аниқ ахборот бериш, иккинчисида «вокеа-ҳодиса, нарса ёки шахснинг тасвири ёки хабар, маълумотнинг ижодий тавсифий баёни» кўзда тутилади. Маълумотнома матнининг ижодий-тавсифий матндан фарқи кейингисида ижодий хусусият борлиги билан изоҳланади.

Иншо сифатида шакллантириладиган ёзма ишлар – матнларнинг функционал-семантик тури, шубҳасиз, кичик-кичик қисмлардан (абзацлар ёки МСБлардан) ташкил топади. Табиийки, ривоя-матндаги абзацлар ривоялаш композициясини ўзида ифода этса, тасвир-матнларда тасвирлаш, муҳокама-матнларда тезиснинг бирор жиҳатини асослаш, мушоҳада юритиш характеридаги қисмлар композициясини мужассамлаштиради. Бошқача айтганда, иншо қисмлари яхлит иншо композициясига яқин тарзда тузилади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, МСБ (абзац) мисолида матн тури композициясини кузатиш мумкин. Аёнки, абзац (МСБ) матн синтаксиси доирасидаги матний тушунчаларга доир таълимий тадбирларни режалаштириш имконини беради.

1.2. Матн таркибидаги МСБлар (абзацлар)нинг тузилиш хусусиятлари

Тилшуносликда яхлит матн таркибидаги ҳар бир МСБ ўзининг бошлама, асосий қисм ва хотима каби ташкилий қисмларига эга бўлиши таъкидланади. Бу ердаги бошлама абзацда кириш (ёки экспозиция, тезис, фикр предметининг маълум қилиниши) характерида яхлит матннинг функционал-семантик турига хос композиция элементини касб этади ва шу билан унга яқинлашади. МСБ кичик (миниатюра) характерда бўлади.

МСБда баъзан ушбу ҳар учала ташкилий қисм тўлиқ бўлмаслиги, аниқроғи, хулоса келтирилмаслиги ҳам мумкин. Буни қуйидаги мисолда кўрамиз:

---

[1] Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. Ona tili. 8- sinf o'qituvchi metodik qo'llanmasi. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 15-bet.

Яна ҳаммасини қайтадан бошлаш керак. Янгитдан экиш-тикиш керак. Барига чидайсан, курашасан. Раис бўлганингдан кейин ўзинг сафнинг энг бошида бўлишинг, ибрат кўрсатишинг керак. Оҳ-воҳларга берилсанг – тамом, ҳамма сенга ишончини йўқотади. Одамларни бир зум чалғитишга ҳаққинг йўқ. Барининг гам-ташвишига шериксан, кўнглини кўтариб, яна ишга шайсан. Мажлислар ўтказасан, минбарга чиқиб, жўшиб гапирасан, маслаҳат сўрайсан... (Жонрид Абдуллахонов).

Бу парчада биринчи гап – бошлама. У орқали нутқий вазият маълум килиняпти. Буни экспозиция деб ҳам аташ мумкин. Иккинчи – саккизинчи гаплар асосий қисмни ташкил этади. Хулоса келтирилмаган.

Баъзан биринчи МСБнинг хулосаси иккинчи МСБнинг бошлама қисми сифатида келтирилади. Бундай ҳолатда кейинги МСБнинг бошлама қисмида олмош ишлатилади.

Низомжоннинг кўпдан бери энди илиқ сўз эшитиши эди. Қайга борса, оёғининг тагидан бирон фалокат чиқиб туради. Ҳали оқ-қорани дурустгина танимаган йигитча бу қийинчиликлар, виждон изтироблари олдида савдойидек каловлаб, тақдирнинг аёвсиз ўйинидан гаранг бўлиб қоларди. Ўз уйига сиғмаган, жигарлари бағридан жой тополмаган Низомжон бу нотаниш кишининг уйига сиғармикан?

У минг хил хаёллар билан кичкинагина тугунчадан иборат бисотини қўлтиқлаб Икромжоннинг орқасидан ташқарига чиқди. Низомжонни чинакамига безгак тутган эди.У қоронғида нотаниш киши орқасидан бораркан, икки тиззасида мадор қолмаганидан юраётганга эмас, судралаётганга ўхшарди.(С.А)

Юқорида берилган мисолда биринчи МСБнинг хулоса қисмидаги *Низомжон* сўзи ўрнида иккинчи МСБнинг бошламасида *у* кишилик олмоши қўлланган.

Таркибий қисмлар матннинг функционал турларининг ҳар бирида ўзига хос экан, абзацлар (МСБлар) ҳам шу қоидага бўйсунади. Умумий ўрта таълим мактабларида МСБнинг ташкилий қисмлари ҳакида маълумот берганда бошлама, асосий қисм, хулоса атамаларидан фойдаланиш максадга мувофиқдир. Шундай қилинганда ўқувчи матннинг умумий тузилишидан (кириш, асосий қисм, хулоса) МСБнинг ташкилий қисмларидаги муштараклик ва тафовутни осон англаб етади.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, матннинг тузилишида икки хил ҳолат кузатилади:

1) яхлит матн функционал турининг умумий тузилишига хос ташкилий қисмлар;

2) ушбу функционал турдаги матн қисмлари саналмиш абзацларга (МСБларга) хос ташкилий қисмлар.

Умумий ўрта таълим мактабларида абзацнинг (МСБнинг) ташкилий қисмлари ҳақида маълумот берганда бошлама, асосий қисм, хулоса атамаларидан фойдаланиш мумкин. Лекин таснифни яхлит матннинг функционал-семантик турига хос элементлар билан мувофиқлаштириш тўғрирок бўлади. Масалан:

1-жадвал

Матннинг функционал-семантик турига хос композицион қурилиш

Матннинг функционал тури	Кенг маънодаги матннинг умумий ташкилий тузилиши	Абзацга (МСБга) хос ташкилий тузилиш
Ривоя-матн	Воқеанинг бошланиши, давом этиши, (тугаши)	Воқеанинг бошланиши – асосий қисм (воқеанинг ривожи) – воқеанинг нима билан тугаши
Тасвир-матн	Шахс, предмет, ўрин-жойни маълум қилиш, уни тасвирлаш – (хулоса)	Предмет, шахс, воқеани маълум қилиш – асосий қисм (тасвирлаш) – хулоса
Муҳокама матн	Тезис – далиллаш – хулоса	Тезис – асосий қисм (асослаш ва далиллаш) – хулоса

Иккинчи ҳолат матн синтаксиси элементларини таълим бирликлари сифатида ажратиб ўрганиш учун қулай саналади. Шунга кўра ҳам мактабда ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш нуқтаи назаридан кенг маънодаги матн турларининг тузилиш хусусиятларини ўрганиш нечоғлик аҳамиятли бўлса, ***тор маънодаги матн тузилишини*** ўрганиш ҳам шунчалик, балки ундан ҳам зиёд аҳамиятлидир. Чунки яхлит матнга хос функционал-семантик тузилиш хусусиятлари унинг қисмларида (абзацларида) мавжуд бўлиб, ҳам мазмуний ва структурал тузилиш хусусиятларини, ҳам ички ўзига хосликларини ўзида мужассамлаштиради.

Тор маънодаги матнга асарнинг қисмлари – абзацлар (МСБлар) нуқтаи назаридан қаралгани маъқул. Ушбу гапдан катта, кенг маънодаги матндан кичик, унинг бир парчаси, қисми саналмиш синтактик бирликлар ўзаро боғланган мустақил гаплардан тузилиб, бу боғланишлар, матннинг бирор функционал-семантик турига нисбатан айтганда, бир қадар муштаракликка, муайян қолипга эга. Бошқача айтганда, абзацда (МСБда) мустақил гапларнинг боғланиши лингвистик ва мантиқий аснода умумий қонуниятларга бўйсунади. Ана шу қонуниятлар гапдан катта синтактик бирликни (масалан, мураккаб синтактик бутунлик ёки абзацни) ажратиш учун асос бўлади.

Абзац кенг маънодаги матн таркибида унинг бир кисмини ифодаловчи тор маънодаги кичик матн (подтекст), у тилшуносликда мураккаб синтактик бирлик (бутунлик) деб ҳам юритилади. А.М.Пешковский бу мураккаб синтактик бирликни "абзац" деб атаб, унга шундай таъриф беради: «Асл адабий нуткда (сўзлашув нутқида эмас) мураккаб бутунликдан ҳам йирикроқ бирлик бор. Бу бир хатбошидан иккинчисигача бўлган мураккаб бутунликлар бирикмасидир. Афсуски, ушбу бирлик учун синтактик атама мавжуд эмас, шунинг учун биз бу ерда типографик (бунинг устига чет тилдаги) "абзац"

атамасидан фойдаланишга мажбурмиз"[1]. А.А.Булаховский А.М.Пешковскийнинг жумладан катта бирликнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб, унинг синтактик характердаги аниқ аломатлари (хатбоши) борлигига такроран эътиборни қаратади[2].

Профессор Н.С.Поспелов жумладан катта бирликни бирмунча кенгроқ таърифлаб, «... боғланишли нутқнинг синтактик бирлиги содда ёки қўшма гап эмас, балки боғланишли нутқ контекстидан ажратиб олинганда ҳам ўзининг синтактик жиҳатдан мустақиллик ва тугалланганлик хусусиятларини сақлаб қолувчи мураккаб синтактик бутунлик» эканлигини таъкидлайди[3]. Фикрни бир гап билан ифодалаб бўлмаганда, шу фикрни тўла очиб берувчи бир неча гап орқали ифода этиладики, бу гаплар абзацни ҳосил қилади.

Ўзбек тилшунослигида А.Мамажонов биринчи бўлиб «йирик синтактик бирликлар» ҳақида мақола ёзди[4]. И.Расулов мураккаб синтактик бутунлик[5], М.Тўхсонов микротекст[6] атамаларини маъқул кўрдилар. М.Ирискулов бу атамаларнинг барчасини бирлаштириб, бир мавзу билан боғланган гап ёки гаплар йиғиндиси деб умумлаштиришни таклиф этди. У тилнинг энг катта бирлиги учун ҳам «матн» атамасини ишлатди[7]. Тўғри, бир абзацга тенг келадиган матнлар ҳам бор. Хуллас, матн нечоғлик катта бўлмасин, МСБлардан (МСБ абзацга тенг келган ҳолатларда абзацлардан) ёки бир МСБдан тузилади, яъни матн яратиш жараёнида гаплар МСБларга бирлаштириб борилади.

Тилшунос олима Л.М.Лосева мустақил гаплар ўртасидаги боғланиш турлари ҳақида фикр юритиб, МСБга қуйидагича тавсиф беради: «МСБ – тасвирланаётган предметнинг бирор жиҳатини тавсифловчи, матн таркибида ўзаро контакт ва дистант йўл билан боғланган гаплар гуруҳини ифода этадиган бир қадар узунроқ синтактик бирликдир»[8]. Шундан келиб чиқиб олима МСБни стилистик-синтактик категория деб талқин қилади. Унинг таъкидлашича, нутқ оқимидаги гаплар мавзу, тузилиш ва оҳанг жиҳатдан гуруҳланиб, бирлашиб, алоҳида синтактик бирлик – мураккаб синтактик бутунликни ҳосил қилади[9].

Кўриниб турибдики, мустақил гапларнинг ўзаро боғланиш йўллари ҳақида гапирганда гапдан катта синтактик бирлик сифатида бир бутун (яхлит) матн эмас, балки бевосита МСБ (МСБ абзацга тенг келган ҳолатларда абзац) олингани маъқул. МСБларнинг ўзаро боғланиши ҳақида фикр юритгандагина бир неча МСБ яхлит матн таркибида кўрилиши мақсадга

---

[1] Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М.: Госучпедизд. 1938 – С. 410.

[2] Булаховский Л.А. Курс русского литературного языка: Издание 4-е, перераб. – Киев: Радьянска школа. 1949. – С. 367.

[3] Поспелов Н.С. Сложное синтаксическое целое и основные особенности его структуры // Доклады и сообщения института русского языка. – М.-Л., 1948. Вып. 2. – С. 68.

[4] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – Б. 62-66.

[5] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1 – Б. 22-26.

[6] Тухсонов М. Микротекст как система средств выражения когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. ... канд. филол. наук. – Т., 1987. – 24 с.

[7] Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика ин-тлари талабаларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.

[8] Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. – С. 61.

[9] Лосева Л.М. Номи курсатилган китоб, 4-бет.

мувофиқдир. И.Расулов тўғри таъкидлаганидек, «МСБ таркибидаги гапларнинг фикран ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг контакт ёки дистант бўлиши ана шу хусусиятларнинг МСБ элементи сифатида ўрганилишини тақозо этади, чунки нутқ оқимидан ажратиб олинган гапларнинг фикран мустақиллиги нисбий»[1] бўлиб, фикр гапга қараганда МСБда тўлиқроқ ифодаланади.

Матнда МСБ таркибидан ўз мавзувий мустақиллиги билан ажралиб турадиган гаплар ҳам бўлади. «Коммуникатив кучли гап (яъни ўзидан олдинги контекстга тобелик излари мавжуд бўлмаган шундай гап) нуктаи назаридан ёндашиб муфассал таҳлил қилинган матн шуни кўрсатдики, матн ўзаро боғланган гаплар гуруҳидан ва айрим коммуникатив кучли (тобеланмаган) гаплардан иборат бўлади»[2]. Демак, айрим ҳолатларда ўзидан олдинги гапларга боғлиқлик жойи бўлмаган ёлғиз бир гапнинг ўзи ҳам МСБ бўла олиши мумкин. Бундай гап хатбошидан ёзилади, ўзидан кейин келадиган гап ҳам янги сатрдан бошланади. Масалан:

...Бу уйдан мачитга эшикча, чорвоқчага эшик қўйилган. Чорвоқча катта бўлмаса ҳам, икки туп олча, бир туп шафтоли, икки кунда узум, бир-икки туп қизил гул бор экан.

Ҳаммамизнинг ҳам хурсандлигимиз чексиз эди.

Ўрнашиб олдик. Дўконга ўт солинди. (А.Қаҳҳор).

«Ҳаммамизнинг ҳам хурсандлигимиз чексиз эди» гапи ўзидан олдинги абзацга, унинг бирор гапига тобе эмас, ўзича мустақил. Шунинг учун у ўзидан олдинги ва кейинги хатбошилар билан ажратилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, матн ёзма нутққа хос деб ҳисобланса, МСБлар ҳам ёзма нутққа мансуб деган фикр туғилиши мумкин. Лекин оғзаки нутқни кузатадиган бўлсак, фикр баён қилиш жараёнида ҳам МСБлар ажралиб туради, бунда юқорида айтиб ўтилган боғланиш йўллари қаторида икки МСБ орасида қилинадиган бирмунча узунроқ тўхтамлар (пауза) муҳим ўрин тутади.

И.Расулов МСБ чегарасини белгилашда ритмик-интонацион бутунликнинг ҳам ўрни борлигини таъкидлайди: ... «бир МСБ иккинчисидан гаплар орасидаги паузага қараганда чўзиқроқ пауза билан ажратилади»[3]. А.Мамажонов эса «пауза йирик синтактик бирликларнинг ўзаро бир-бири билан чегарасини белгилашда муҳим роль ўйнайди" деб ҳисоблайди[4].

Матннинг муҳим хусусияти унинг бирор катта мавзуни кичик мавзуларигача бир бутун ҳолда акс эттиришидир. Матнни ташкил этувчи барча мустақил гаплар ана шу яхлит мавзуни ифодалаш учун хизмат қилади. Айни пайтда матндаги бир бутун мавзу бир неча кичик мавзуларга бўлиниши ҳам мумкин. Бу кичик мавзуларнинг ҳар бири тугалланган фикрни ифода этиб, ўзаро боғланган бир неча гапдан иборат АБЗАЦ(МСБ) кўринишида

---

[1] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1. – 23-бет.

[2] Капинос В.И. Развитие речи: теория и практика обучения: 5–7-е кл.: Кн. для учителя /В.ИМ.Капинос, Н.Н.Сергеева, М.С.Соловейчик. – М.: Просвещение, 1991. – С. 32.

[3] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1. – 24-бет.

[4] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – 63-бет.

бўлади. Бошқача айтганда, яхлит матн кичик мавзулар миқдорига кўра баъзан битта, баъзан эса бир неча абзацдан ташкил топган бўлиши мумкин. Абзацларнинг чегараси бир кичик мавзуда акс этган фикр тугалланиб, иккинчи кичик мавзуда акс этган фикр бошланган жойда бўлиб, хатбоши билан ажратилади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Қуйидаги матн бир мавзуни акс эттириб, бир абзац (МСБ)га тенг келади:

Меҳригиё гули

Бола – онанинг дил лоласи. У дунёга келиб она сийнасига лаби тегади ва онага муҳаббат ҳисси ана шу покиза оқ сут билан танага сингиб, жон билан қўшилади, куч-қувват, ақл-фаросат, меҳр-муҳаббат, умр ва лаззат ато этади. Она ва бола муҳаббати бир умр сўнмайди. Бу меҳригиё гули сўнгги нафасгача қалбда сўлмайди (Т.Расулов).

Парча она-бола меҳри ҳақида бўлиб, 4та мустақил гап ана шу мавзу асосида бир-бири билан ўзаро боғланади. Ҳар тўртала гап орасида ички – мантиқий боғланиш мавжуд. Чунки уларнинг ҳар бирида она ва бола ўртасидаги муносабат хусусида сўз боради.

Бир неча МСБни ўз ичига олган матнга мисол келтирамиз:

Ўғил болалар кўп сергайрат бўлишади-да. Сайёра эрталаб спорт майдончасига борганда, улар қаердандир шланг топиб, майдончага сув сепишаётган эди.

Иккала отряднинг футболчилари ҳам йиғилган эди.Сайёранинг футболчилари қизил майка, Қодирнинг отрядидагилар кўк майка кийиб олган.Футболчилар машққа киришиб кетган эдилар...

Ўйинни кўриш учун бошқа отряд ўқувчилари ҳам келмоқда, майдонча гавжумлашиб, шов-шувга тўлиб борарди...(О.Ё.)

Бу матндаги умумий ёки бош мавзу футбол ўйинига тайёргарликдир. Бош мавзу 3 кичик мавзуга бўлинади. Уларнинг ҳар бири алоҳида синтактик бутунликда ўз ифодасини топган бўлиб, биринчи кичик мавзу болаларнинг сергайратлик фазилати ҳақидадир. Иккинчиси ўйинчиларнинг ташки кўринишини, учинчи кичик мавзу эса ўйин майдонини тасвирлашга бағишланган. Демак, уч мураккаб синтактик бутунликдан ташкил топган бу матнда 3 кичик мавзунинг чегараси аниқ кўринади.

Шундай қилиб, МСБ чегарасини аниқлашда, юқорида кўрсатилган барча белгиларни эътироф этган ҳолда, кичик мавзулар асосий кўрсаткич ҳисобланади, деб айтиш мумкин.

«Она тили» ўқув фанидан яратилган дастлабки давлат таълим стандартида МСБ тушунчасини 9-синфда ўрганиш мўлжалланган. Лекин бу тушунча амалдаги «Ona tili» дарсликларидан ўрин олгани йўқ. Шунинг учун бошланғич синфлардан бошлаб танишиладиган абзац атамасидан фойдаланиш зарурияти туғилади. Аммо шу ўринда МСБ билан абзацнинг ўхшаш ва фарқли томонлари устида тўхталиб, унга ойдинлик киритиб кетиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тилшуносликда ҳам, методика илмида ҳам абзац атамаси икки хил маънода тушунилади ва қўлланилади:

1. Хатбоши, сатр боши.

2. Иккита хатбоши орасидаги матн, аникроғи, бир хатбошидан бошқа хатбошигача бўлган ёзма ёки босма матн бўлаги бўлиб, одатда жумладан катта бирлик ёки унинг бир қисмидан, баъзан бир содда ёки қўшма гапдан ташкил топган бўлади[1].

Бир катор олимлар МСБ билан абзац кўп ҳолларда бир-бирига тенг келади деган тўхтамда ҳамфикрдирлар[2]. Бунда улар абзац хатбоши эмас, бир хатбошидан иккинчи хатбошигача бўлган қисм – МСБни назарда тутадилар. М.Ҳакимов юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда абзацни матн категорияси сифатида ўрганишни таклиф этади ва шундай килинганда унинг мазмун томони ҳам, мантиқий боғланиш асоси ҳам, ундаги боғлама воситалар ҳам кўзга яққол ташланадики, бу бевосита абзацнинг лингвистик томонлари ҳам борлигини кўрсатади, деб асослайди[3].

Л.М.Лосева абзацни матндаги мантиқий яхлит қисмларни ёзувда ифодалашга хизмат киладиган семантик-услубий категория деб талқин килади. У ёзма нутқда гапларни абзацга ажратиш заруриятини келтириб чикарадиган қуйидаги учта асосий сабабни кўрсатади, биринчидан, ахборотнинг янгилиги – МСБнинг бошланиши, иккинчидан, яхлит матн миқёсида бу ахборотнинг муҳимлиги, учинчидан, бир гапдаги фикр билан аввалги гапда ифодаланган фикрнинг бир-бирига мантиқий мос келмаслиги туфайли бошқа янги ахборотларни бундан кейин тақдим этиш имкониятининг йўқлиги[4].

Бу фикрларни қуйидаги матн мисолида шарҳлаймиз:

Аъзамжон фронтдан қайтаману, уч-тўрт ой қишлоқда медалларимни жаранглатиб юраман, деб ўйлаган эди. Хаёлида бутун қишлоқ томга чиқиб уни кутиб турибди. Бири қўлига сув қуйган, бири сочиқ тутган...

Ундоқ бўлмади. Хотин тепа тунини тескари кийиб, уйига келмади. Ота эр-хотин ўртасига Қора ботир бўлиб тушди. Опаси икковини гиж-гижлашдан бўшамади (С.Аҳмад).

Биринчидан, дастлабки МСБда Аъзамжоннинг келгуси ҳаёти ҳакидаги орзулари баён қилинган бўлса, иккинчи МСБдан реал ҳаётда юз берган воқеалар тўғрисидаги ахборот ўрин олган. Иккинчидан, кейинги МСБда баён килинган ахборот ўзининг муҳимлиги билан характерланади. Учинчидан, биринчи МСБ таркибидаги охирги гап билан кейинги МСБ таркибидаги биринчи гапдаги фикрлар мантиқан бир-бирига зид ҳисобланади. Шунинг учун абзац ажратилади.

---

[1] Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1985. – С. 11..

[2] Фигуровский И.А. Синтаксис целого текста и ученические письменные работы. М.: Учпедгиз, 1961. – 172 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981. – 140 с.; Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. – 94 с.; Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати: Филол. студ., тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун (махсус ред. Ш.Рахматуллаев). – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 144 б.; Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – Б. 62–66.; Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1. – Б. 22–26.

[3] Ҳожиев А. Номи кўрсатилган луғат, 62-б.

[4] Лосева Л.М. Номи кўрсатилган методик қўлланма, 86-б.

ALISHER
TOSH
AXBOROT-RESURS MARKAZI
33870

Тилшунос олимларнинг таъкидлашларича, абзацнинг семантик ёки синтактик бирлик сифатида қатъий белгилари аниқланмаганлиги сабабли «исталган гап, исталган сўз, исталган МСБ абзацга ажратилиши мумкин»[1]. Лекин ушбу фикр мустақил гапларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларига зид келгани учун уни қабул қилиш муаммоли ҳисобланади.

Абзацлардаги (МСБлардаги) биринчи гапнинг семантик жиҳатлари ҳақида гап кетганда, уларнинг чегарасини аниқлашда, Л.М.Лосеванинг фикрича, фақат маъновий белгиларига асосланиш тўғри бўлмайди, бундай ҳолатларда лексик-грамматик белгилар ҳал қилувчи роль ўйнайди[2]. У ёзади: «Шундай қилиб, МСБлар чегараси улар туташган жойда гаплараро алоқанинг заифлашувида, шунингдек, МСБдаги дастлабки гапларнинг мазмунан ташкил этилишида, лексик жиҳатдан тўлдирилиши ва синтактик структурасида намоён бўлади»[3].

МСБлар орасида ҳам, улар таркибидаги гаплар орасида ҳам мазмуний ва грамматик боғланиш бўлади. Мазмуний боғланишни гаплар мисолида яққол кўриш мумкин, лекин уни МСБларда ҳам кўриш қийин эмас. Ана шу боғланиш орқали кенг маънода матннинг таркибидаги МСБларнинг умумий логик (мантиқий) бутунлиги таъминланади.

М.Тўхсоновнинг фикрича ҳам, «барча гаплар учун хос бўлган ягона мазмун, яъни муштарак ғоя МСБнинг мазмуний яхлитлиги деб қаралади»[4]. Бундай яхлитлик МСБни ташкил этувчи гаплар орасидаги ташқи-грамматик боғланиш орқали ҳам намоён бўлади.

Абзац кичик бир мавзу доирасида бирлашган, мазмунан, шаклан ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, фикрий тугалликка эга бўлган ҳамда мантиқий изчиликка асосланган гаплар бирикмасидан иборат синтактик бирликдир. Шундай экан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга матн тузилишини ўргатиш юзасидан бериладиган билимлар силсиласида абзац (аниқроғи, МСБ) марказий ўрин тутмоғи мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолатда иккинчи абзацнинг биринчи гапида икки абзацни ўзаро боғловчи лексик-грамматик восита мавжуд бўлиши мумкин. Лекин бу восита шу вазифани бажара оладиган бўлиши керак. Масалан, аввалги абзацда айтилганлардан келиб чиқиб кейинги абзацнинг биринчи гапини олдингисига боғлаш иши «Хўш» сўзини ишлатиш тарзида амалга оширилади: *Хўш, шунча машаққат, меҳнат, жасорат билан эришилган Ватанни қадрламаймизми,...* (Яна риторик сўроқ гап ва унга жавоб «албатта» сўзидан бошланади.)

Адабиётларда абзацнинг ўзига хос ташқи – лексик-грамматик белгилари ҳам бор деб кўрсатилади. Агар ёнма-ён келган иккита абзацдан кейингисини бошловчи гапда олмош аввалги абзацга тааллуқли гапдаги от ўрнида қўлланган бўлса, кейинги бўлакни алоҳида абзац сифатида ажратиб

---

[1] Лосева Л.М. Ўша қўлланма, 85-б.
[2] Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. – С. 60.
[3] Лосева Л.М. Номи кўрсатилган қўлланма, 64-бет.
[4] Тўхсонов М. Микротекст ва унинг коммуникатив яхлитлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1990. – N 5. – Б. 66-67.

бўлмайди, деган фикрлар ҳам мавжуд. Акс ҳолда матний деб аталмиш хатога йўл қўйилади.

МСБ (абзац) гапдан катта, яхлит матндан кичик синтактик бирлик сифатида ўхшаш, айни пайтда ўзига хос композицион тузилишга эга. Тилшунослар МСБ қуйидаги 3 қисмдан иборат бўлишини таъкидлайдилар: бошлама (зачин), асосий қисм, хулоса[1].

Фикр баён қилиш жараёнида катта мавзуни кичик мавзуларга (абзацларга) бўлиш, кичик мавзунинг биринчи гапини кандай мазмунда бошлаш кераклиги ўқувчилар ёзма нутқининг заиф нуктаси ҳисобланади, чунки бу борада уларга тайинли маълумотлар (қоидалар) берилмайди, бу ҳакда ўқитувчининг ҳам конкрет тасаввури йўқ.

МСБ(абзац)даги биринчи гап бошлама ҳисобланиб, МСБни ташкил килувчи синтактик марказ вазифасини бажаради. А.Мамажонов тўғри таъкидлаганидек, «йирик синтактик бирликларнинг структурал курилишида асосий ролни кўпинча биринчи гап ўйнайди"[2]. Бошламада асосий фикр ифодаланганлиги сабабли, у МСБда энг мустакил, энг муҳим ўрин тутган гап хисобланади. Янги фикр айтиш вазифаси бошлама таркибида олмош ёки олмошли бирикмалар каби алмаштириб қўлланувчи сўзларнинг бўлишига ёки бошлама тўликсиз гап шаклида бўлишига йўл қўймайди[3].

Бошлама гап (ёки абзацнинг биринчи гапи, ёхуд гаплари) кўпинча тўлиқ гап кўринишида бўлади. Лекин бошламанинг мустақиллиги ҳам нисбийдир. Чунки унда айтилган фикр кейинги гапларда давом эттирилиб, ривожлантирилиб, ойдинлаштириб борилади.

Асосий қисм ўзаро бир-бири билан, шунингдек, бошлама билан боғланган бир неча гапдан иборат бўлади. Унда олмошлар, равишлар, тенг ва эргаштирувчи боғловчилар, кўмакчи ва кўмакчили бирикмалар, кириш сўз ва кириш бирикмалар, икки нукта, хуллас, гапни гапга боғловчи барча лексик ва грамматик воситалар иштирок этади. Бошлама гапсиз бу воситаларнинг вазифаси тушунарсиз бўлиб қолади.

МСБнинг охирги – хотима қисми юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, хулоса ясайди. Якуний гапда умумлаштирувчи сўзлар, кириш сўз ва кириш бирикмалар (пировардида, ахийри, ниҳоят, демак, шундай қилиб, бир сўз билан айтганда, хулоса шуки, хулоса қилиб айтганда, хуллас, қиссадан ҳисса, кискаси каби) қатнашади. Асосий қисмдаги гапларда феъллар маълум бир замон шаклида ишлатилган бўлса, хулосада бу шакл ўзгариши – бошқа замонда қўлланиши мумкин.

Хулоса қисм бир ёки бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин. Қуйидаги матнни таҳлил қилайлик:

---

[1] Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. – 94 с.; Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – Б. 62–66.; Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1. – Б. 22–26; Талибов А.А. Совершенствование монологической речи студентов национального педвуза в связи с изучением элементов стилистики.: Канд. дис. – Душанбе, 1983. – 191 с.; Рогожникова Р.П. Сложное синтаксическое целое, его структура и типы // Русский язык в национальной школе. – 1973. – N 1. – С. 53–57.

[2] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – 64-бет.

[3] Величко Л.И. Работа над текстом на уроках русского языка: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1983. – 128

Ф о р о б и й

Шом шаҳри мадрасаларидан бирида арабшунос олимларнинг йиғилиши давом этарди. Раислик қилувчи ёш бир йигитчага сўз берди. У араб тили шевасининг товуш хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Маъруза жиддий баҳсга сабаб бўлди. Охирида барча тилшунос олимлар бу йигитни араб тили донишманди деб тан олдилар. Бу толиби илм қомусий билим соҳиби, машҳур файласуф, шоир, адабиётшунос ва мусиқашунос Абу Наср Форобий эди. "Форобий 70 тилни биларди",- деган нақл ўшандан қолган эди (Ҳ.Ҳамидовдан).

Битта МСБдан иборат ушбу матнда биринчи гап – бошлама. Унда мадрасалардан бирида тилшунос олимларнинг йиғилиши бўлаётгани ҳақида умумий (асосий) фикр билдирилган. 2-6-гаплар асосий қисмни ташкил этади. Улардан дастлабки 4тасида (2-5) бошламадаги фикр давом эттирилади, умуман маъруза қилган тилшунос олим ҳақидаги фикр аниқлаштирилиб, унинг зукколиги ва донишмандлиги ҳақидаги фикрга келинади.

Асосий қисм таркибидаги 6-гап китобхонни хулосага тайёрлайди. Бу гапда ҳамманинг таҳсинига сазовор бўлган нотаниш йигитнинг кимлиги маълум қилинади. Охирги – 7-гап хулосадир. Матнда ифода этилган умумий фикр ана шу гапда якунланади.

Шундай қилиб, МСБлар муайян ташкилий кўринишга эга бўлиб. улар мазмунан бир-бири билан ўзаро боғланади. Ташкилий жиҳатдан тўғри шакллантирилган МСБда ҳар учала кисм мавжуд булади.

1.3. МСБда (абзацда) мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши (кетма-кет ва параллел боғланиш, тема-рематик боғланиш)

Яхлит матн таркибидаги абзацлар ҳам, абзацни ташкил этган гаплар ҳам ўзаро боғланган бўлади. Бу боғланиш ***кетма-кет (занжир) ва параллел боғланиш, узилишсиз (контакт) ва узилишли (дистант) боғланиш*** тарзида амалга ошади. Контакт ва дистант боғланиш занжир боғланиш кўринишларини ифода этади. Бир бутун матнни шакллантиришда занжир боғланишнинг ҳар икки усули – контакт ва дистант боғланиш муҳим роль ўйнайди. Улар матннинг таркибий қисмлари орасидаги мазмунан ва структуравий бир бутунликни таъминлайди. Таркибидаги гаплари занжир боғланган абзацлар аксарият ҳолатларда кетма-кетликда келиб, узилишсиз (контакт) алоқани ифода этади. Лекин уч абзацнинг учинчиси биринчиси билан матнтиқан дистант алоқада (учинчи абзац иккинчи абзац билан боғланмаган ҳолда) келиши ҳам мумкин.

Тилшуносликда абзацларни ўзаро контакт ва дистант боғловчи тил воситалари махсус ўрганилмаган.

Абзац (МСБ)да гаплар кетма-кет (занжир) усулда боғланадими ёки параллел бирикадими, аввало, бу боғланишда мантиқийлик мавжуд бўлиши лозим. Абзац (МСБ) таркибидаги икки ва ундан ортиқ гапнинг кетма-кет (занжир) боғланиш усуллари кўп.

Матндаги ташқи боғланиш воситалари методик адабиётларда турлича тасниф қилинади, жумладан:

1) умумий боғловчи воситалар (боғловчилар, юкламалар, кириш сўз ва киритма бирикмалар, олмошлар ва олмошли бирикмалар, феъл-кесимнинг замон ва майл бирлиги, синоним ва матний синонимлар); улар қўшма гапнинг қисмларини боғлаш билан бирга матндаги мустақил гапларни ўзаро боғлаш учун ҳам хизмат қилади;

2) хусусий боғловчи воситалар (бир гап доирасида ўзининг маъносини тўла очиб бера олмайдиган сўз ва сўз бирикмалари; сўз такрори; бир составли ва икки составли содда йиғиқ гаплар; алоҳида сўроқ ва ундов гаплар...(улар факат матндаги мустақил гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат килади)[1]

Тилшунос олим В.Г.Гак бундай боғланишни икки турга бўлади:

1) синтактик-грамматик боғланиш воситалари (сўз тартиби, боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар, грамматик замон шакллари ва б.);

2) лексик воситалар (мавзуга оид сўзлар ва такрорий номланиш ҳодисаси)[2].

Юкорида келтирилган таснифлардан келиб чиқиб, бизнингча, МСБдаги мустакил гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қиладиган воситаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) лексик (сўз такрори ва матний маънодошлар); 2) лексик-грамматик (олмошлар, равишлар, ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи бирикмалар, боғловчилар, кўмакчилар, кириш сўзлар); 3) синтактик (сўз тартиби, бир хил тузилишга эга бўлган гаплар ва киритма гаплар, интонация) воситалар.

Ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган тенг боғловчилар (*ва, аммо, лекин, бироқ*), эргаштирувчи боғловчилар (*чунки, негаки*, кўмакчили курилмалар - *шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли*) матнда уюшиқ бўлакларни, қўшма гап қисмларини боғлашдан ташқари, мустақил гапларни ўзаро боғлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: *Тол устида порлаб турган лампочкадан ерга ола-була ёруғлик тушарди. Лекин шундай бўлса ҳам бу ерда бемалол хат ўқиш мумкин эди* (С.Назар). Келтирилган мисолда икки мустақил гап *лекин* зидлов боғловчиси орқали ўзаро боғланган.

Хулоса қилиб айтганда, занжир боғланишни таъминловчи хилма-хил воситалар: сўз такрори, лексик ва матний синонимлар, олмошлар, ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи равишли, олмошли, кўмакчили бирикмаларнинг бари ягона мақсад – боғланишли нутқда гаплараро синтактик муносабатни ифодалашга хизмат қилади.

И.Расулов ҳукм компонентларининг такрорланиб бир томонлама ривожланаётган лоғик бутунликка бирлашишини тизма боғланиш деб атайди[3] ва фикрнинг ривожланиши қуйидагиларни такозо қилади деб кўрсатади: а) эганинг такрорланишини; б) кесимнинг такрорланишини.

---

[1] Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. – С. 15.

[2] Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка: Синтаксис. (Для ин-тов и фак. иностр. яз.) – М.: Высшая школа, 1981. – 208 с.

Салимов Ғ. Ўзбек тилида такрорий номланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – 26-бет.

[3] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. – N 1. – 25-бет.

Шунингдек, у МСБ компонентларининг тизма боғланиши кейинги йилларда ўрганилиши тобора кенг тус олаётган гапнинг актуал бўлинишига мос келади[1] деб таъкидлайди. Чунки гапнинг актуал бўлиниши назарияси гапни унда ифода қилинаётган фикр билан боғлаб ўрганишни кўзда тутади. Мана шу асосда гапда тема ва рема ажратилади[2].

Занжир (тизма) боғланиш гапларнинг ўзаро боғланишидаги кенг таркалган тури бўлиб, барча услубларда кўлланади. Бундай унумли кўлланишнинг сабаби шундаки, занжир боғланиш фикрлаш қобилиятининг ўзига хослигига, фикрий изчилликка мос келади. Инсон тафаккури нутк орқали реаллашар экан, фикрнинг кетма-кет, бир текисда ривожланиши нутқда занжир боғланиш ёрдамида ўзининг зоҳирий ифодасини топади. Шунинг учун баён қилишнинг барча турлари – тасвир, ривоя, айниқса, муҳокама-матнларда занжир боғланиш усулидан кенг фойдаланилади.

Матнда гаплар ўзаро ***тенг, яъни параллел муносабатда боғланиши*** ҳам мумкин. Бунда улар бир-бирига кетма-кетлик асосида бирикмай, ҳар бир гап мустақил равишда марказий – бошлама гапга тўғридан-тўғри боғланади. Бошламадан кейинги гаплар грамматик жиҳатдан кўпинча бир хил шаклга эга бўлади. Занжир боғланишда ҳар бир гап ўзидан олдинги ва кейинги гапнинг зарурлигини тақозо килса, параллел боғланишда гаплар уюшиқ бўлаклар каби ўзаро тенг муносабат асосида жойлашиб, бир-бирини тақозо килмаслиги мумкин. Санаш ёки рақамламаган холдаги санаш асосидаги таснифдагина барча гаплар кўпинча бир-бирини тўлдириб, бир-бирини тақозо этади. Бундай гапларни ўзаро боғлашда биринчидан, иккинчидан, учинчидан каби кириш сўзлар кўлланиши мумкин. Умуман, параллел боғланишда тенг боғловчилар, икки нуқта, анафора, эпифора шаклидаги сўз такрорларидан, кўмакчили бирикмалар ва бошқа ўрин-жой ифодаловчи воситалар, шунингдек, ритмик оҳангдан фойдаланилади. Буни қуйидаги матн мисолида кўриш мумкин:

Айвонда босма гулли бўз кўрпа ёпинган пасттаккина танчада қизлар ўтирарди. Улар тўртта эди: ундан-бундан гунгур-гунгур гаплашиб, бирови тепалик, бирови жияк, бирови гардиш тикиш билан мушғул. Улар кўнгилларида чайқалган хавасларига бовар, юксак, завқларга хос нозик нусхаларни, кўркам нақшларни бир-биридан ўзишиб тикар эдилар.

Ушбу МСБда гаплар параллел боғланган. Кейинги икки гапнинг эгаси (улар) кишилик олмоши билан ифодаланган. Ушбу иккала гап ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиб, бошлама гапга бир хил муносабат асосида боғланади. От-кесимда ҳам, феъл-кесимда ҳам *эди* тўлиқсиз феъли иштирок этади. Ниҳоят, ритмик оҳанг ҳам бу гапларни ўзаро боғлайди. Бундай боғланиш тилшуносликда структурал параллелизм деб номланади. Структурал параллелизм ўхшашлик ва такрорга асосланиб, кўшма гаплар кисмлари бирлиги ҳамда мураккаб синтактик бутунлик қисмлари занжирини ҳосил қилишда муҳим ўрин тутади.

---

[1] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик,25-бет.
[2] Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик, 26-бет.

На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё бор! (Н.) *Ҳамма ҳайрон, ҳамма Кулалага ваҳима билан қарар эди (А.Қаҳҳор).*

Кетма-кет (занжир) боғланиш баъзан параллел боғланишга ўхшаб кетади. Масалан, биринчи гапдаги эганинг иккинчи гапда олмош билан алмашиниши, учинчи, тўртинчи ва ҳоказо гапларда тушириб қолдирилиши кетма-кет боғланиш деб баҳоланса, аслида кесимлар уюшиб келаётган деб ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолатларда навбатдаги кесимлар бир эга – иш-ҳаракат бажарувчисининг кейинги иш-ҳаракатларини кўрсатиб келаётгандай бўлади, бинобарин улар уюшган кесим-гаплар деб аталиши ҳам мумкин: *Шифокор тез ёрдам машинасидан тушди. У уй эгаси йўл бошлаган хонага кирди. Беморнинг олдига борди. Каравотнинг бир четига ўтирди...*

Ушбу гаплар кетма-кет боғланган: уларнинг ўрнини параллел боғланишда бўлгани каби алмаштириб бўлмайди.

Уюшиқ гапларнинг ўзаро боғланиши ҳақида тушунча

Гапда уюшиқ бўлакларнинг ўрнини алмаштириш мумкин, аммо уюшиқ гапларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди, чунки бажарилаётган иш-ҳаракатларнинг содир бўлиши мантиқий кетма-кетликка эга. Шунга кўра бундай гаплар иш-ҳаракатнинг бажарувчиси битта бўлган гаплар гуруҳи деб аталиши мумкин. Уюшиқ гапларнинг биринчисида эга мавжуд бўлади, иккинчи гапда кўпинча от билан ифодаланган эга олмош билан алмаштирилади, кейинги гапларда у тушиб қолади, лекин улардаги иш-ҳаракатнинг бажарувчиси биринчи гапдаги эга эканлиги мантиқан билиниб туради.

Эгаси битта бўлган гаплар якунида умумлаштирувчи гап келиши мумкин. Масалан: *Шифокор тез ёрдам машинасидан тушди. У уй эгаси йўл бошлаган хонага кирди. Беморнинг олдига борди. Каравотнинг бир четига ўтирди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини ортиқча такаллуфларсиз бажарди.*

Охирги гап эгани сақлаган ҳолда шакллантирилиши мумкин (*Шифокор Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини ортиқча такаллуфларсиз бажарди)*, шунингдек, гап мажҳул оборотга айлантирилиши ҳам мумкин (*Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ортиқча такаллуфларсиз бажарилди)*.

Хуллас, МСБнинг семантик-грамматик қурилишида мустақил гапларнинг мазмуний боғланиши мавжуд бўлиб, бу боғланиш кетма-кет (занжир) боғланиш, параллел боғланиш тарзида амалга ошади.

Занжир боғланиш асосида тузилган МСБда фақат ёнма-ён турган гаплар эмас, балки бир-биридан маълум масофада жойлашган гаплар ҳам мазмунан ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланади. Тилшуносликка оид ва методик адабиётларда боғланишнинг кейинги тури узилишли боғланиш деб ҳам кўрсатилади[1]. Узилишли боғланишда синтактик бутунлик қисмлари ўзаро тенг муносабатда жойлашмайди. Улар «боғланган ёки эргашган кўшма гап

---

[1] Рогожникова Р.П. Сложное синтаксическое целое, его структура и типы // Русский язык в национальной школе. – 1973. – N 1. – С. 53–57; Анисимов Г.А. Изучение межфразовых связей // Русский язык в национальной школе. – 1976. – N 4. – С. 25–30; Мурина Л.А. К вопросу о повышении культуры русской речи учащихся белорусских школ (Некоторые замечания о системе упражнений) // Вопросы преподавания русского языка в школе с белорусским языком обучения // Сб. науч. Ст.. – Минск, 1973. – С. 61–68.

қисмлари каби" муносабатга киришиб, структуравий ва интонацион жиҳатдан боғланмаган бўлса-да, мазмун жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилади[1].

Айтилган фикрлар нуқтаи назаридан қуйидаги мисолни таҳлил қилиб кўрамиз:

1. Уч кундан сўнг Шоқосим тиланчиликдан қутулди. 2. Йўлчи уни бир жувозкаш майда бойга хизматкорликка – унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштирди. 3. Бу жувозкашдан Йўлчи ўз хўжайинининг сигир-бузоқлари учун баъзи вақт кунжара олиб, у билан таниш бўлган эди. 4. У тодда, камтарин одам кўринар эди. 5. У текин хизматкор қидирар эди. 6. Шунинг учун Йўлчининг илтимосига дарров кўниб, шарт бўйича Шоқосимга овқат, ётиш учун жувозхона олдидан бир хужра берди. 7. Агар Шоқосим иш билан ўзини ёқтирса хўжайини ўз билгича "чойчақа" ҳам бериб туради. 8. Шоқосим бу нарсани бир мурувват каби севина-севина қабул қилди (Ойбек).

Матн 8 та гапдан ташкил топган бўлиб, улар кишилик ва кўрсатиш олмошлари, эргаштирувчи боғловчи, сўз такрори (*агар*), феълнинг бир хил шакллари (аник ўтган замон ва ўтган замон давом феъллари) орқали контакт қамда дистант йўл билан ўзаро боғланган. Биринчи ва иккинчи гап контакт боғланган (*Шоқосим – уни*), иккинчи ва учинчи гаплар ҳам контакт боғланган (*жувозкаш майда бойга – бу жувозкашдан*; *Йўлчи – Йўлчи*), тўртинчи гап ҳам учинчи гап билан контакт боғланган (*жувозкашдан – у*), лекин бу гап иккинчи гап билан дистант боғланган (*жувозкаш майда бойга – у*), тўртинчи ва бешинчи гаплар бир хил структуравий тузилишга эгалиги сабабли ўзаро тенг муносабатда (*У кўринар эди, у... қидирарди*). *Шунинг учун* эргаштирувчи боғловчиси ёрдамида олтинчи гап бешинчи гап билан контакт, биринчи гап билан сабаб-натижа муносабати орқали дистант боғланган (*Шоқосим тиланчиликдан қутулди – чунки Шоқосимга овқат, ётиш учун... хужра берди*), еттинчи гап олтинчи гап билан *ҳам* кўмакчиси орқали контакт боғланган. Биринчи гап билан (олтинчи гап каби) дистант боғланган (*Шоқосим тиланчиликдан қутулди – хўжайини "чойчақа" ҳам бериб туради*), охирги – саккининчи гап еттинчи гап билан контакт боғланган (*"чойчақа" – бу нарса*), олтинчи гап билан эса дистант боғланган (*овқат, ётиш учун хужра – бу нарса*).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, контакт боғланишга нисбатан дистант боғланиш бир мунча мураккаб бўлиб, уни ифодаловчи воситалар ҳам хилма-хилдир.

Хулоса қилиб айтганда, занжир боғланишни таъминловчи хилма-хил воситалар: сўз такрори, лексик ва матний синонимлар, олмошлар, ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи равишли, олмошли, кўмакчили бирикмаларнинг бари ягона мақсад – боғланишли нутқда гапларо синтактик муносабатни ифодалашга хизмат қилади.

---

[1] Рогожникова Р.П. Сложное синтаксическое целое, его структура и типы, С. 55–56

Тема-рематик боғланиш

Матннинг коммуникатив яхлитлиги МСБларда маълум мавзунинг янги мавзу билан, МСБдаги ёнма-ён турган гапларда маълум хабарнинг янги фикр билан алмашиб, бойиб, ойдинланиб боришида ўз ифодасини топади. Бунда таниш (дастлабки) хабар **тема**, янги хабар **рема** деб аталади. Навбатдаги хабар учун эса аввалги **рема** (янги хабар) **тема**га (таниш хабарга) айланади. Масалан:

Анвар Шаҳидбек билан Маҳдумнинг сўзларига қарши мажҳул бир вазиятда бош қимирлатиб супага қайтди. Уларнинг чиқиб кетишларини кутиб тургандек ички эшикдан Раъно кўринди... (А.Қодирий)

Биринчи гапда *Анвар* – тема, *Шаҳидбек билан Маҳдумнинг* – рема. Иккинчи гап учун *Шаҳидбек билан Маҳдумнинг* – тема, иккинчи гапдаги *уларнинг* – рема, ушбу рема шу гапдаги *Раъно* сўзи учун –тема, *Раъно* эса ремадир.

Шу тарика МСБ ичида «тема-рематик силжиш, яъни занжир ҳосил бўлади»[1]. Бундай занжир МСБлар орасида ҳам бўлади.

Матнни ташкил этувчи МСБлар ва мустақил гаплар фақат мазмунан эмас, балки ташқи-грамматик жиҳатдан ҳам ўзаро боғланади. М.Ирискулов бу воситаларни тема ва рема нуқтаи назаридан тасниф этади. Унинг фикрича, рема қуйидаги воситалар билан ифодаланади:

– сўз тартиби (инверсия);
– мантиқий урғу;
– юкламалар;
– баъзи синтактик структуралар.

Темани ифода этувчи воситалар:

– олмошлар (баъзи турлари);
– ўрин ва пайт маъноларини синсемантик равишда ифодаловчи сўзлар;
– баъзи кириш сўз ва иборалар;
– сўз ва гап тартиблари;
– матн ғояси билан узвий боғланган етакчи сўзларнинг қайта-қайта такрорланиши;
– синонимик қаторга кирувчи синонимлардан матннинг асосий ғоясига мос келадиганини танлаш;
- грамматик замонларнинг қўлланиши[2].

МСБнинг биринчи гапи таянч гап бўлиб, ундаги мантиқий урғу тушган бўлак эса МСБ учун умумий ва муҳим ҳисобланади. Занжирнинг охирги бўғини эса фикрнинг тугалланишини (мавзунинг якунланишини) кўрсатади. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

... Анвар Раънони шу ҳолда кўриб, супа ёнидаги очилган гуллар устида тўхтади. Раъно келар экан, ўпкалик кўз билан Анварга кулимсираб қарар эди. Келиб супа лабида турган бўш лаганларга тақилди.(А.Қодирий)

---

[1] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – 61-бет.
[2] Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика ин-тлари талабаларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 146-бет.

Анварнинг Шаҳидбек билан Маҳдумни кузатиб қайтиши ва Раънонинг ички эшикдан кириб келиши ҳақидаги фикрларнинг тугалланганлиги охирги гапда – занжирнинг охирги бўғинида ўз ифодасини топади: *Келиб супа лабида турган бўш лаганларга тақилди.*

Тема-рематик силжиш контакт ва дистант[1] ёки узилишли[2] тарзда амалга оширилган занжир ёки кетма-кет боғланишда ҳам, параллел боғланишда ҳам кузатилади. М.Тўхсонов бундай боғланишларнинг қуйидаги 4 хили нуткда кенг қўлланилишини таъкидлайди:

1) МСБ таркибидаги гаплар темасининг янгиланиб бориши; ушбу модель темани ифодаловчи гап бўлаги ёки бўлакларининг алмашиниб, такрорланиб келиши воситасида шаклланади[3]. Буни чизмада қуйидагича ифодалаш мумкин:

Т 1 → Р 1 Т 2 → Р 2 Т 3 → Р 3 Т 4 → Р 4

2) МСБ таркибидаги барча гаплар учун ягона тема хос[4] бўлади. Бундай моделнинг чизмаси қуйидагича ифодаланади:

Т 1 ----- Р 1 Т 1 ----- Р 2 Т 1 ----- Р 3 Т 1 ----- Р 4 ва ҳоказо.

Буни бошқача кўрсатиш ҳам мумкин:



Масалан:

1. Шу суҳбатдан кейин Ҳакимжонда мингбошига нисбатан бир қараш туғилди. 2. У қарашда ихлос ва ҳурматдан бошқа ҳамма нарса бор эди. 3. Бу қарашни ўша кечаси мингбоши ётгани кириб кетгандан кейин Ҳакимжон меҳмоннинг ўзига ҳам бир оз изҳор қилди.(Чўлпон.)

3) МСБ таркибидаги биринчи гапнинг темаси кенг қўламли бўлиб, бирор умумий воқеа-ҳодисани билдиради. Кейинги гаплар шу воқеа-ҳодисанинг муайян бир жиҳатини аниқлаб, конкретлаштириб акс эттиради. Аммо бу гапларнинг барчаси ягона мавзуни ифодалашга хизмат қилади ва шунинг учун ҳам ўзаро тенг, яъни параллел равишда боғланади. Р.П.Рогожникова МСБ таркибидаги мазмунан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам ўзаро боғланмаган бундай гапларни автосемантик гаплар деб атайди[5]. Бундай боғланиш моделининг чизмаси қуйидагича кўринишда бўлади:

Т 1 → Р 1
Т 1 → Р 2
Т 1 → Р 3
Т 1 → Р 4

Масалан:

---

[1] Лосева Л.М. Как строится текст: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980 – 94 с.
[2] Рогожникова Р.П. Сложное синтаксическое целое, его структура и типы, С. 9.
[3] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – 68-бет.
[4] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар, 61-бет.
[5] Рогожникова Р.П. Сложное синтаксическое целое, его структура и типы, С. 54.

Шомдан бир оз эртароқ эди. Майин бир шамол супа атрофидаги гулларни эринибгина қимирлатар ва қимирлатишдан райҳонларнинг ўткир иси ўқтин-ўқтин димоққа урилар эди. Ўн икки, ўн уч кунлик ой кўкнинг шарқи-жанубий қисмидан туссизгина бўлиб кўтарилиб келмоқда, қуёш ботган сайин унинг чеҳраси ҳар замон очилиб бормоқда эди. Шаҳар подаси қайтиб, теваракдан сигир ва бузоқларнинг ма-аа-му-у-улари, қўзичоқ ва қўйларнинг ба-а-а-а-бу-у-у-улари эшитилиб турар эди. (А.Қодирий)

Тема-рематик боғланишнинг 1-тури кетма-кет (занжир) боғланишни, 2–3-турлари биринчи гапга параллел боғланган гаплар боғланишини ифода этади.

Кўплаб кузатишлар ўзбек адиблари ижодида коммуникатив силжишнинг яна бир модели кенг қўлланилишини кўрсатди. Бу модель схемага солинмаган бўлса-да, тилшуносликда эътироф этилган. Ушбу моделга кўра МСБ таркибидаги биринчи гапда қўлланган эга иккинчи гапда тушириб қолдирилиши мумкин. Умуман, бундай усулда иккинчи гапда эганинг яширинши ёки биринчи таянч гапда қўлланган бирор бўлакнинг кейинги гапда грамматик жиҳатдан иштирок этмаслиги кузатилади. Бундай йўл билан ҳам занжир боғланиш амалга оширилади.

Мисолларга мурожаат қилайлик:

Имом домла келгандан сўнг, кўп ўтмасдан, мингбоши мачитдан чикди. Отига отланиб туриб элликбоши билан бир-икки оғиз гаплашди. Аминга ва бошқа элликбошиларга сипо қараши билан бир қараб қўйиб, яна дарҳол йўлга тушди.(Чўлпон)

Биринчи гапнинг эгаси – *мингбоши* – кейинги гапларда иштирок этмайди. Аммо кейинги гапларнинг мазмунидан уларнинг эгаси – *мингбоши* – яширингани маълум бўлиб туради.

Юкорида амалга оширилган талкинлардан маълум бўладики, матн хатбоши, абзац (ёки ундан йирикроқ, баъзан кичикроқ. ёҳуд унга тенг синтактик бирлик бўлмиш МСБ), мавзу (катта мавзу, кичик мавзу), мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши, кичик мавзуларнинг ҳар бири гапдан кўра тугалроқ фикр англатиши каби тушунчалар, яъни матннинг функционал-семантик турлари ҳақидаги маълумотлар қамраб ола олмайдиган билимлар билан тавсифланади. Ушбу лингвистик асослар ўқувчилар ёзган ижодий иншолар, яратган матнларни улардаги матний хатолар, буларга қўшимча равишда ёзма ишнинг ташкилий жиҳатлари (сарлавҳа, эпиграф, режа, тиниш белгилари) нуктаи назаридан таҳлил қилиш имконини беради.

Ўқувчилар томонидан ёзилаётган ижодий ёзма ишлардаги матний хатоларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, бундай хатоларни бартараф этиш она тили дарсларида ёзма нутқни ўстиришнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланиши лозим. Бу борада самарали иш турлари акс этган йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш учун ҳам, энг аввало, матннинг тузилиш хусусиятлари, матнни яратиш конуниятлари тўғрисида мухтасар маълумотга эга бўлиш керак. Ушбу қонуниятлар ҳақидаги аксар амалий эгалланадиган назарий билимлар ўқувчиларга 5–9-синфлар мобайнида нималарни ўргатиб бориш зарурлигини белгилаб олиш имконини беради, ёзилаётган

иншоларнинг таркиб жиҳатдан (расмийлаштириш қоидалари, матн синтаксиси талаблари нуктаи назаридан) тўғрилиги ва мазмундорлигига муносиб баҳо бериш учун асос вазифасини бажара олади. Умуман, иншога асар нуктаи назаридан ёндашилса, адабий тил қонун-қоидаларидан келиб чиқиш зарур бўлади. Г.С.Коляденконинг тавсифига кўра, «…меъёрланган нутқ қуйидаги жиддий сифатларга эга бўлиши керак: тўғрилик, аниклик, ёрқинлик, софлик, мантиқийлик, ифодалилик (таъсирчанлик), ўринлилик, мақсадга мувофиқлик[1].

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ижодий ёзма ишда гаплар шунчаки кетма-кет жойлаштирилмайди, балки аста ойдинлашиб борадиган фикрлар муайян изчилликда ўзаро боғланган жумлалар воситасида баён этилади, гуруҳларга бирлаштирилиб, хатбошилар тарзида кўзга яққол кўриниб турадиган ҳолда ёзилади. Шундай экан, бугунги кунда мактаб она тили дарсларида матн синтаксисига оид қайси унсурлар ўргатиляпти-ю, қайси жиҳатлари ўргатилмаяпти деган ҳақли савол туғилиши табиий. Шубҳасиз, саволга жавоб бериш учун , энг аввало, ушбу унсурларнинг ўзини англаш имкони мавжуд бўлган тилшуносликка доир адабиётлардан, ўқувчилар йўл қўяётган матний хатоларнинг келиб чиқиш сабабларидан топиш мумкин. Шундай йўл тутилмаса, олинган маълумотлардан таълимий тадбирларда фойдаланилмаса, аниқки, она тили дарсларида иншони машқ қилдириш жараёни орқали матний билимлардан нималардир интуитив англаниши, кашф қилинишига умид боғлаш ўқувчиларни узоқ ва машаққатли йўл гирдобида қолдиришга сабаб бўлади.

Зеро, ўқувчилар она тили дарсларида олган билимлари, хосил қилган кўникма ва малакаларини матн яратишда қўллай билмаслик ҳам уларнинг ёзадиган ижодий ёзма ишларидаги матний хатоларни пайкамаслик ва уларни ўз вақтида қўшимча билимлар ёрдамида тузатиб бормасликдек методик нуқсонларга олиб келади.

Юқорида кўрсатилган мулоҳазаларга кўра ушбу қўлланманинг навбатдаги иккинчи боби тўлиғича ўқувчилар йўл қўядиган матний хатолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ёритишга бағишланади.

---

[1] Коляденко Г.С., Сенкевич М.П. Развитие речи с элементами стилистики: Учебное пособие для учащихся нац.пед.училищ РСФСР. – Л.: Просвещение, 1981. – С. 14.

II БОБ.
ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ЁЗМА ИШДА ЙЎЛ ҚЎЯДИГАН МАТНИЙ ХАТОЛАР, БУ ХАТОЛАРНИНГ ТАБИАТИ

Она тилини ўқитиш методикаси илмида таълим мазмунини тизимли курс тариқасида босқичли-кетма-кетлилик тамойили асосида белгилаш анъанага айланган усул саналади. Бундай таълим мазмунида матн синтаксисига доир билим мундарижаси ва кўламини тайин этиш иши кўп жиҳатдан 5–9-синфлар мобайнида ўтиладиган мавзулар берадиган имкониятларга бевосита боғлиқ бўлади. Лекин бу тариқа белгиланадиган таълим мазмуни матн тузилиши ҳакида кай кўламда ва қай даражада маълумот бера олиши тасодифий ва ноаниқ бўлиб колаверади. Чунки бу усулда ўқувчиларнинг ижодий ёзма ишлар ёзиш чоғидагина пайдо бўладиган эҳтиёжларини назарда тутишнинг сира ҳам иложи бўлмайди: Ўтиладиган назарий маълумотлар берадиган имкониятлар таълим босқичи нуқтаи назаридан ҳам, зарурлиги нуқтаи назаридан ҳам ўқувчиларнинг эътиёжи туғиладиган, аниқ сезиладиган даврга мос келмай, ўзаро зиддиятли бўлиши ҳам мумкин. Аслида матн тузилиши билан боғлиқ таълим мазмунини белгилашда кўпроқ тил ўрганувчиларнинг реал имконият ва эҳтиёжларини, иншо мавзулари талаб этадиган лисоний билим ва малакаларни аниклашнинг амалий йўлини танлаш энг мақбул йўл ҳисобланади. Бу усул шундан иборатки, ўқувчилар ижодий ёзма ишда йўл қўядиган матн тузилишига доир бир қадар типик матний хатолар уларга нималар ҳақида билим бериш, қандай кўникма ва малакаларни сингдириш кераклигини кўрсатиб турадиган маёқ вазифасини бажариши мумкин.

Маълумки, ўқувчиларнинг ёзма нутқи саводхонлик нуқтаи назаридан қай савияда эканлигига улар ёзган диктантлар, баёнлар, иншолар (яратган матнлар)га қараб баҳо бериш одат тусига кирган. Диктант ва қисман баёнда бу масала биринчи даражага кўтарилиши тўғри бўлар, лекин ижодий ёзма ишнинг мақсади саводхонликни мустаҳкамлашгина эмас, балки боғланишли нутқ малакасининг матн синтаксиси даражасида шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратишдир. Чунки ана шундай ёзма ишларда ўқувчининг ёзма нутқи: ютуқ ва камчиликлари ойнадай яққол кўриниб туради.

Ёшларнинг матн тузишга доир билим, кўникма ва малакаларининг қай ҳолатда эканлигини уларнинг ижодий ёзма ишларида йўл қўйилаётган ***матний (матн тузилишига доир)*** хатоларни аниклаш, шу асосда, айни пайтда она тилидан ўтиладиган мавзулар берадиган айрим имкониятларни ҳисобга олиб ёритиш, таълимий тадбирларни ҳар томонлама пухта белгилаш тўғри бўлади.

Ўқувчилар ёзаётган ижодий ёзма иншоларда йўл қўйиладиган матний хатоларни ёзма ишнинг техник расмийлаштирилиши, мазмун ва композицион тузилиши жиҳатидан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) иншолардаги ташкилий-техник матний хатолар;

2) мазмуний-мантиқий матний хатолар;

3)гапларни ўзаро лексик-грамматик боғлашга (жумладан, тиниш

белгиларига) доир матний хатолар;

4) матн қисмларида унинг типига хос композицион тузилиш билан боғлиқ матний хатолар.

Қуйида ана шу матний хатолар билан боғлиқ лингвометодик масалаларга айрим-айрим тўхталамиз.

2.1. Ўқувчиларнинг ижодий ёзма ишларида йўл қўйиладиган ташкилий-техник матний хатолар

Ушбу бўлимда иншоларнинг ташкилий-техник жиҳатлари (мавзуни, режа моддаларини, матнни саҳифада жойлаштириш) билан боғлиқ матний хатолардан намуналар келтирилди ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтирувчи назарий асослар баён этилди. Аввало, таъкидлаш жоизки, 20-25 гапдан иборат ижодий матн (баён, иншо) ёза олиш; иншога режа тузиш, эпиграф танлаш ДТСнинг А2 даража учун белгиланган нуткий компетенцияга доир талабидир[1]. Лекин бугунги кунда ўқувчилар ёзаётган иншолар (яратаётган матнлар) қайси типда (тасвир-матн, ривоя-матн, муҳокама-матн) бўлмасин, улар учун хос, бир хилдаги ташкилий-техник матний хатолардан холи эмас. Ташкилий-техник хатоларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1) матнни, абзацларни чегараловчи хатбошидан фойдаланмаслик;

2) режа тузмаслик (режани хато тузиш, иншода режага амал қилмаслик

3) иншо учун эпиграф танлай олмаслик;

4) иншо матнига ҳадис, мақол ва маталларни тўғри кирита олмаслик;

5) иншога цитатани тўғри кирита билмаслик;

6) иншода шеърий парчаларни тўғри жойлаштира олмаслик;

Қуйида ушбу хато турларининг ҳар бирига ўқувчиларнинг ёзма ишларидан мисоллар келтириб, келиб чиқиш сабаблари изоҳланади ва уларни бартараф этишда ўқитувчи учун асқотадиган назарий асослар қиска тарзда баён қилинади.

I. Матнни, унинг тегишли қисмларини хатбошидан ёзмаслик.

Матнни, унинг тегишли қисмларини хатбошидан ёзиш ДТС талаби бўлиб, иншода ушбу талабга риоя этмаслик матний хатога сабаб бўлади. Таъкидлаш лозимки, бундай хатолар 5–9-синф ўқувчиларининг ижодий ёзма ишларида энг кўп учрайдиган хатолар сирасига киради. Болалардан бири умуман иншони хатбошидан бошламаса, иккинчиси уни хатбошидан бошласа-да, давомида ушбу техник ва мазмуний белгидан фойдаланмайди ёки уни нотўғри қўллайди. Мисолларга мурожаат этайлик.

5-синф ўқувчиси М.Шаҳлонинг икки бетлик иншоси хатбошидан бошланган, лекин давомида абзацларга ажратилмаган, яъни хатбошилар ташланмаган. Аслида унинг иншосида уч масала ёритилган: баҳордаги табиат, баҳор таомлари, баҳор байрамлари. Иккинчи ва учинчи масалага

[1] Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари («Она тили фани»): Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – 141-бет.

тааллуқли биринчи гаплар хатбоши орқали ўзидан олдинги абзацнинг охирги гапидан ажратилиши лозим эди.

7-синф ўқувчиси А.Даврон «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусидаги иншони хатбошидан бошлаган, лекин бир ярим бетлик иншода бошқа хатбошилар ажратмаган.

Хуллас, мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги матннинг фақат биринчи гапини хатбошидан ёзади, баъзан эса умуман бу ишни ҳам адо этмайди: хатбоши умуман қолдирилмайди.

6-синф ўқувчиси Т.Рўзимуроднинг «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншоси умуман хатбошидан бошланмаган, бир бетлик иншонинг давоми ҳам хатбошилар ташламай ёзилган. Ваҳоланки, унинг иншосида аввал баҳор даракчилари ҳақида, сўнг баҳорги ишлар (хашар), байрамлар тўғрисида гапирилади. Иншонинг биринчи гапини ҳам, мавзу кескин ўзгарганидан дарак берувчи баҳорги ишлар ҳақидаги қисмининг биринчи гапини ҳам хатбошидан бошлаш зарур эди.

Баъзи ўқувчилар ёзма ишда хатбошини нотўғри қўллайдилар. Масалан: 7-синф ўқувчиси Ш.Отабек, «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусидаги иншода қуйидаги икки гапни бир-биридан хатбоши билан ажратиб ёзган, натижада матний хатога йўл қўйган:

...Инсон ўз орзусини рўёбга чиқариш учун билимли, жисмонан етук бўлиши зарур.

У жамиятда ўз ўрнини топа олиши учун доимо ҳаракатда бўлиши лозим. Инсон...

6-синф ўқувчиси И.Исломбекнинг «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншосида кичик мавзуларга тааллуқли гаплар қоришиб кетгани учун матн давомида хатбошилар ажратиш қийинлашган.

Мана бизнинг ўлкамизга ҳам фаслларнинг келинчаги баҳор фасли кириб келди. Биз баҳор фаслини жуда яхши кўрамиз. (Бу фаслни дейиш, яъни олмош боғланишидан фойдаланиш керак эди!) *Баҳор фаслида ўлкамиздаги дарахтлар гуллайди. Ҳамма одамлар менимча баҳор фаслини яхши кўрса керак. Баҳор фаслида ҳар хил таомлар тайёрлаймиз масалан сумалак, кўк сомса, чучвара ва бошқа ҳар хил таомлар тайёрлаймиз.* Бу гап янги кичик мавзуга даҳлдор. Шунинг учун уни хатбошидан бошлаш керак эди.

Сўзларни ортиқча такрорлаш, икки гапни олмош ёрдамида боғламаслик каби хатолар учрайдиган ушбу иншода *«Ҳамма одамлар менимча баҳор фаслини яхши кўрса керак»* (Тўғриси: *Ҳамма одамлар, менимча, баҳор фаслини яхши кўрса керак*) гапини киритма гап каби ажратиш тўғри бўлади.

Кичик мавзулар чегарасини аниқлай олмаслик. Мавзу мазмунини яхши тасаввур қилмаслик туфайли ўқувчиларнинг ижодий ёзма ишларида абзацларни ажратишга доир хатолар кўп учрайди. Бундай ҳолатни 5–9-синф ўқувчилари ёзган иншоларда кўриш мумкин. Бу ҳолатни ўқувчиларнинг иншони абзацларга ажратмасликларида ёки тўғри ажрата билмасликларида намоён бўлиб, фикрни баён қилиш жараёнида кичик мавзулар олдиндан режалаштирилмагани учун юзага келади, яъни мавзулар мазмуни ўқувчилар

тасаввурида аниқ фарқларга эга бўлмагани туфайли хатбошилар кўринишида расмийлаштириш олдиндан кўзда тутилмайди.

Ўқувчиларнинг ёзма фикр баён қилишда кўп ҳолларда абзац чегарасини тўғри белгилай олмасликлари типик ҳодисадир. Бу камчилик матндаги кичик мавзулар чегарасини тўғри белгилай билмаслик, баён қилинаётган ахборотлар орасида муҳим ва номуҳимини ажрата олмаслик билан боғлиқдир.

Матнда кичик мавзулар чегарасини тўғри белгилай олган, янги фикрни аниқлай билган ўқувчи абзац чегарасини ҳам кўрсата олади.

Айрим ўқувчилар иншо мавзусини тезис сифатида қабул қилмайдилар ва ҳар томонлама асослаш керак деган фикрда бўлмайдилар. Масалан, 9-синф ўқувчиси У.Умида «Она – улуғ зот» мавзусида аввал қизларнинг келажакда она бўлиши, оналаридан кўп нарсаларни ўрганишлари, оналарнинг ўгитлари, фарзандларнинг қандай бўлишлари кераклиги, ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида ёзган. Иншо мавзусига кўра ўқувчи онанинг улуғ зот эканлигини тезис сифатида кўриб, уни шу жиҳатдангина ёритиши зарур эди.

Баъзан иншоларда матн абзацларга нотўғри ажратилади. Масалан, 7-синф ўқувчиси Г.Шоҳсанамнинг ёзма ишида биринчи абзац «Она шундай зотки, уни таърифлашга сўз ҳам озлик қилади» деб бошланса, иккинчи абзац «Она меҳри шундай ажиб ҳисдирки, уни таърифлашга тил ожиз» деб бошланади. Аслида иншонинг мавзуси «Она меҳри», демак, ёзма иш шу ҳақдаги фикрлардан бошланиши, яъни абзацлар ўрни алмаштирилиши лозим. Шунда аввал она меҳри, ундан кейин жамиятдаги ўрни гапирилади.

Хатбошининг қўлланиши ҳақида тушунча. Хатбошиларни ўргатиш неча ҳарф ташлаб ёзишни айтишдангина иборат бўла олмайди. Ушбу тушунча ўзи ёлғиз етарли билим саналмайди, шунинг учун хатбошини лисоний бирлик сифатида билимга айлантириш учун унинг қўлланиш ҳолатларини тушунтиришни қуйидагилар билан чамбарчас боғлаш даркор:

1) иншонинг нималар ҳақида ёзилмоқчи эканлиги (режа моддалари);

2) режа моддаси сифатида кўрсатилган кичик мавзулар;

3) ушбу кичик мавзулар доирасида бирлашадиган гаплар гуруҳлари (абзацлар).

Режа моддалари иншо нималар ҳақида ёзилмоқчи эканлигига караб таърифланади. Бу деган сўз, иншо ёзишга киришмасдан олдин унда нималар ҳақида гапириш кераклиги обдан ўйлаб олинади.

Хуллас, хатбоши устида кенгроқ мазмунда иш олиб бориш, бу ишни режа, кичик мавзу ва абзац билан боғлаш зарурки, фақат шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Хатбошида, асосан, икки, баъзан уч ва ундан кўпроқ ҳарф ўрни ташланади.

Кичик мавзулар режа моддалари орқали ифодаланса, катта мавзу сарлавҳа тарзида намоён бўлади. Иншо ёзиладиган мавзу – сарлавҳа катта мавзу саналиб, унда нималар ҳақида ёзилиши (режа моддалари) кичик мавзуларни англатади. Шулар ҳақида маълумотга эга бўлиш хатбошиларни

тўғри қўллаш учун замин яратади. Булардан бехабарлик эса хатбоши ташлаб ёзиш кераклигини билган ҳолда уларни қай ҳолатда қўллашни билмасдан ниманидир тахмин қилиш асосида интуитив юз берадиган амалий уринишларга сабаб бўлади.

II. Режа тузмаслик (режани хато тузиш, иншода режага амал қилмаслик, унинг моддаларини очиб бермаслик)

5–9-синф ўқувчиларининг аксарият қисми ёзган иншоларда режа мавжуд эмас. Баъзи иншоларнинг режасини ўқитувчи берган ҳолатларда режа моддаларининг вазифасини англамаслик кузатилади. Айрим иншоларни режа тузиб ёзиш ўқувчиларга мустақил иш қилиб топширилганда, кўпинча бу иш хато бажарилади. Чунончи, ўқувчиларнинг ўзлари тузган режада кичик мавзуларнинг ҳаммаси ҳам катта мавзуга ***мос келмаслик*** ҳолатлари ҳам бор. Масалан, айрим болалар «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусида ёзган иншода юртимизда ёшлар спортини ривожлантириш учун қурилаётган стадионлар, ёшларнинг ютуқлари ҳақида гапирадилар.

8-«д» синф ўқувчиси О.Орзунинг «Қалбимдаги Ватан туйғуси» мавзусидаги иншосига қуйидаги моддалардан иборат режа тузган:

1. Ватан (–) муқаддас диёр.

2. Ватандаги баҳор байрамлари.

3. Келажакга интилиш.

4. Хулоса.

Тузилган режа моддаларида акс этган биринчи кичик мавзу бош мавзуга маълум даражада мос келмайди, чунки Ватан туйғуси она диёрнинг муқаддаслигидагина эмас. Муқаддаслик Ватан туйғуси асосида юзага келадиган муносабат маҳсулидир. Ўқувчи ана шу туйғу билан боғлиқ ҳолатларни, тушунчаларни аниқ тасаввур қила олмаган.

Иккинчи кичик мавзу «*Барча юртларда бўлганидек бизнинг юртимизда ҳам баҳорнинг кириб келиши ўзгача қувонч билан бўлади*» гапидан бошлангани иншони бош мавзудан узоклаштирган. Чунки байрамлар ҳақидаги фикрлар Ватан туйғусини ифода этадиган мушоҳадалар билан қувватланмаган.

Учинчи кичик мавзуни бош мавзуга боғлаш яна ҳам қийин. Бунинг устига иншода келажакка интилиш ҳақида бир гап билан бўлса ҳам гапирилмаган.

Хулоса иншонинг кичик мавзуси бўла олмайди: унда бирор тушунча, воқеа-ҳодиса юзасидан далиллар келтирилмайди, фикрлар асосланмайди, кўпинча аввалги қисмларда айтилганлар бир-икки гап билан якунланади. Афсуски, режага бундай моддани киритадиган ўқувчилар учраб туради.

Дарсда иншога тайёргарлик ҳар томонлама бўлмаганлиги, яъни, А.Сайфуллаев айтганидек, сўз ва иборалар тўплаш билангина кифояланиш, режа устида етарли иш олиб бормаслик оқибатида ўқувчи хаёлига келган нарсалар, тушунчалар ҳақида пала-партиш фикр юритади.

Т.Нафиса бувижонларнинг меҳри тўғрисида аввал она меҳри ҳақидагига ўхшаш сўз юритади, ниҳоят, устозларнинг меҳрига тўхталади.

5-синф ўқувчиси Н.Ризвонгул «Ватан нима?» мавзусидаги иншода Ватаннинг остонадан бошланиши, чет элга бориб икки йил туриб қайтган кишидаги соғинч туйғуси, Ватанга катта ҳисса қўшиш, чет элга бориб шаънини ҳимоя қилиш, Президентнинг 2014 йилни «Соғлом бола» йили деб эълон қилгани, ёшларга яратилаётган шароитлар ҳақида гапиради. Кўринадики, олдиндан етарли тайёргарлик кўрилмаса, режа моддалари устида мушоҳада юритилмаса, ўқувчи хаёлига нима келса, шуни ёза беради.

5-синф ўқувчиси С.Шавкиддин «Ватан нима?» мавзусида ёзган иншосида Ватан биз туғилиб ўсган, киндик қонимиз тўкилган жой эканлигини айтгач, ота-оналар ҳақида, уларнинг фарзанд тарбияси билан шуғулланиши тўғрисида гапиради. Мавзу етарли очилмай қолади.

6-синф ўқувчиси А.Хумора. *Ҳозирда бизнинг юртимизда шарт-шароитлар яратилган, биз бундан оқилона фойдаланишимиз лозим.* (Фикр тўлиқ очилмаган.)

Ота-онамиз бизни ҳеч кимдан кам қилмасликка уринади. Ўзлари емай ичмасалар ҳам бизга беришади. (Фикр тўлиқ ифодаланмаган.)

6-синф ўқувчиси Ж.Ҳасан «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншо учун тузган режаси қуйидагича:

Режа:

1. Баҳор келиши.
2. Баҳор ишлари.
3. Баҳорги анъаналар.

Бу ўқувчи ҳам режа моддаларини хатбошидан ёзмаган. Режа сўзидан кейин икки нуқта, режа моддаларидан сўнг нуқта қўйган. Таърифда ғализликлар бор: *Баҳор ишлари* эмас, *баҳорги ишлар*; *баҳорги анъаналар* эмас *баҳорда ўтадиган байрамлар* бўлиши лозим эди.

Баҳорда келганда шамол уни билдиради. Дарахтлар уйғониб гуллар очилади. Ёмғир ёғиб туради. Кунлар иссиқ бўлади. Қушлар учиб келади...

6-синф ўқувчиси Й.Жаҳонгир «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншоси учун режа тузган. *Режа* сўзини сатр ўртасига ёзган, лекин икки нуқта қўймаган, режа моддаларини эса хатбоши қолдирмай бошлаган, бу ерда ҳам охирига нуқта қўймаган.

Режа

1. Баҳорнинг биринчи куни
2. Баҳорий ишлар
3. Баҳорий байрамлар

Ёзилган иншо уч хатбошига эга бўлиб, улар режа моддаларига мувофиқ кичик мавзуларнинг бошланишини ифода этган. Биринчи кичик мавзуда баҳорда табиатнинг уйғониши ҳақида сўз юритилган. У баҳорнинг биринчи куни эмас, албатта. Режа моддаси хато таърифланган.

Ўқувчи чучмома, жағ-жағ, исмалоқ ҳақида гапириб туриб, фикрини тугатмасдан ободонлаштиришга ўтади, ундан ўлкамизга баҳор кириб келиши, лолалар очилишига кўчади. Бу ўринда табиат ҳодисаларининг кетма-кетлиги назарда тутилмайди, яъни ушбу ҳодисалар баҳорнинг биринчи кунида содир бўлиб ўтмайди, баёнда режасизлик яққол кўриниб туради.

Синф жамоасининг фаол иштирокида режа тузиш, моддаларининг мантикий изчиллигини, вариантларини муҳокама қилиш лозим.

Режани ўқитувчи тузиб берган ҳолатларда, уни ўқувчининг ўзи тузганда ёки режа тузилмаганда кичик мавзуларни фикран кўз олдига келтира олмаслик, мушоҳададан ўтказмаслик туфайли ва бошқа шу каби сабабларга кўра фикрларни аралаш-қуралаш баён этиш билан боғлиқ матний хатоларга йўл қўйилади.

Айрим ўқувчилар иншони режадан бошлайдилар. Масалан, 6-синф ўқувчиси Й.Чаросхон тузган режа уч моддадан иборат: *1. Баҳорнинг биринчи куни. 2. Баҳоройнинг фазилатлари. 3. Мен баҳорни севаман.* Лекин иншода ушбу режага амал қилинмаган. Биринчи бетдаги шеърдан кейин хатбошидан баҳорги байрамлар ҳақида гап кетган. Иккинчи хатбошидан режанинг учинчи моддаси бўйича иккита гап келтирилган. Биринчисида баҳорни яхши кўришлик, иккинчисида бунинг сабаби баён қилинган (яхши фазилатлари, яхши удумлари бўлгани учун). Аслида кичик мавзуларнинг ҳаммаси катта мавзуга мос келиши керак.

Ўқувчи иншода нималар ҳақида ёзмоқчи эканлигини олдиндан тасаввур қила олса, режа туза билади. Режа тузилса, хатбошилар маълум бўлиб қолади. Бундан ташқари, хатбошилар мавжуд бўлган иншодан қайси кичик мавзу қанчалик тўлиқ ёритилгани, қайсилари очилмай қолгани ҳам кўриниб туради.

Иншо режаси, режа моддаларининг таърифланиши

Режа тузиш билан боғлиқ масалалар кўпгина методист олимларнинг эътиборини жалб килган. Бу борада С.Долимов, С.Исматов, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, О.Мадаев, Н.Сатторова, Ф.Аминоваларнинг изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Режа тузиш иши иншо мавзусининг таърифини англашдан бошланади. Энг аввало, мавзу тўғри таърифланиши лозим. Масалан, тасвир-иншо учун ҳавола қилинадиган мавзу «Баҳор», «Мактаб ер участкаси» ва шу каби номланиши мумкин. Лекин мавзунинг бундай номланишида муаммолилик (тезислик) акс этмайди.

Методист олим Й.Абдуллаев қуйи синфлар учун тавсия қилган ривоя-иншо мавзулари намуналаридан[1] (20 мавзу) биттасида воқеа-ҳодисаларни саралаш кўзда тутилдади: *3. Ёзги (кузги, қишки, баҳорги) каникулда энг қизиқ ўтган куним.* Ўқувчи таътилда ўтказган кунларини ўйлаб, улар орасидан марокли, яъни тингловчи ёки китобхонда қизиқиш уйғота оладиган кунни танлайди. Баёнда ўша кун нимаси билан қизиқ эканлигини ёритишга ҳаракат килади. Бундай ривоялаш муҳокама унсурларини ҳам ўз ичига олади.

Й.Абдуллаев тавсия этган бошқа мавзуларда кун бўйи қилинган ишларни ривоялаш кўзда тутилади. Масалан: *Кеча қилган ишларим. Кун тартибим. Дам олиш куни. Байрамни қандай ўтказдим. Арча байрамида. Овда кўрганларим. Гул (кўчат) ўтқаздим.*

---

[1] Абдуллаев Й. V синф ўқувчиларини ривоя иншога ўргатиш // Ўзбек тили ва адабиётини ўкитиш масалалари: Илмий мақолалар тўплами – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1977. – 25-бет.

М.Жўраев ўзининг «IV–VII синфларда ўқувчилар иншосининг турлари» номли мақоласида[1] «Ривоя», «Тасвир», «Муҳокама» деб ажратган ҳолда V–VII синфлар учун иншо мавзуларини тавсия қилади. Ривоя-иншо учун «Циркда», «Мен мактабда эдим», «Уй ишларига ёрдамим», «Ўқишни қандай ўргандим», «Заводга экскурсия», «Ёзги каникулда», «Тошкентда бўлдим», «Балиқ овида», «Ҳаётимизнинг энг қувончли кунлари»,«Ҳаётимнинг унутилмас куни», «Ҳаётимда юз берган воқеа» (лавҳа), «Спорт ҳаётимдаги унутилмас воқеа» каби мавзулар кўрсатилган.

Тасвир-иншо учун «Олтин куз», «Қиш», «Биринчи қор», «Бизнинг завод», «Бизнинг мактаб», «Заводимизда», «Баҳорда тоққа саёҳат», «Қушларнинг қишдаги ҳаёти», «Чирчиқ соҳилида», «Эрта баҳор», «Устахонада», «Овқат пиширишни ўрганишди»,«Мактабга борадиган йўлим», «Менинг кўчам», «Менинг жонажон қишлоғим» ва бошқа мавзулар келтирилган.

Муҳокама-иншо учун «Севимли ишим», «Севимли машғулотим», «Менинг орзум», «Дўстлик ҳақида ўйларим», «Мен яхши кўрган фан», «Менга ёққан касб», «Дўстликнинг қудрати» сингари мавзулар ҳавола этилган.

Мақолада расмга қараб ёзиладиган иншоларнинг мавзулари ҳам берилган. Булар орасида портрет тасвирига ҳам эътибор каратилган: З.М.Бобур портрети (Рассом Л.Абдуллаев асари), «Улуғ ўзбек шоири» (Рассом В.Кайдалов) бор.

Энг оддий муҳокамалар савол тарзида (масалан, «Мен ёзда қаерда дам олмоқчиман, нима учун») шакллантирилиши мумкин. Бундай саволга жавоб бериш учун ўқувчиларда етарлича тажриба ва билим захираси мавжуддир.

Муҳокама-иншо (муҳокама-матн) учун «Менга баҳор фасли ёқади» деб номланса-ю, у баҳорга бағишлов (мадҳ) мазмунида ёзилса, ушбу фаслнинг турли белгилари бирма-бир мактаб чиқилади. Бундай иншо тасвирга қараб тортади. Масалан, ёзма ишда аввал унинг кириб келиши (ифори), сўнг наво, қувонч, умид бахш этиши, табиатнинг уйғониши ва ҳ.к. ҳақида гапирилади. Баҳорнинг гўзал ва бетакрор эканлиги билан хулосаланади. Бу муҳокама эмас, балки тасвирдир. Айтмоқчимизки, мавзунинг номланишида уни муҳокама қилишга ундовчи жиҳат йўқ. Демак, мавзу баҳорни мадҳ этувчи баёнга туртки бермайди.

Содда ва мураккаб режада тиниш белгиларининг қўйилиши қатъий белгиланган тавсиялар ҳам мавжуд. Чунончи, «Yozma ish turlari: inso, bayon, diktant» қўлланмасининг муаллифлари содда режа ҳақидаги тавсияларда сарлавҳада *мавзу* сўзидан кейин икки нуқта, давомида мавзунинг номи қўштирноқ ичида охирига нуқта қўймасдан, масалан, «Дўст билан обод уйинг...» тарзида ёзиш, янги сатрдан хатбоши ташлаб *режа* деб икки нуқта қўйиш, сўнг араб рақамлари асосида тартиблаб хатбошидан режа

[1] Жўраев М. IV–VII синфларда ўқувчилар иншосининг турлари // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари. – Тошкент: ЎзПФИТИ. 1983. – 77–84-бетлар.

моддаларини охирига нукта кўйиб келтириш кераклиги айтилган, намуналар берилган[1].

III. Иншо учун эпиграф танлай олмаслик. 9-синф ўқувчиси Б.Равшан «Она – улуғ зот» мавзусидаги иншосини қуйидаги эпиграф билан бошлаган: «Жаннат оналарнинг оёги остидадир». Лекин у ушбу ҳадисни янглиш тарзда кавс ичида мақол деб кўрсатган. Иншода эпиграфдан фойдаландиган ёшлар бир синфда 1-2 та бўлади. Қолган кўпчилик ижодий ёзма ишнинг ушбу унсурига мурожаат этмайди.

Эпиграф ҳақида тушунча

Эпиграф - юнонча epigraphe – "уст(идаги) ёзув" деган маънони англатади. Бутун адабий асар ёки асар кисмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган цитата, ибора, мақол ва ш.к.[2]

8-синф "Она тили" дарслигида эпиграфга «Иншонинг мазмунига мос келувчи машҳур ҳикматли сўз мақол, ибора, ёки бадиий парча **эпиграф** дейилади» деган таъриф берилган ва унинг саҳифада жойлаштириш ўрни, охирида қўйиладиган тиниш белгилари, бадиий парча муаллифини қавс ичида кўрсатиш, иншога эпиграф танлаш қатъий талаб эмаслиги кабилар тушунтирилган[2].

«Yozma ish turlari: inso, bayon, diktant» қўлланмасида тушунтирилишига кўра «Одатда, иншо ёзаётган ўқувчи ўзининг кенг мулоҳазага, теран фикрга, аник бир дунёкарашга эгалигини англатиш учун мавзуга ҳар томонлама мос келадиган, унга оҳангдош тарзда жарангловчи ҳикматли сўз ҳамда гаплардан, мақол ва маталлардан эпиграф сифатида усталик билан фойдаланади»[3].

Табиийки, эпиграф ҳажман катта бўлмаслиги лозим: кўпи билан 4 мисра шеър, бир мақол, қисқа ҳадис каби катталикда бўлиши зарур. Эпиграф мавзудан кейин саҳифанинг ўнг четига мазмунига кўра нукта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйиб ёзилади. Агар шеъий мисралар ёки цитата охирида муаллифи, матннинг халқ оғзаки ижодининг қайси турига (мақол ва б.) мансублиги қавс ичида кўрсатилса, қавсдан кейин тиниш белгиси (нукта) қўйилмайди. Масалан: Меҳнат бахт келтирар. (Мақол)

IV. Иншо матнига ривоят, ҳадис, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзларни тўғри кирита олмаслик

Матнга мақол киритишда уни гап таркибида қўштирноқ ичига олиб бермасликдан иборат матний хатога йўл қўйилган: *Шундай мақолга риоя қилмоқчиман: Тил билган Эл билади. Шу мақол ҳаммага асқотиши мумкин.* Маколни ё қўштирноқ ичида (1-вариант), ёки *қилмоқчиман* сўзидан кейин икки нукта қўйиб, мақолнинг иккала сатрини хатбошидан ёзиш (2-вариант) маъқул эди. Мақолдан кейинги гап ҳам алоҳида сатрдан берилиши лозим.

1-вариант:

---

[1] Yozma ish turlari: inso, bayon, diktant / O.Madayev, A.Sobirv, Z.Xolmanova, G.Ziyodullayeva, M.Shamsiyeva. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. – 24–26 betlar.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 43-бет.

[2] Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. Ona tili. 8- sinf o'qituvchi metodik qo'llanmasi. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 22-bet

[3] Yozma ish turlari: inso, bayon, diktant, 32-bet.

Шундай мақолга риоя қилмоқчиман: «Тил билган Эл билади». Шу мақол ҳаммага асқотиши мумкин. (Шу олмошини такрорламасдан, иккинчи ўринда *бу* олмошини қўллаган маъқул.*)*

Ёки: *«Тил билган Эл билади» деган мақолга риоя қилмоқчиман. Шу (Бу) мақол ҳаммага асқотиши мумкин* (*Риоя* сўзи ўрнида *амал* сўзи ишлатилгани яхши.)

2-вариант:

Шундай мақолга риоя қилмоқчиман:

Тил билган

Эл билади.

Шу (Бу) мақол ҳаммага асқотиши мумкин.

«*Бежизга жаннат аёллар оёғи остида дейилган.* (*Дейилмаган* бўлиши керак.) *Оллоҳ ҳам жаннатни аёллар оёғи остига бежизга ташламаганлар».* Биринчи гапда ҳадис гап таркибига киритилган, иккинчисида ҳадис ўз сўзи билан айтилган содда гапга айлантириб юборилган, яъни у энди ҳадис эмас.

Чунки ёшликда олган билим тошга ўйилган нақшдир (Бу гапда ҳам ҳикматли сўз гап таркибида келтирилган).

«*Жаннат оналар оёғи остида*» *деб бекорга айтилмайди.* (Т.Рўзимуроднинг иншосида; бу ерда матнга ҳадис тўғри киритилган).

Т.Ёдгорбек ўз иншосида «*Агар боболардан Амир Темур бобом ким бўлган десак*» деб савол қўяди ва «*...деб жавоб бериши аниқдир*» деб фикрни давом эттиради. Бу ўринда *десак* сўзи нотўғри ишлатилган: боболардан сўзи билан боғлаш учун *деб сўрасак* ифодаси талаб этилади. Шу каби гапларда ўқувчилар риторик сўроқ гапни баъзан қўшма гап компоненти сифатида келтирадилар. Ҳадис келтиришда ҳам шу шаклдан фойдаланади: «*Яна улардан Ватан нима десак, улар Ватанни онангга қиёсла,...*»

V. Иншога цитата киритиш билан боғлиқ хатолар

5-синф ўқувчиси М.Гулноранинг иншосида *Онагинам одам бўлдимми мен ҳам? деб ёзганлар Ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшган шоиримиз Миртемир* гапида цитата акс этган. Бу ерда тиниш белгиларига оид хатоларга йўл қўйилган, яъни цитата қўштирноқ ичига олинмаган, ундан кейин тире қўйилмаган.

Кўпчилик 5–9-синф ўқувчиларининг ижодий ёзма ишида шу каби камчиликлар учраб туради.

Цитата ҳақида тушунча

Бошқа кишилар томонидан баён қилинган фикрлардан цитата тарзида фойдаланиш мумкин[1]. Нутқда баъзан *цитата* ўрнида *кўчирма* ёки *иқтибос* сўзи қўлланади. Адабий тил нормаси сифатида *цитата* термини ишлатилади: *цитата олмоқ, цитата келтирмоқ, цитата кўчирмоқ* бирикмаларида қўлланади.

Цитата бир ёки бир неча гаплдан, баъзан гапнинг бирор қисмидан иборат бўлиши мумкин.

Цитата қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

---

[1] Абдуллев Й. Цитата ва ундан фойдаланиш // «Ўзбек тили ўқитиш масалалари» илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1978. – 3-бет (3–9-бетлар)

1. Бирор гапни таргиб қилиш, ибрат қилиб кўрсатиш.

2. Ўз фикрини асослаш, тасдиқлаш, изоҳлаш учун.

Цитатали гап кўчирма гапдан фарқ қилади: кўчирма гапда ўзганинг фикри унинг оғзаки нутқидан олиниб, *деди, деб айтди, деб сўради, деб жавоб берди* сўзлари ёрдамида муаллиф гапига боғланади. Цитата эса ёзма манбадан олинади.

Кўчирма гап билан цитатада тиниш белгиларини қўллашда баъзан бир хиллик бўлса-да, кўпинча фарқ қилади.

Чунончи:

1. Цитата мустақил гап бўлиб, автор гапи билан бирга қўлланади. Бунда тиниш белгилари кўчирма гапникига ўхшаш бўлади. Масалан: ...ёзган эди: «...».

2. Цитата муаллиф гапининг таркибида унинг бир қисми тарзида бўлади, муаллиф гапи билан синтактик бир бутунлик ҳосил қилади. Бундай ҳолда цитата кўштирнок ичида кичик ҳарф билан бошланади. Масалан: ...таъбири билан айтсак, «санъат...».

Баъзан муаллиф цитатани тўлиқ келтирмай, уни ўзича қисқартириб олади. Бунда цитатанинг қисқартирилган жойи кўп нуқта билан кўрсатилади. Чунончи, аввалида: «... тил ...бўлган». Орасида «тил ... бўлган». Охирида: «Тил ...»

Пушкин «рус ...қуёши» эди тарзида бирикма олинса, қисқартирилган ўрин уч нуқтадан иборат бўлади.

Мактаб дарсликларида цитата ҳақида маълумот берилмаган. 9-синф "Ona tili" дарслигида "Кўчирма гапли қўшма гаплар" мавзуси берилган бўлиб, бу турдаги гапларда тиниш белгилари ҳақида сўз юритилади, холос.

Цитата олинган манба одатда қавс ичида кўрсатилади. Илмий ишларда, жумладан мақолаларда манба ҳавола(сноска) тарзида саҳифа тагида берилади. Й.Абдуллаев иншода ҳам цитатанинг манбасини кўрсатиш керак деган фикрда[1].

VI. Иншода шеърий мисраларни тўғри жойлаштира олмаслик.

Айрим ўқувчилар ижодий ёзма ишни тезисдан бошлаб, далиллар келтиришга киришадилар. Масалан, онанинг улуғ зот эканлигини асослаш учун бадиий асарлардан (шеърлардан), ривоятлардан, ҳадислардан фойдаланадилар. Ўқувчилардан бири онанинг фарзандга меҳри кучли эканлигини исботлаш мақсадида гўзал қизнинг ёлғиз ўғил бўлмиш ошиқ йигитдан ўз онасининг юрагини олиб келишни талаб қилиши ҳақидаги ривоятни келтиради.

Баъзи ўқувчилар иншони ўзлари битган бир неча мисра шеър билан бошлаб, уни эпиграф ўрнида келтирадилар. Масалан, 5-синф ўқувчиси Ў.Равшанбек «Ватан нима?» мавзусидаги иншони шундай мисралар билан бошлайди:

Ватан нима деб
Савол берсалар

---

[1] Абдуллев Й. Цитата ва ундан фойдаланиш, 7-бет

Ҳеч иккиланмасдан айтар эдим
Ватан туғилиб
Вояга етдим,
У онамдек меҳрибон
Нон тузинг едим.

Биринчидан, буни шеър деб аташ кийин бўлса-да, ўқувчи уни шеърий шаклда тақдим этган, иккинчидан, унда мазмуний ва грамматик хатолар мавжуд. «Ватан туғилиб Вояга етдим» деганда ё *Ватан* сўзидан кейин вергул қўйиб, уни ундалмага айлантириш ва *туғилиб* сўзидан олдин *сенда* сўзини келтириш лозим, ёки *Ватан* сўзини ўрин-пайт келишигида қўллаш керак: *«Ватанда туғилиб...».*

«У онамдек меҳрибон Нон тузинг едим» мисраларидаги *у* олмошини *сен* сўзи билан алмаштириш, *меҳрибон* сўзидан кейин вергул қўйиш зарур. Шеърни ичкарирокка олиб устун шаклида ёзиш ҳам мумкин. Шеър бирор йўл билан матнга боғланмаган. Унинг давомида иншо матни ёзилаверган.

Шеърнинг биринчи мисрасини хатбошидан бошлаб, кейинги мисраларини хатбоши ташламасдан ёзиш матний хато саналади. Уни ўртарокдан ёзиш ҳам мумкин.

6-синф ўқувчиси А.Давронбек:

Шеърий парча келтиришда, гапни шоир туйғусини айтишдан (масалан, *Ойбек ... фахрланиб...)* бошлаш мумкин.

Ўқувчилардан бири шеърий мисраларни қуйидагича акс эттирган:

Шоир Ҳамид Олимжон
Кўм-кўк,
Кўм-кўк,
Водийлар кўм-кўк

деб ёзган эди.

Шеърий парча қўштирнокка олинмаган, мисралар бош ҳарфлардан бошланган, муаллиф сўзига тегишли *деб* сўзи кичик ҳарф билан ёзилган. Бир карашда тузилган ифода кўчирма гап шаклига ўхшайди, лекин тиниш белгилари йўқ.

2.2. Иншода синтактик қурилмаларнинг чегарасини белгилаш, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиш билан боғлиқ матний хатолар

Ҳар қандай тузиладиган матнда ундаги гаплар, таркибидаги айрим гап бўлаклари (ундалма, кириш сўз ва бошқалар) чегарасини ажратиш тиниш белгиларидан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Уларни ишлатмаслик, хато ишлатиш баён қилинаётган фикрни англаш қийинчилигини келтириб чиқаради. Баъзан тиниш белгилари қўйилган ҳолатда ҳам нотўғри тузилган жумла ғализ саналади. Лекин, афсуски, айрим ўқувчиларнинг иншоларида шу каби камчиликлар учраб туради. Бундай хатоларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1) иншода умуман тиниш белгиларини қўймаслик;

2) содда гап синтасиси доирасида айрим синтактик бирликларда тиниш белгиларини ишлатмаслик;

3) қўшма гап синтасиси доирасида айрим синтактик бирликларда тиниш белгиларини ишлатмаслик;

4) синтактик қурилманинг тузилиши билан боғлиқ хатолар.

Матнда гаплар бир-биридан нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси, шунингдек, заруриятга қараб бошқа тиниш белгилари (уч нуқта, икки нуқта) билан ажратилмаса, матний хатога йўл қўйилган бўлади. Қуйида ўқувчиларнинг ижодий ёзма ишларидан тиниш белгилари билан боғлиқ хатоларга мисоллар келтирамиз:

1. Наврўзда табиат уйғонади чучмома, бойчечаклар очилади. (5-синф ўқувчиси У.Садоқат ўз иншосида)

2. Менинг келажакдаги орзуйим деганда мен ҳозир ўн уч ёшдаман мен ҳозирдан ният қилсам орзуйимни чин қалбимдан айтган бўлсам орзуйимга албатта етаман. Мен катта бўлсам адвокат бўлмоқчиман...

3. Баҳорда байрамлар. Баҳорда биринчи бўлиб 8-Март халқаро хотин-қизлар байрами бўлиб ўтади... (6-синф ўқувчиси А.Бекмирза)

4. Онагинам одам бўлдимми мен ҳам? деб ёзганлар Ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшган шоиримиз Миртемир. (5-синф ўқувчиси М.Гулнора)

5. Ватан бу туғилиб ўсган жой. Аждодларимиздан қолган меросдир.(5-синф ўқувчиси А.Диёрбекнинг «Ватан нима?» мавзусидаги иншосида)

6. Худо хоҳласа (,) буюк мураббий (мураббийнинг буюги бўлмайди!) бўлиб мен билан бирга шуғулланаётган болалар, ўсмирларни Жаҳон чемпиони қилиб буюк ҳисобланмиш Ўзбекистон байроғини кўкларга кўтариб (мақтаб маъносини беради) бу борлиқда (сўз нотўғри ишлатилган) Ўзбекистондек буюук ва оқилона халқ борлигини, болалари соғлом юрт ва меҳмондўст Ватан борлигини дунёга кўрсатмоқчиман ва бу мақсадни албатта амалга оширaман (7-синф ўқувчиси Р.Шаҳзод).

7. Оҳ баҳор бунча чиройлисан баҳор келиши билан далаларга чирой кирди... Баҳор фаслини яшариш ва янгиланиш фасли деймиз баҳор сингари гўзал, нафис ва жозибадор фасл йўқ баҳор даракчиси бодом гуллайди. (Ф.Фозила)

8. Бувию, момоларимиз Норин, ҳалим пиширар. Дошқозонни тўлдириб, сумалаклар қайнатар.

9. Мен шифокорлик бўлимига киришни хоҳлайман, чунки менга шифокор бўлиш ёқади нимага дейсизми? чунки одамларни қутқариш ва уларнинг дуосини олиб юриш менга асосан шуниси билан ёқади. (6-синф ўқувчиси М.Гулнора)

10. Баҳорда шундай таомлар пиширилади уни маззаси оғзимизда қолади. (Ф.Фозила)

11. 6-синф ўқувчиси Й.Жаҳонгир *Баҳор фаслида яна байрамлар бўлиб ўтади булар 8-Март, Наврўз байрамларидир.*

12. Она сизни қанчалик ардоқласак, шунча кам... Она сизнинг меҳрингиз уммон, қалбингиз дарё.

13. Баҳор мен яхши кўрган фасл.

14. «Баҳор», бу сўзда қандай маъно мужассам.

1-мисолда аслида мустақил равишда ишлатилиши тўғри бўладиган иккита гап бор: *«Наврўзда табиат уйғонади», «Чучмома, бойчечаклар очилади».* Биринчи гапнинг охирига (*уйғонади* сўзидан кейин) нукта қўйиб, чучмома сўзини бош ҳарфдан бошлаш орқали ушбу иккита гап бир-биридан ажратилиши лозим: *Наврўзда табиат уйғонади. Чучмома, бойчечаклар очилади.*

2-мисолда биринчи гапнинг бошланиши (*Менинг келажакдаги орзуйим деганда)* ниманидир тушуниш мазмунидаги ўз давомига эга бўлиши керак эди. Лекин давомидаги *«мен ҳозир ўн уч ёшдаман»* гапи киритма гапга ўхшаш вазифада келиб, навбатдаги фикр учун экспозиция бўлиб хизмат қилган. Гап «*орзуйимга албатта етаман*» деб эмас, балки «*орзуйимга албатта етишимни тушунаман»* деган мазмунда тугалланиши тўғри бўлади. Бу ҳолда бир гап доирасида ҳар бири алоҳида-алоҳида шакллантирилиши мумкин бўлган гаплар (*«мен ҳозир ўн уч ёшдаман», «мен ҳозирдан ниятқилсам», «орзуйимни чин қалбимдан айтган бўлсам», «орзуйимга албатта етаман»* ифодалари вергул билан ажратилиши зарур.

3-мисолда биринчи гап атов гап бўла олмайди, лекин у кичик сарлавха бўлиши мумкин. «Байрамлар!» тарзида ҳис-ҳаяжон қўшиб тузилган гапгина атов гап бўла олади.

4-мисолда Гулнора биринчи гапни қўштирноқ ичига олиб, сўроқ белгисидан кейин тире қўйса, кучирма гапли қўшма гап юзага келар эди: *«Онагинам, одам бўлдимми мен ҳам?» – деб ёзганлар ўзбек* (бу сўз кичик ҳарф билан ёзилиши лозим эди) *адабиётига улкан ҳисса қўшган шоиримиз Миртемир.*

Гапнинг биринчи сўзи ундалма, у вергул қўйиб ажратилиши зарур эди. Ундалма ажратилмаганлиги ҳам фикрни англаш кийинчилигини туғдиради, шу боис у ҳам матний хато саналади.

5-мисолда ушбу икки гап уюшиқ от-кесимли содда гап шаклида орасида вергул қўйиб ёзилиши керак эди: *... жой, ... меросдир.*

6-мисолда келтирилган гап ҳаддан ташқари узун қилиб тузилган.

7-мисолда айрим гаплар чегараси ўзаро ажратилмаган. Чунончи, атов гап охирида ундов белгиси қўйилмаган: *Оҳ баҳор!*

8-мисолда қўшма гап қисмлари орасига нукта қўйиб ёзилган, натижада улар иккита мустақил содда гапга айланиб қолган. Ваҳолонки, бу ерда санаш оҳанги вергул қўйишни тақозо этади.

9-мисолда 6-синф ўқувчиси М.Гулнора «Менинг келажакдаги орзуларим» мавзусидаги иншосидаги йўл қўйган матний хато шундан иборатки, у матнга риторик сўроқ гап киритган, лекин гапни кичик ҳарф билан бошлаб, охирига қўйган сўроқ белгисидан кейин навбатдаги гапни ҳам кичик ҳарфдан бошлаган.

10-мисолда Ўқувчи Ф.Фозила икки гапни ўзаро боғлаб, қўшма гап ҳосил қила олмаган: «*Баҳорда шундай таомлар пиширилади уни маззаси оғзимизда қолади*». Жумла ё қўшма гап ёки иккита алоҳида-алоҳида содда гап сифатида шакллантирилиши лозим эди: *Баҳорда шундай таомлар пиширилади*ки,

ларнинг мазаси оғзимизда қолади Ёки: *Баҳорда сумалаа ва бошқа таомлар пиширилади. Уларнинг мазаси оғзимизда қолади*

11-мисолда 6-синф ўқувчиси Й.Жаҳонгирнинг иншосидаги баъзи гапларда тиниш белгилари тўлиқ эмас. Бу ўринда *ўтади* сўзидан кейин нуқта қўйиш зарур: *Баҳор фаслида яна байрамлар бўлиб ўтади. Булар 8-Март, Наврўз байрамларидир. Яна* сўзи ўринсиз қўлланган, *ҳам* таъкид юкламасини ишлатган маъқул *(байрамлар ҳам).*

12-мисолда ундалмадан кейин тиниш белгиси (бу ўринда вергул) қўйилмаган. *«Она, сизни..»* тарзида ёзилиши керак эди. Бундай ҳолат китобхонни матнда баён қилинаётган фикрни тўғри қабул қилиш учун гапни такрор ўқишга мажбур қилади.

13-мисолда эга билан от кесим орасида тире қўйилмаган: *Баҳор – мен яхши кўрган фасл.*

14-мисолда изоҳланаётган сўз (баҳор) қўштирноқ ичига олинмаслиги керак.

Бутун ёзма ишда бирор тиниш белгисини қўймасдан ёзган ўқувчилар ҳам, афсуски, учраб туради. Масалан, 6-синф ўқувчиси А.Давронбек иншода гаплар чегарасини ажратувчи ҳеч қандай тиниш белгиларини қўймаган:

Иншоларда қуйидаги каби камчиликлар ҳам учрайди:

6-синф ўқувчиси А.Бекмирзанинг иншосида *дарахтлар, кўчатлар, тераклар* уюшиқ ҳолда келтирилган. Холбуки, юқорида уюшиқ бўлаклар талқинида таъкидлаганимиздек, *кўчатлар* деганда бошқа жойга олиб ўтказиладиган ниҳол тушунилади. *Дарахтлар* ниҳолдан ўсиб катта бўлган ўсимлик турини англатувчи умумий ном, *терак* эса дарахтлар турига кирувчи конкрет ўсимлик номидир.

Ўқувчилардан бири «*...ё асар ва ҳикоя»* тарзида умумий ном билан конкрет номни уюшиқ ҳолда ишлатган. Бу эса синтактик хатони келтириб чиқарган.

Иншода *«Ҳа дарвоқе мен...»* деб бошланган гапда кириш сўз вергул билан ажратилиши лозим эди: *Ҳа, дарвоқе, мен...*

Айрим ўқувчилар иншо мавзусини сарлавҳада қўштирноқ ичига олиб ёзадилар. Бу ҳам хато саналади.

«Она ҳақида мақоллар» деб икки нуқта қўйилмасдан мақоллар келтирилган. Биринчидан, иншо давомида тўсатдан бундай сарлавҳа қўйиш талаб этилмайди, иккинчидан, мақоллар кичик мавзуни ташкил қилса, олдинги кичик мавзуга боғланиши керак.

Ўқувчилардан бири «*Она ҳақида шеърлар бор, булардан бири*» деб шеърий мисралар берган-у, ҳеч қандай тиниш белгисини ишлатмаган.

Аксарият хатолар кўчирма гап ва ўзлаштирма гапларда тиниш белги ларининг ишлатилиши билан боғлиқ.

Ўқувчи *«Менинг келажакдаги орзуйим» бу «мураббий» бўлиш»* деб ёзар экан, мураббий сўзини қўштирноқ ичига олади. Демак, унга сўзни қўштирноққа олиш қоидалари маълум эмас.

Умуман, синтактик конструкциялар ва улар билан боғлиқ тиниш белгиларига доир хатоларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) мустақил содда гапларни қўшма гап шаклида ёзиш;

2) қўшма гап қисмларини мустақил содда гаплар тарзида ёзиш;

3) кўчирма ва ўзлаштирма гапларни, шунингдек, диалогли гапларни шакллантира олмаслик, тиниш белгиларини тўғри қўя олмаслик;

4) атов гап, ундалмалар, кириш сўзлар ва киритма гапларни тиниш белгилари билан ажратмасдан қўллаш;

5) уюшиқ гапларни нотўғри ишлатиш.

Иншода синтактик қурилмалар, уларнинг чегарасини белгилаш, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиш

Мустақил гаплари ўзаро тегишли тиниш белгилари билан ажратилган матнни ифодали ўқиш, мазмунини тўғри тушуниш, ундаги ахборотни тўғри қабул қилиш осон кечади. Масалан, чап томонда тиниш белгилари тушириб қолдирилган, ўнг томонда улар тикланган қуйидаги матнни ифодали ўқиб, мазмунини тушунишда фарқ бор:

Саодатхон жилмайиб қўйди кампир пилдираганича ўтинхонага кириб кетди Саодатхон портфелини стол устига тираб бемалол ўтирди уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди дераза ёнидаги катта тувакда самбит гули кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди

Саодатхон жилмайиб қўйди. Кампир пилдираганича ўтинхонага кириб кетди. Саодатхон портфелини стол устига тираб, бемалол ўтирди. Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди. Дераза ёнидаги катта тувакда самбит гули кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди... (Саида Зуннунова)

Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилган матнни ифодали ўқиш ҳам, мазмунини тўғри тушуниш ҳам қийинчилик туғдирмайди, аксинча, ушбу амалларни мақбул тарзда бажаришга кўмак беради. Бу деган сўз, матнда мустақил гаплар, уюшиқ бўлаклар, атов гаплар, ундалмалар ва бошқа синтактик бирликлар бир-биридан ажратилиши, шу мақсадда тегишли тиниш белгиларидан фойдаланилиши даркор. Бунинг учун эса уларни ўзаро фарқлаб, билиб ишлатиш талаб қилинади.

Табиийки, матндаги мустақил гаплар турлича синтактик қурилмалар шаклида бўлади. Бу қурилмалар, асосан, содда гаплар, қўшма гаплар, мураккаб қўшма гапларни ифода этади. Кўчирма гаплар, айниқса, диалогли гаплар, гапнинг уюшиқ бўлаклари, кириш сўзлар, киритма гаплар, сўз-гаплар ва атов гаплар алоҳида эътиборни талаб қилади.

Мазмунига кўра дарак, сўроқ, буйруқ (ундов) ва ҳис-ҳаяжон гаплар қандай маъно ифодалаётганига қараб охирига нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйилади, мустақил йиғиқ ёки ёйиқ гаплар шу белгилар орқали бир-биридан ажратиб ёзилади. Синтаксис ва пунктуацияга оид маълум тушунчалар 5-9-синфларда ўрганилади ва такрорлаб борилади.

8-синф «Ona tili» дарслиги бўйича тиниш белгилари билан боғлик қуйидаги синтактик бирликларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: 46-дарс. От кесим ва эга орасида тиренинг қўлланиши. 55-дарс. Атов гаплар. 56-дарс.

Сўз-гаплар. 57-дарс. Ёйиқ атов ва сўз-гаплар. 83-дарс. Уюшиқ кесим. 84-дарс. Уюшиқ эга. 85-дарс. Уюшиқ ҳол. 86-дарс. Уюшиқ тўлдирувчи. Уюшиқ аниқловчи. 87-дарс. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўз. 91-дарс. Ажратилган бўлакли гаплар, уларда оҳанг ва тиниш белгилари. 92-дарс. Ажратилган ҳол, ажратилган тўлдирувчи ва ажратилган аниқловчи. «Гап бўлаклари билан алоқага киришмайдиган бўлаклар». 93-дарс. Киритмалар. 94-дарс. Киритма гаплар. 95-дарс. Ундалма. 96-дарс. Ундалмаларда тиниш белгиларининг қўлланиши.

Атов гап[1] сўз ва сўз бирикмасидан, содда гапдан ўзига хос «махсус интонациясининг бўлиши билан ва маълум бир фикр тугаллигининг ифодаланиши билан билан»[2] фарқланади. Атов гап .кўпинча кўтаринки оҳангда айтилади. Бундай гап охирида нуқта ёки ундов белгиси қўйилади. Шу билан кейин келадиган гапдан ажратилади. «Номинатив гапнинг бош бўлаги бош келишикдаги от ёки отлашган сўзлардан, миқдор маъносидаги сўзлар (баъзан сон ёки олмошлар)нинг от билан бирикувидан, баъзан олмошлардан бўлади»[3]. Атов гап бўлди, эди боғламаси ва тўлиқсиз феъли (ёки ўтган замон аниқ феъли)ни талаб этмайди.

Сўз-гаплар тасдиқ («Ҳа», «Ҳўп» каби), инкор («Йўқ», «Ҳеч каби), сўроқ («Наҳот?»), ҳис-ҳаяжон (Қойил!» маъноларини англатади, баъзан турли ҳис-туйғулар ифодаланаётган фикрга модал муносабат қўшади. «Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб этмайди, уларда бирор бўлакнинг «яширингани» ҳам сезилмайди»[4]. Сўз-гап охирида нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйилади. Бундай гаплар асосан диалогларда ишлатилади.

Уюшиқ бўлакли гапларда санаш оҳанги устун туради. Санаш усули синтактик-семантик воситалардан бири бўлиб, у ҳам худди градация ҳодисасида бўлганидек, синтактик бирлик ва бирикмаларнинг уюшиб келиши асосида ҳосил бўлади. *Навоий меҳмонларга миннатдорчилигини билдириб, ҳар бирининг ҳол-кайфини айрим-айрим сўраб, ўтиришга таклиф қилди.* (*О.*)

Гапнинг уюшиқ бўлаклари бир-биридан вергул билан ажратилади. Шу ўринда қандай сўзлар уюша олмаслиги ҳақида ҳам гапириб ўтишга тўғри келади. Тилшуносликка доир адабиётларда баъзи ҳолатларда айрим сўзлар уюша олмасликлари айтиб ўтилади. «Современный русский язык» номли дарсликда бу ҳақда шундай дейилади: «*Побывала она в полеводстве, на свиноферме, в птичнике* гапида *полеводство* мавҳум оти *свиноферма, птичник* конкрет отлари билан уюшиқ бўла олмайди...»[5]. Худди шунингдек, мавҳум (умумий тур маъносини англатувчи) сўз билан хусусий маъно билдирувчи сўзни уюшиқ ҳолда келтириб бўлмайди. Масалан, *дарахтлар* ва

---

[1] «Ўзбек тили грамматикаси»да атов гап номинатив гап термини билан юритилган. Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент: «Фан», 1976. – 192-бет.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўша жойда.

[4] «Ўзбек тили грамматикаси»да атов гап номинатив гап термини билан юритилган. Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент: «Фан», 1976. – 196-бет

[5] Современный русский язык. [В 2-х ч.]. Ч. 2. Под ред. Д.Э.Розенталя. Изд. 2-е, испр. Учебник для ун-тов. – М.: «Высш. школа», 1976. – С. 91.

тераклар (ёки *гуллар* ва *атиргуллар*) уюша олмайди. Чунки *терак, атиргул* хусусий номни англатса, *дарахт, гул* сўзлари умумий ном саналади.

Уюшиқ сифатловчи аниқловчиларда тиниш белгиларини тўғри ишлатиш учун уларни уюшмаган сифатловчи аниқловчилардан фарқлай билиш талаб этилади. «Ўзбек тили грамматикаси»нинг II жилдида тушунтирилишига кўра уюшмаган сифатловчилар предметни турли томондан, турли муносабат нуқтаи назардан тавсифлайди: катта чарм портфель (ҳажм ва материал), ўнг томондаги оқ уй (ўрин ва ранг-тус)[1]. Бунда биринчи сифатловчи сифатланмиш билан бирикма ҳолда деб қабул қилинадиган иккинчи сифатловчи билан уюшиқ саналмайди, шу боис улар орасига уюшиқ сифатловчиларда бўлгани каби вергул қўйилмайди.

«Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис» дарслигида ушбу тил ҳодисаси икки вариантда талқин қилинган: «Баъзан оҳанг уюшиқ аниқловчиларни уюшиқ бўлмаган аниқловчиларга айлантириши мумкин: кенг, ёруғ йўл (уюшиқ), кенг ёруғ йўл (уюшиқ эмас)[2]

Демак, уюшиқ тўлдирувчилар, шунингдек, уюшиқ аниқловчилар орасида вергул қўйилса, уларнинг уюшмаган ҳолатларида ушбу тиниш белгини ишлатиш хатога сабаб бўлади.

Кириш сўз ва киритма бирикмалардан ҳам гапни гапга боғловчи, баъзан эса абзацлар ёки матннинг қисмларини ўзаро боғловчи восита сифатида кенг фойдаланилади. *Биринчидан, иккинчидан* каби кириш сўзлар, асосан параллел боғланиш йўли билан тузилган матннинг асосий қисмида қўлланса, *менимча, фикримча, ахир, назаримда, қарангки, сабаби* каби сўзлар кетма-кет боғланиш йўли билан тузилган матнда кўпроқ ишлатилади. *Умуман, умуман айтганда, хуллас, хулоса шуки, демак, шундай қилиб, қиссадан ҳисса* каби сўз ва иборалар асосий қисмдаги фикрни якунлаб, уни хулоса қисми билан боғлашга хизмат қилади.

Масалан: *Азим билан Элдор қизғин суҳбат қуриб мактабдан қайтишарди. Икковининг ҳам димоғи чоғ, бинобарин суҳбатга мойил эдилар. Сабаби бугун дарсдан кейин ёзувчи Муса Латиповнинг янги қиссасининг муҳокамаси бўлган эди. (Ф.Мусажонов)*

Бу мисолдаги *сабаби* сўзи охирги гапни аввалги 2 гап билан ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан ўзаро боғлайди.

Кўпчилик тилшунослар гап шаклидаги киритмаларнинг асосан гап ичида, камроқ гап охирида келишини, аммо гап бошида кела олмаслигини кўрсатишади[3]. Фактлар бу фикрни тасдиқлайди[4].

Сўз ва сўз бирикмаси шаклидаги киритмалар асосан гап бошида қўлланилади. Гап охирида ёки гап ўртасида келган киритмалар сўз, сўз

---

[1] Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. – Тошкент: «Фан», 1976. – 176-бет.

[2] Ғуломов А.Ғ., Аскарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: «Ўрта ва олий мактаб». 1961. – 124-бет.

[3] Грамматика русского языка. Ред. Виноградов В.В. – М.: Изд-во АН СССР, 1980. Т.2: Синтаксис, Ч.2. – М., 1960. – С. 11.

[4] Тошалиев И. Киритмаларнинг нутқ таркибидаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1972. – N 4 – Б. 63-бет.

бирикмаси шаклида ҳам учрайди. Киритма гаплар эса тугал синтактик қурилма (конструкция) ичида ҳам, унинг охирида ҳам бирдай қўлланаверади:

У гоҳ ошхонага югуриб, овқат устига овқат ташир, гоҳ ҳашарчи акани (ўша куни Воҳидни негадир шундай чақирганди) овқат емагани учун койир, унинг устидан ойисига арзҳол қиларди. (О.Ёқубов)

Гап охирида келган киритмалар фақат ўзидан олдин келган гап мазмунига боғлиқ бўлмай, балки бир неча гап мазмунига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Мураккаб синтактик бутунлик мантиқий бирликни ифодалашга хизмат қилувчи структурал восита экан, киритмаларни ана шундай МСБ мазмунига, баъзан матн мазмунига тегишли деб ҳам қараш мумкин.

Масалан: *Варрак эди, каптар эди, чиллак эди қилиб вақтингни ўтказмайсан, энди ўқиш билан шуғулланасан. Мана, Шавкатни ол. (Шавкат аммамнинг ўғли, мен билан баравар). (Ҳ.Назир)*

Киритмалар ёзувчи ёки персонажнинг ўзи ҳикоя қилаётган воқеа ёки ҳодисага муносабатини ифодалаб, нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини ошириш, турли лирик чекинишлар, гапирилаётган воқеага аниқлик киритиш мақсадида қўлланади.

Мен опамнинг жилдидан қалин китобни – Қуръон бўлса керак – олиб, пала-партиш варақлайман. Опам куюниб қўлимдан тортиб олишга тиришади. Мен бермайман. Айвоннинг у бошидан бу бошига олиб қочаман. Оғир китоб қўлимдан тушиб кетади ... (О.)

Бу мисолда жилд ичидаги номаълум китобни муаллиф ўзича Қуръон деб тахмин қилишини гап ичидаги бирикмада беради.

Шифтга қараб чўзилиб ётавериш Турғуннинг жонига тегди. Умрида тиним нима-ю касал нималигини билмаган бир болага бир ҳафта каравотга қапишиб қолиш ҳазилми. У неча марта ўрнидан туриб юришга уринди. Онаси кўймади. (Ҳ.Н.)

Ушбу парчада 1-гапдаги фикр 3-гапда давом эттирилади. 2-гап киритма сифатида ёзувчининг Турғуннинг ҳолатига муносабатини ифодалайди.

Ундалмалар, уларда тиниш белгиларининг қўлланиши ўзига хосдир.

Ҳар бир гапда нисбатан тугалланган қандайдир фикр ифодаланган бўлади. Аввалги гапларда ифодаланган фикрни кейинги гапда ифодаланган фикр, одатда, ё ривожлантиради, ёки улардан келиб чиқадиган фикрларни хулосалайди. Шундай экан, кейинги гапни олдинги гап билан тўғри боғлаш муҳимдир. Гаплар бир-бирлари билан хилма-хил синтактик воситалар орқали боғланадп. Баъзан улардан тўғри фойдалана олмаганлик кўзга ташланади[1].

Сўз тартиби, мантиқий урғу, юкламалар маъно-мазмун боғланишига ишора қилади. Бошқа ҳолатларда эса ташқи грамматик алоқа намоён бўлади. Лекин тема-рематик боғланишни ташқи грамматик воситалар орқали кўрсатиш усули қўшма гап таркибидаги содда гаплар боғланишини тушунтиришга нисбатан қўлланмайди, чунки бундай тушунтириш бир қатор мураккабликларни келтириб чиқаради.

---

[1] Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари: Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун қўлланма – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 62-бет

Тилшуносликда гапларнинг (қўшма гап қисмларининг) боғланиш турлари ҳақида тема-рематик силжишга мурожаат этмаган ҳолда гапириш расм бўлгани ҳам уларни кўрсатишнинг қулайлигидандир. Лекин қуйидаги ҳолатлар ўқувчилар иншосида хатоларни келтириб чиқариши мумкин:

1) сўз тартиби (ўзгарган тартиб, шунингдек, инверсия) орқали боғланиш;

2) мантиқий урғу асосида боғланиш;

3) матн ғояси билан узвий боғланган етакчи сўзларнинг қайта-қайта такрорланиши орқали боғланиш.

Содда гапларнинг қўшма гаплардан фарқи, кўчирма ва ўзлаштирма, диалогли, киритма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари методист олима М.Омилхонова томонидан бир қадар кенг ёритилган. Ўтган асрнинг 80-йилларида М.Омилхонова[1] содда ва қўшма гапларни ўрганиш мазмунига талаффуз чизмаларини ҳам киритган эди. Бу чизмалар синтактик бирликларни бир-биридан оҳангига кўра фарқлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Уларнинг фарқларини билиш эса тиниш белгиларини бехато ишлатиш имконини берган. Шундай бўлгач, ўша даврда ишлаб чиқилган чизмалардан бугун ҳам фойдаланиш самарадорликни оширишнинг муҳим омили саналади.

Матнни ўқиш жараёнида синтактик қурилмалар орасидан содда гап билан қўшма гапни фарқлаш нисбатан осон: «...Лисоний структура жиҳатидан қўшма гапнинг содда гапдан фарқи маълум даражада равшан. Аниқроғи, содда гапда шаклланган кесим битта бўлса, қўшма гапда у бирдан ортиқ бўлади ва бирдан ортиқ содда гапларнинг мазмун ҳамда грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топади»[2]. Лекин ижодий ёзма ишда уларни фарқлаб, тиниш белгиларини тўғри ишлатиш анча қийин кечади. Чунки «...қўшма гап алоҳида олинган гапларнинг тасодифий йиғиндиси эмас, балки мазмунан бир-бирига боғланган ва кўп ҳолатларда бир-биридан ажралиши мумкин бўлмаган, яхлит фикрни ифодалаш учун хизмат қиладиган ва матн хусусиятига эга бўлган мураккаб синтактик бирликдир»[3].

Содда гапларда воқеаларнинг содир бўлишида вақт маълум масофа ораликка эга бўлади. С.Боймирзаеванинг қўшма гап хусусиятлари ҳақида келтирган изоҳига кўра, пайтга нисбат бутунлай бошқача: «Қўшма гапни ташкил этган гаплардан англашилган мазмун заминидаги воқеа бир пайтда ёки биргаликда рўй беради. Бу турдаги қўшма гап қисмларининг кесимлари бир хил замон шаклида бўлади. Бу ҳолат гаплар орасидаги тугал мазмуний ва шаклий параллеллик, яқинлик, ўхшашликдан далолат беради. Масалан: *Султонмурод дўстини табассум билан тинглаб, Ҳиротнинг баҳорда тоза ҳуси билан яшнаган ажойиб манзараларига суқланиб қарар, шодликдан, ҳисларнинг шўхлигидан кўкси тўлиб тошарди (О.)»*[4].

---

[1] Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 186 б.; Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш.– Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 140 б.; IV синфда «Синтаксис ва пунктуация»ни ўтиш // Она тили ўқитиш самарадорлигини ошириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – Б. 26–74

[2] Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент, 2007, 360-б

[3] Turniyozov N., Yo ldoshev B. Matn tilshunosligi. – Samarqand, 2006.

[4] Боймирзаева С. Бадиий матнда қўшма гап. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008. – 27-бет.

Мустақил гапларни бир-бирига боғлашда, улардаги фикрнинг давомлилигини ифодалашда икки нуқта ҳам грамматик восита сифатида қўлланилиши мумкин.

Икки нуқта ишлатилган гапларда муайян характердаги тугалланиш интонацияси бор бўлишига қарамай, маъно жиҳатдан фикрнинг давомлилиги сезилиб туради. Шунга кўра улар охирига нуқта қўйилган гаплардан фарқланади. Масалан:

Радио карнайи башорат берар: Муқаддас арафа кунлари, букун, Бизнинг ўчада ҳам байрам бўлажак. (F. F.)

Икки нуқта содда ва қўшма гаплар таркибида қўлланаверади. Икки нуқта моҳияти тўла ифодаланмаган, унинг маъноси ва маъно оттенкалари ўзидан кейинги гаплар воситасида изоҳланиши, очилиши, тушунтирилиши лозим бўлган гаплар охирида ишлатилади. Демак, икки нуқта фикрнинг тўла тугалланмаганлигини, унинг кейинги гап оркали очилишини англатиш учун қўлланади. Масалан:

Ғишт қолипдан кўчди: кўнгилларнинг туб-тубида типиллабгина турган чора – омонликдан ҳам умид узилди. Одамларнинг юришида – туришида ўтиши муқаррарлигини сезган тулпорнинг сиёғини эслатувчи ғалати бир ифода зоҳир бўлди: ичлар бирдан ҳувиллаб, қўрқув ҳисси йўқолди (Ш.Исахонова).

Хуллас, ўқувчилар томонидан ёзилаётган иншоларда синтактик қурилмаларнинг чегарасини белгилаш, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиш билан боғлиқ матний хатолар содда ва қўшма гап синтаксиси бирликларини ўзаро фарқлай олмаслик, бунда оҳанг жиҳатларига эътибор бермаслик, назарий маълумотларни амалда татбиқ эта билмаслик туфайли юзага келишини ҳисобга олиб, таълимий тадбирларни шу камчиликларни бартараф этиш сари йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

2.3. Иншода фикрни мантиқий изчилликда баён этиш билан боғлиқ мазмунни матний хатолар

Ижодий ёзма ишларда ўқувчи ўз фикрларини гаплар тузиб ифодалар экан, шу гаплардаги мазмуннинг тиниқлигига, аниқ ва тушунарли бўлишига, мантиқий изчил баён этилишига, пировардида мавзуни тўлиқ очиб беришга, фикрларини тўлиқ ва тугал акс эттиришга эришиши кутилади. Бир фикрни баён кила бошлаб, уни англаш қийин бўлган ҳолатда тугатиш эса алоҳида олинган гап мазмунидан ташқари, бир бутун матн мазмунининг кемтик, илгари сурилмоқчи бўлган ғоянинг ноаниқ бўлиб қолишига олиб келади. Бу каби камчиликларни ҳам матний деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1) матнда ёритилаётган кичик мавзуларни қориштириш, улар билан боғлиқ равишда абзацлар чегарасини ажрата олмаслик;

2) фикрни қилишда мантиқийликнинг бузилиши;

3) тасвир-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар;

4) ривоя-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар;

5) муҳокама-матнларда фикрни изчил баён этишдаги матний хатолар.

6) гап мазмунидаги ғализликлар билан тавсифланувчи матний хатолар;

7) фикр ноаниқлигига олиб келувчи лексик хатолар.

Қуйида ушбу камчиликларнинг ҳар бирига айрим-айрим тўхталамиз.

I. Кичик мавзуларни қориштириш, улар билан боғлиқ равишда абзацлар чегарасини ажрата олмаслик ижодий ёзма ишлардаги кўпол матний хатолар сирасига киради.

Ўқувчи А.Марҳабо «Она – улуғ зот» мавзусида нималар ҳақида ёзишни режалаштириб олмаганлиги туфайли иншода бир кичик мавзудан иккинчисига ўтади ва уни тўлиқ ёритиб бўлмай туриб, яна биринчисига қайтади. У ўз ёзма ишида аввал она алласининг аҳамиятини очмоқчи бўлади, сўнг она тушунчаси билан Ватан ҳамда ер тушунчаларининг боғлиқлигини ёритишга ўтади, ниҳоят, оналарнинг нима учун улуғлигини баён қилишга киришади. Оналарнинг нима учун улуғланиши биринчи кичик мавзу сифатида ёритилиши керак эди, чунки иншо мавзуси тезисни англатади. Бу ўринда катта мавзудан келиб чиқмаганлик, режа тузиб олинмаганлиги мазмуний изчилликка амал қилинмаганлигига, хатбошиларнинг ажратилмаганига ҳам сабаб бўлган, матний хатолар келтириб чиқарган.

Бу каби матний хатоларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) бир кичик мавзуни тугалламасдан иккинчисига ўтиш ва яна биринчисига қайтиш (қайтариқлар);

2) кичик мавзулар (абзацлар) чегарасини тўғри ажрата олмаслик.

1. Бир кичик мавзуни тугалламасдан иккинчисига ўтиш ва яна биринчисига қайтиш (қайтариқлар) билан тавсифланувчи матний хатолар фикр юритишдаги режасизликдан, нимаики хаёлига келса, шуларни ёзганликдан далолат беради. Мисолларга мурожаат этамиз.

Ўқувчи М.Шаҳло ёзган иншода аввал баҳордаги табиат ҳақида, сўнг баҳор таомлари, ундан кейин баҳор байрамлари тўғрисида гапирилиб, яна баҳор табиати ҳақидаги гапларга қайтилади ва, ниҳоят, баҳорги ишлар тилга олинади. Кўринадики, фикрлар тарқоқ. Бир кичик мавзуда бир жойда айтилган гапларга яна бирор гап қўшиш истаги пайдо бўлса, баён давомида қўшиб кетавериш мумкин деган хато тасаввур билан иш кўриш оқибатида ана шундай ҳолат юз беради. Бундай ёзма ишда изчиллик бўлмайди, кичик мавзулар қоришиб кетади.

Ўқувчилардан бири ўз иншосини шундай бошлайди: *Баҳорда қир-адирларда лола, лолақизғалдоқлар очилади. Она табиатимиз уйғониши айнан шу фаслда рўй беради.*

Ушбу гапларда биринчи фикр (*қир-адирларда лола, лолақизғалдоқлар очилиши*) айтилиб, ривожлантирилмай, бошқа (баҳор фасли ҳақидаги) фикрга ўтиб кетилган, натижада кичик мавзулар қориштирилган. Биринчи гапдан кейин қир-адирларнинг қип-қизил тусга кириши, кўзни яшнатиши ва ҳоказолар ҳақида гапирилса, мантикан тўғри бўлади. Булар фасл келинчагининг ҳуснига монанд келади.

7-синф ўқувчиси М.Дурдона «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусида ёзган иншосини *«Орзулар пойдевори бу билим. Ахир айтаошлар-ку, билимли инсон хор бўлмас»* гаплари билан бошлайди, сўнг ким бўлиш орзусида эканлигини, орзуга етишиш учун тер тўкиб меҳнат қилиш кераклигини

галириб, охирида *«Аммо бу орзули юлдузлар тагида оғир меҳнат ва билим ҳунаввар (?) бўлиши зарур»* деб яна билим сўзини тилга олади. Аслида билим зарурлиги ўз ўрнида (дастлабки икки гапдан кейин) кўпроқ асосланиши лозим эди.

Иншода баъзан Ватан ҳақидаги мушоҳадалардан юртимиздаги ишлаб чиқаришга ўтилади. Ватан тушунчаси атрофидаги гаплар эса тугалланмай колган.

5-синф ўқувчиси И.Мадина ўз иншосида аввал *«Ватан бу туғилиб ўсган жойимиздир»* деса, қуйирокда *«Мен... ватанни яшаётган жойимизни тушунаман»* дейди. Натижада айнан бир фикрнинг икки хил шаклда такрор айтилиши туфайли қайтариқ юзага келган. Бир иншода бир фикр қисман ўзгартирилган бир хил гаплар билан ифодаланган нотипик нуқсонлар ҳам учрайди. Бундай нуқсонлар ёзма иш ёзиб бўлингандан кейин уни ўқиб чиқмаслик оқибатидир.

9-синф ўқувчиси Т.Жуманазарнинг «Она – улуғ зот» мавзусидаги иншосида: *«Она – энг мўътабар, энг меҳрибон, энг улуғ зотдир. Онага муҳаббат Ватанга муҳаббат каби муқаддас ва юксак туйғу. Онага муҳаббатнинг шундай бир ўзига хослиги борки, инсон бу туйғуси ҳақида оламга жар солмайди. Ҳаммани ундан воқиф қилавермайди, ҳатто онасининг ўзига ҳам ҳар куни «Онажон, мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман, Сиз дунёдаги энг улуғ зотсиз» деявермайди. Лекин ҳар куни онасига гамхўрлиги, меҳрибонлиги, хатти-ҳаракатлари билан амалда намоён қилади».*

Биринчи гап тезис деб ҳисобланса, навбатдаги гаплар шу гапдаги асосий ғояни асослаш учун хизмат қилмоғи даркор. Лекин Жуманазар кейинги гапларида онага бўлган муҳаббат туйғусини шарҳлашга ўтиб кетган.

6-синф ўқувчиси А.Хумора. *Ҳозирда бизнинг юртимизда шарт-шароитлар яратилган, биз бундан оқилона фойдаланишимиз лозим.* (Фикр тўлиқ очилмаган.)

Ота-онамиз бизни ҳеч кимдан кам қилмасликка уринади. Ўзлари емай ичмасалар ҳам бизга беришади. (Фикр тўлиқ ифодаланмаган)

Юқоридаги каби матний хатоларга йўл қўймаслик учун ўқувчи биринчи навбатда кичик мавзуларни ажратиб олиши, уларни режа моддалари сифатида таърифлаши керак

2. Кичик мавзулар (абзацлар) чегарасини тўғри ажратмасликдан иборат матний хато бир кичик мавзудан иккинчи кичик мавзуга ўтишда иккаласининг мазмун қўламини тасаввур қила олмаслик туфайли хатбоши билан ажратмай ёзиш туфайли юз беради. Мисолларга мурожаат этайлик:

7-синф ўқувчиси У.Мухлиса «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусида иншо ёзар экан, аввал умуман орзулар ҳақида, кейин ўз орзулари тўғрисида гапиради, лекин ёзувда буларни хатбошилар тарзида ажратмайди. Унинг иншосида уч кичик мавзу ўзаро фарқланади: 1. Орзулар. 2. Менинг орзуйим. 3. Мен ўз орзуйимни Ўзбекистон келажагида кўраман.

У.Мухлисанинг иншосида иккинчи кичик мавзунинг биринчи гапи бўла оладиган жумла бор: *Мен ҳам орзулар, мақсадларим учун, уларга эга бўлиш учун ҳаракат қиламан.*

Т.Жуманазарнинг «Она – улуғ зот» мавзусидаги иншосидаги биринчи гап орқали ифодаланган фикр: онанинг улуғ зот эканлиги бош мавзу билан боғлиқ равишда айтилган бўлса, онага муҳаббат бош мавзуга алоқадор бўла олмайди, чунки унинг ўзи яна бир ёзма иш учун алоҳида бош мавзу бўлишга арзийди. Бош мавзудан (иншо мавзусидан) четга чиқиш эса уни яхлит кўз олдига келтира олмаслик, нималар ҳақида ёзиш мумкинлигини белгилаб олмаганлик оқибатида юзага келади. Масалан, баъзи ўқувчиларнинг иншосида Ватан ҳақидаги фикрлар ўзи ҳақидаги ҳикояга айланиб кетади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, баъзан сарлавҳасиз иншолар ҳам учраб туради Масалан, 5-синф ўқувчиси М.Сайёранинг баҳор ҳақидаги иншоси сарлавҳасиз, хатбошисиз бошланган.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, юқорида санаб кўрсатилган хатолар қўпол саналса-да, бартараф қилиб бўлмайдиган хатолар эмас. Кичик мавзуларга тўлиқ риоя қилишга, уларни бош мавзуга бўйсундиришга эришадиган ўқувчилар бор. Масалан, 6-синф ўқувчиси Б.Давронбек «Зумрад баҳор» сарлавҳали иншосида қишдан сўнг ўлкамизга баҳор кириб келиши, у фасллар келинчаги эканлиги, биринчи кундан қуёш ўлкамиз узра ёғду сочиши, лолалар очилиши ва замин узра хушбўй ҳид таратиши, баҳорнинг ўзига яраша таровати борлиги ҳақидаги фикрларни шу изчилликда айтгач, деҳқонларнинг дала ишлари, байрамлар, сайлларга тўхталади, табиатни асраш ҳақидаги гаплар билан тугатади.

Мактаб ўқувчилари ёзган иншоларда асосан 2-3, баъзида 4-5 абзац бўлади.

Кичик мавзу ҳақида тушунча

Иншо мавзуси (сарлавҳаси) бош мавзу саналади Шу мавзу асосида, унинг доирасида нималар тўғрисида ёзмоқчи эканлик кичик мавзуларни англатади. Улар иншо режасида режа моддалари сифатида кўрсатилади. Кичик мавзу бўйича баён қилинадиган фикрлар абзац тариқасида ажратилади. Бадиий асарларда кичик мавзулар кўп бўлгани учун абзацлар ҳам кўп бўлади.

II. Фикр баён қилишда мантиқийликнинг бузилиши иншо ёзаётган одамнинг мантиқий мушоҳада юритмаганлиги натижасида юзага келади.

Афсуски, бу каби матний хатолар (мантиқан бир-бирини тақозо этмайдиган гапларни айтиш) аксарият ўқувчиларнинг иншоларида тез-тез учраб туради.

Тилшунос олим Т.Қудратовнинг «Нутқ маданияти асослари» номли қўлланмасида гаплар орасида мантиқийликнинг бузилиши сифатида қуйидаги қусурлар кўрсатилади: I. Гапларни бир-бирига боғлашда юз берадиган хатолар. 2. Бир фикрдан бошқасига ўтишда юз берадиган хатолар. 3. Матнни абзацларга бўлишда хатоларга йўл қўйиш. 4. Матнни мантиқий

шакллантириш, синтактик қурилмаларни танлашда юз берадиган хатолар[1].

Т.Нафиса она меҳрини сўз билан таърифлаб, тушунтириб бўлмайди, дейди-ю, онанинг фарзандга, бошқаларга бўлган меҳри ҳақида гапиради. Ўқувчи аслида меҳр нималарда намоён бўлиши ҳақидаги фикрни мантикан ривожлантириши керак эди.

Она меҳри барча меҳрдан азиз ва бошқача (Т.Нафиса) (Ушбу гапда мантиқ йўқ, чунки она меҳридан бошқа меҳрлар борлиги ноаниқ). *Онанинг фарзандга меҳри қариндошлар ва ёру биродарларга бўлган меҳридан ўзгача.* (Нафисанинг бу гапи тўғри.)

Мустақил гапларни ўзаро боғлашда мантиққа риоя қилмаслик ҳолатлари қуйидаги хато турларида ўз ифодасини топади:

а) кетма-кет (занжир) ва параллел боғланишга доир хатолар;

б) уюшиқ гапларнинг параллел боғланишига доир хатолар;

в) контакт ва дистант боғланишга доир хатолар;

Кетма-кет келаётган гапларнинг ўзаро боғланиш чизмасида ҳам юзаки тасаввур таъсири сезилади. Масалан: *Баҳор... Баҳорда... Бу фаслда... Осмонда қушлар... Баҳорнинг элчиси қалдирғоч... Деҳқонлар... Боғбонлар... Бу фаслда... Бу фаслни ҳамма яхши кўради. ...қушлар..., ҳайвонлар...*

Ўқувчилар олдинги гапдаги от-кесим асосида навбатдаги гапни бошлайдилар. Масалан: *...зотдир. Шу зот* ... Бундаги боғловчи восита – олмош. Баён изчиллигига кўра олдинги гапнинг кесимини навбатдаги гап изоҳлаётгандай (одамларнинг унга муносабатини ифодалагандай) бўлади. Лекин учинчи гапдаги фикр иккинчи гап билан боғланмай, биринчи гапдаги фикрни давом эттиради. Натижада ўртадаги гап киритма гапга ўхшаб қолади. Масалан, А.Марҳабонинг иншосига қайтамиз: *...онадир. Шу зот қаршисида ҳамма баробар тиз чўкади. Эшитаётган алласи жажжи чақалоқни келажакда одамларга меҳр-мурувватли, меҳрибон бўлишига пойдевор бўлади.* Биринчи ва учинчи гап она алласи, алла айтаётган она ҳақида бўлса, тўртинчи гап *она* тушунчаси тўғрисида: *Бизнинг қадрдон Ватанимиз ва еримизни ҳам "она Ватан", "она ер" деб атаймиз. Чунки...*

Мантиқийлик ҳақида тушунча

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да мантиқ сўзига шундай изоҳ берилган: «МАНТИҚ ... 2 Гап, фикр, ҳаракат ва ш.к.нинг ақлга монандлиги, асослилиги»[2]. Айтилаётган (ёзилаётган) гаплар ҳақиқатга тўғри келиши, тилга олинган нарса-буюмнинг, хатти-ҳаракатнинг ҳаётда мавжуд бўлиши, юз бериши мумкинлиги мантиққа амал қилинганликдан далолат беради. Бундай баён мантиқли саналади. Акс ҳолда гап, фикр мантиқсиз чиқади. Бир гапнинг иккинчисига боғланишида ҳам мантиқийлик бўлиши керак. Шунда фикрлар асосга эга бўлади.

С.В.Юртаев ўқувчилар йўл қўядиган хатолар ҳақида гапириб, мантиқ қонунларини эслатади: «мантиқий хатолар ўқувчиларнинг нутқий фаолиятидаги хатолардан биридир. Айнийлик, учинчиси ортиқчалик, етарли асосланганлик

---

[1] Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари, 62-бет.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли: Иккинчи жилд, Е–М. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 539-бет.

ўзимнинг оилам билан жуда ҳам фахрланаман. Онамнинг, Дадамнинг умрлари узоқ бўлсин (.) бахтимизга соғ-омон бўлсин» (Аввалги кесим эга вазифасидаги умрлари сўзига боғланган, кейингисида бошқа эгага (онам, дадам) ишора қилингани учун ноаниқлик юзага келган.)

6-синф ўқувчиси А.Гулнора: *Бир корҳол бўлиб қолса(,) шу заҳоти ёрдам бериш керак.*

Аввал шифокор ҳақида гап бўлиши, шундан кейингина шу сўзга ишора бўла оладиган қилиб гапирилиши тўғри бўлади, яъни шифокор айтилганини назарда тутиб *у* ёрдам бериши керак дейилгани маъқул эди.

Юритилаётган мушоҳадаларда ҳаёт тажрибаси етишмаслиги фикрий ноаниқликларга, хато мушоҳадаларга сабаб бўлади. Масалан:

9-синф ўқувчиси К.Дилнозанинг «Она – улуғ зот» мавзусида ёзган иншосидан қуйидаги гапларни олиб кўриб чиқайлик: *Она бизни тўққиз ой вужудида кўтариб юриб қийналиб бизни катта қиладилар.* Гап мазмунига кўра, она бизни тўққиз ой вужудида кўтариб юриб вояга етказган (катта қилган) деган фикр англашилади. Она фарзандини тўққиз ой вужудида кўтариб юриб, дунёга келтириши айни ҳақиқат, лекин шундан кейин у вояга етгунга қадар парваришлайди, тарбиялайди.

6-синф ўқувчиси М.Гулнора: *Менинг келажакдаги орзуларим жуда кўп. Масалан, яхши баҳоларга ўқиш, яхши ишларда ишлаб Ватанга хизматим тегишини орзу қиламан.*

Ушбу гапларда бугунги режалар (*яхши ўқиш)* ва келажакдаги орзулар (*яхши ишларда ишлаш)* қоришган.

Юқоридаги каби хатолар ўқувчиларнинг мушоҳадаларида ҳаётни аниқ тасаввур қилмаслик, турмуш тажрибаси етишмаслиги туфайли содир бўлади.

Хуллас, ўқувчи ўзи яхши тасаввур қила олмаган воқеа-ҳодисалар, нарса-буюмлар, тушунчалар ҳақида аниқ фикр юрита олмайди, бунинг натижасида ижодий ёзма ишда мазмуний матний хатоларга йўл кўяди.

Гаплар мазмунидаги ғализликлар ҳақида тушунча.

Сўз такрори ёзма нутқдаги услубий ғализликни келтириб чиқарадиган асосий омиллардан биридир.

Ифодалардаги ғализликлар билдирилаётган фикрни тўғри ва тўлиқ идрок этиш билан боғлиқ қийинчиликларга, етказилаётган ахборотнинг узуқ-юлуқ қабул қилинишига, ҳосил бўлаётган тасаввурнинг тор ва саёз бўлишига олиб келади. Бундай нуқсонларга йўл қўймаслик учун эса матн тузиш қоидаларини, айниқса, услубият қоидаларини ўзлаштириш зарур.

VII. Билдирилаётган фикр ноаниқлигига олиб келувчи лексик хатолар сўзнинг нотўғри ва ноўрин ишлатилиши туфайли юзага келади. Масалан, қуйидаги сўз бирикмалари ва гапларда *интизор, мусаффо, мўътабар, бағир* сингари ифодалар тушунча сифатида воқелик нарса-буюмлари, инсон ички дунёсига нисбатан ноўрин қўлланган: *«Қиш бўйи интизор кутган баҳорим ҳам келди»* (Ф.Фозила); «*жуда мусаффо шамол»* (Ф.Фозила); *«Биз мактабдан келаётганимизда она меҳри бизни ўз бағрига чорлайди»* (7-синф ўқувчиси Т.Нафиса); *«Она меҳри мўътабардир»* (Т.Нафиса); *«Биз ҳам ҳавонинг тозаланишига фойда қўшдик»* (6-синф

ўқувчиси А.Бекмирза). (Ўқитувчи қизил сиёҳ билан *фойда қўшдик* сўз бирикмасининг тагига чизиб қўйган.)

Шахснинг ўз баҳори кўчма маънодагина бўлиши мумкин, ўз маъносидаги баҳорни киш бўйи интизорлик билан кутиш табиий ҳолат эмас, бу ҳолат киш тугашига яқин қолганда кузатилиши мумкин; меҳр муътабар бўлмайди; шамолга нисбатан мусаффо дейилмайди; бирор иш-ҳаракатга фойда қўшилмайди, балки унинг юзага чиқиши учун ҳисса қўшиш мумкин; меҳрнинг бағри бўлмайди.

Гапда сўзни нотўғри ишлатиш иншо ёзаётган ўқувчини ноқулай вазиятга солиб қўяди: у кейинги гапни аввалги гап билан тема-рематик боғлаш имкониятини топа олмай қолади, натижада навбатдаги гап ўзича мустақил мазмунда тузилади. Масалан, «*Она меҳри муътабардир*» гапидаги муътабар сўзи тема қилиб олинадиган бўлса, у шарҳланиши лозим бўлган тезис сифатида қабул қилиниши, ушбу тушунчани шарҳловчи кейинги гап рема тариқасида баён қилиниши лозим. Бунинг иложи бўлмагач, ўқувчи она меҳри ҳақида бошқа гап тузиб, шу гапдаги фикрни кейинги гапларда ривожлантиради. *Она меҳри муътабардир* гапи муаллақ қолиб кетади.

6-синф ўқувчиси А.Давронбек: *Ота-боболаримиз айтганларидек(,) Ватан остонадан бошланади деганларидек инсонга(да) ёшлигидан Ватан меҳри уйғонади.*

Бу ерда *айтганларидек, деганларидек* сўзларидан бири ортиқча ишлатилган.

5-синф ўқувчиси А.Диёрбек: *«Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистондир. Бизнинг Ўзбекистонда кўплаб манзарали жойлар бор»* гапларининг иккинчисида *бизнинг* олмоши ортиқча ишлатилган. *Манзарали* сўзи кўпроқ дарахт турига нисбатан ишлатилади: *манзарали дарахтлар. Манзара* сўзининг ўзи чиройли, гўзал каби маъноларни англатмайди, шунинг учун *ҳушманзара* сўзини қўллаш лозим бўлади.

Лексик хатолар баъзан грамматик воситанинг нотўғри қўлланиши билан бирга келиб, лексик-грамматик хато тусини олади.

Ҳамма танлашади. Амалга ошуви инсоннинг (ўз) қўлида.

«Аммо бу орзули юлдузлар тагида оғир меҳнат ва билим мунаввар (?) бўлиши зарур»

...она меҳри (ни) сўз билан ифодалаб бўлмайди. (Бу гапда грамматик хато бор: Она меҳри ишлатилса, яъни тушум келишиги қўшимчаси қўшилмаса, кесим мажҳул нисбатда қўлланиши керак. Ҳозирги ҳолатида қўшимча қўшилгани тўғри бўлади.

... Мен ўз эсимни танигандан менда тиббиётга ўзгача ҳис пайдо бўлди (7-синф ўқувчиси А.Абдулазиз). Ушбу гапда ўз сўзи ортиқча, чунки киши ўзгаларнинг эсини танимайди. Тиббиётга ҳис эмас, ҳавас пайдо бўлиши мумкин.

Ҳеч бир ёзувчи йўққи,... ёзмаган. Бу гапнинг кесими *ёзмаган бўлсин* шаклида қўлланса, тўғри бўлади.

... Юртбошимга лойиқ шифокор –қадр бир кишига лойиқлик жиҳатидан баҳоланмайди.

...*Орзуларимни бажариш* – орзу бажарилмайди, унга етилади.

...Ўқувчилар ёзган иншоларда сўз ишлатиш билан боғлиқ хатоларнинг бир қисми нарса-буюм, воқеа-ҳодисалар моҳиятини, айниқса, ҳаёт ва табиат қонунларини яхши билмаслик туфайли юзага келади. Масалан, «*баҳорнинг биринчи кунидан қуёш кўкка бош кўтариб, ўлкамиз узра тинимсиз ёғду сочади*» деганда ўқувчи қуёшнинг аста-секин (кундан кунга) юқорилаб бориши, у ёғдудан кўра нур сочиши ҳақида гапириши тўғри бўлади. Мактаб ўқувчилари «менинг оилам» ўрнига «бизнинг оиламиз» деса, кўп нарсаларни ҳисобга олган бўлади. 5-синф ўқувчиси А.Нилуфарнинг «Менинг оилам» мавзусидаги иншосида *«қувонч мени босиб олади»* бирикмаси ишлатилган. Ўқувчи *чулгаб олмоқ* дея олмаган.

...*шу қадарга етказиб қўйганлар* ифодасида даража маъносида *қадар* сўзи қўлланган. Услубда ғализлик шу сўз туфайли юзага келган.

Ўқувчилар баъзан сўз ихтиро қиладилар. Масалан, *буюкламоқ*.

Болалар баъзан сўз ишлатишда шаблон ифодалардан фойдаланадилар: ...*у (она) ўз фарзандини дунёга келтиргунча ҳам, ундан сўнг ҳам мисли кўрилмаган машаққатларни бошидан кечиради* (9-синф ўқувчиси Б.Равшан).

«*Мисли кўрилмаган*» ифодаси ноўрин ишлатилган, уни *катта* сўзи билан алмаштирган маъқул эди.

...*оналар муҳофаза қилинади ва асралади* ифодасида мухофаза феъли нотўғри танланган.

Ўқувчилардан бири: *Баҳорда қир-адирларда лола, лолақизғалдоқлар очилади. Она табиатимиз уйғониши айнан шу фаслда рўй беради.*

Рўй беради сўзи *содир бўлади* маъносини билдиради. *Рўй беради* деганда салбий оттенка ҳам бор. Сўз нотўғри танланган.

Иншода сўз ишлатиш ҳақида

Методист олим Й.Абдуллаевнинг тавсифига кўра, бадиий адабиётда тил воситаларининг ҳар хиллиги уларнинг қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлмаган пайтдагина сезилади, масалан: *Арава билқиллаётган чангни кечиб ўтди.*(Ас.М.) Бу гапда *чанг* сўзи нотўғри қўлланган: чанг билқилламайди, тупроқ билқиллайди[1].

Унинг таъкидлашича, «...бадиий асарларда турли терминларнинг суиистеъмол қилиниши китобхоннинг фикр(и)ни тезда англаб олишини қийинлаштиради»[2].

Сўз ишлатишда синтактик фигуралардан тўғри фойдаланиш лозим бўлади. Синтактик фигуралардан қуйидагилар амалий ўрганилмоғи даркор:

Такрор

Ҳирот бизники, давлат бизники!(*О.*) *Кими юзларча даста-даста товоқларни, лаганларни ювади, кими катта кўзаларда сув ташийди.*(*О.*)

Қайси даврларда қайси сабаблар билан юртлар обод бўлган, эллар шодхуррамлик кўрган ҳам қайси замонларда ва не сабаблардан мамлакатлар ҳалок бўлган – буларни ўрганмоқ даркор. (*О.*)

---

[1] Абдуллаев Й. Бадиий услуб ҳақида // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самарадорлигини ошириш. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1990. – 4-бет

[2] Ўша жойда

Бу бир парча пўлат сени турли балолардан асраган; бу тиг сен учун энг нодир хотиралар билан боғланган. (*О.*)

Анафора

Кўшма гап қисмлари бир хил боғловчилар, олмошлар, лексик бирликлар билан бошланиб анафорани хосил қилади. *Баъзилари оламдан ўтди, баъзилари мункиллаб юрибди.* (*О.*)

Қаердадир чанг, уд ва най овозини эшитди, қаердадир ёлғиз товуш унинг бир ғазалини янги яратилган мақомлардан бирига солиб айтмоқда. (*О.*)

–Ана мантиқ, ана юрт тузатмак! – қичқирди Навоий ҳам ғазабининг шиддатидан тез-тез юриб, саройдан чиқди. (*О.*)

Эпифора

Эпифора синтактик курилмаларнинг бир хил шакллар билан тугалланиш усулидир.

Ҳирот бизники, давлат бизники! (*О.*) *Ҳалвофуруши ҳам шоир, кабобпази ҳам шоир.* (*О.*) *Подшоҳ мусулмон, вазирлар мусулмон.*(*О.*)

Халқимизнинг чуқур идроки бор, тоза завқи бор, ғурури, анъанаси бор. (*О.*)

Инверсия

Бадиий асарда, айникса шеъриятда, содда гапларда айрим гап бўлаклари, кўшма гапларда эса эргаш гапларнинг бош гапларга нисбатан одатдаги тартиби ўзгартирилади. Масалан, куйидаги кўшма гапда эргаш гап(*агар сизлар мақбул топсангизлар*)бош гапдан кейин кўйилиб, мантикий урғу шу гапга юкланган.

Бу кеча қилмоқчи бўлган андак юмушимиз бор, агар сизлар мақбул топсангизлар.(*О.*)

Эллипсис

–Ойижон, катта бўлганимда дадамлар фил сотиб олиб берсинлар, хўпми, ясатиб миниб юрурмен. (*О.*)

Ушбу боғловчисиз кўшма гапнинг иккинчи қисмида *уни* тўлдирувчиси кўлланмаган бўлса-да, биринчи қисмдан *нимани ясатиб миниб юриши, яъни филни ясатиб миниб юриши* ўқувчига маълум бўлади.

Домулла тахтани узатур экан, Алишер суюниб икки қўллаб олди. (*О.*)

Тугатаркан, китобни яна қўйнига солди, лекин у деярли ёд бўлиб қолган эди. (*О.*)

Антитеза

Матнда маъноси бир-бирига зид тушунчаларни ифодаловчи бирликларни кўллаш усули антитеза дейилади. *Нонингни йўқотсанг, йўқот, Номингни йўқотма!*

Бўшанг болалар сувдан қўрқади, тетик, дадил болалар, ҳайт, дейди-ю, сакрайди. (*О.*)

Ораларида унга дўстлик ипи билан боғланганлар бўлганидек, душманлар ҳам бор. (*О.*)

Градация

Градация, яъни ифодалиликни аста-секин кучайтириб ёки пасайтириб бориш.

Сўзлар фикрнинг олтин ипига терилиб, қофиялар бир-бирини имлаб, иноқ қўл бериша бошладилар. (*О.*)

Мен аминменки, сиз жаҳолот тигини синдирмасангиз, бирodарларингиз номуссизлик ботқоғига кун сайин чуқурроқ ботаверсалар, бу муборак юртда ҳаёт ўчоғи соврилур. (*О.*)

2.4. Гапларни ўзаро лексик-грамматик боғлашдаги (жумладан, тиниш белгиларига доир) матний хатолар

Ўқувчи иншода гапларни бир-бири билан сўзлар, грамматик воситалар (жумладан, ёрдамчи сўзлар), тиниш белгилари ёрдамида ўзаро боғлаши лозим бўлади. Бу борада ҳам бир қатор матний хатоларга йўл қўяди. Бундай нуксонларни қуйидагича таснif қилиш мумкин:

1) матний маънодошлардан фойдаланиш билан боғлиқ услубий лексик-грамматик хатолар;

2) олмошлар (баъзи турлари) ёрдамида боғланишга доир хатолар;

3) боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар ёрдамида боғланишга доир хатолар;

4) ўрин ва пайт маъноларини синтактик-семантик равишда ифодаловчи сўзлар ёрдамида боғланишга доир хатолар;

5) феъларнинг замон, майл, нисбат шаклларининг қўлланиши ёрдамида боғланишга доир хатолар;

6) гапларни ўзаро синтактик боғлашга доир хатолар;

7) сўз тартиби, мантиқий урғу ва бошка синтактик бирликлар ёрдамида боғланишга доир хатолар;

8) баъзи кириш сўз ва иборалар ёрдамида боғланишга доир хатолар;

9) тиниш белгиларига доир хатолар.

Қуйида ана шу матний хатолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларига айрим-айрим тўхталамиз.

I. Матний маънодошлардан фойдаланиш билан боғлиқ услубий лексик-грамматик хатолар. 6-синф ўқувчиси И.Исломбекнинг «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншосида «*Биз баҳор фаслини жуда яхши кўрамиз*» гапи 4 марта такрорланган. Охиргиси иншонинг хулосаси сифатида келтирилган бўлса керак. Нима бўлган тақдирда ҳам, ўқувчи баҳор, баҳор фасли сўз ҳамда бирикмасини такрор қўлламаслик учун матний маънодошлар топиб ишлатиши максадга мувофиқ бўлар эди.

Айрим иншолар инсоний тушунчаларга бағишланади. Масалан, "она меҳри",.... Ўқувчи бундай ижодий ёзма ишларда тушунча атрофида сўз юритиши кераклигини билиши лозим. Бу нарса матний маънодошлардан фойдаланиш имконини беради. Чунончи, биринчи гапда «она меҳри» тилга олинса, иккинчи гапда унинг ўрнида «бу тушунча» олмошли бирикмаси ишлатилиши мумкин. Меҳр ўрнида тушунча сўзини қўллаш матний маънодошлар ёрдамида боғланиш имконини беради.

Худди шунингдек, Ўзбекистон ҳақида гапирганда давлат, мамлакат, юрт, *республика* сўзлари матний маънодошлар сифатида бири ўрнида иккинчиси қўлланиб, бу ҳолат ўқувчини сўзни ортиқча, кераксиз, ноўрин такрорлашдан халос этади.

Сўз қўллашдаги камчиликлар ҳам ўқувчиларнинг ёзма нутқида энг кўп учрайдиган нуқсонлардан ҳисобланади. Болалар сўз такроридан тўғри ва ўринли фойдалана олмасликлари билан бирга, айримларининг бу ҳақда билимлари ҳам бўш. Деярли барча синфларда ўқувчилар ҳар гапда айнан бир сўзни такрор-такрор ишлатадилар. Ривоя-матнларда *кейин* сўзини керагидан ортиқча ишлатсалар, тасвир-матн яратишда тасвирланаётган жойнинг номини (масалан, *мактабда, синфда, шаҳарда* каби) ҳар гапда такрорлайдилар. Бу нарса, биринчидан, ёшларда сўз захирасининг етарли эмаслигидан, иккинчидан, уларнинг гапларни ўзаро боғловчи воситалардан унумли фойдалана билмасликларидан далолат беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўз такрорини тўғри қўллай билмаслик, олмош ва синоним сўзларни ишлатиш ўрнига айни бир сўзни такроран қўллайвериш камчилиги V-VII синфларда айниқса кўп учрайди.

Тасвир-мантларда ўқувчилар фикр предметини ифодаловчи сўзни кўп маротаба такрор-такрор ишлатадилар. Масалан, «Бизнинг мактаб» мавзусида ёзилган иншода мактаб, бизнинг мактаб, мактабда, бизнинг мактабимизда каби шаклларда мактаб сўзи 40-50 марталаб тилга олинади.

Ривоя типидаги иншода мен, биз ва бошқа сўзлар (баён ким ҳақида эканлигига қараб) ноўрин такрорларга йўл қўйган ҳолда ишлатилади. Масалан, *«Мен эрталаб соат 6 да турдим. Мен бадан тарбия қилдим. Мен ювиндим...»*

Муҳокама-матнда фикр предмети такрор-такрор тилга олинади. Масалан, «Она – улуғ зот» мавзусидаги иншода *она, оналар, онани, онанинг* каби шаклларда *она* сўзи кўп марта қўлланади.

Нилуфарнинг бир бетдан сал ошиқроқ иншосида *ошла* сўзи *менинг ошлам* бирикмасида, баъзан *ошлам* шаклида 14 марта ишлатилган. Баъзан улар кетма-кет келган гапларда қўлланган. Демак, у матн яратишнинг асосий қоидалари билан таниш эмас.

Бир сўзни ҳар гапда кетма-кет такрорламасдан, бошқа сўзлар билан алмаштириш сўралганда, ўқувчилар асосан III шахс кишилик олмошидангина фойдаландилар. Ўзлик, кўрсатиш, белгилаш олмошлари ва улар иштирокидаги сўз бирикмаларига боғланишли матн тузишда жуда кам мурожаат қиладилар. Сўзларнинг лексик маънолари ва услубий вазифаларини яхши билмаганликлари сабабли нутқда лексик ва матний синонимларни ҳам деярли қўлламайдилар.

«Пайғамбардан энг азиз киши ким деб сўраганда она деб жавоб берган эканлар» – айтилган-айтилмаган сўзларни айтиш сўзлашув нутқига хос.

Бир гап ичида сўзни ноўрин такрорлаш. Масалан: *Она фарзанди туғилиб то воягa етиб бўлгунча фарзандини "ёш бола" деб билар экан. Бу билан она ўз фарзандига бўлган меҳрини(нг) қанчалик кўп эканлигини кўрсатади.*

6-синф ўқувчиси А.Бекмирза тузган гап: *...**масалан**, бойчечак, лола, лолақизғалдоқ буларга **мисол** бўла олади.*

Бу ерда ҳам *масалан* сўзи, ҳам *мисол* ишлатилган. Бу ҳам сўз такрорининг бир тури саналади.

Матнда сўз такрори ва матний маънодошлар ҳақида тушунча

Матнни шакллантиришда баён қилинаётган бирор воқеа-ҳодиса ёки предметнинг номи биринчи гапда аниқ, конкрет аталади. Номлаш жараёнининг номинация[1] босқичида, А.С.Мўминовнинг таърифлашича. «нарса, воқеа-ҳодисаларнинг уларни шу турдаги бошқа предметлардан ажратиб турадиган» белгиларига[2] асосланилади.

Кейинги гапларда ёки матннинг бошқа қисмида илк бор қайд қилинган нарса, воқеа-ҳодисанинг қайта тилга олиниши такрор номланиш деб аталади. Ғ.Салимов таъкидлаганидек, такрорий номинациянинг вазифаси матннинг структур-семантик ва функционал яхлитлигини таъминлаб, матн компонентларини бир-бирига боғлашдан иборатдир[3]. Нутқ жараёнида сўзлар айнан такрорланиши ёки бошка сўзлар билан алмашиниб келиши мумкин. Муаллиф сўзларнинг шаклан ва мазмунан айнан такрорланиб келишини идентик такрорий номинация деб таърифлайди[4]. Идентик такрорий номинациянинг нутқ услубидан келиб чиқадиган вазифаси турличадир: илмий услубда фикрни аниқ ифодалаш максадида идентик такрорий номинациядан фойдаланилса, бадиий адабиётда такрорнинг функцияси автор нутқини таъсирчан этиш, фикрни конкретлаштириш ва, энг муҳими, унга тингловчи ёки ўқувчини ишонтира олиш каби хусусиятларни ифодалашдан иборат бўлади[5].

Илмий адабиётларда сўз такрорининг синтактик конструкция таркибидаги ўрнига қараб анафорик ёки бошланғич сўз такрори, инфорик такрор каби турлари кўрсатилади[6].

И.Султон анафорик сўз такрорининг нутқдаги вазифаси ва аҳамияти ҳақида ёзади: «...анафора ... мисраларнинг бошида бир хил жарангловчи товуш, оҳангдош сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келишидир дейишнинг ўзи ниҳоятда жўндир. Шунинг учун мисралар бошида такрорланиб, параллелизмни мустаҳкамловчи, параллел бўлаклар ва уларнинг чегарасини ажратиб турувчи, ҳаяжонни англатиб, муҳим тушунчани қайд этувчи, ифодалилик, хушоҳанглик ва мусиқийликни орттирувчи сўз ё сўзлар бошланғич сўз такрори (анафора) дейилади»[7]. Ана шундай такрорга мисол келтирамиз.

Ким объект назоратчиларининг бошига ланъатлар ёғдирмаган, ким улар билан ўлгудек сўкишмаган? Ким ғазаби қайнаган дамларда ўзининг жабр кўрганлиги, қўполлик ва тартибсизлик ҳақидаги фойдасиз шикоятни ёзиш учун машъум дафтарни талаб этмаган? Ким уларнинг кишилар уругининг энг ваҳшийси деб ҳисобламаган?... (А.Пушкин)

Ким сўрок олмоши 4 та гапда такрорланган ушбу парча юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлайди деб ўйлаймиз.

---

[1] Салимов Ғ. Ўзбек тилида такрорий номланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – 25-бет.
[2] Мўминов С. Номланишдаги баъзи қонуниятлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – Б. 51–55
[3] Салимов Ғ. Ўзбек тилида такрорий номланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – 25-бет
[4] Салимов Ғ. Ўзбек тилида такрорий номланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – 26-бет.
[5] Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – N 5. – 60-бет.
[6] Султон И. Адабиёт назарияси. Ун-тлар ва пед. ин-т филол. фак. студ. учун дарслик. 2-нашри. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 389-бет; Абдулахатова Р. Ўзбек мактабларида олмош темасини ўқитиш методикаси: Пед. фан. номзоди .. диссертацияси. – Т., 1968 – 60-бет.
[7] Султон И. Адабиёт назарияси, 389-бет.

Идентик такрорий номинация шеърий асарда параллелизмни ҳосил қилишга ёрдам беради:

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос.
Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумига қаламкаш.(А.Навоий)

Навбатдаги парчада эпифорик такрор ифодаланган: – *Ёт бегоналар тобутни елкага олиб кетаётганларини кўриб чидаб турдингми? Йўлингга термулиб кўр бўлган онага шуми мукофот? ?Бутун умрини, жонини, роҳатини бағишлаган онага шуми мукофот?* (*С.А.*)

2-3-гапларнинг охирида *шуми мукофот* бирикмаси айнан такрорланиб келиб маънони кучайтиришга, таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

Матндаги жумлалараро боғланишни таъминлашда иштирок этадиган воситалардан яна бири ***лексик ва матний маънодошлар (синонимлар)***дир. Уларни қўллаш, биринчидан, гапларни ўзаро боғлашда услубий ғализликни бартараф этишга ёрдам берса, иккинчидан, сўзловчи сўз захирасининг бойлигидан далолат беради, гапларни ўзаро боғлаш имкониятини кенгайтиради.

Нутқда лексик ва матний синонимларни қўллаш ҳодисасини Ғ.Салимов вариатив номинация деб изоҳлайди[1].

Матнда бир сўзнинг лексик синонимлари билан бир қаторда «сўз функционал-семантик синонимлар»дан[2] ҳам фойдаланиш нутқнинг бадиий мукаммал, услубий равон бўлишини таъминлайди. Бунда матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўша сўзнинг маълум жиҳатларини ифода эта оладиган, контекстда синоним вазифасини бажариши мумкин бўлган сўз матний синоним сифатида қўлланади. Масалан, бир абзац доирасида шоир ёки ёзувчининг номи ўрнида кейинги гапларда *муаллиф, адиб, санъаткор* сўзлари қўлланганда, *санъаткор* сўзи лексик эмас, матний синоним вазифасини бажаради. Бунда *санъаткор* сўзи бадиий маҳоратни ифодалайди.

Биз уй ҳайвонларини яхши кўрамиз. Ҳовлимизда ит бор. У ўз уйчасида яшайди. Қоплон ақлли. Эгасининг айтганларини дарров тушунади ва бажаради. Жониворни тез-тез чўмилтириб турамиз. Унга қутуришга қарши укол қилдирганмиз.

Ушбу матнда *уй ҳайвони, ит, у, Қоплон, жонивор* сўзлари матний маънодошлар саналади. Улардан фойдаланиш *ит* сўзини матнда бир мартагина ишлатиш ва сўз такрорининг олдини олиш имконини берган. Матн давомида гап уй ҳайвони – ит ҳақида бораётгани аник англанади.

Матнларнинг функционал турларига караб, ўрин-жой, пайт, сабаб-натижа муносабатларини билдирувчи сўз ҳамда сўз бирикмаларини қўллашда ҳам хато ва камчиликлар сезилади. Бундай билим ва малакалалар етишмаган вақтда улар айнан бир сўзни ҳар гапда такрор қўллайверадилар.

II. Олмошлар (баъзи турлари) ёрдамида боғланишга доир хатолар

---

[1] Салимов Ғ. Ўзбек тилида такрорий номланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – N 3. – 26-бет.
[2] Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. – С. 16.

Мисоллар: 7-синф ўқувчиси Ш.Отабекнинг «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусида ёзган ижодий ишида 2-хатбошида (1-сида умуман касб танлаш ҳақида гапирилган.) қуйидаги гапда олмош ноўрин ишлатилган: *Менинг орзуйимга келсак бу касбнинг танлаганимдан фахрланаман.*

Бу олмоши орқали эслатилаётган касб иншонинг аввалги абзацида айтилган. «*Менинг орзуйимга келсак бу касбнинг танлаганимдан фахрланаман*» гапи акс этган навбатдаги абзацда «бу касбни» демасдан, яъни олмошли боғланишдан фойдаланмасдан, футболчи касбини дейиш керак эди.

5-синф ўқувчиси Ҳ.Дилшоданинг «Менинг оилам» мавзусидаги иншосида олмошли боғланишга доир хатога йўл қўйилган: ...*Ойим эса уй бекаси; синглим эса шу мактабнинг 3-«V» синфида ўқийди.*

Шу кўрсатиш олмоши орқали боғланаётган аввалги гапларда мактаб, унинг рақами ҳақида гап бўлмаган. Олмошли боғланишни қўллаш учун ўзидан аввалги гапда ишора қилинмиш фикр предмети – от туркумига мансуб сўз мавжуд бўлиши керак.

5-синф ўқувчиси А.Диёрбек олмошли боғланишдан фойдаланмаслик оқибатида айнан (идентик) такрорга йўл қўйган: ...*Яна Ватан остонадан бошланади деб ҳам айтамиз. Ватан остонадан бошланади деганда Ватан оиладан бошланишини тушунамиз. Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистондир. Бизнинг Ўзбекистонда кўплаб манзарали жойлар бор.*

Дастлабки иккита гапда «*Ватан остонадан бошланади*» кўчирма гапи икки марта айнан такрор қўлланган. Иккинчи гапда уни олмош билан алмаштириш мумкин эди: *Яна Ватан остонадан бошланади деб ҳам айтамиз.* ***Бундай*** *деганда Ватан оиладан бошланишини тушунамиз.*

7-синф ўқувчиси Ш.Отабек «Менинг келажакдаги орзуйим» мавзусидаги иншосида шундай ёзади: *Инсон дунёга бир марта келади. Шу вақт ичида инсонга кўплаб имкониятлар берилади.*

Пайт маъносини англатувчи олмошли бирикма ишора қилаётган сўз биринчи гапда аниқ ифода топмаган. Ўқувчи айтмоқчи бўлган фикр «*Инсон дунёга бир марта келади*» гапи орқали англашиладиган вақт (инсон дунёга келиб яшаётган вақт ичи) назарда тутилмоқда. Олмошли бирикма бутун гап орқали тушуниладиган мазмунга ишора қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, олмошли боғланиш мустақил гапларни ўзаро тема-рематик боғлай билмасликдан ташқари, воқеа-ҳодисалар алоқадорлиги ҳақидаги тасаввурнинг аниқ эмаслиги билан тавсифланади.

Олмошли боғланиш ҳақида тушунча

Гапларни ўзаро боғлашда кенг қўлланадиган воситалардан бири олмошдир. Олмошнинг муҳим белгиларидан бири унинг мавҳум ва умумлашган маъноларни ифодалашидир. «Ана шу маъно хусусияти билан олмош умумлаштирувчи предмет, умумлаштирувчи миқдор тушунчаларини ифодалаб, от, сифат, сон каби сўзларнинг муқобили бўлиб келади"[1]. Олмошларнинг бу хусусияти тилшуносликда прономинация деб аталади.

[1]Киличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 45-бет.

Вариатив номинациянинг бу туридан ҳам контакт ва дистант жойлашган гапларнинг боғловчиси сифатида кенг фойдаланилади.

Аввалги гапдаги фикрни давом эттириш мақсадида кейинги гапда *бундай, шундай* кўрсатиш олмошлари боғловчи восита сифатида ишлатилади. Кўрсатиш олмошлари иштирок этган гаплар ўзидан олдинги гапга боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, матн ёки синтактик бутунликдаги биринчи гап кўрсатиш олмошлари билан бошланганда фикр тушунарсиз бўлади. Шунинг учун бир МСБ доирасида бундай олмошлар иштирок этган гаплар ўзи боғлиқ бўлган аввалги гапнинг берилиши зарурлигини тақозо қилади.

Бошқа лексик ва грамматик воситалар каби кишилик, кўрсатиш ва белгилаш олмошлари бир МСБ ичидаги гапларнигина эмас, балки яхлит матн доирасида МСБ ларни ҳам ўзаро боғлаш учун хизмат қилади. Масалан:

Қаҳратон қиш... Изгирин шамол ... гарч-гурч қалин қор... Қуёш гоҳ-гоҳ бир кўриниб қўяди. Биз айвондан уйга кўчиб олганмиз. Кабутарлар, чумчуқлар ва мусичалар патларини хурпайтириб, совуқдан титраб, оч, паришон тентирайди. Уларга ачинаман-да, майдалаб, ҳовуч-ҳовуч нонни тўкаман. Баъзан тушда совуқдан қотиб ўлган бир чумчуқни ёки мусичани бувим авайлаб девор тагига кўмиб қўяди.

Бизда тиним йўқ, жиндай қор ўйнаб, ёқалашиб, ярашиб кун ўтказамиз. Қоп-қора қалин булутлар орасидан мўралаган қуёш сира иситмайди.

Шундай совуқ кунларнинг бирида ҳаммамиз йиғилиб ҳовуз устида, музда тўполон билан сирғанар эдик. Қуққисдан муз устидаги тешикка – ҳуққига бир бола тушиб кетди. Болалар қичқириб чуввос кўтарамиз. Етти-саккиз ёшларда, пишиққина бола эди. Атрофда катталардан ҳеч ким йўқ. Шовқин-суронимизни ҳайтовур эшитган шекилли – Лаванг Маҳсум келиб қолди (Ойбек).

Яхлит матн учта МСБдан иборат. Биринчи ва иккинчи МСБ бир-бири билан ўзаро тенг муносабат асосида боғланган. Учинчи мураккаб синтактик бутунлик эса *шундай* кўрсатиш олмоши ёрдамида ўзидан аввалги иккинчи МСБга контакт йўл билан, биринчи МСБга дистант йўл билан боғланган. «*Шундай совуқ кунлар*" дейилганда биринчи ва иккинчи МСБларда тасвирланган кишнинг совуқ кунлари назарда тутилади.

У, шу, ўша, бундай, шундай кўрсатиш олмошлари баъзи маъно нозикликлари билан бир-биридан фарқ қилса ҳам (масофа кўрсатишда, таъкид ифодалашда), улардан бири иккинчисининг ўрнида ишлатилаверади. Бундай синонимлик хусусияти нутқда айнан бир олмошни такрор ишлатишнинг олдини олади, олмошлардан фойдаланиш учун кенгроқ имконият яратади.

III. Боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, кириш сўзлар ёрдамида боғланишга доир хатолар

5-синф ўқувчиси Э.Жасмина уюшиқ бўлакларда *ва* боғловчисидан олдин вергул қўйган: *Биз оилада олти кишидан иборатмиз. Дадам, онам, синглим, укам, ва яна укам. Дадам комбинат ишчиси замначальник бўлиб ишлайди. ...ўқийман.*

6-синф ўқувчиси А.Давронбек ёзган иншода: *Ота-боболаримиз айтганларидек Ватан остонадан бошланади деганларидек инсонга(да) ёшлигидан Ватан меҳри уйғонади. Шунингдек, армияга бориб чегараларни қўриқлаш бизнинг ишимиздир.*

Бу ерда *шунингдек* сўзи нотўғри қўлланган. Бу сўз шахснинг аввалги ҳаракатига қўшимча бошқа бир ҳаракатни бажаришини билдиради. Дистант холатда келтирилганда *...шдан ташқари* деб аввалги ҳаракат эслатилиб, давомида кейинги гап айтилиши мумкин.

Ўрин-жой билдирувчи сўзларни ортиқча такрорламасликда кўмакчилар катта аҳамият касб этади. Лекин ана шу кўмакчили боғланиш усулини яхши эгалламаган ўқувчилар ижодий ёзма ишда матний хатоларга йўл қўядилар. Масалан, «Бизнинг мактаб» мавзусида иншо ёзган ўқувчилар «бизнинг мактаб», «бизнинг мактабда», «мактабда», «мактаб ҳовлисида» каби сўз ва сўз бирикмаларини такрор-такрор ишлатадилар, шу тариқа кўпол матний хатоларга йўл қўядилар. Улар кўпинча кўмакчили бирикмалардан фойдаланмаслик оқибатида ошхона ёнида (спорт зали қаршисида, ҳовли четида (ўртасида, атрофида ва б.) каби бирикмалар тузмайдилар, ниманинг қаерда жойлашганини мактаб сўзи билан боғлаб баён қилаверадилар. .

Боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, кириш сўзлар ёрдамида боғланиш ҳақида тушунча

Ўзбек тилида гапнинг уюшиқ бўлакларини ҳам, қўшма гап қисмларини ҳам, мустақил гапларни ҳам ўзаро боғлашда боғловчилар фаол қатнашади.

Кўмакчилардан кўпроқ от-кўмакчилар ўрин-жой тасвирида ниманинг қаерда жойлашганини аниқ кўрсатиш учун хизмат қиладиган, параллел боғланишда сўз такрорининг олдини олишга ёрдам берадиган тил ҳодисаси саналади.

Юкламалар китобхоннинг диққатини айтилаётган гап мазмунига (фикрга) алоҳида таъкид, таажжуб, ҳис-ҳаяжон каби маънолар ёрдамида қаратиш мақсадини кўзда тутади. Ушбу маънолар *ахир, ҳатто, фақат, худди, гўё(ки), ҳеч, сира, наҳотки* сўзлари, **-ку, -да, -ми, -чи** сингари қўшимчалар орқали ўз ифодасини топади. Масалан: *Биладилар-да бу киши. Ёвлар билан олишган-а (О.Ёқубов). Қаршилиги кўриниб турибди-ку! (А.Қаҳҳор) Бу қаршилик эмасми? Наҳотки сезмасанг! Ахир бир ойдирки, юрак-бағрим ёнади Саид Аҳмад)..*

IV. Ўрин ва пайт маъноларини синтактик-семантик равишда ифодаловчи сўзлар ёрдамида боғланишга доир хатолар

9-синф ўқувчиси Қ.Ғузалнинг «Дарсдан сўнг» мавзусидаги иншосида икки кичик мавзу ёритилган. Улар қуйидаги гаплар билан бошланган:

1. *Биз ҳар доим дарсдан сўнг уйларимизга тарқалишамиз. Мен уйга борганимда бувижонимга салом бериб, уйга кириб,... дарс тайёрлайман...*

2. *Мен ҳар куни ойижонимга уй ишларига қарашаман. Мен ҳар куни ... қизиқарли китобларни ўқийман...*

Иншонинг ҳар иккала қисмида иш-ҳаракат пайтини билдирувчи сўзлар эгадан (*биз, мен*) кейин қўйилган, натижада матний хато юзага келган. Агар пайт ва ўрин маъносини англатувчи сўзлар кичик мавзу билан

ифаралануvчи барча гапларга тааллукли бўлса, биринчи гапда эгадан олдин келиши керак. Шу қоидага амал қилинса, иккала қисм қуйидагича бошланиши лозим эди:

1. *Ҳар доим дарсдан сўнг биз...*

2. *Ҳар куни мен...*

Пайт билдирувчи сўзлар қисмнинг биринчи гапида эгадан кейин жойлаштирилганда, улар фақат шу гапгагина тегишли бўлади. Гўзал ҳам шундай деб ўйлаган бўлиши мумкин, чунки иккинчи қисмдаги ҳар иккала гапда эгадан сўнг пайт маъносидаги *ҳар куни* ифодасини такрорлаган. Шу туфайли ёзма ишда ғализликлар миқдори ортган.

Ўрин ва пайт маъноларини синсемантик равишда ифодаловчи сўзлар ёрдамида боғланиш ҳақида тушунча

Пайт муносабатини ифодаловчи воситалар. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг хронологик изчиллигини ифодалашда боғловчи восита сифатида *кеча, бугун, эрталаб, кечқурун, шунда* каби пайт равишлари, *шу пайт, шу куни, ўша вақтда* каби бирикмалар, *орада, шундан кейин, овқатдан сўнг* каби кўмакчилар ва кўмакчили бирикмалар, *бир куни, бир пайт, баҳор келиб, кунлар ўтиб, ўқишни битиргач, имтиҳонлар тугагач, бир ҳафта ўтгач, тонг отиши билан, ... бошлашдан олдин* каби равишдош ва бошқа бирикмалар кўп ишлатилади.

V. Матн қисмларида феъларнинг замон, майл, нисбат шакллари жиҳатидан уйғунлигига доир хатолар

Матн яратишда феъл замонларини тўғри қўллай билмаслик, феъл майллари ва нисбатларини фарқлаб ишлата билмаслик каби хатолар ҳам ўқувчиларнинг ёзма нутқида кўп учрайди. Улар ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон шаклларини аралаш қўллайдилар.

Ўқувчилар иш-ҳаракатларни санашда баъзан феъларни турли шаклларда ишлатадилар. Масалан, *...ҳурмат қилишади, улуғлайдилар*. Бири (*ҳурмат қилишади)* биргалик нисбатда, иккинчиси (*улуғлайдилар)* аниқ нисбатда.

Ўқувчилардан бирининг кетма-кетликда тузган гаплари: *Осмонда ...сайрайди. ...қалдирғочлар ...ин қурмоқда.*

Биринчи гапнинг кесимини ифодалаётган феъл (*сайрайди*) ҳозирги-келаси замон шаклида, иккинчи гапнинг кесими эса (*қурмоқда)* ҳозирги замон давом фъли шаклида қўлланган. Икки гапнинг замон шаклида мос келмаслиги билан боғлиқ хатолар мантиқий фикрлашдаги ноаниқлик туфайли юзага келади.

7-синф ўқувчиси Т.Нафиса «Она меҳри» мавзусидаги иншосида шундай ёзади: *Она боласига, яъни фарзандига ўз меҳрини беради. Авайлаб асрашади*

Ушбу икки гапда феъл нисбатига доир хато бор: биринчи гапдаги феъл *(беради*) аниқ нисбатда қўлланган, иккинчисидаги феъл (*асрашади)* эса биргалик нисбатда ишлатилган.

Гуллар ва дарахтлар бизнинг ҳавомизни тозалайди. Биз синфимиз билан ҳам дарахтлар, кўчатлар, тераклар, гуллар экдик...

Биринчи гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон, иккинчи гапнинг кесими эса аниқ ўтган замон шаклида. Гуллар ва дарахтлар ҳақида бир абзацда сўз юритилиб, кейинги абзацда шанбалик ҳақида гапирилса, биринчисидаги гапларнинг кесими ҳозирги-келаси замон, иккинчисидаги гапларнинг кесими ўтган замон шаклида берилиши тўғри бўлади.

5-синф ўқувчиси Қ.Лайлонинг «Ватан нима?» мавзусидаги иншосида ноўрин сўз такроридан ташқари, феъларнинг замон жиҳатдан номувофилиги мавжуд: *«Ватан остонадан бошланар. Ватан бу биз туғилиб ўсган жойдир. Ватанда биз туғилиб ўсганмиз. Киндик қонимиз тўкилган жой. Биз биринчи туғилганимизда оналаримизни кўрамиз. Биз туғилганимизда акаларимизни,... кўрамиз. Биз туғилганимизда кичкина чақалоқ бўламиз...»*

«Ўсганмиз» феъли узоқ ўтган замон шаклида, *кўрамиз, бўламиз* феъллари эса ҳозирги-келаси замон шаклида.

Ўқувчилардан бири тузган гапда *(Бизнинг Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 2012 йилни «Мустаҳкам оила» йили деб эълон қилинган)* мажҳул нисбатдаги феъл ўрнида аниқ нисбат шакли бўлиши керак (эълон қилган).

Феълнинг замон, майл, нисбат шаклларининг қўлланиши ёрдамида боғланиш ҳақида тушунча

Оғзаки ва ёзма нуткда феъл шаклларини тўғри ишлатиш, уларни бир хил замонда қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир воқеа ва ҳодисани ҳикоя қилишда феълнинг муайян шаклини қўллаш зарур. Акс ҳолда матннинг маъносига ҳам, тузилишига ҳам путур етади.

Матннинг турига қараб феълнинг маълум шакли танланади. Масалан, ривоя-матнда феъллар катта роль ўйнайди. Бунда феълнинг кўпроқ ўтган замон ҳикоя шакли, ўтган замон давом феъли, аниқ ўтган замон, ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон шакллари ишлатилади. Гапларни бир-бирига боғлашда пайт муносабатини ифодаловчи сўз ва бирикмалардан фойдаланилади.

Муҳокама ёки тасвир матн тузишда ҳам барча феъллар замон ва майл жиҳатдан бир хил шаклда қўллангани мақсадга мувофиқ.

2.5. Матн қисмларида унинг типига хос композицион тузилиш билан боғлиқ матний хатолар

Иншода мавзуни таърифлашдан тортиб унинг функционал типларига хос қисмлари, абзацларнинг биринчи гаплари, асосий қисмлари ва охирги гаплари билан боғлиқ хатоларни композицион матний хатолар деб алоҳида туруҳга ажратдик. Мавзунинг қандай таърифланиши ёзма ишда матн типини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра қўлланманинг ушбу параграфида (фаслида) қуйидаги масалалар атрофида сўз юритдик:

1) ривоя-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар);

2) тасвир-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар);

3) муҳокама-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар).

Ўқувчиларда матнни ташкилий жиҳатдан шакллантиришга доир билим, кўникма ва малакалари ҳам етарли даражада эмаслиги кўзга ташланади. Ҳикоя ва кичик иншоларни бошлашда воқеалар баёнини тўғри белгилашда ва, айникса, фикрни якунлаш, матннинг хотима қисмини шакллантиришда хатолар кузатилади. Ўқувчилар кўпинча ўз фикрларини якунламайдилар, бу нарса уларда мушоҳада юритиш, мантиқий хулосалар чиқариш ва бу хулосаларни тегишлича ифодалаш малакалари етишмаслигидан далолат беради.

Иншонинг (матннинг) умумий ташкилий қисмлари билан боғлиқ энг жиддий камчилик шундан иборатки, ўқувчилар кўпинча уни қайси функционал турида ёзиш кераклигини аниқ билмайдилар, бу ҳақда кўрсатма олмайдилар ҳам. 5–9-синф «Ona tili» дарсликларида берилган топшириқларда қуйидаги каби шартлар акс этади:

5-синф «Ona tili» дарслигида[1]:.

Bugungi ozod va obod hayotimiz haqida fikrlaringizni yozing.

8-mashq. Rasm asosida «Ona – ulug‘ zot» mavzusida matn tuzing.

22-mashq. «Mening ona shahrim» (yoki qishlog‘im) mavzusida matn tuzing. Bosh harflarning ishlatilish o‘rinlariga izoh bering.

Кўринадики, топшириқ шартларида тузиладиган матннинг функционал-семантик тури акс этмайди.

Айрим машқ шартларидагина ҳикоя ёзиш талаб этилади:

9-mashq. Mustaqillik tufayli tilimizda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlar haqida hikoyacha yozing.

20-mashq. «Ozod va obod diyorim» mavzusida kichik hikoya yozib keling.

Лекин бундай ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ мавзуларда «ҳикоя» ёзиш жуда қийин. Бизнингча, муаллифлар бир жойда матн, иккинчи жойда ҳикоя тушунчаларини матний маънодошлар сифатида қўллаган бўлишлари мумкин.

I. Ривоя-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар)

Айрим ўқувчилар «Ёзги таътилда», «Қишки таътилда», «Шанбаликда» каби мавзуларда ёзган иншоларида кўпинча I шахс бирлик (мен) ва I шахс кўплик (биз) номидан ҳикоя қиладилар. Масалан, *«Мен ёзги таътилда қизиқарли китоблар ўқидим...»*, *«Мен иссиқ кийиниб, майдонга бордим. У ерда мен чана тортдим...»* ва ҳоказо. Бундай ривоя якунида *«Ёзги таътилда менда катта таассуротлар қолдирди»*, *«Қишки таътил менга ёқди»* тарзида хулосаланади. Ёзма ишлардаги асосий камчилик шундан иборатки, уларда кичик мавзулар баъзан абзацларга ажратилмайди, ҳикоя қилинаётган воқеа ўзгарган жойларда абзац пайт ва ўрин ҳолидан (*ёз кунларининг бирида, мактаб ер участкасида* ва б.) бошланмайди.

Абзацнинг асосий қисми ҳам баъзан камчиликлар билан тўлиб-тошади. Масалан, 9-«а» синф ўқувчиси А.Мунирани нинг «Ёзги таътил кунларим» мавзусидаги иншосига назар ташлайлик: *Ёз кунларининг бири эди. Ёзда мен мимриқиб дам олдим.*

---

[1] Mahmudov N., Nurmonov A. va b. Ona tili. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinf uchun darslik. – Toshkent: Ma’naviyat, 2004.

Мен уйда қизиқ-қизиқ китоблар ўқидим. Жиянимга ёзишларни ўргатдим. Ойимга қарашиб, сўнгра кўчага чиқиб ўйнаб келдим. Июнь ойида эса тоққа чиқдик...

Биринчидан биринчи абзацнинг биринчи гапи иккита бўлиб колган. *«Ёз кунларининг бири эди»* асос қилиб, яъни экспозиция сифатида олинса, кейинги гаплар шу кун билан боғланиши лозим эди. Асосий қисм *«Ёзда мен мимриқиб дам олдим»* гапи билан боғлиқ бўлса, мириқиб дам олиш имконини берган ҳолатлар очилиши керак эди. *«Июнь ойида эса тоққа чиқдик»* дейилса, аввал ундан аввалги ой ҳақида гапириш такозо этилади. Бу ўринда *эса* сўзи ортиқча.

6-синф ўқувчиси Й.Жаҳонгирнинг «Зумрад баҳор» мавзусидаги иншоси «*Наврўз байрами менга жуда ёқади*» гапи билан хулосаланган. Бу фикр Наврўз байрами ҳақида гапирилган учинчи абзацга тегишли. Аслида хулоса ё ёзма ишнинг охирида учала абзацда айтилганларни камраб олган ҳолда берилиши, ёки бир хилликка эришиш учун ҳар бир абзац шу тарика якунланиши керак эди.

Ривоя-матнда абзацнинг биринчи гапи

Ривоя-матнда ҳар бир абзац қуйидаги мазмундаги гап ёки гаплардан бошланади:

1) бирор иш-ҳаракат туфайли юз берган ҳолатни ифодаловчи гап;

2) бирор иш-ҳаракатни ифодаловчи гап (ёки гаплар);

3) иш-ҳаракатнинг сабабини кўрсатувчи гап;

4) иш-ҳаракатнинг мақсадини англатувчи гап;

5) аввалги иш-ҳаракатларнинг натижасизлигини таъкидловчи гап;

6) аввалги иш-ҳаракатларга жавобан бажарилган иш-ҳаракатни билдирувчи гап;

7) кейинги иш-ҳаракатнинг аввалгисига боғлиқ эканлигигани ишора қилувчи гап;

8) аввалги ҳаракатлар юзасидан чиқарилган хулоса-гап;

9) аввалги иш-ҳаракат-ҳолатлардан таажжуб ифодаловчи гап;

10) бирор тараддудга ишора қилувчи гап;

11) манзил ва унинг тасвиридан дарак берувчи гап;

12) ўрин-жойни кўрсатувчи гап;

13) портрет тасвири (асар қаҳрамонининг асосий фазилати);

14) бирор сўз туфайли юзага келган таъсир натижасини англатувчи гап;

15) ҳаракатдан тўхташ, бирор ҳолатнинг давом этмаганлиги мазмунидаги гап;

16) савдолашишни билдирувчи гап;

17) хабар ва унга муносабатни англатувчи гап;

18) тўсиқсизлик мазмунидаги гап;

19) суҳбат ёки бирор иш-ҳаракат ва ҳолатга аралашувни ифодаловчи гап;

20) иш-ҳаракатнинг пайтини ифодаловчи гап;

21) асар каҳрамонининг бирор фазилати туфайли юз берган иш-ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи гап;

22) истак мазмунидаги гап ва ҳоказо.

Абзац баъзан пайт мазмунидаги дарак ёки атов гапдан бошланади. Масалан: ***Ёзнинг иссиқ кунлари.*** *Ҳовлимиз, айниқса қоронғи бўлса ҳам салқинроқ уйимиз гиж-биж пашша.... .* (*А.Қ.*) ***Рамазон кирди****. Аллақаерда чалинаётган ноғоранинг така-туми, эчкининг товушига ўхшаш сурнай садоси ҳаммани саҳарликка уйғотарди... .*(*А.Қ.*)

Ривоя-матннинг асосий қисмида бир шахснинг ёки бир неча шахснинг олдинма-кейин бажариладиган ҳаракатлари ҳикоя қилинади. Қуйидаги абзацда бир шахснинг ҳаракатлари акс этган:

Тўхта хола ҳам фарзанд доғини кўп кўрган, етти қиз, тўрт ўғлидан фақат иккита қизи қолган, бири Тўхлимерганга, бири Авғонбоққа тушган экан. Тўхта холанинг мусофирга шафқатидан ҳам кўра фарзанд доғини кўп тортганлиги уни аямга яқин қилиб қўйди. Шундай бўлса ҳам Тўхта хола уйимизга кам кирар, куни бўйи ва кечалари ҳам чарх йигирар эди, чилла кириб совуқ заптига олганда кампир «темирчининг арча кўмиридан бозиллаб турган сандал»ига исиниб олгани кўпроқ кирадиган бўлди.(*А.Қ.*)

Мана бу абзацда бир неча кишининг кетма-кет содир этган ҳаракатлари баён қилинган:

Дадам машинани кўтариб, пастда турган Кулалага узатди. Шу дамгача тек турган халойиқ бирдан гуриллади. Одамлар бир-бирини туртиб, итариб олга, энди машинани эмас, дадамни кўргани интилар, унга биров ҳайрат, биров ҳасад, биров ҳавас билан қарар эди. Кулала машинани елкасига қўйди, иккovимиз ғизиллаганимизча уйга кетдик. Орқамиздан болалар дув эргашди (А.Қаҳҳор).

Буни чизма оркали қуйидагича кўрсатиш мумкин: *Дадам → халойиқ → Кулала → болалар.*

Иккала абзацда хулоса йўқ: охирги бажарилган иш-ҳаракат билан якунланган.

II. Тасвир-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар)

Бундай иншо аксарият ҳолларда объектни аташ ва тавсифлаш ёки манзилга нисбатлаш тарзида бошланади: *«Бизнинг мактабимиз янги, тўрт қаватли», «Бизнинг мактабимиз Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган»* ва ҳ.к. Лекин абзацларда тасвир объектини ўрин-жой маъносида тилга олиб бу ерда нималар борлигини баён қиладилар. Масалан, *«Мактабда ката боғ бор», «Бизнинг мактабда спорт зали бор», «Мактабда ошхона бор»* ва б. Аммо бундай бошловлар такрорларга олиб келади. Лекин тасвирланаётган ўрин-жойни йирик қисмларга ажратмайдилар. Масалан, мактаб тасвирида «Мактабнинг орқа томонида...», «Кираверишда...», «Биринчи қаватда...», «Спорт залининг чап томонида...» каби қисмларни ажратиш ва ҳар бир қисм ҳақида айрим-айрим сўз юритиш мумкин.

Тасвир-матнда абзацнинг биринчи гапи, асосий қисми ва охирги гапи

Тасвир-матнда абзац қуйидаги мазмундаги гап ёки гаплардан бошланади:

1) бирор асар каҳрамони, ўрин-жой, нарса-буюмни маълум қилиш мазмунидаги гап;

2) бош мавзу орқали ифодаланган объект, тасвир предметининг бирор кисмини (жиҳатини) маълум қилиш;

3) ўрин маъносини ифодаловчи сўз шакллари ва кўмакчили бирикмалар билан бошланган гаплар.

«Яйпан кўчалари кенг, лапкаси, отўйини бор, толларда бедана, кўча бўйи ва бозорбошидаги дўконларда каклик сайрайдиган обод қишлоқ эди» (*А.К.*) гапи экспозицияни эслатади. Қуйидаги парчада эса тасвир алоҳида абзац сифатида ажратилган:

Киши ўрин-жойни дуч келган жойидан эмас, балки бир қарашда кўзига ташланадиган нарсалар тасвиридан бошлайди, у жойдан кўзини олиб, ён веридаги нарса-буюмларга боқар экан, (нигоҳини ўтказар экан), шулар хақида гапиради.

Тасвир-матннинг асосий қисмида гаплар асосан параллел боғланишда бўлиб, иш-ҳаракат, шахс, бирор ўрин-жой ҳақида сўз юритилади. Камдан-кам ҳолатларда хулоса келтирилади.

Тасвир-матннинг охирги гапи бадиий матнда баъзан асосий қисмга уланиб кетади, баъзан эса асосий кисмдаги мазмунни давом эттирган ҳолда унга якун ясайди, айрим ҳолларда эса хулоса акс этади. Масалан:

«Йўл бўйидаги деворсиз, девори қулаган, нураган боғлар, қинғир-қийшиқ уйларни қучоқлаб ётган чорбоғлар қийғос гулга кирган, бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшарди» (А.Қаҳҳор) гапининг охирги қисми *(бутун қишлоқ каттакон боққа ўхшарди)* хулосага ишора килади.

Карвон сарой дарвозасининг чап томонида айвонлик янги дўкон, унинг олдидан ўтадиган анҳор устига тахта қоқилган; дарвозанинг ўнг томони – саройдан қайрилиб чиқадиган анҳор устига ҳам одамнинг белидай келадиган баландликда каттакон тахта сўри қилинган. Буларнинг ҳаммасига етти-саккизта азамат тол соя солиб турар эди (А.Қаҳҳор)

Асосий қисмдаги гапар дўкон, анҳор устига қоқилган тахта, сўри ҳакидаги хабарларни ифода этади. Абзацидаги охирги гап *(«Буларнинг ҳаммасига етти-саккизта азамат тол соя солиб турар эди»)* тасвирни давом эттирган ҳолда олдингиларини умумлаштиради, яъни хулосалайди..

Келтирилган парчада экспозиция асосий қисм билан бир бутунликни ташкил қилади.

III. Мухокама-матнда абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини тўғри шакллантира олмаслик (композицион хатолар)

Муҳокама-иншолар тезисдан бошланади, лекин кўпинча охирида хулоса қилинмайди.

Биринчи гап тезис сифатида шакллантирилмаган ҳолатлар:

Менинг шундай оилам бўлганидан жуда фахрланаман. (Хулоса гап). *Мен онамни жуда яхши кўраман.* (Бу гап хулоса гапдан кейин хатбошидан ёзилиши керак эди.) *Дадам бизнинг уй бошчимиз. Биз дадамизга бўйсинишимиз керак. Бизнинг оила (–) жуда мустаҳкам оила.* (Хулоса мантиқан олдинги гаплар билан *бўйсунамоқ* феъли асосида боғланади.

Баъзан ўқувчининг иншоси шеър билан тугайди, лекин хулоса қисм берилмайди.

7-синф ўқувчиси Т.Нафиса. «Албатта, онамизни меҳри ўзига чорлайди ва ўз меҳрини беришади» деб иншони якунлайди. Аслида бу фикр иншода 5-6 марта такрор-такрор айтилади.

6-синф ўқувчиси А.Гулнора: *Ҳозирда машиналарда ҳам дори қутичасини олиб юришади. Мен шунинг учун келажакда моҳир шифокор бўлмоқчиман...*

Аввалги гапдан англашилган ҳолат кейинги гапдаги хулоса учун асос бўла олмайди.

6-синф ўқувчиси А.Гулнора: *Шифокорлар одамларни даволайди, одамларга шифо топади. Улар қўрқмас ва дангалчи бўлади. Яна улар ҳар хил ишларни ўзлаштиради. Шунинг учун ҳозир биз яхши ўқишимиз керак.*

Аввалги гаплардан чиқарилган хулоса асоссиз. Олдинда хулосага арзийдиган гаплар бўлиши лозим.

Биз оиламизни Ватанга қиёслаймиз. Бизнинг оиламиз «Мустаҳкам оила»

Аввалги гап кейинги хулоса-гап учун етарли эмас. Олдин Ватанимизнинг мустаҳкамлигини айтиш керак.

Айрим ўқувчилар иншони ўртага савол ташлашдан (риторик сўроқ гапдан) бошлайдилар. Масалан, 9-синф ўқувчиси А.Азамат «Она – улуғ зот» мавзусидаги иншони «Она бу ким ўзи?» сўроқ гапидан бошлаган. Лекин унинг саволи шу билан тугамайди, савол устига савол келтиради: *Фарзандлари учун жонини ҳам беришга тайёр бўлган инсонми ёки доимо пешона тери билан меҳнат қиладиган меҳнатсевар инсонми? Бир ўйлаб кўринг(-)чи, бундай мақтов ва таърифларнинг охири борми? Албатта,...*

Н.Шаҳло тузган гаплар: *Баҳор – фасллар келинчаги... Барча фасллар ўз кўрки, чиройлилиги билан ажралиб турганидек, баҳор ҳам ўз кўрки, чиройлилиги билан бошқа фасллардан ажралиб туради... Чиндан ҳам бу йил сенинг келишинг бизни анча соғинтирди.*

«*Чиндан ҳам бу йил сенинг келишинг бизни анча соғинтирди*» гапи баҳорнинг кечиккани ёки бошқа сабаблар бўлгани ёзилган гапларга якун ясаши мумкин эди. Лекин ёзма ишда бундай гаплар айтилмаган, яъни ўқувчи фикрни ривожлантириш изчиллигига, мантиққа амал қилмаган.

Айрим ўқувчилар ўз иншоларини хулоса билан тугатадилар: *Шу ўринда ўз хулосамни баён қилмоқчиман: Юртимиз Ўзбекистон (ни) нафақат билим соҳасида, балким спорт ва турли ишлаб чиқариш бўйича ҳам юксалтирмоғимиз даркор.*

Муҳокама-матнда абзацнинг биринчи гапи

Муҳокама-матнда абзац қуйидаги мазмундаги гап ёки гаплардан бошланади:

1) бирор муаммоли масалани илгари суриш;

2) режалаштирилган навбатдаги масалани тилга олиш (*...масаласига келсак,...*);

3) тасниф моддаларидан бирини тилга олиш (*биринчи босқичда, биринчидан, биринчи масала* ва ҳ.к.);

4) ўрганилаётган масалани тилга олиш *(...таҳлил қилар эканмиз,...)*;

5) баён қилинадиган масалага эътиборни қаратиш (*шуни ҳам таъкидлаш керакки,...*);

6) аввал айтилганларни умумлаштириш (*ушбу тавсифларни умумлаштирадиган бир хусусият мавжуд*);

7) масаланинг танишлик даражасига, ҳаққонийлигига ишора қилиш (*маълумки, сир эмаски, одатда, дарҳақиқат, аслида)*;

8) тушунчанинг моҳиятини, ҳолат даражасини таъкидлаш *(...бўлиши керак)*;

9) бир тушунчанинг бошқа тушунчаларга нисбати;

10) аввалги масалага зидлаш (*...масаласида эса....,)*;

11) тушунчанинг янги қиррасини таъкидлаш (шахснинг қобилияти...,);

12) бирор ҳолатнинг ниманидир таъминлаши (нимагадир олиб келиши);

13) манбага ишора қилиш (*ҳадисларда айтилишича, олимларнинг айтишларича)*;

14) айтилаётган фикрнинг аввалгисини тўлдириши (*бундан ташқари, шунингдек,*);

15) бирор нарса-буюмга, жадвал ёки расмга ишора қилиш (*кўриниб турибдики*);

Муҳокама-матнда абзацнинг асосий қисми

Муҳокама-матн фараз ёки ғояни ифода этувчи фикрдан бошлангандан кейин мавзунинг ана шу жиҳатлари очилади, уларга далиллар келтирилади.

Муҳокама-матнда абзацнинг охирги гапи

Юқорида аниқланган матний хатоларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1) матн қисмлари ва гаплар орасида мазмуний боғланишнинг йўқлиги;

2) фикр баён қилишда изчилликнинг йўқлиги;

3) гапда сўз тартибини билмаслик оқибатида тема-рематик силжишни амалга ошира олмаслик;

4) матнни МСБларга ажрата билмаслик;

5) матнда хатбошиабзацларни тўғри белгилай олмаслик;

6) матн тузишда лексик-грамматик боғланиш воситаларини тўғри қўллай билмаслик;

а) феъл замонларининг уйғунлигига риоя қилмаслик;

б) сўз такрорларидан тўғри фойдалана билмаслик;

в) лексик ва матний синонимларни ўринли қўллай билмаслик;

г) олмошлар ва олмошли бирикмаларни ўринли қўллай билмаслик;

д) боғловчилар, кўмакчилар ва кўмакчили бирикмалар, равишли бирикмалардан фойдалана билмаслик;

7) матнни ташкилий жиҳатдан тўғри шакллантира олмаслик;

8) матнда кичик мавзуларга тааллуқли бўлмаган гапларнинг ўрнини аниқлай олмаслик.

Аниқланган хато ва камчиликларни уч гуруҳга қуйидагича бирлаштириб тасниф қилиш мумкин:

1.Яхлит матнда МСБлар чегарасини белгилай олмаслик, шундан келиб чиқиб, гапларни абзацларга ажрата билмаслик.

2.Матн қисмлари ва мустақил гаплар орасида мазмуний ва грамматик муносабатни тўғри белгилай билмаслик.

3. Матн қисмлари ва мустақил гапларни ўзаро боғлашда сўз такроридан, синонимик, боғловчили, олмошли, феълли, равишли боғланишдан фойдалана билмаслик.

III БОБ
МАТНИЙ ХАТОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ЎҚУВЧИЛАРГА МАТН ТУЗИШНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

3.1. Иншо матнининг мазмуни ва тузилишига оид назарий билимлар, кўникма ва малакалар (лингводидактик асослар)

Қўлланманинг иккинчи бобида таснif ва талқин қилинган матний хатолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини англашга, матний хатоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишга ёрдам берадиган назарий асослар навбатдаги вазифа – ҳар бир ҳолат нуқтаи назаридан тегишли БКМларни ажратиш ҳамда улар устидаги ишларни режалаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Матний ва матний бўлмаган хатолар устида ишлашда, ўқувчилар учун мўлжалланадиган матн тузилиши билан боғлиқ билимларни тавсифлашда уларга фаркли ёндашиш принципидан келиб чиқилди: айрим хатолар кўпчиликка хос бўлса, баъзилари бир-икки ўқувчининг ёзма ишидагина учрашини кўзда тутиш, дастур ва дарсликларда бор-йўқлигини ҳисобга олиш, шу асосда ёшларга бериладиган баъзи назарий маълумотларни белгилаш, айримларини йўл-йўлакай амалий ўргатиш чорасини кўриш йўлидан борилади.

Матннинг тузилишини ўрганишда аскотадиган БКМларни қуйидагича гуруҳлаб баён қиламиз:

1) иншонинг ташқи ташкилий-техник жиҳатлари;

2) ёзма ишнинг мазмуний-мантиқий баён қилиниш жиҳатлари;

3) матндаги абзацларнинг функционал-семантик турлари билан боғлиқ БКМлар;

4) матн яратиш билан боғлиқ кўникма ва малакалар тавсифи.

Қуйида ана шу масалалар доирасида матн тузилишини ўрганиш билан боғлиқ БКМлар хусусида сўз юритамиз.

I. Иншонинг ташкилий-техник жиҳатлари

Хатбоши масаласига тўхталадиган бўлсак, эслатиш ўринли бўлар: 1–4-синфлар учун Она тили фанидан тасдиқланган Давлат таълим стандартининг «Бошланғич таълимда она тили таълими мазмунининг негизи сифатида қуйидаги талаблар ҳам кўрсатилади: *«гап ва матн,* матннинг тузилиши: *мавзу, воқеа тафсилоти, асосий фикр баёни, хулоса чиқариш, сарлавҳа, хатбоши, диалог, монолог гаплар, баён, кичик иншо, оғзаки, ёзма ижодиёт»*[1]. Бундан аёнки, хатбоши 5-синфга қадар маълум даражада ўрганилган бўлиши керак.

Умумий ўрта таълим босқичи учун тасдиқланган «Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури»нинг «Она тили» қисмида келтирилган «Она тили фанидан Давлат таълим стандарти»да хатбоши 7-

[1] Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi Davlat ta'lim standarti. Tuzuvchilar: Q.Abdullayeva, R.Safarova va boshq. / Boshlang'ich ta'lim. – 2005. 5-son – 6-bet.

синфнинг «Малакалар» рукнида «xatboshilarni to`g`ri ajratish» деб қайд этилган[1]. Бу таълим босқичи нуқтаи назаридан жуда кеч, албатта.

Ўқувчилар ёзадиган ёзма ишларнинг қайси бир тури бўлмасин, деярли ҳаммасида (диктант, баён, иншо, иш қоғози) матнни (унинг биринчи гапини) хатбошидан бошлаш умумий талабдир. Лекин ушбу техник чора саналмиш хатбошини қўллаш матннинг биринчи гапи билангина чекланиб қолмайди: ёзма иш давомида ҳам ўрни билан хатбоши ташлаб ёзиш зарур бўлади. Бу иш эса тасодифий равишда амалга оширилмайди. Агар биринчи ҳолат бирор қоидага асосланишни тақозо этмаса, кейинги ҳолатлар абзацга[2] тенг келадиган кичик мавзулар чегарасини белгилашда, бошқача айтганда, икки хатбоши орасидаги гаплар гуруҳлари чегарасини кўрсатиш мақсади билан амалга оширилади. Бунда хатбоши бир ахборотни иккинчи ахборотдан ажратиш учун хизмат қилиб, матн мазмуни билан боғланади.

Хатбошини ўргатиш ДТС ва ўқув дастури талаби. «Ona tili» дарслигида (назарий маълумот ёки мавзу бор-йўқлиги). Ўқитувчи хатбоши ҳақида ўқувчиларда тегишли БКМ ҳосил қилишда улар йўл қўядиган матний хатоларни назарда тутиши шарт. Ушбу амалий зарурият қуйидаги БКМлар устида иш олиб бориш кераклигини кўрсатади:

Билимлар:

– ҳар қандай ёзма ишнинг биринчи гапини хатбошидан бошлаш, кейинги қисмларини (абзацларини) бир-биридан ажратиб ёзиш, бу ишни хатбоши ташлаш орқали юзага чиқариш, яъни ушбу қисмларни бир-биридан ажратиш учун уларнинг биринчи гапини хатбоши ташлаб ёзиш кераклиги;

– ҳар бир абзацнинг режадаги бир модда орқали ифодаланган кичик мавзуни ифода этиши;

– диалогли гапни олдига тире қўйиб хатбошидан бошлаш зарурлиги;

– шеърнинг биринчи мисраси сатрнинг қаеридан бошланган бўлса, кейинги мисралар ҳам шу жойдан ёзилиши зарурлиги;

– абзац доирасида тасниф келтирилаётган бўлса, унинг ҳар бир бандини хатбоши ташлаб ёзиш лозимлиги;

– абзац таркибида шеърий мисралар келтирилса, улар муаллиф гапи билан якунланса, ушбу гапнинг хатбошидан ёзилмаслиги.

Асосий кўникмалар: Режа моддаларига қараб, кичик мавзулар чегарасини аниклай олиш ва шу асосда навбатдаги кичик мавзуга даҳлдор биринчи гапни хатбошидан ёзиш.

Малакалар: Иншонинг биринчи гапини хатбошидан бошлаш, кичик мавзулар чегарасини ҳис этган, мазмунини тасаввур қилган ҳолда абзацларни хатбошидан ёзиш.

Ўқувчиларга абзац ҳақида бериладиган билимлар сирасида бир гапнинг ўзи тугал фикр англата олмаслиги ҳақидаги тушунча ҳам ўрин олмоғи лозим. Г.Н.Урумбаеванинг изоҳлашича, «...монолог – бу фикрларнинг сўз шаклига

---

[1] Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Ona tili. O'qish. Matematika. Atrofiniizda olam. Tabiatshunoslik (1–4-sinflar). – Toshkent: RTM, 2010. – 11-bet.

[2] Хорижий атама бўлмиш абзац икки маънода қўлланади: хатбоши ва икки хатбоши орасидаги гаплар гуруҳи. Бу ўринда биз иккинчи маънони назарда тутяпмиз.

ўралган уюшган тизими» саналиб, ўқувчилар шуни англаб етишлари керакки, монологик нуткда баъзан тугал фикр бир гап доирасига сиғмайди, бинобарин уни ифодалаш учун ўзаро боғланган гаплар гуруҳи талаб этилади[1].

Юқоридаги мазмунда бериладиган билимлар асосан 5- ва қисман 6-синф учун хос. Ушбу назарий-амалий ўрганиладиган билимлар ўқув йили ва таълим босқичлари бўйича тақсимланиб, оз-оздан ўқувчилар эътиборига тақдим этилади. Лекин юқори синфларда абзац доирасида таснифлар, диалогли гаплар, шеърий материалларни матнга киритиш тартиби хатбошини ишлатиш алоҳида БКМлар сифатида эгалланади. Ушбу материалларни амалий кўрсатиш мақсадида мос матнлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Хатбоши ёзма нутк учун хос бўлса, каттароқ тўхтамлар оғзаки нуткка хосдир. Шуни назарда тутиб тўхтамлар билан ҳикоя қилишни мактабгача таълим муассаларидан бошлаш маъқул. Бунда болаларни икки-уч ўрин-жой, киши ҳақида ҳар биридан кейин каттароқ тўхтам килиб ҳикоялашни ўргатиш мумкин. Ушбу йўналишдаги ишлар дастлаб буюмларнинг ўзига ёки шундай буюмлар ёки нутқий вазиятлар тасвирланган расмларга қараб ҳар бири ҳақида 2-3та гап айтиш мазмунида гапиртиришдан бошланади. Бола бир буюм ёки бир расмдаги тасвир асосида сўзлагандан кейин иккинчиси ҳақида гапиради ва ҳ.к. Бундай гапиришда диққатнинг бир объектдан иккинчисига кўчиши пайтида узилиш юз беради. Бу узилиш каттароқ тўхтамга сабаб бўлади. Айрим болалар эртак сўзлашни яхши кўрадилар. «Зумрад ва Қиммат» эртагини гапириб бераётган бола аввал кампир билан унинг кизи Қиммат ҳақида икки-уч гап айтади, сўнг чолнинг Зумрадни ўрмонда адаштириб келганини гапиради ва ҳ.к. Бир лавҳадан иккинчисига ўтганда у ўзи билмаган ҳолда тўхтам қилади.

Ўқувчилар бошланғич синфларда хатбоши, кичик мавзу, абзац (кичик мавзу доирасида чегараланадиган гаплар гуруҳи) ҳақида назарий ва амалий тушунча ҳосил қилган бўладилар. Дастлаб ана шу тушунчалар хотирада тиклаб олинади. Бунда бошланғич синфларда фойдаланилган саволларни эслаш зарур бўлади.

Бу ўринда ўқитувчи дарсликдаги бирор икки-уч абзацли матн мисолида индуктив усулни қўллаб, хатбоши, кичик мавзулар, абзац нуктаи назаридан йўналтирувчи саволлар асосида таҳлил уюштириши мақсадга мувофиқдир.

Матнда хатбошилар ёзма ишнинг биринчи гапи, кичик мавзу ва абзацдан бошқа сабабларга кўра ҳам ташланади. Асосий ҳолатлар сифатида қуйидаги жиҳатлар устида иш олиб борилади: 1) таснифлар; 2) диалогли гаплар. Чунончи:

1) кичик мавзу абзацга (МСБга) тенг келган ҳолатда таснифий маълумотларни ўз ичига олса, ушбу маълумотларнинг ҳар бири хатбошидан ёзилади;

2) кичик мавзу доирасида матнга диалоглар киритилса, диалогик гап олдига тире қўйилган ҳолатда хатбошидан ёзилади.

---

[1] Урумбаева Г.Н. Лингводидактические основы обучения учащихся 7–9 классов сложному синтаксическому целому как базовой структуре русской монологической речи (на материале школ с каракалпакским языком обучения): Автореф. дисс. ...канд.пед.наук. – Ташкент, 2001. – С. 12.

Таснифларда ракамлар, ҳарфлар ёки олдига тире қўйишдан фойдаланилади, баъзан умуман бирор белги қўйилмайди. Масалан, рақамлар асосидаги таснифлаш:

1) баҳор таомлари;

2) баҳордаги байрамлар.

Шунинг ўзи ҳарфлар ёки тире асосида ёзилиши мумкин:

а) баҳор таомлари;

б) баҳордаги байрамлар.

– баҳор таомлари;

– баҳордаги байрамлар.

Юқоридаги ҳолатларнинг ҳаммасида хатбоши қўлланади. (Баъзан тасниф матн таркибида хатбоши билан ажратилмаган ҳолда баён қилиниши ҳам мумкин: 1) баҳор таомлари; 2) баҳордаги байрамлар. Бундай пайтларда тире деярли қўйилмайди.)

Диалогда сўзлашувчиларнинг лукмалари қўштирноқли кўчирма гап ҳолида берилмаса, олдига тире қўйиб хатбошидан ёзилади:

Keng hovlining yarmini qoplagan baland so'rilardan husaynilar, dilkaptarlar va boshqa rang-barang uzumlar tovlanib, g'uj-g'uj osilgan.

– Tokni boplagan ekansiz, – dedi O'ktam.

– Be! – qo'lini siltab dedi Mirqodir, – O'zbekistonda necha-necha yuz xil uzum bor. Yana tajriba yo'li bilan har yili yangi navlarini yetishtiryaptilar... (*O.*)

Шеърий асарларнинг ҳар бир мисраси бир хил масофада хатбоши ташлаб ёзилади. Шеър сатрнинг турли жойларида берилиши ҳам мумкин:

1) хатбошидан ёзилади;

2) сатр ўртароғидан жойлаштирилади.

Масалан:

Гап таркибида шеър берилган кўчирма гапда ундан кейин келадиган муаллиф гапи хатбошидан ёзилмайди.

Хуллас, хатбоши ташлаб ёзиш ҳам ёзувни расмийлаштириш техникаси, ҳам баёнда бундан кейин келадиган хатбошилар билан мувофиқлаштириш шакли сифатида, ҳам мазмуний мақсадлар билан адо этилади. Хатбоши кичик мавзулар чегарасини, шу мавзулар акс этган абзацларни, улардаги ахборотни бир-биридан ажратиш ниятида амалга оширилиб, матн тузилишига хос тил бирлиги саналади. Кичик мавзулар ёзма ишнинг режа моддаларида ўз аксини топади. Иншо ёзаётганда унинг режа моддалари кичик мавзуларни эслатиб туриш учун хизмат қилади.

Иншо режасини тузишда кичик мавзуларни мўлжаллай олиш муҳим ўрин тутади. Ўқувчи шу мақсадда биринчи навбатда ёзма ишда нималар ҳақида ёзмоқчи эканлигини мушоҳада қилиб кўриши шарт. Албатта, қуйи синфларда иншо кўпинча икки ёки уч кичик мавзуни режалаштирган ҳолда ёзилади. Юқори синфларда уч-тўрт кичик мавзу ажратилгани маъқул. Ўқувчи кичик мавзулар асосида режа моддаларини юзага келтиришни ўрганади. Ушбу жараёнда қуйидаги **БКМлар** устида иш олиб борилади:

Билимлар: Иншо режасининг вазифасини билиш, иншо мавзуси – сарлавҳаси катта (бош) мавзу эканлиги, кичик мавзулар катта мавзунинг

мазмун чегарасидан четга чиқмаслиги кераклиги, режа моддаларининг кичик мавзулар асосида таърифланиши, режа моддаларининг миқдори кичик мавзулар тарзида ёритиладиган масалалар миқдорига боғлиқлиги, режа моддалари кичик мавзуларга, уларни ёритиш қўлами ва изчиллигига ишора қилиши.

Қўниқмалар: Иншода нималар ҳақида сўз юритмоқчи эканлигини (кичик мавзуларни) тасаввур қилиш ва шулар асосида катта (бош) мавзудан четга чиқмаган ҳолда режа моддаларини таърифлай олиш.

Малакалар: Ҳар бир ўқувчининг иншо режасини, унинг моддаларини кичик мавзуларни назарда тутган ҳолда мустақил равишда тузиши, тўғри таърифлаши.

Дастлабки режалар (тайёр бериб қўйиладиган режалар бундан мустасно) синфда жамоа бўлиб тузилгани мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларнинг мушоҳадалари, ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ва топшириқлари муҳим ўрин тутади. Масалан, «Она – улуғ зот» мавзуси синф хаттахтасига ёзиб қўйилгач, ўқувчилардан ким нима ҳақда ёзмоқчи эканлиги ҳақида фикр билдириш сўралади.

Ўқувчилардан бири: Мен оналарнинг улуғ зот эканлигини исботлашга ҳаракат қиламан.

Ўқитувчи: Режанинг биринчи моддаси нима деб таърифланиши мумкин?

Ўқувчи: Оналарнинг улуғ зот эканлиги.

2-ўқувчи: Мен оналарнинг бизни дунёга келтириб, вояга етказиши ҳақида ёзаман.

Ўқитувчи: Бу ҳақдаги режа моддасини қандай таърифлаймиз?

Ўқувчи: Оналарнинг бизни дунёга келтириб, вояга етказиши.

Ўқитувчи: Таъриф чўзилиб кетди. Уни ихчамроқ аташ мумкинми?

Ўқувчилардан бири: Оналар бизни вояга етказадилар.

Бир мавзу доирасида ҳар бир ўқувчи ўзи маъқул топган нарсалар тўғрисида ёзади. Шунинг учун унинг ўзи режа моддаларини қай тарзда тузиш кераклигини ўрганиб олиши керак. Режа ўқитувчи томонидан берилса, унинг моддаларини қай тарзда тузиш кераклиги ўқувчиларга маълум бўлмай қолаверади. Тайёр режа тақдим этилганда, унинг моддаларига қатъий амал қилиш, ундан четга чиқмасликни тайинлаган ҳолда иш кўришга тўғри келади.

Дарсликларда берилган мавзу асосида режа тузишни ўргатишга қаратилган машқлар бўлиши керак. Шунда ўқувчилар режа моддаларининг қай тарзда ва нима мақсадда тузилишини чуқур англаб етадилар. Шунингдек, режа моддалари ҳақида ўйлаш, уларни таърифлаш иншо ёзишга кўриладиган тайёргарликни ифода этади. Бундай тайёргарликсиз, шунчаки тўпланган материаллар асосида ёзиладиган ижодий ёзма ишларда фикрларнинг аралаш-куралаш баён қилинишида намоён бўладиган матний хатолар кўп бўлади. Машқлар ўқувчиларда тегишли қўниқмаларни шакллантириш имконини беради.

Вақти-вақти билан она тили дарсларидан 5–10 дақиқа ажратиб, берилган бир нечта боши мавзуга доир кичик мавзуларни белгилаш ва буни режа

моддалари сифатида шакллантириш талаб этиладиган машклар ўтказиб турилгани мақсадга мувофиқдир. Бундай машқлар дастлаб жамоа бўлиб бажарилади, ҳар бир ўқувчи ўзи ёритмоқчи бўлган масалаларни айтиб, кичик мавзуларни муҳокама қилиб олади, уларни қандай таърифлаш мумкинлигини вариант сифатида айтади. Ниҳоят, ёзма равишда режа тузишга киришилади.

Ўқувчилар шуни **билиб олишлари** керакки, кичик мавзу иншода нималар ҳақида гапирилмоқчи эканлигига қараб белгиланади, ҳар бир кичик мавзу бўйича гапириладиган гаплар абзацни ташкил этади, абзацда фикр тўлиқ ёритилиши зарур, унинг ҳажми икки ва ундан ортиқ гаплардан иборат бўлади.

Кўникмалар: Кичик мавзу доирасида нима ҳақда гапириш кераклигини тасаввур қила билиш, шу ҳақда мушоҳада юрита олиш, буларни режа моддаси сифатида таърифлаш, кичик мавзуни тўлиқ очиб бера олиш.

Малакалар: Катта мавзу чегарасидан чиқмаган ҳолда режа моддаларини таърифлаш, кичик мавзуларни абзацлар тарзида бир неча гап билан шакллантириш ва уларнинг чегарасини хатбошилар билан ажратиш.

Айрим дарсларда уч вариантда иншо мавзусини бериб, ўқувчиларга назорат иши тарзида шу мавзулардан бирига режа тузиш топширилиши мумкин. Бу ишни кичик гуруҳларда ишлаш мазмунида ташкил этиш ҳам фойдали. Бунда ҳар бир гуруҳ вазифани ўзаро муҳокама қилиш асосида бажаради. Натижада режа тузишдаги онглилик ортади, мустақил фикрлашдаги фаоллик таъминланади.

Табиийки, режани тўлиқ шакллантириш жараёнида хатбошилар, тиниш белгилари билан боғлиқ саволлар туғилиши мумкин. Ўқитувчи бу борада қатъий бир қолипни асос қилиб олиши даркор[1]. **О.Мадаевдан !!!**

Иншо учун эпиграф танлаш масаласига келсак, бу борада ўқувчилар қуйидагиларни **билишлари** керак бўлади: Эпиграф учун иншо мавзусига ва ғоясига мос равишда машҳур ҳикматли сўз, мақол ёки бадиий парча танлаш кераклиги, уни асосий матндан аввал ўнг бурчакда ёзиш, тегишли тиниш белгисини қўйиш, бадиий парча муаллифини қавс ичида кўрсатиш зарурлиги. **Кўникма** сифатида тегишли манбалардан эпиграф учун иншо мавзусига мос ҳикматли сўз, мақол, бадиий парча танлай олишни кўрсатиш мумкин. Ўқувчи ҳар гал иншо учун эпиграфни чуқур ўйлаб, манбаларга мурожаат этиб танлаш вазиятига тушади, демакки, у кўникма даражасида иш олиб боради. Уни саҳифада жойлаштиришгина малакага айланиши мумкин.

Иншога цитата, шеърий мисралар, ривоят ёки ҳадис киритиш масаласи ҳам эпиграф танлашдаги каби амалга оширилади. Фақат уларни матн ичида жойлаштириш қўшимча маълумотларни талаб этади, чунки улардан олдин ёки кейин мазмуний боғланишдаги гап берилиши керак. Ўқитувчи бу масалани адабиёт дарсларида ўрганиладиган назарий материалларда (асар ҳақидаги маълумот, ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги маълумот) кузаттириши, изоҳлатиши, тушунча ҳосил қилиш чораларини кўриши зарур.

---

[1] Yozma ish turlari: inso, bayon, diktant / O.Madayev, A.Sobirv, Z.Xolmanova, G.Ziyodullayeva, M.Shamsiyeva. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017. – 24–26 betlar.

Масалан, цитата аксарият ҳолатларда қуйидаги материаллар асосида киритилади: мақоллар, шеърий мисралар, ривоят ёки ҳадислар.

Иншога аввалги ижодий ёзма ишларда қўлланмаган цитата. шеърий мисралар, ривоят ёки ҳадис танлаш, уни матнга киритиш учун гап шаклини ифодалаш ишлари **кўникма** даражасида адо этилади. Кўникма ҳосил қилиш учун эса иншо мавзуси асосида бажариладиган машқлар ўтказиш фойдалидир.

II. Иншонинг мазмуний, мантиқий баён кнлиниш жиҳатлари

Иншода тузиладиган турли синтактик қурилмаларга хос гап турлари, гапларнинг ўзаро боғланиши, сўз ва грамматик воситаларнинг ишлатилиши, бунда тиниш белгиларидан билиб ўринли фойдаланиш матн яратиш нуқтаи назаридан муайян билимларга эга бўлишни тақозо этади.

Биз шуни ҳисобга олган ҳолда **иншода турли синтактик қурилмалари тузиш, уларнинг чегарасини белгилаш, шу максадда тегишли тиниш белгиларини ишлатиш** бўйича ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган қуйидаги ўта муҳим БКМларни белгилаб чиқдик:

Билимлар: Мустақил гапларнинг, гап таркибидаги синтактик бирликларнинг (ундалма, ажратилган гап бўлаги, кириш сўз, киритма ва б.) чегарасини тиниш белгилари ёрдамида белгилаш учун уларнинг шаклига. ифода максадига (дарак, сўроқ, риторик сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжон), мазмунига, айтилиш оҳангига, тузилишига, айниқса, **бир-биридан фарқига** эътибор бериш лозимлиги; матн таркибидаги мустақил гаплар (содда гап, қўшма гап, ундалмали гап, ажратилган бўлакли гап, кўчирма гап, ўзлаштирма гап, диалогли гап, кириш сўзли, киритма гапли гап ва б.) бўлиши мумкинлиги; яъни матнда содда гап билан содда гап, содда гап билан қўшма гап, қўшма гап билан содда гап, содда гап билан кўчирма гап, атов гап билан содда гап, атов гап билан қўшма гап, сўз-гап билан содда гап ва бошкалар бир-бири билан ўзаро боғланиши, бир-биридан нуқта, сўроқ, ундов белгиси, икки нуқта, баъзан уч нуқта, вергул, тире, қавс. гоҳида қўш белги қўйиб ажратиб ёзиш лозимлиги.

Асосий кўникмалар: Мустақил гап турларини шакллантира олиш, уларни матндан ажрата олиш, ўзаро фарқлай билиш. мазмуни, оҳанги, ифода максадига қараб икки гапни бир-биридан нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси, баъзан (зарурияти қараб) уч нуқта, қўш белги (?!) ёки бошқа белгилар (икки нуқта, тире ва б.) қўйиб ажратиб ёза олиш.

Малакалар: Ижодий ёзма ишда мустақил гап турларини ҳисобга олган ҳолда бир-биридан таълим босқичларида ўрганилган тиниш белгиларини ўрнига қўйиб ажратиб ёзиш.

Шубҳасиз, ушбу БКМлар устида 5–9-синфлар мобайнида айрим мавзуларнинг ўтилишига қараб муайян изчилликда иш олиб борилади. Баъзи матний хатоларнинг типик ва турғун эканлигини ҳисобга олиб, дарслик асосида белгиланган тушунчалар амалий равишда илгарироқ ўрганилишини режалаштириш, яъни мавжуд изчилликка қисман ўзгартириш киритиш ҳам зарурият туфайли ўзини оқлаши табиий. Энг муҳими, дастлабки босқичларда

бажариладиган машқ турларини тўғри танлаш керак. Қуйидаги машқ турлари ана шулар жумласидандир:

–матндан ажратилган гапнинг турини аниқлаш, қўйилган тиниш белгиларини изоҳлаш;

–берилган синтактик қурилмаларни тўғри ўқиш, оҳангига қараб қайси гап тури эканлигини, қўйилган тиниш белгиларини айтиш;

–берилган синтактик қурилмаларнинг бир-биридан нималар ҳисобига фарклана ётганини аниқлаш, изоҳлаш, тиниш белгиларини тушунтириш;

–берилган гапларнинг қандай гап турлари эканлигини аниклаган ҳолда тушириб қолдирилган тиниш белгиларини тиклаш;

–ёзилган иншони гапларнинг чегарасини тўғри белгилаш, тегишли тиниш белгиларини жой-жойига қўйиш.

Аён бўладики, иншода турли синтактик қурилмаларни тузиш, уларнинг чегарасини белгилаш, шу мақсадда тегишли тиниш белгиларини ишлатиш билан боғлиқ таълимий тадбирлар узлуксизлик ва узвийлик асосида 5–9-синфларда, ҳатто бундан кейинги таълим босқичларида давомий равишда ташкил этилиб борилмоғи даркор.

Ижодий ёзма ишларда ўз фикрларини тўғри баён қилиш ҳам матннинг муҳим жиҳати саналади. Келтирилган асосларнинг янглиш бўлиши, ҳаёт ҳақиқатига зид келиши иншо мазмунига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бу борада ҳам ўқувчиларга зарур йўл-йўриқлар бериш бориш тақозо этилади. Шунга кўра **иншода илгари сурилган фикрни асослаш, баёнда ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиш** бўйича эгалланадиган БКМларни қуйидаги мазмунда кўрсатиш мумкин:

Билимлар: Абзацда баён килинган биринчи гап шу абзац учун асосий фикр саналиши ва уни кейинги гаплар орқали очиб бериш, асослаш лозимлиги, шу мақсадда реал воқеликни аниқ кўз олдига келтириш, бунда ҳаёт тажрибасидан фойдаланиш зарурлиги, билдирилаётган фикрлар ҳақиқатга якин бўлиши кераклиги.

Кўникмалар: Бирор гапни ёзишдан аввал воқеликни аниқ тасаввур қилишга интилган ҳолда фикр ифодалаш.

Малакалар: Иншода ҳаёт ҳақиқатини тўғри англаган ва акс эттирган ҳолда мушоҳада юритиш.

Ушбу БКМларнинг амалий аҳамияти ўқувчилар томонидан ёзилган иншоларни мазмун жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида ойдинлашади. Кейинги йилларда ўқитувчилар ёшлар томонидан яратилган матнларга қисқа тақриз ёзиш усулини ҳам қўллай бошладилар. Бу тарқизларда асосан мавзунинг қай даражада очилганлиги кўрсатилади. Лекин матнда мавзунинг ёритилиши шу жиҳати билангина аниқланмайди, балки мазмуннинг тўғри баён қилингани ҳам асосий мезонлардан (ўлчовлардан) бири ҳисобланиши керак. Баъзи иншолар текширилганда айрим ноўрин ишлатилган сўзларнинг остига тўлкинли чизиқ чизиб қўйишлари бу масала ҳам баъзан эътиборда бўлишидан далолат беради. Сўз қўллашнинг қуйидаги жиҳатлари ўқитувчининг диққат марказида бўлиши мақсадга мувофиқдир:

– сўзнинг реал воқеликдан узоқ маънони англатиши: мусобақа ғолиби шарафига у мансуб *давлат байроғининг кўкларга кўтарилиши* (*байроқнинг баланд кўтарилиши* ўрнига);

– тезис ўрнидаги гап орқали англашилган фикрнинг кейинги гаплар орқали ривожлантирилмай қолиши;

Иншода сўз ишлатиш айрим ҳолатларда матннинг умумий мазмунини тўғри тушунишга монелик кўрсатади, баъзида эса гап доираси билан чекланадиган фикрий ғализликни келтириб чиқаради, бир хил пайтларда шунчаки ноўрин қўлланганн сезилиб туради. Ана шу ҳолатларни назарда тутиб, кўпроқ биринчи ва иккинчи ҳолат матнни идрок этишга таъсир этади, деган ўй билан қуйидаги БКМлар ни ажратдик:

Билим сифатида назарда тутиш лозим бўлган масалалар: Гап тузаётганда сўзнинг маъносини, жумла мазмунини реал воқелик билан нисбатлаб кўриш кераклиги, сўзни у билан боғланаётган бошқа сўз билан бирика олиш-олмаслиги, яъни ўзаро бирика оладиган сўзлардан гап тузиш зарурлиги, умуман сўзларни қатнаштириб гап тузаётганда реал воқеликни кўз олдига келтириб, аниқ тасаввурга эга бўлиш лозимлиги, баён қилинаётган фикрнинг аниқлиги.

Кўникмалар: Ишлатилмочи бўлган сўзнинг маъносини изоҳли луғатдан фойдаланиб аниқлаш ва шунга таянган ҳолда гапда тўғри ишлатиш; ўзаро боғланаётган икки сўзнинг бир-бири билан бирика олиш-олмаслигини ўзининг нутқ тажрибасидан келиб чиқиб ёки ўқитувчидан сўраб аниқлаш.

Малакалар: Яратилаётган матнда, тузилаётган гапларда сўзларни маъноларини билиб, тўғри ишлатиш.

Ўқувчиларга сўз ишлатиш юзасидан бериладиган амалий билимлар иншо таҳлили дарсларида, шу иш билан боғлиқ хатоларни бирор дарсда эсга олганда, ўрганилаётган янги сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ёки гаплар тузаётганда англатиб борилади, айрим хато тузилган гапларни таҳрир қилиш талаб этиладиган машқлар ёрдамида мустаҳкамланади. Бунда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари қатори, кичик-кичик гуруҳларда ишлаш усули муҳим роль ўйнайди.

Иншони (яратилаётган матнни) ўқиётган одамда салбий таассурот қолдирадиган, унинг қулоғига ёқимсиз туюладиган тил ҳодисаларидан бири айни бир сўзни ҳар гапда ёки гап оралатиб такрорлайверишдир. Буни шундай хатога йўл қўйилган ёзма ишни синфда ўқиб эшиттириш орқали англатиш мумкин. Матний маънодошлардан фойдаланиш иншодаги такрор-такрор қўлланган сўзни бошқа сўзлар билан алмаштириш чораларидан бири эканлиги намуна сифатида берилган матнни индуктив усул орқали таҳлил қилишдир. Ушбу жараёнда ўқувчилар **иншода матний маънодошлардан фойдаланиш** бўйича қуйидаги БКМларни эгаллаш учун дастлабки қадамни қўядилар:

Билимлар: 5–7 гапдан иборат ёки каттароқ бир абзац доирасида фикр предмети вазифасидаги сўзни дастлаб ўз номи билан аташ, кейин маълум масофада матний маънодош сўзлар билан алмаштириш кераклиги, кетма-кет (занжир) узилишсиз ва узилишли боғланган гапларда айнан бир сўзни

такрорлайвермаслик зарурлиги, абзацда биринчи гапда қўлланган от иккинчи гапда у кишилик олмоши, яна бир неча гапда тилга олинмаслиги ёки маънодош сўзлар билан алмаштирилиши мумкинлиги, матний маънодош сўзларнинг тасвирланаётган нарса-буюм ёки объект хусусиятига мос бўлиши лозимлиги.

Кўникмалар: Иншонинг кетма-кет келган ҳар бир гапида такрорланган айни бир сўзни олмош ёки маънодош сўзлар билан алмаштириб, бир неча гапда тушириб қолдириб тузатиш, маънодош сўзларни маънодош сўзлар луғатидан ёки изоҳли луғатдан қараб эслаш.

Малакалар: Иншони сўз такрорига йўл қўймасдан ёзиш.

Ёзма иш ўтказишдан аввал кисқа фурсат ажратиб ўтказиладиган амалий машқда ўқувчиларга берилган сўзга матний маънодошлар айттириш фойдалидир.

Ортиқча сўз такрорига йўл қўймаслик чораларидан бири гапни гапга боғловчи олмошлар билан боғлиқ **билимларга** мурожаат этишдир. Таъкидлаш лозимки, 5–9-синф ўқувчилари ёзаётган ижодий ишларда бу борада хатолар кўп эмас. Олмошли боғланиш ёшлар нутқига амалий сингган десак хато бўлмайди. Шунга қарамай ушбу йўналишдаги машқларни кўпайтириш, ўқувчиларни олмошли боғланишдан кенгроқ фойдаланиш имконитятлари билан таништира бориш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу машқлар жараёнида қуйидаги **БКМлар** сайкал топади. Масалан, биринчи гапдаги отнинг иккинчи гапда *у* кишилик олмоши, *у, шу, ўша, бундай, шундай* кўрсатиш олмошлари билан алмаштирилиши мумкнлиги. *У, шу, ўша, бундай, шундай* кўрсатиш олмошлари абзацларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилиши ва бошқалар амалий **билимларни** ҳосил қилади.

Кўникмалар: Ўқувчи ўз иншосида кетма-кет келган икки гапда такрор ишлатилган сўзнинг иккинчисини олмош билан алмаштириб тузата олиши.

Малакалар: Иншода олмошли боғланишдан тўғри фойдаланиш.

Ўқувчилар матнларни таҳлил қилиш жараёнида шуни ҳам англаб оладиларки, *у, улар* кишилик олмошлари биринчи гапдаги от ёки от вазифасидаги сўзни иккинчи гапда алмаштириб келади, лекин ушбу олмошлар иккинчи абзацни биринчи абзацга боғламайди. Бу ўринда кузатишлар *у, шу, ўша, бундай, шундай* кўрсатиш олмошларининг мавкеи ўзгача эканлигини билиб олиш имконини беради.

Хуллас, ўқувчилар матний маънодошлар, жумладан, олмошлар матнда бир сўзнинг ортиқча такроридан халос этувчи восита эканлигини чуқур ўзлаштириб оладилар. Айни пайтда кўмакчили бирикмаларнинг ҳам шундай вазифани бажара олиши мумкинлиги билан танишиш ёшларнинг тил ҳодисалари берадиган бой имкониятлардан фойдаланиши учун йўл очади.

Боғловчилар, айрим кўмакчилар ва юкламалар, турли маъно ифодаловчи, шу жумладан ўрин ва пайт билдирувчи сўз шакллари, кўмакчили бирикмалар ва равишлар синтактик маънодошларни юзага келтиришлик жиҳатига эътиборни қаратиш юқорида тилга олинган имкониятларни янада кенгайтиради. Ушбу воситалар биринчи гапда ифода этилган иш-ҳаракатнинг иккинчи гап оркали билдириладиган иш-ҳаракатга кетма-кетлик, бир

пайтдалик ва бошқа жиҳатларига кўра алоқадорлигини акс эттириш, мустақил гаплар, абзацларни кейингисининг аввалгиси туфайли содир бўлишидаги, ўрин-пайт, сабаб-натижа муносабатларини, шахсий фикрларни кўрсатган ҳолда кириш сўз ва иборалар ёрдамида боғлаш асосида эгалланадики, булар матннинг мазмуний ва структурал бойлигини таъминлайди.

Матнда пайт, майл, нисбат муносабатини ифодалашда абзацни ташкил этувчи феъларнинг шакл уйғунлиги муҳим роль ўйнайди. Бу борада ўқувчилар билишлари шарт бўлган бир қатор билимлар матний хатоларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Улар қуйидаги БКМларда ўз ифодасини топади:

Билимлар: Абзац доирасида бир иш-ҳаракат бажарувчиси билан боғлиқ равишда мустақил гапларнинг кесими бир хил замон шаклида қўлланиши кераклиги, бир хил майл ёки нисбатда ишлатилиши лозимлиги.

Кўникмалар: Абзацда ҳар бир тузилаётган бир иш-ҳаракат бажарувчиси билан боғлиқ мустақил гапларнинг кесимини ифода этувчи феъл шаклини белгилаб олиш, кейинги гапларнинг кесимини шу шаклда ишлатиш.

Малакалар: Иншода феъл шаклларини тўғри ишлатиш.

III. Матндаги абзацларнинг функционал-семантик турлари билан боғлиқ БКМлар

Ривоя-иншода абзац қисмларини (биринчи ва охирги гапи, асосий қисми) шакллантириш бўйича эгалланадиган БКМлар

Билимлар: Ривоя-матндаги абзацнинг биринчи гапи экспозицияни ифода этиши, асосий қисмида тугун, воқеалар ривожи, ечим баён қилиниши, охирги гапи *алқисса* типида якунланиши кераклиги. Абзацда баъзан хулоса берилмаслиги мумкинлиги.

Экспозиция қуйидаги каби мазмунда бўлиши кераклиги: бирор сабаб билан юз берган ҳолат, иш-ҳаракат, ҳаракат ва ҳолатнинг сабаби, натижаси (оқибати), иш-ҳаракатнинг пайти ва ўрни (манзил), содир этилган ҳаракат ва ҳолатдан юзага келган таажжуб, кўрилган тараддуд, истак, тавсиф ва бошқалар.

Асосий қисмда бир киши ва бир неча кишининг ҳаракатларини кетма-кет бажариладиган иш-ҳаракат орқали баён этиш зарурлиги. Хулосани кўпинча юз берган воқеа ёки ҳодисаларга муносабат тарзида (ёқди, эришди ва ҳ.к.) ифодалаш лозимлиги.

Кўникмалар: Абзацларнинг композицион қисмларини, айниқса, биринчи гапини тўғри шакллантира олиш.

Малакалар: Ривоя-матнни, унинг қисмларини мазмун ва структура жиҳатидан шакллантириб иншо ёзиш.

Тасвир-иншода абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини шакллантириш бўйича эгалланадиган БКМлар

Билимлар: Тасвир-матн абзацларининг биринчи гапида бирор шахсни маълум қилиш, нарса-буюм ёки объект, унинг муҳим белгисини тилга олиш кераклиги, асосий қисмида бир нигоҳ ташлаганда кўринган нарсалар ҳақида гапириш, кейин бошқаларига ўтиш лозимлиги; абзацнинг охирги гапи

биринчи гапдаги фикрни тасдиқлаши ёки инкор этиши зарурлиги, баъзан охирги гапнинг берилмаслиги мумкинлиги.

Кўникмалар: Тасвир-матн абзацларининг биринчи гапи ва асосий қисмини шахсий идрок ва тасаввурга асосланган ҳолда мазмунан шакллантира олиш.

Малакалар: Тасвир-иншо ёзиш (тасвир-матн яратиш).

Муҳокама-иншода абзацнинг биринчи ва охирги гапи, асосий қисмини шакллантириш бўйича эгалланадиган БКМлар

Билимлар: Муҳокама-матн абзацининг биринчи гапида тезис сифатида бирор муаммо ёки ғояни илгари суриш, уни навбатдаги масала тарзида тақдим этиш, киришда тасниф берилган бўлса, абзацда тасниф моддаларидан бирини аташ кераклиги, баъзан юқорида айтилганларни умумлаштиришга ишора қилиш, бирор тушунчанинг моҳиятига эътибор қаратиш ва ҳ.к. тарзда бошлаш лозимлиги; асосий қисмда тезисни асослаш, шу мақсадда далиллар (фактлар) келтириш, иншо охирида барча айтилганлар юзасидан хулоса бериш зарурлиги.

Кўникмалар: Муҳокама-матн қисмларини шакллантира олиш.

Малакалар: Муҳокама-иншо ёзиш.

Синф ўқувчиларининг эътиборини қаратган ҳолда матн тузилишига доир БКМлар устида ишлашда қуйидагиларни назарда тутиш тақозо этилади:

– индуктив ёки дедуктив усулдан фойдаланиб назарий маълумот бериш ва тегишли кўникма ва малакаларни шакллантириш ниятида бир-икки машқ бажариш;

– дарсликдаги назарий маълумотга мурожаат қилиш, уни ўқувчилар хотирасида тиклаш, тегишли кўникма ва малакаларни ишга солувчи бир-икки машқ бажариш;

– иншо ёзишдан кўзда тутилган хатога йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирувчи кириш сўзи сўзлаш;

– иншони қандай ёзиш ҳақидаги эслатмада матний хатоларни, бундай хатоларга йўл қўймаслик зарурлигини таъкидлаб ўтиш;

– ўқувчилар билан улар ёзган аввалги иншодаги матний хатоларни хотирлаш.

IV. Матн яратиш билан боғлиқ кўникма ва малакалар тавсифи

Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш деганда шу хусусда яратилган тадқиқотларнинг аксарият қисмида ҳам оғзаки, ҳам ёзма иш тури назарда тутилади. Зеро, оғзаки ва ёзма нутқ бир-бири билан узвий алоқадордир: «оғзаки нутқ ёзма нутқ кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради, ёзма нутқдан аввал содир этилади, ёзма нутқ ҳам, ўз навбатида, оғзаки нутқнинг янада аниқроқ, тўғрироқ бўлишига, мантиқан изчил тарзда шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради»[1].

Маълумки, ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришдан кўзланадиган асосий мақсад уларни ўз фикрларини боғланишли баён этишга ўргатишдан

[1] Методика объяснительного и литературного чтения в национальной школе / Под ред. К.В.Мальцевой и З.С.Смелковой. – М : Просвещение, 1978. – С. 195.

иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқувчиларда саводли ёзиш малакасидан ташқари, кичик мавзулар кўринишидаги режа асосида МСБлар яратиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Матн тузишга ўргатиш тизимини ишлаб чиқиш ва таълим мазмунини белгилаш иши кўп жиҳатдан матн яратишга ўргатишнинг асосий шарти ҳисобланган коммуникатив кўникма ва малакалар ҳажмини тайин этиш ҳамда уларнинг ўзаро муносабатини аниқлашга боғлиқ.

С.С.Артемьева ўқувчиларда нуткий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган қуйидаги уч босқични ажратади:

1. Кўникмаларни шакллантириш босқичи.
2. Кўникмаларни такомиллаштириш босқичи.
3. Нутқий малакаларни ривожлантириш босқичи[1].

Нутқ-фикрлаш фаолиятида биринчи ва иккинчи босқичларнинг аҳамияти катта. Биринчи босқичда ўқувчилар сўзларни талаффуз қилиш, улар иштирокида гаплар тузиш, бир гапда берилаётган сўзларни кейинги гапда бошқа сўз билан алмаштириб қўллаш, гапни гапга боғлашда боғловчилар, кириш сўзлар, кўмакчилар каби лексик ва грамматик воситаларни қўллаш билан боғлиқ илк лексик ва грамматик ҳаракатга кўника бошлайдилар.

Кейинги босқичда бу кўникмалар мустаҳкамланади, такомиллаштирилади, шу билан бирга навбатдаги босқич – нутқий малакаларнинг ривожланиши учун замин ҳозирланади. Шунинг учун бу босқич, С.С.Артемьева таъбири билан айтганда, оралиқ, ўтиш босқичи ҳисобланади.

Матнинг тузилиши устида 1–4-синфларда қай мазмунда, қай тартибда ва қай йўсинда иш олиб бориш мумкинлиги методист олима Н.Бекниязованинг «Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида)» номли монографиясида[2] батафсил ёритилган. Биз хатбошини ўргатиш ишларини 5-синфда ҳам давом эттириб, бунда ушбу тавсиялардан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қ.Қиясова касб-ҳунар коллежларида ўрта таълим мактабларида «эгалланган билим, кўникма ва малакаларни такрорлаш эмас, балки уларнинг такомиллашган мантиқий давомини ўргатиш»[3] кўзда тутилиши кераклигини таъкидлайди. Бу ишни мактаб таълими даврида ҳам амалга ошириш лозим бўлади: синфдан синфга БКМларни такомиллаштириб бориш максадга мувофиқдир.

Г.И.Кипшидзе ўқувчиларни матн тузишга ўргатишда тил ҳодисалари билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур деб билади:

---

[1] Артемьева С.С. Характер текста, используемого на этапе совершенствования речевых навыков // Иностранные языки в школе. – 1980. – N 1. – С. 33.

[2] Бекниязова Н. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент: «Фан ва технологиялар», 2012. – 160 бет.

[3] Қиясова Қ.Қ. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган касб-ҳунар коллежларида ихтисосий нутқни шакллантиришнинг методик асослари: Пед.фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2004. – 3-бет (17 б.)

1) ўқувчиларда фикрни сўз, сўз бирикмаси, гаплар воситасида ифодалаш малакаларини ривожлантириш;

2) уларни (сўзлар ва гапларни – М.Р.) муайян изчилликда жойлаштиришга ўргатиш[1].

Биринчи вазифа ҳикоя қилиш учун кўриладиган лексик тайёргарлик вактида. иккинчиси ёнма-ён келган гапларни ва тугал мазмунга эга парчаларни ўзаро боглашга ўргатиш даврида ҳал қилинади.

Кейингисида, Г.И.Кипшидзенинг фикрича, қуйидаги икки йўл кўзда тутилади:

1. Гапларни ўзаро боғлаш қоидаларига оид назарий маълумот бериш орқали.

2. Шу асосда муайян кўникмалар ҳосил қилиш орқали[2].

Қўшма гап синтаксисини, боғловчилар, кириш сўзлар каби грамматик мавзуларни ўтган пайтда матн синтаксиси юзасидан назарий маълумот бериш, махсус машқлар танлаш ва бажариш йўли билан кўникма ҳосил қилиш устида иш олиб борилади.

Г.И.Кипшидзенинг бу фикрлари тилни тизимли курс сифатида ўқитишга нисбатан айтилган. Тил ҳодисасини тақдим этиш ва ўқувчилар нуткига сингдиришда, А.А.Леонтьев кўрсатганидек, мўлжаллаш, режалаштириш, дастурни амалга ошириш, назорат қилишдан иборат тўрт фазадан оғишмай ўтиш лозим бўлади. Зеро, «мулоқот актининг бирор бўғини бузилса, сўзловчи мулоқотдан кўзланган натижага эриша олмайди – у самарасиз бўлади»[3].

Ўқитувчи ҳар сафар ёзма ишларни таҳлил қилганда БКМларнинг шаклланиш сифатига эътибор бериши, эришилган натижалар асосида янгиларини ҳосил қилиш лозим.

Боғланишли нутқ ўстириш дастурининг асосини ташкил этувчи[4] коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳақидаги тавсияларни Т.А.Ладиженскаянинг иншо ёзишга ўргатишга доир қатор тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Бу малакалар қуйидагилардан иборат:

– мавзуни обдон ўйлаб чиқиш ва уни ёритиш;
– иншони аниқ фикрга бўйсундира олиш;
– материал тўплаш;
– тўпланган материални тизимга солиш;
– иншони маълум композицион шаклда тузиш;
– ўз фикрини тўғри ифодалаш;
– ёзилганларни ўқиб тузатиш[5].

---

[1] Кипшидзе Г.И. Вопросы развития связной русской речи учащихся грузинской школы на основе программных художественных текстов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1969. – С. 14.

[2] Кипшидзе Г.И. Вопросы развития связной русской речи учащихся грузинской школы на основе программных художественных текстов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1969. – С. 20.

[3] Психологические проблемы массовой коммуникации / Ред. Леонтьев А.А. – М.: Наука, 1974. – С. 33.

[4] Капинос В.И. О соотношении репродуктивных и продуктивных методов в работе по развитию речи учащихся // Русский язык в школе. – 1979. – N 6. – С. 13.

[5] Система обучения сочинениям в 4–8-классах / Под ред. Ладыженской Т.А. – М.: Просвещение, 1973. – С. 18–19.

Санаб кўрсатилган малакаларни шакллантириш она тили дарсларининг асосий мақсадларидан бири бўлиб келган. Лекин бундай даражани эгаллаш қобилиятни, иқтидорни ҳам талаб этади.

«Бу малакалардан ташқари ҳар бир ёзувчи (ёзаётган шахс – М.Р.) ўзининг иншосини ёзишдан олдин, ҳеч бўлмаганда, энг умумий нуктаи назардан тасаввур қилиб кўришдек ривожланган қобилиятга эга бўлиши лозим. Матн яратишга нисбатан қўлланганда бу ҳам коммуникатив малакадир»[1] .

Коммуникатив малакалар инсон эгаллаши мумкин ва зарур бўлган бошқа малака турларидан жиддий фарқ қилади. Бу фарқ коммуникатив малакаларнинг ижобий характерга эга эканлиги билан белгиланади.

Р.А.Арзуманова V–VI синф ўқувчиларида матн тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш (ривоя-матн тузиш мисолида) қуйидаги икки босқичда амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб билади:

а) нутқшунослик тушунчаларини шакллантириш;

б) ривоя-матн тузиш учун зарур малакаларни шакллантириш[2].

Биз иккинчи ҳолат тавсифида *кўникма* сўзини ҳам акс эттирган бўлардик. Р.А.Арзуманованинг фикри ривоя-матн яратишгагина эмас, балки матн яратиш мақсадидан келиб чиқиб, унинг исталган функционал турига ҳам тааллуқлидир.

Р.А.Арзуманова ана шу иккинчи босқичдаги малакаларни хусусий нуткий малакалар ва умумий нутқий малакалар деб икки турга ажратади. Унинг таъкидлашича, хусусий нутқий малакалар матннинг ифода планига оид бўлиб, ҳикоя қилишнинг тил билан боғлиқ жиҳатларини таъминлайди[3]. Бундай малакалар гапларни ва матн қисмларини ўзаро боғлаш, лексик ва грамматик боғловчи воситалардан фойдаланишга оид малакалар бўлиб, ўқувчилар уларни грамматик мавзуларни ўрганиш жараёнида эгаллаб борадилар.

Умумий нутқий малакалар матннинг мазмун планини шакллантиришга оид бўлиб, мазмунни очиб бериш, асосий фикрни ифодалаш, мавзуни тайин этиш, воқеаларни пайт нуқтаи назаридан ривожлантириш, воқеанинг ечимини баён қилиш ёки хулоса чиқаришдан иборатдир.

Л.Ш.Скворцов билим ва кўникмалар қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапириб, шундай ёзади: «билимлар, билимларга қадриятли муносабатда бўлиш, уларни қўллашга тайёр туриш, билисмларни амалда қўллашда ижобий, дадил тажриба»[4]

Методик адабиётларда умумий нутқий малакаларни шакллантириш уч босқичда амалга оширилиши кўрсатилади:

---

[1] Пленкин Н.А. Умение создавать текст // Русский язык в школе. – 1981. – N 5. – С. 13.

[2] Арзуманова Р.А. Обучение монологу-повествованию в V–VI классах // Русский язык в национальной школе. – 1990.N 11. – С. 14.

[3] Арзуманова Р.А. Обучение монологу-повествованию в V–VI классах, с. 15–18.

[4] Скворцов Л.Ш. Культура языка – достояние социалистической культуры: Кн. Для внеклассн. Чтения (VIII–X кл.). – М.: Просвещение, 1981. – ???

1) боғланишли ҳикояни тайёрлаб олиш; 2) аввалдан оғзаки ишлаб чиқилган ҳикояни яратиш; 3) ҳикояни мустақил равишда яратиш[1]. Албатта, ўқувчи адабий жанрга хос ҳикоя яратмайди, балки ривоя қилади, ўз мушоҳадаларини баён қилади.

Боғланишли нутқ ўстиришга доир методик адабиётларда кўрсатилган матн тузилиши юзасидан бериладиган билимлар, ҳосил қилинадиган малакаларни қуйидигича умумлаштириш мумкин:

1. Матннинг композицион тузилиши, таркибий қисмлари – МСБлар ва кичик мавзулар ўртасидаги муносабатга доир билимлар.

2. Матнда МСБлар ва мустақил гапларнинг ўзаро боғланиш йўлларига доир билим ва малакалар.

3. Матннинг қисмлари ва мустақил гапларни боғловчи воситаларни қўллашга доир малакалар.

4. Гапдан катта синтактик бирлик – МСБлар тузиш орқали яхлит матнни шакллантиришга доир малакалар.

Мазкур билимлар, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ишлари муайян изчилликда амалга оширилмоғи лозим. Бу изчиллик қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

а) боғланишли матнда гапларнинг ўзаро мазмуний ривожланиши ва лексик-грамматик бирликларини аниқлаш, матнда мавзу ва тузилиш жиҳатдан ўзаро бириккан гапларни қўллаш;

б) қуйи даражадаги синтактик бирликларни юқори даражали бирликлар – МСБгача кенгайтириш ва , аксинча, структуравий-семантик бутунликни қуйи даражали синтактик қурилмагача ихчамлаш, яъни сўз бирикмаси ва мустақил гаплардан МСБга ва МСБдан гапга, сўз бирикмасига қадар шакллантира олиш;

в) матннинг композицион қисмларини (бошлама, асосий қисм, хулоса) аниклаш, ҳикоялашни муайян композицион чизмага солиш;

г) матнда гапларнинг кетма-кет ва параллел боғланиш йўлларини фарқлаш, матннинг функционал турларини шакллантиришда бу усуллардан амалий фойдалана олиш;

д) МСБда гапларни ўзаро боғловчи воситаларни аниқлаш: нутқда сўз тартиби, матний маънодошар, олмошлар, боғловчилар ва кириш сўзларни қўллаш;

е) боғловчилардан матннинг таркибий қисмларини, жумладан, абзацларни ўзаро боғлашда фойдаланиш.

Методик адабиётларда кўникма ва малака турлари ҳам даражалаб кўрсатилади, чунончи:

1. Матн яратиш учун сўзловчи ёки ёзувчи шахс махсус (коммуникатив) малакаларга эга бўлиши керак.

2. Малакалар кўп, аммо улар бир хил даражада эмас.

3. Малакалар ўзаро шундай узвий боғланганки, уларни амалий жиҳатдан бир-биридан ажратиш қийин.

---

[1] Арзуманова Р А. Обучение монологу-повествованию в V–VI классах, с. 18.

V. Матн тузилишини ўрганишга доир БКМларни белгилашда амал килинган лингводидактик асослар

Биз ёзма нуткни фикр ифодалаш жараёни ва шу жараённинг маҳсули сифатида кўриб ўтдик. Ёзма нутқ тушунчасига методик нуктаи назардан ёндашув масаланинг асл методик жиҳатини – нуткий фаолиятнинг мазкур турига ўргатишнинг метод ва усулларини акс эттиради.

В.И.Капинос таъкидлаганидек, «табиий коммуникация шароитида ҳар кандай боғланишли ҳикоя қилиш (монолог) озми-кўпми ижодий акт ҳисобланади»[1].

Л.В.Шчербанинг қуйидаги фикри масалага яна ҳам равшанлик киритади. «Ҳар қандай монолог, – деб ёзган эди у, – дастлабки адабий асардир»[2].

Матн яратиш учун аввал уни тасаввурда шакллантириб олиш тақозо этилади. Бунинг учун «яратилажак матннинг мазмуни, ҳикоя қилиш вазифалари, мулоқот шартлари» каби экстралингвистик мақсадларни аниқлаб олиш зарур бўлади[3]. Матннинг кандай турда ва қандай шаклда бўлишини олдиндан аниқлаб олиш ҳам яратилажак матннинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди. Биз Е.И.Богомолованинг қуйидаги фикрларини маъқуллаймиз: «Ўқувчига иншо ёзишни ўргатиш учун унинг аниқ бир шаклини назарда тутмоқ даркор; чунки ҳар кандай адабий ишда агар шакл маълум "маҳорат" даражасига етказиб яратилмас экан, энг яхши мазмун юзага келганда ҳам у асар бўла олмайди»[4]. Демак, матн яратишда мазмун билан шакл бирлигига эришиш муҳим роль ўйнайди.

«Матн устидаги иш фикр, унинг ифодаловчиси, яъни муаллифнинг савияси ва муддао каби таркибий қисмларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборат»[5] экан, ўқувчи баён қилмоқчи бўлган фикрларини кимга айтишини ва сўзлашдан ёки ёзишдан мақсади нима эканлигини аниқ билиши лозим. У ўз суҳбатдошини, нутқ шароитини ва мулоқотнинг асосий мақсадини олдиндан мўлжаллаб олсин учун ўқитиш шароитини табиий мулоқот шароитига яқинлаштириш зарур. Монологик нутқ яратишдан кўзланадиган хилма-хил мақсадларни Н.А.Плёнкин 3 хил гуруҳлайди:

– воқеа-ҳодиса ҳақида – унинг бошланиши, давом этиши, якунланиши ҳақида хабар бериш мақсади;

– предметлар, воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг белгилари ва жойлашиши ҳақида хабар бериш мақсади;

–воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаби ва аниқланган қонуниятлари ҳакида хабар бериш мақсади.

Хабар беришнинг хилма-хил муддаолари ҳар хил турдаги: ривоя, тасвир, муҳокама-матнлар яратишни талаб қилади[6].

---

[1] Капинос В.И. О соотношении репродуктивных и продуктивных методов в работе по развитию речи учащихся // Русский язык в школе. – 1979. – N 6. – С. 18.

[2] Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. – С. 115.

[3] Капинос В.И. О соотношении репродуктивных и продуктивных методов в работе по развитию речи учащихся, с. 18

[4] Богомолова Е.И. Сочинение-рассуждение в системе письменных работ. – Владимир, 1963. – С. 10

[5] Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари // "Ўзбек тили" доимий анжумани туртинчи йиғинининг тезислари. – Т.: 1997. – 12-бет.

[6] Пленкин Н.А. Умение создавать текст // Русский язык в школе. – 1981. – N 5. – С. 14.

Боғланишли матн тузишга ўргатишнинг энг қулай ва яхши натижа берадиган методи онгли-коммуникатив метод бўлгани ҳолда, колган барча метод ва усуллар ана шу бош йўналишнинг муваффақиятини таъминлашга хизмат қилиши зарур.

Л.П.Федоренко тил ўрганиш методларини 3 гуруҳга бўлиб кўрсатади:

1.Тилни назарий ўрганиш методлари.

2.Тилни назарий-амалий ўрганиш методлари.

3. Тилни амалий ўрганиш методлари[1].

Тилни назарий ўрганиш методлари уч турли бўлади:

1) ўқитувчиниг баёни;

2) суҳбат;

3) осон қоидаларни дарсликдан мустақил ўқиш. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга матн тузилиши юзасидан назарий маълумотлар беради, суҳбат уюштириб, уларнинг дарсларда матн синтаксиси юзасидан олган билимларини мустаҳкамлайди.

Тилни назарий-амалий ўрганиш методлари амалий машқлар, тайёр матнни лингвистик таҳлил қилиш, лексик-грамматик воситаларнинг матндаги вазифаларини аниклаш кабиларни ўз ичига олади.

Матн тузишни ўрганиш учун асосий ҳисобланган тилни амалий ўрганиш методларига кўра ўқувчиларнинг турли хил асосий ва қўшимча машқ ҳамда топшириқларни бажарганларида, МСБлар тузганларида, уларни ўзаро боғлаб, кичик ҳажмдаги матнлар яратганларида, миниатюра иншолар ёзганларида йўл қўядиган хатолари эгалланган билимларни жалб этган ҳолда тузатилади.

Маълумки, боғланишли нутқ ўстириш, аввало, тил меъёрларини амалий ўрганиш демакдир. Боғланишли нутқ ўстириш билан ўзбек тили грамматикасини, шунингдек, матн тузилишига оид назарий маълумотларни ўзлаштириш ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши зарур. Саводли ёзишга ўргатиш билан нутқ ўстириш иши қанчалик яқин боғланса, жонли нутқ билан коидалар ва грамматик таҳлил ўртасида қанчалик изчил ва ранг-баранг алоқадорлик мавжуд бўлса, кўникма ва малакалар шунчалик мустаҳкам ва онгли эгалланади, ўқувчиларнинг нутқ маданияти шунчалик юқори ва онгли бўлади[2].

Юқорида белгилаб чиқилган ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш юзасидан методик асосларни амалиётга жорий этишда, матн тузишни ўргатиш мазмуни ва методларини тайин этишда қуйидаги умумдидактик ва хусусий методик принципларга амал қилиш максадга мувофиқдир:

1. Тарбияловчи таълим принципи матнларнинг бадиий асарлардан олинган парчалар танлашда ўз ифодасини топиб, эстетик ва тарбиявий қийматга эга бўлган мисолларга устувор аҳамият бериш зарурлигини

---

[1] Федоренко Л.П. Принципы и методы обучения русскому языку: Пособие для студентов педагогических институтов. – М.: Просвещение, 1964. – С. 83.

[2] Мухаева С.И. Некоторые вопросы развития связной русской речи учащихся младших классов // Вопросы преподавания русского языка с белорусским языком обучения / Тематический сборник научных трудов. – Минск, 1979. – С. 145.

кўрсатади, таълим мазмунини ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, фикрни чиройли ва маданиятли ифодалаш малакаларини шакллантириш сари йўналтириш кераклигини билдиради.

2. Илмийлик принципи матн яратиш қоидаларининг тилшунослик фанида эришилган сўнгги ютуқларга мос келишини тақозо қилади. Мактаб амалиётига тилшуносликда ўзининг аниқ ечимини топган хулосалар олиб кирилиши зарур. Бугунги кунда матн тузишга ўргатиш иши МСБлар ҳақидаги қоидаларга мувофиқ ташкил этилиши лозим.

3. Онглилик принципи ўқувчиларнинг дастлабки босқичда матнни шакллантириш учун нутқ бирликларини онгли қўллашларини таъминлашда ўз ифодасини топади. Малакалар автоматлашув даражасига етганда нуткий ҳаракатлар маълум даражада онгсиз бажарилади.

4. Тизимлилик принципига кўра матн тузишга ўргатишда фойдаланиладиган машқлар муайян тизимни ҳосил қилиши лозим.

5. Фаоллик принципи ўқувчиларнинг нуткий машқларни, айниқса, ёзма нутқ ўстириш билан боғлиқ ижодий машқларни малака ҳосил қилиш учун етарли миқдорда бажаришларида ўз аксини топади.

6. Кўрсатмалилик принципи ўқувчининг сюжетли расмлар асосида осон ҳикоя қилишида, кўрсатмалилик тарзидаги режа бўйича воқеа-ҳодисаларни баён қилишидаги изчилликни таъминлашида намоён бўлади. «Расмлар асосида мунтазам иш олиб бориш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ва нуткий кўникмаларни автоматлаштиришга катта ёрдам беради»[1].

Шундай экан, ўқувчиларнинг боғланишли нуткини ўстириш максадида танланадиган расмларнинг бадиий-эстетик савияси ҳам юқори бўлмоғи лозим. «Шундагина болада аниқ ва тиниқ тасаввур вужудга келади, бу тасаввурни ифодалаш учун у аниқ ифодали сўзлар топади, мустақил равишда гаплар тузади, уларни мантиқий изчилликда бирлаштириб, боғланишли матн яратади»[2].

7. Мунтазамлилик принципига кўра матн тузишни ўргатиш билан боғлиқ машқ ва топшириқлар доимий равишда маълум вақт оралигида бажариб турилади.

8. Билим беришда изчиллик принципи матн тузилишига доир маълумотларнинг бир-бирини тўлдириб боришида, кейинги маълумотлар олдингиларини тақозо этишида ва маълум даражада мураккаблашувида акс этади.

9. Тушунарлилик (савияга мослик) принципи матн тузилишига доир назарий билимларнинг ўқувчилар савиясига мос бўлишини, машқлар учун танланадиган матнларнинг мазмунан болалар ҳаётига якин туришини тақозо қилади.

10. Тилга доир билимларни пухта ўзлаштириш принципи нутк вазиятига мос ранг-баранг гап турларидан фойдаланишда, мазмунан баркамол,

---

[1] Каменецкая В.Г. Вопросы отбора освоения учебного материала по чтению на русском языке в национальных школах: IV кл. //Вопросы преподавания русского языка и литературы в киргизской школе. – Фрунзе, – 1970. N 3. – С. 102.

[2] Мухаева С.И. Некоторые вопросы развития связной русской речи учащихся мл. классов, с. 145.

қурилиш жиҳатидан мукаммал матн яратишда мустақил гаплар ва матн қисмлари орасидаги боғланишни тўғри таъминлашда, хилма-хил лексик ва грамматик воситалардан фойдаланишда, яхлит боғланишли матн тузишни малака даражасига етказишда намоён бўлади.

11. Якка (индивидуал) ёндашиш принципи ҳар бир ўқувчи нутқининг ўзига хослиги учун шарт-шароит яратишни кўзда тутади.

12. Ривожлантирувчи таълим принципи ўқувчиларнинг дарсдан дарсга, синфдан синфга ёзма нутқ малакаларини мустаҳкам эгаллаб боришида, матн яратишда борган сари тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан унумлироқ фойдаланишида, билимлари бойиб боришида, ўз фикрини тобора аниқ, ихчам, равон баён қила олишида ифодаланади.

Юқорида санаб кўрсатилган принциплар билан бирга нутқий кўникма ва малакаларни босқичма-босқич шакллантириш, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиш, аввал ҳосил қилинган кўникмаларга таяниш орқали янгиларини эгаллаш ишини осонлаштириш, тил сатҳлари ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш орасида ўзаро боғлиқлик принциплари, ўқувчиларнинг тил тажрибасига таяниш каби нутқ билан боғлиқ методик принциплар ҳам эътиборга олинади

Нутқ ўстириш, хусусан, ижодий ёзма ишларни ташкил этишда Г.С.Коляденко тавсия этган, аслида она тили ўқитувчилари учун яхши таниш қуйидаги принципларни назарда тутиш фойдадаен холи эмас:

1.Нутқ ўстириш устидан фаол раҳбарлик.

2.Тафаккурга асосланганлик.

3.Нутқ ўстириш жараёнининг мажмуавийлиги.

4. Нутқ ўстириш жараёнининг узлуксизлиги[1]

Хулоса қилиб айтганда, методик адабиётларда кўрсатилган қуйидаги концептуал қоидалар иншо ёзиш (матн яратиш)ни ташкил этишда илмий-методик асос бўлади:

1. Ёзма боғланишли нутқ ўстириш бирлиги сифатида МСБ қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. МСБнинг лингвистик хусусияти унинг тузилиш ва семантик жиҳатдан яхлитлигида намоён бўлса, методик жиҳатдан ўзига хослиги эса ҳажман чегаралганлигида ўз ифодасини топади[2].

2. Тил ҳодисалари билан гапдан катта бирлик (МСБ) даражасида танишиш синтактик категорияларнинг нутқда амал қилиш жараёни орқали юзага чиқарилади[3]. Бундай ёндашиш тил фактларини МСБ хусусиятлари билан уйғун ҳолда ўрганиш учун кенг имконият яратади.

3. Боғланишли нутқ синтаксисини ўргатишда нутқий ҳаракатларнинг босқичма-босқич шаклланишига риоя қилинади: бир синтактик бутунликдан – бир неча синтактик бутунликни ўз ичига олган яхлит матнни шакллантиришга томон борилади.

---

[1] Коляденко Г.С., Сенкевич М.П. Развитие речи с элементами стилистики: Учебное пособие для учащихся нац.пед.училищ РСФСР. – Л.: Просвещение, 1981. – С. 37.

[2] Зарубина Н.Д. Текст: Лингвистический и методический аспекты. – М.: Русский язык, 1981. – С. 88

[3] Новак Е.П. Обучение синтаксису связной речи // Русский язык в национальной школе. – 1980. N 2 – С. 20.

4. Дарсликда тақдим этилган машқлар изчиллиги ўқувчиларнинг МСБ доирасида гапларнинг бирикиш қонуниятларини ўзлаштиришларини ва мустақил ҳикоя қилиш чоғида МСБлардан онгли равишда фойдаланишларини кўзда тутмоғи лозим.

МСБни, бир қарашда, ДТС ва ўқув дастурида берилганидек, қўшма гап мавзусидан кейин ўрганиш керакдай кўринади. Аммо уни МСБ деб эмас, балки абзац сифатида бошланғич синфларда олинган билимларнинг давоми деб гапнинг чегарасини аниқлаш, сўзлар ва мустақил гапларни бир-бири билан боғлашда боғловчилар, кўмакчилар, олмош ва синонимлар каби лексик ва грамматик воситалардан фойдаланиш, фикр ифодалашда изчилликка риоя этиш малакаларини ўқувчилар нутқида қуйи синфлардан шакллантириб ва ривожлантириб бориш зарур. Замонавий таълимнинг узлуксизлик принципи ҳам шуни тақозо этади. Бошланғич синфларда она тилидан бериладиган грамматик мавзуларнинг матн нима, унинг гаплар йиғиндисидан нима фарқи бор, матнда ёки берилган парчада нима ҳақида ҳикоя қилинади, берилган гапларни мазмунига қараб тартиб билан жойланг каби савол ва топшириқлар матн тузишга ўргатишдаги дастлабки қадамлар бўлиб, ўрта босқичда бевосита матн синтаксисига доир тадбирлар тизимини жорий этиш учун замин ҳозирлайди.

Е.М.Сорокина ўқувчиларни МСБ тузишга ўргатиш пропедевтик (бошланғич синфлар), таянч (V–VI синфлар) ва илгариловчи (VII–IX синфлар) уч босқичдан иборат бўлиши зарур деб кўрсатади. Р.Б.Сабаткоев бу тадбирларни VII, VIII, X синфларга мўлжаллаган бўлса, Е.П.Новак ушбу муаммони VIII синф мисолида 4 босқичда амалга оширишни таклиф қилади.

Матн тузилишини ўргатиш тадбирлари неча босқичдан иборат ва синфлар бўйича тақсимоти қандай бўлишидан қатъий назар,уларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилган ҳолда боғланишли матн тузишга ўргатиш механизмининг ягона тизимини ташкил этмоғи[1] ва ўқув жараёнини тўла қамраб олган ҳолда ўқув йилининг бошидан охирига қадар давом этмоғи зарур.

Айтиб ўтиш жоизки, матн тузилишининг назарий жиҳатларига доир мавзулар дастур ва дарсликларга киритилмаган, ўқувчиларга бу борада бериладиган билимлар минимуми аниқланмаган бир шароитда ўқитувчи аниқ мақсадга йўналтирилган, тадрижий равишда мураккаблашиб борувчи қўшимча тадбирлар белгилаши ва дарсларда шу асосда иш олиб бориши зарур, лекин бунинг учун, авваламбор, ўзи назарий маълумотга эга бўлиши, қолаверса, маълум тамойилларга амал қилиб таълим мазмунини белгилаши, қоидалар тузиши, ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган матнлар танлаши, машқлар тузиши лозимки, ижодкор ўқитувчиларгина бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин.

Ўқувчиларни матн тузишга ўргатишни қачондан бошлаш керак деган масала билан бирга нимадан бошлаш зарур деган масала ҳам методик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни, энг аввало, осондан қийинга,

[1] Новак Е.П. Обучение синтаксису связной речи, с. 24.

оддийдан мураккабга томон бориш ва бошқа дидактик принциплар асосида ташкил этиш зарур.

Матнларнинг функционал турлари, матнни ташкил этувчи бирликларни ўзаро боғловчи воситалар ва боғланиш йўлларини ўргатиш мазмунини ишлаб чиқишда ҳам умумдидактик ва хусусий методик принципларга амал қилиш лозим.

Методик адабиётларда матн тузишга ўргатишни ривоя-матндан бошлаш максадга мувофиклиги эътироф этилади. Ривоя-матннинг тасвир-матн ва муҳокама-матнга нисбатан осонлиги шундаки, воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлса, шундай изчилликда баён килинади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқувчилар қуйи синфларда буюмлар, хона, ховли, синф каби ўрин-жойларни тасвирлашга ҳам кўп вакт жалб этилади. Шунга кўра ҳам МСБни ўргатиш ишини ривоя-матн, тасвир-матн тарзида шакллантиришдан бошлаш максадга мувофиқ.

Матн тузишга ўргатишни унинг қайси функционал турларидан бошлаш зарурлигининг психологик жиҳати ҳам бор. Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, кетма-кет боғланишли ҳикоя тузишда дастлаб қисқа муддатли (оператив) хотира ишлайди. Бунда бирин-кетин бажариладиган ҳаракатлар янги-янги гаплар айтиш учун асос бўлади. Шу сабабли ўқувчи учун ривоя-матн тузиш энг осони ҳисобланади.

Қиёслаш, ўхшатиш, сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи боғланишлар қатнашган МСБлар нисбатан қийин ҳисобланадики, унда қисқа муддатли хотиранинг ўзи етарли бўлмайди. Узоқ муддатли хотира ишга тушиб, аввалги факт билан кейингиларини қиёслаш, натижанинг сабабини кўрсатиш ва бошқа амалларни бажариш керак бўлади.

Тасвир-матн тузишда, бир томондан, ўқувчиларнинг предметларни кузатиш асосида уларнинг муҳим ва номуҳим белгиларини ажратишлари, баён қилишда маълум изчилликка риоя қилишлари анча қийин бўлса, иккинчи томондан, бундай матнда кўп қўлланадиган грамматик воситалардан, хусусан, от-кўмакчилар ва кўмакчили бирикмалардан фойдаланиш зарурлиги ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун она тили дарсларида аввал ривоя-матнларни, улар билан олдинма-кейин тасвир-матнларни ўргатиш методик жиҳатдан ўринли ҳисобланади. VIII-IX синфларга бориб, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларининг ривожланиши, пайт ва ўрин-жой, сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи лексик-грамматик воситалардан фойдаланиш имкониятининг ортиши муносабати билан муҳокама-матнлар тузишга ўргатиш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки ўқувчи муҳокама-матн яратар экан, ўз фикрларини асослай олиши, воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаби ва оқибатларини баён қила билиши лозим.

Матнда МСБлар ва мустақил гапларнинг ўзаро боғланиш йўлларидан дастлаб қай бирини ўргатиш кераклигини белгилашда ҳам ишни аввал занжир боғланишни ўргатишдан бошлаш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. Чунки ўқувчилар занжир боғланишга нисбатан параллел боғланишни қийин

ўзлаштирадилар. Е.П.Новак эса, аксинча, ишнинг айнан ўша қийин турига эътиборни каратиш зарур деб ҳисоблайди[1].

Биз юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар ва «Ona tili» дарсликларидаги матн яратишга доир топшириқлар асосида мазкур мавзунинг синфлар бўйича тақсимотини бериш керак деган хулосага келдик.

Ўтиладиган мавзулар билан боғлаш принципи

Она тилидан 5–9-синфларда матн устида мунтазам суратда иш олиб бориш учун тегишли БКМлар аниқ бўлиши даркор. Бунинг асосий йўлларидан бири грамматик мавзулар билан боғлашдир. Н.Х.Сатторованинг тадқиқот ишида «...грамматика ...мавзуларини ўрганиш жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган самарадор, ижодий иш турларидан фойдаланиш масаласи ёритилди»[2]. Ижодий ёзма ишларни грамматик топшириқ билан боғлаб ўтказиш масалалари илгари ҳам кўтарилган[3]. Баъзи дарсликларда матн тузиш топшириғида грамматик топшириқ кўрсатилади, холос.

Ўқувчиларнинг билим савиясига таяниш принципи

Мустақил гапларнинг чегарасини белгилашга доир ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар асосан бошланғич синфларда шакллантирилади. Шу мақсадда тегишли машқлар бажарилади. Лекин, С.С.Тажбенова амалга оширган назорат ишларининг кўрсатишича, ушбу таълим босқичида айрим ўқувчилар гапларнинг чегарасини белгилашга доир етарли назарий билимга эга бўлган ҳолда ижодий ёзма ишда баъзан ўз билимларига таяниб иш кўрмайдилар, яъни олган билимларини амалда қўлламайдилар[4].

Она тили дарсликларида матн ва абзац ҳақида тушунча берилса-да, уларда боғланишли матнлар юзасидан топшириқлар, гапларнинг ўзаро боғланиш хусусиятларини англаш учун хизмат қиладиган машқ шартлари акс эттирилмаган.

3.2. Иншо ёзишга (матн яратишга) тайёргарлик кўришнинг ташкилий жиҳатлари

Ижодий ёзма иш, одатда, ўқитувчининг иш режасини тузишидан бошланади. Режада биринчи навбатда иншо мавзуси ёки вариант сифатида бериладиган 2-3 мавзу аниқлаб олинади. Шу боисдан биз ҳам дастлаб **мавзу устидаги ишлар** ҳақида сўз юритамиз. Чунки ўқувчиларга мавзуни маълум қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда мавзу ёки мавзуларнинг мазмун доираси, ишлатилиши кутилаётган матний бирликлар ўйлаб олинади.

Методист олима Н.Сатторова мавзу ҳақида гапириб, ўқувчиларни аввал мавзу ва унинг мазмуни билан таништириш, бунинг учун «иншо мавзуларини танлаш, уларнинг ифодаланиш хусусиятларига қараб хусусий топшириқлар бериш», кенг, умумий, тор мавзуларнинг фарқланишлари ҳисобга олиш; иншо мавзуларини ифодаланишига кўра таҳлил қилиш:

---

[1] Новак Е.П. Обучение синтаксису связной речи, с. 24.

[2] Сатторова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синфда она тили ўқитиш жараёнида): Пед.фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1995. – 12-бет (21 б.)

[3] Омилхонова М. 8-синфда она тили дарслари. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – 42-бет

[4] Тажбенова С. Она тили дарсларида ўқувчиларни назарий билимларни амалда қуллашга ўргатиш методикаси. – Тошкент: «Фанлар ва технологиялар маркази» нашриёти, 2010.

асосий фикрни кўрсатиб турган, кўрсатмаётган мавзуларни ажратиб билиш; материал йиғиш, саралаш, тартибга солишни талаб қилмайдиган ва талаб киладиган мавзуларни англай билиш малакалари устида ишлаш кераклигини таъкидлайди[1]. Муаллиф белгилаган бу ишлар кўлами ва мундарижаси, энг аввало, ўкитувчининг ўзи учун аниқлаб олиниши керак. Ўқувчиларга маълум қилиш масаласига келсак, ушбу тадбир иншо ёзиш (матн яратиш) дарслигача бўлган тайёргарлик босқичи ибтидоси бўлиши зарур. Табиийки, ўкитувчининг ўзи бу борада аник тасаввурга эга бўлмаса, у ўқувчилар кўрадиган ҳозирлик мазмунини ҳам тўғри, йўналтирувчи топшириқлар тузиш йўли билан уюштира олмайди.

Дарҳакиқат, ўкувчилар мавзунинг мазмунига олдиндан йўналтирилмаса, материал танлашда ҳам аниклик бўлмайди, натижада керак ва нокерак материалларга бир хил куч-ғайрат сарфланади, ўқувчиларнинг маълум вақти беҳуда кетади. Бинобарин, мавзу мазмунига тўғри тайёргарлик кўрмаган ўқувчилар ёзган ижодий ёзма иш талаб даражасида ёзилмайди. Демак, дастлаб тўпланадиган материаллар мавзу мазмуни доирасида нутқни бойитиш учун хизмат қилиши даркор. Бу хусусда «Развитие речи учащихся V–VIII классов» қўллаимасида бундай дейилади: «...Айни пайтда нутк мазмунининг ўзини бойитмасдан туриб, ўқувчилар нутқини лексик ва грамматик жиҳатдан бойитиш мумкин эмас. Агар улар нутқининг мазмуни қашшоқ бўлса, айтадиган гаплари бўлмаса, табиийки, чегараланган сўз ва конструкциялар заҳирасидангина фойдаланадилар»[2]. Яратилаётган матннинг сермазмун чиқиши учун унга кўриладиган тайёргарлик нутқ мазмунини бойита олиши лозим.

Ижодий ёзма иш ўтказилиши маълум қилингандан кейин унга кўриладиган тайёргарлик мазмуни ўкувчиларга тушунтирилади:

Икки-уч вариантдаги мавзу (ёки бир мавзу) бўйича ҳозирлик кўриш зарурлиги айтилиб, қуйидаги иш турларини бажариш лозимлиги таъкидланади:

– имкон қадар мос эпиграф танлаш;

– режа тузиш;

– тузиладиган матн мазмунини назарда тутган ҳолда мақол, ҳикматли сўз, ҳадис ёки шеърий мисралар ўйлаб қўйиш;

– баён предметини назарда тутган ҳолда уни тасаввур қилиб кўриш, ёзма ишда ишлатилиши мумкин бўлган сўз ва иборалар тўплаш;

– расмлар топиш, объектга ўкитувчи раҳбарлигида сайрга чиқиш ва б.

Табиийки, дарсда иншо ёзишга (матн яратишга) мавзу танлаш ва ўкувчиларни у билан олдиндан таништириш ҳамда тайёргарликни ташкил этиш жараёни матн турини тахмин қилишни ҳам ўз ичига олмоғи лозим. Чунки ривоя-иншога бир хил, тасвир-иншога иккинчи хил, муҳокама-иншога бошқача (ўзига хос) тараддуд кўрилиши тўғри бўлади.

---

[1] Сатторова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синфда она тили ўкитиш жараёнида): Пед.фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1995. – 12–13-бетлар.

[2] Развитие речи учащихся V–VIII классов. Под ред. В.А.Добромыслова. Изд. 2-е, испр. М.: Госпедгиз Минпроса РСФСР, 1963. с. 128.

Тасвир-иншо ёзишга қўриладиган тайёргарлик ишлари

Бундай иншолар мавзуси мазмун жиҳатдан ўқувчилар ҳаётига яқин бўлиши, таниш ижтимоий ҳаёт тажрибаси, меҳнат соҳалари ва жабҳалари ҳақида, шунингдек, касби ҳақида тасаввури бўлган одамлар тўғрисида, ўқувчиларнинг ички кечинмаларини чамалаган ҳолда танлангани маъқул.

Тайёргарлик жараёнида мавзунинг мазмуни ҳақида ўқувчиларда умумий таассурот уйғотилиб, сўнгра алоҳида белгиларига ишора қилинади. Лекин улар баён матни каби тўлиқ маълум қилинмаслиги, иншо ўрнида баён ёзишга шароит яратмаслиги даркор.

Берилган мавзу ёки мавзулар асосида иншо ёзишга тайёргарлик кўришда А.Сайфуллаевнинг қуйидаги огоҳлантиришини ҳам инобатга олиш фойдали: «...ўқувчилар кўпинча асосий эътиборни тасвир предметига эмас, тасодифий фактларга қаратадилар, киришни асоссиз равишда кенгайтириб юборадилар. Натижада тасвир ўқувчнинг диққатидан четда қолади. Масалан, «Баҳорда ўрмон» иншосида ўқувчилар йўлга тайёрланиш, йўлда ва қайтишда кўрганлари ҳақида гапирадилар ёки баҳорги ўрмон тасвири ўрнига дарахтларнинг гуллаши, қушларнинг учиб келиши қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ёзадилар...»[1].

Тасвирланаётган объектларнинг ўқувчига таниш ва нотаниш томонлари ҳам бўлади. Кузатишлардан маълумки, болалар қуйи босқичда ўзларига яхши таниш бўлган ҳайвонларни тўлиқ равишда яхши тасвирлайдилар. Мураккаброқ тасвирларда. М.Жўраевнинг фикрича, «объектнинг мантиқий таҳлилига эътибор бериш»[2] керак.

Тасвир жараёнида кейинги айтилаётган фикрлар аввалгиларига зид бўлмаслиги учун предмет ёки объектнинг белгилари аниқлаб олиниши ва баёнда шу белгилар атрофида фикр юритилиши кераклиги иншога тайёргарликнинг узвий бир қисмига айланиши лозим. Бундан келиб чиқадиган хулоса: тайёргарлик жараёнида ўқувчиларга предметнинг ҳамма белгиларини эмас, балки мавзу нуқтаи назаридан зарур белгиларини танлаш кераклигини маълум қилиш, уларни матнда муайян тартибда жойлаштириш юзасидан кўрсатмалар бериш, оғзаки амалий машқлар бажариш лозим.

Тасвир хотиралар, махсус кузатишлар, тасаввур қилиш, расмлар оркали яратилиши мумкин. Масалан, яйловга қилинган сайрдан олинган таассуротлар, кузатиш натижалари асосида матн яратиш ана шундай хусусиятга эга бўлади.

Баъзан ўқилган китоблардаги тасвирларга таянилиши мумкин. Лекин бу ҳолатда ёзиладиган тасвир-иншо аслида баён саналади.

Амалиётда хотирадан ёзиладиган тасвирлар ҳозирга қадар ҳаддан ортиқ ўрин эгаллайди. Куз ҳақидаги шеърни ўрганиш муносабати билан, масалан, кузги табиат ҳақида тасвир-иншо ёзиш тавсия этилади. Шунингдек, равишларни ўрганиш муносабати билан *юқорида, пастда, яккама-якка, узоқдан, яқиндан* каби равишларни ишлатиб, кузги (қишки, баҳорги) боғни

---

[1] Сайфуллаев А.Р. IV–VI синфларда иншо ўтказиш, 7-бет.

[2] Жўраев М. IV–VII синфларда ўқувчилар иншосининг турлари, 81-бет.

тасвирлаш таклиф қилинади. Нутқ ўстиришда маълум даражада аҳамиятга эга бўлган бундай тасвир-иншолар ўқувчиларнинг махсус уюштирилган кузатишларига таяиадиган тасвирларнинг ўрнини боса олмайди. Ўқувчи шахсан ўзи кузатганда кўрув сезгилари ишга тушади, идрок этиш керагича давомли бўлади, ёшларнинг диққати тўлиғича мақсар сари қаратилади, зехни ишга солинади. Кузатиш натижалари ўқувчиларни образлиликка даъват этади. Махсус кузатишлар ташкил этилса, А.Сайфуллаев таъкидлаганидек, «Бу нарса ўқувчилар иншосидаги фактик материалларнинг камбағаллиги ва шу билан алоқадор бўлган тасвирларнинг схематиклиги, иншоларда умумий ўринларнинг кўпайиб кетиши каби камчиликларнинг олдини олишга имкон беради»[1].

Табиат манзаралари ўқувчиларнинг ўзларида туғилган ҳис ва кечинмаларини пайқаш, сўз орқали ифодалашга кучли туртки беради.

Табиат тўғрисида иншо ёзиш учун экскурсиянинг ўзигина етарли материал бера олмайди. Экскурсия ўқувчилар нутқини мазмун жиҳатидан бойитса-да, сўз бойлигини оширишдаги роли нисбийлигича қолади. Ўқитувчи ёшлар эътиборидан четда қоладиган нарсаларни мўлжаллаб, кузатишни шуларга йўналтириши, улар билан боғлиқ сўзларни эслатиш чорасини кўриши керак.

Айрим ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган экскурсиялар чогида табиатнинг, буюмларнинг, хатти-ҳаракатларнинг гўзал жиҳатларини ҳис этиш малакасини ўстирадиган йўналиш бериш лозим. Натижада бой фактик материал тўпланади.

Ривоя-иншо ёзишга тайёргарлик кўриш

Матннинг бу турига кўриладиган ҳозирлик мазмун манбаига қараб олиб борилади. Манбалар қуйидагича бўлиши мумкин:

– кўрилган воқеа-ҳодисалар;

– расмлар серияси;

– эшитилганлар;

–ҳаётий тажрибаси ва билимига асосланиб ўйлаб топилган ҳодисалар.

Одатда, ўқувчилар ўзлари кўрган, гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида иншо ёзишни маъқул кўрадилар. Бунда шахсий кузатишлар, таассуротлар иш беради. Шунинг учун ривоя-иншо ёзишга тайёргарлик кўриш жараёнида баъзан сайрга чиқиш муҳим ўрин тутади.

Ҳар қандай кузатиш иншода баён қилинадиган асосий фикр нуқтаи назаридан уюштирилади, яъни болалар максадга қараб табиатнинг айрим томонларини кўра олишлари талаб қилинади.

Ўқитувчи раҳбарлигида уюштириладиган кузатишнинг гаълимий жиҳатини кучайтириш лозим. Шуни унутмаслик зарурки, дастлабки кузатиш пайтида болалар айрим кичик, аммо асосий фикр учун ғоятда муҳим деталларни эътиборсиз қолдиришлари мумкин. Бундай камчиликни экскурсиянинг ўзидаёк тузатгаи зарур[2].

---

[1] Сайфуллаев А.Р. IV–VI синфларда иншо ўтказиш. 7-бет.

[2] Сайфуллаев А.Р. Иншо ўтказиш методи ҳакида, 18-бет.

М.Жўраевнинг фикрича, «Эшитилган ёки кўрилган нарсалар ҳақидаги ривоя – бошқа масаладир. Мазкур ҳолатда қўшимча материал йиғишга ёки асослашга зарурат туғилиб қолиши мумкин, чунки унда ҳикоя кимдан ва қандай шароитда эшитилгани ҳақида маълумот берилади. «Уйдирма» ҳикоя эса ижодийликни талаб қилади: воқеа ривожида қайси жиҳатни асос қилиб олиб, жой ва қаҳрамонлар тасвирини қаерда беришни, диалогни ишнинг қаерига киритишни ҳал қилиш керак»[1].

Муҳокама-иншо ёзишга тайёргарлик кўриш у ёки бу масалада баҳс юритишга диор топшириқлардан бошланади. Ўқувчи мавзу юзасидан баҳс-мунозара чоғида кимнингдир фикрини тасдиқлайди ёки инкор этади, баъзи фактларга қўшилади, баъзиларини рад этади, ўзича мушоҳада юритиб, далиллар келтиришга, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилади. Ушбу ишларнинг якунида мавзу жиҳатдан яқин матн намунаси устида ишланиши мумкин. Ўқувчилар баҳс-мунозара мазмунига яқин мазмунни ўқилган матнда кўрадилар ва муҳокама-иншони шу тарзда ёзиш керак экан, деган хулосага келадилар.

Баҳс-мунозара ҳаётда одамлар орасида тез-тез содир бўлиб турадиган мулоқотни эслатади. Мулокот жараёнида ёшларнинг шахси, шахсияти шаклланади, дунёқараши кенгаяди, нутқда сабаб-натижа муносабатларини ифодалашнинг лисоний хусусиятлари, турли усуллари фаоллашади.

5–9-синф ўқувчиларига она тили дарсларида **ҳикоя ёзишни ўргатиш** дастурда кўзда тутилмаган, Лекин ривояни ҳикоя деб қабул қилган, шунингдек, масалани тўғри англаган ҳолда адабий жанр саналмиш ҳикоя деб хисоблаган методист олимлар ҳам бўлган.

Олимлардан Й.Абдуллаев, А.Сайфуллаев, М.Жўраевнинг мақолаларида ўқувчиларга ҳикоя ёзишни ўргатиш ҳақида алоҳида саҳифалар ажратилиб, тавсиялар баён қилинган. Ушбу тавсиялар орқали ўкитувчи қуйидагиларни билиб олиши мумкин:

Ҳикояга материал тўплаш тасвир ва ривояга нисбатан мураккаброқ, чунки унинг объекти илгари ёки яқин орада бўлиб ўтган воқеалардир, бинобарин, уларни кузатишнинг иложи йўқ. Ўқувчилар ўз шахсий ҳаётларида ёки якин кишилари ҳаётида юз берган ҳодисаларни эслаб, уларга доир айрим фактларни олдиндан қайд қилишга одатланмаганлар.

Ҳикоя ёзиш учун даставвал мавзу белгилаб олиниши, бирор ғоя учун туртки берган воқеа-ҳодиса танланиши керак. Шундан кейингина ҳикоя учун материал тўплашга киришиш мумкин. Материал тўплаш ва системалаштириш билан боғлиқ бўлган ижодий ёзма ишларнинг ушбу тури қийин бўлгани учун (айниқса, унинг мураккаб турлари) юқори синфларда ташкил этилади.

1. Дастлабки босқичда адабиёт дарсларида ўқилган бирор ҳикоя таҳлил қилинади, болалар иншонинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур пайдо қиладилар. Асар юзасидан қуйидаги савол ва топшириқлар ҳавола қилиниши мумкин: Хикоя мавзусини ва унинг асосий ғоясини аниқланг.

[1] Жўраев М. IV–VII синфларда ўқувчилар иншосининг турлари. 81-бет.

Оралиқ воқеа етарли ёритилганми? Қаҳрамонларнинг харакатлари асосланганми? Ўрин тасвири (шароит, табиат ва шу кабилар) нима учун берилади?

Китоб бўйича материал тўплашга ўргатиш учун жуда кўп машқ қилиш лозим. Бу иш мураккаб бўлиб, ўқувчиларни керакли материални топиш учун китоб ўқишга ўргатиш; иккинчидан, зарур материални қайд қилиб боришга ўргатиш; учинчидан, цитата олишга, ундан тўғри ва ўринли фойдаланишга ўргатиш керак.

2. Навбатдаги босқичда ўқувчиларнинг жонли, таъсирчан қилиб сўзланган оғзаки ҳикояси тингланади. (Бу босқичда ҳикояни ёзма шаклга келтириш талаб этилмайди.)

Оғзаки тузилган хикояга синфдошларининг баҳолари тингланади. Ўқитувчи ўқувчиларни фикр билдириш сари йўналтириб туради: Ҳикоя учун танланган воқеа қизиқарлими? Ҳикоянинг баёни тушунарлими? Ҳикоя қилинган воқеанинт нимаси кўпроқ ёқди? Ҳикоялаш оҳанги сизга ёқдими? Ҳикоячининг ўзини тутиши, гапиришдаги қўл ҳаракатлари сизда қандай таасссурот қолдирди? Ҳикояда сўзловчининг воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати акс этдими?

3. Иншо учун материал тўплаш иши бир неча дарс олдин бошлангани маъқул. Ёзма иш ёзиладиган дарсга яқин қолганда тўпланган материаллар сараланади ва тизимга солинади (тартибга келтирилади). Баъзан фактлар саралашдан ташқари, гурухланади, яъни режа моддаларига асосланиб, муайян тартибда жойлаштирилади.

4. Ўқувчиларга ёзма ишни ёзиш топширилади.

5. Якуний босқичда иншони қайта ўқиб чиқиб, унга танқидий кўз билан қараб, айрим тузатишлар киритиш ишлари бажарилади.

Иншонинг содда ёки бирмунча мураккаброк чиқиши унинг мукаммаллик даражасини белгилашда асосий мезон саналиши мумкин. Бунда мавзунинг мақсадга мувофиқ тарзда ёритилганлиги, фикрнинг изчил ва аниқ ҳамда равшан баён қилинганлиги, воқеа-ҳодисаларга ўқувчининг шахсий муносабати акс этганлиги, матн тузилишига оид эгалланиши керак бўлган БКМларда ривожланиш борлиги ҳисобга олинади.

3.3. Ўқувчиларни иншо ёзиш (матн тузиш)га тайёрловчи машқ турлари

Ўқувчиларнинг ёзма боғланишли нутқини ўстиришда, жумладан, матн тузиш малакаларини шакллантиришда нутқий машқларнинг аҳамияти катта. Матн тузилишини ўргатиш муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотларда машклар таснифи берилган. Бу таснифлар аксарият ҳолларда умуман боғланишли нутқ ўстириш, баъзан ўқувчиларга МСБнинг айрим жиҳатларини яратишни ўргатиш нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Л.А.Мурина ўқувчиларнинг нутқ маданиятини оширишга хизмат қиладиган машқлар тизимини ишлаб чиқиб, бу машқларни 3 гуруҳга бўлиб кўрсатади ва учинчи гуруҳга боғланишли матн тузишга доир машқларни киритади. Уларни, ўз навбатида, қуйидагича тасниф қилади:

1. Берилган мавзуда гаплар тузишга оид машқлар.

2. Расм асосида ёки атроф-муҳит ҳақида гаплар тузишга оид машқлар.

3. Асосий фикр ва мавзуни аниқлашга доир машқлар.

4.Баён ва иншолар[1].

Г.И.Кипшидзе машқларни матннинг ҳар бир ташкилий қисмини шакллантиришга нисбатан гуруҳлайди:

1. Берилган бир неча тайёр қолип-парчалардан мавзуга мосини танлаш.

2. Берилган кириш ва хулосага оид жумлалардан матннинг асосий мазмунини аниқлаш.

3. Таклиф этилган асосий кисмга бошлама ва хулоса танлаш[2].

Г.И.Кипшидзе биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи машқлар ўқувчиларда асосий қисм билан бошлама ва хулосага оид жумлалар ўртасидаги мавзувий муносабатни тўғри белгилашга доир кўникмаларни шакллантиради, деб ҳисоблайди.

С.Т.Тусеева фикрни боғланишли ифодалашга ўргатиш ишини қуйидаги изчилликда ташкил этиш зарур деб билади:

1. Ёнма-ён турган гапларнинг ўзаро боғланиш турларини тушунтириш ва энг муҳим ташқи боғланиш воситалари билан таништириш.

2. Тайёр намуналарни кузатиш ва таҳлил қилиш.

3. У ёки бу боғланиш турини аниқлаш машқлари.

4. Боғловчи воситаларни қўллашга доир машқлар.

5. Турли хил боғловчи воситалар ёрдамида муайян мавзуда боғланишли матн тузиш.

6. Боғловчи воситаларни қўллаш ва гапларни ўзаро боғлашда йўл қўйилган хатоларни оғзаки таҳлил килиш[3].

Е.М.Сорокина биринчилардан бўлиб МСБ тузишга ўргатувчи махсус машқларни гуруҳлаб, рецептив, репродуктив, маҳсулдор деган турларга ажратади. Шунингдек, ҳар бир гуруҳга кирувчи машқларнинг қандай мақсад сари йўналтирилганини ҳам аниқ кўрсатади:

1. МСБнинг тайёр намуналаридан иборат рецептив машклар қуйидаги мақсадларга йўналтирилган: а) МСБни аниқлаш; б) МСБ мазмунини таҳлил қилиш; в) композицион элементларни фарклай олиш; г) гаплар орасидаги боғловчи воситаларни топиш.

2. Тугалланмаган ёки тарқоқ ҳолдаги тайёр МСБ асосидаги машклар қуйидаги мақсадлар сари каратилган: а) МСБнинг мазмуний-мантикий тузилишини қайта тиклаш; б) гапларнинг ўзаро боғланишини таъминлаш учун боғловчи воситаларни танлаш; в) берилган андазага караб матнни нутқ турига мувофиқ тарзда қайта яратиш.

3. Маҳсулдор (продуктив) машқлар: а) берилган ўхшаш шаклга қараб режа асосида, таянч элементлар асосида ва ҳоказоларга таяниб МСБни

---

[1] Мурина Л.А. К вопросу о повышении культуры русской речи учащихся белорусских школ (Некоторые замечания о системе упражнений) // Вопросы преподавания русского языка в школе с белорусским языком обучения // Сборник науч. статей. – Минск, 1973. – С. 65.

[2] Кипшидзе Г.И. Вопросы развития связной русской речи учащихся грузинской школы на основе программных художественных текстов: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1969. – С. 21.

[3] Тусеева С.Т. Развитие связной речи в процессе работы над текстом на занятиях по русскому языку со студентами-казахами нефилологических факультетов: Дис ... канд. пед. наук. – Алма-ата, 1981. – С. 91–92.

шакллантириш; б) тайёр МСБни ўзгартириш ёки тўлдириш; в) намунага кисман таяниб ёки таянмай микроматн яратиш; г) мулоқотнинг реал вазиятига мувофиқ тайёргарлик асосида ва тайёргарликсиз ҳикоя тузиш[1]. Е.М.Сорокина ишлаб чиққан ушбу таснифда МСБ ҳақидаги назарий маълумотларни эгаллаш, олинган билимларни кўникма ва малакаларга айлантириш жараёнлари яққол ажралиб турмайди.

А.А.Толибов машкларни қуйидаги 2 турга бўлиб кўрсатади:

1. Нуткқача бўлган (нуткқа тайёрловчи) ва комплекс машқлар (ўқитишнинг 1- ва 2-босқичидаги вазифаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан).

2. Нутқий машқлар. Бу машқлар ўқитишнинг 3-босқичидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган[2].

Олимнинг таъкидлашича, тайёргарлик машқлари асл услубий даражаланган монологик ҳикоя қилиш малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, нутқий кўникмаларни вужудга келтиради. Малакаларни ҳосил қилиш вазифаси эса иккинчи турдаги нутқий машқлар ёрдамида ҳал этилади.

Методик адабиётларда тавсия этилишича, нутқий машқлар ёрдамида назарий билимлар мустаҳкамланиб, дастлабки кўникмалар ҳосил қилинади, сўнгра кўникмалар ривожлантирилиб малакага айлантирилади. Бунда босқичли кетма-кетлиликка асосланилади. Л.В.Логвинова боғланишли матн тузишга ўргатувчи машқ ва топшириқларни 2 босқичда бажаришни таклиф этади:

Биринчи босқичда дастлабки кўникмалар шакллантирилади. Бунда берилган матнга сарлавҳа топиш, асосий фикр ифодаланган гапни аниқлаш, матндаги ривоя ва тасвир элементларини ажратиш, берилган ривояни давом эттириш, режа тузиш, матндаги предметларнинг белгисини билдирувчи, кишиларнинг характери, феъл-атворини тавсифловчи сўзларни аниқлаш каби қўшимча топшириклар бажарилади. Кейинги босқичда кўникмалар такомиллаштирилиб, қуйидаги нутқий малакаларни ҳосил қилиш устида иш олиб борилади:

– матнни мазмунан шакллантириш;

– фикр ифодалашда мантиқий изчилликка эришиш;

– жанр ёки нутқий вазифа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда матнни тўғри шакллантириш[3].

Ушбу таснифда матн тузишга ўргатишдаги кетма-кетлилик кўзга ташланмайди.

Э.Ю.Сосенко нутқ вазиятига мувофиқ бир мавзу доирасида грамматик жиҳатдан тўғри ривоя тузишни бошланғич малака, кўплаб мавзулар доирасида ривоя тузишни охирги, пировард малака деб ҳисоблайди[1].

---

[1] Сорокина Е.М. Обучение построению сложного синтаксического целого на уроках русского языка в узбекской школе. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т., 1991. – С. 16.

[2] Талибов А.А. Совершенствование монологической речи студентов национального педвуза в связи с изучением элементов стилистики.: Канд. дис. – Душанбе, 1983. – С. 118

[3] Логвинова Л.В. Учить связному высказыванию // Русский язык в национальной школе. – 1981. – N 3. – С. 77

Л.М.Петре боғланишли матн тузиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилувчи машқ ва топшириқларни 3 турга бўлади:

1. Ривояни шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилувчи топшириқлар.

2. Коммуникация жараёнининг вазифаларига тақлид қилувчи вазиятли машқлар.

3. Матн тузиш кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи қуйидаги топшириқлар:

а) ўзгаларнинг ҳикоясини ихчамлаштириш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

б) маълум мавзуда матн яратиш кўникма ва малакаларини ривожлантирувчи топшириқлар[2].

Биз юқоридаги таснифлардан келиб чиқиб ва шахсий иш тажрибаларимизга асосланган ҳолда ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш юзасидан ўтказиладиган машқ ва топшириқларни қуйидагича гуруҳладик:

1. МСБ (абзац) ёки кичик мавзу доирасидаги парчанинг тузилишини аниқлашга доир машқлар.

2. Мавзу мазмуни устида олиб бориладиган ишларга доир машқлар.

3. Грамматик воситалар билан таништириш, уларни аниқлашга ва нутқда қўллашга доир машқлар.

4. МСБ яратишга доир машқлар (кичик иншолар ёзиш).

5. Яратилган матнни такомиллаштириш, фикр баён килиш изчиллигига доир машқлар.

6. Матнга шърий мисралар, маколлар, ҳадис, цитата киритишга доир машқлар.

Қуйида ушбу машқ турларига айрим-айрим тўхталамиз.

I. МСБ (абзац) ёки кичик мавзу доирасидаги парчанинг тузилишини аниқлашга доир машқ ва топшириқларга қуйидагилар киради: матнни фикран тугалланган қисмларга ажратиш, тайёр намуналарни кузатиш ва таҳлил қилиш, композицион унсурларни фарқлай олиш.

Матн устидаги ишлар ўқувчиларни гаплар орасидаги янги боғланиш воситаси билан таништириш, аввалгиларига янгиларини қўшиб бориш ва умумлаштиришдан бошланади. Бу ишлар пировардида боғланиш гапдаги сўзлар орасидагина эмас, балки абзацдаги гаплар орасида ҳам бўлиши пухта англаб олинади. Шу мақсадда ўқувчилар лексик-грамматик ва ситуатив-мавзувий жиҳатдан аста мураккаблашиб борадиган юмушларни, махсус ишлаб чиқилган машқ турлари мисолида бажаришлари лозим.

Матн яратишда унинг бошлама ва хулоса қисмларини шакллантириш нисбатан қийин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам матн тузиш устидаги ишларни абзац ёки кичик мавзу доирасидаги парчанинг тузилишини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофик ҳисобланади. Ўқувчилар баён, инша ёзганда, мактаб дарсликларидаги матнларни таҳлил қилганда кириш, асосий

---

[1] Сосенко Э.Ю. Проблема упражнений // Психологические вопросы обучения иностранцев русскому языку. – М., 1972. – С. 93

[2] Петре Л.И. Развитие устной монологической речи учащихся на базе текста в IV классе молдавской школы: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1985. – С. 24.

қисм. хулоса каби тушунчаларни ўзлаштириб борадилар. Бу ҳолат парчанинг тузилишига доир таҳлил билан боғланса, яхши самаралар беради. Ушбу жараёнда ўқувчилар ҳар бир ташкилий қисмнинг мазмунан ва грамматик ўзига хослигини аниқлаш юзасидан муайян кўникма ва малакага эга бўладилар. Мазкур кўникмаларни шакллантириш мақсадида қуйидаги каби машқ ва топшириқлар бериш мумкин:

1-машқ. Берилган матннинг бошлама қисмини топинг.

2-машқ. Берилган матннинг хулоса қисмини аниқланг.

3-машқ. Берилган матнда қандай қисмлар борлигини аниқланг. Матннинг бошлама ва хулоса қисмларини аниклашда уларга хос бўлган асосий белгиларига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш зарур.

Матнннинг бошламасига оид белгилар қуйидагилардан иборат:

1. Эртакни «Бир бор экан, бир йўқ экан» шаклидаги жумла билан бошлаш.

2. Матнни «Бир куни», «Кунлардан бирида» каби пайт маъносини билдирувчи жумлалар билан бошлаш.

3. Уни *бу воқеа, бу ҳодиса* шаклида кўрсатиш олмоши билан бошлаш.

4. Таркибида *шундай* кўрсатиш олмоши иштирок этган жумлалар билан бошлаш.

Матнннинг хулосасига оид белгилар қуйидагилар:

1. Матн ёки ундаги бирор абзацни асосий қисмида баён қилинган фикрни якунловчи жумлалар билан тугатиш. *Шундай қилиб, шу-шу, демак, хуллас, шундай* каби сўзлар жумла бошида ва ўртасида ишлатилади.

2. Асосий қисмда қўлланган феъл шаклини хулосада ўзгартириб қўллаш.

3. Мурожаат, чақириқ мазмунидаги гаплар билан матнни якунлаш.

II. Мавзу мазмуни устида олиб бориладиган ишларга доир машқларнинг дастлабкиси берилган мавзуда турли (янги ўрганилган) синтактик қурилмаларни ифода этувчи гаплар тузишга ўргатишдир. Шунга кўра ҳам ўқувчиларнинг гап тузиш малакаларини мустаҳкамлаб бориш, бунинг учун эса грамматик мавзулар билан боғлиқ равишда машқларни мунтазам равишда ўтказиб туриш зарур.

Мавзу мазмуни устида олиб бориладиган ишларга доир машқлар сирасига яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

– матнннинг мавзуси ва ундаги асосий фикрни аниқлаш;

– берилган гаплардан мавзуга мосини танлаш;

– хулосага доир жумлаларга караб берилган матннинг асосий қисми тахминий мазмунини аниқлаш;

– матнга доир режа тузиш;

– абзац мавзусини ёки кичик мавзуни аниқлаш;

– абзац ларга қараб матндаги кичик мавзуларни аниклаш;

– абзац мазмунини таҳлил қилиш.

Ўқувчиларнинг ёзма ишларига қўйиладиган талаблардан бири мазмуннинг мавзуга мос келишидир. Матннинг мавзусини аниқлаш юзасидан қуйидагича иш олиб борилади:

2 гуруҳда гаплар берилади ва ўқувчиларга савол билан мурожаат этилади:

– Берилган гаплар гуруҳининг қайси бири матн, қайси бири матн эмас? Нима учун?

1. Қуёш чиқиши билан янги кун бошланади. Эрталаб ўқувчилар мактабга борадилар. Кузда пахта терими бошланади.	2. Бахор келиши билан ўлкамизда ҳашар бошланади. Кўчалар, ариқлар тозаланади. Ҳар хил дарахт кўчатлари экилади.Бу ишларда ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, ўқувчилар қатнашадилар. Ҳашарни халкимиз хайрли иш деб билади.

Ўқувчилар иккинчи устундаги гаплар гуруҳининг матн эканлигини айтишлари лозим.

– Матнда бир нарса ҳақида гапирилади. Биринчи гуруҳдаги гапларда эса ҳар хил нарсалар ҳақида гапирилган.

– Берилган матнда нима ҳақида гап боради?

– Ҳашарда қандай ишлар қилиниши ҳақида гап боради.

Ўқитувчи хулоса чиқаради:

– Демак, матнда нима ҳақида гапирилса, шу унинг мавзуси бўлади. Мавзу орқали гаплар матнга бирлашади. Матн нима экан?

Ўқувчилар:

– Бир мавзуга бирлашган бир нечта гап матн дейилади.

Матннинг таърифи ва мавзусини аниқлаш юзасидан ўқувчиларда муайян билим ва кўникма ҳосил бўлгач, асосий фикр ифодаланган гапни аниқлаш мумкин бўлади. Чунки «матннинг мавзусини топиш, биринчидан, унинг (мавзунинг –М.Р.) чегарасини ажратиш, иккинчидан, асосий фикрни аниқлашдир»[1].

Асосий фикрни аниқлашга доир машқлар ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстиради. У бу турдаги машқларни бажарар экан, ҳар сафар матнни ўқиганда, унинг боғланишли яхлит матн ҳақидаги тасаввури ойдинлашиб, тушунчаси мустаҳкамланиб боради. Бундай машқларнинг такрор бажарилиши натижасида маълум кўникмалар шаклланади. Мазмунан бир-бирига яқин гаплар ичидан энг асосийси қайси эканлигини ажратишга одатланади. Бунинг учун ҳар бир гапдаги фикрни бошқаси билан ўзаро қиёслайди, чоғиштиради. Матнни ташкил қилган гапларнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, асосий фикрни ифодаловчи гапни аниқлайди.

Матндаги асосий фикрни аниқлашга ўргатишда қуйидаги машқ ва топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1-машқ. Берилган матндаги асосий фикрни топинг. Асосий фикрни ифодалаган сўзларнинг тагига чизинг.

---

[1] Астафурова А.П. Урок на тему "Основная мысль сочинения" // Русский язык в школе. – 1971. N 5 – С. 43

2-машқ. Қайси мавзуда асосий фикр аниқ кўринади? (Бир неча мавзу доскага ёзиб қўйилади, ўқувчилар улардан бирини танлайдилар.)

3-машқ. Берилган матндаги асосий фикрни топинг ва шу фикрни ифодалаган гапнинг тагига чизинг.

Айтиб ўтиш жоизки, ривоя ва тасвир-матнларда асосий фикрни аниқлаш шарт эмас. Масалан, ўқувчи кун тартибини ҳикоя қилса, ундаги қайси фикр асосий бўлиши мумкин? Худди шунингдек, бирор жойни тасвирлаганда ҳам асосий фикрни топиш ҳар вақт шарт бўлмайди. Асосий фикрни топиш, асосан, муҳокама матнлар учун хосдир.

Бадиий асарлар матнини кузатиш, улардан абзацларни топиш, берилган гаплардан мавзуга мосини танлаш, бошлама ва хулосага доир берилган жумлаларга қараб матннинг асосий қисми тахминий мазмунини аниқлашга доир машқларни бажариш орқали ўқувчи фаол фикрлашга ўрганади.

Маълумки, бадиий асарлардан ажратиб олинган ҳар қандай парча МСБ бўлавермайди. Абзац чегарасини аниқлашда ўқувчи маълум бир фикрнинг қайси гапда тугаётгани ва қайси гапдан янги фикр бошланишини аниқ билиши зарур. Бу нарса мураккаб синтактик бутунлик чегарасини белгилаш, ўз навбатида, мавзу ва кичик мавзуларни аниклаш билан боғлиқ. Абзацларда акс этган кичик мавзуларнинг тадрижий такомили бош мавзуни ифодалашга хизмат қилади. Шундай экан, абзацларнинг ўрнини тўғри белгилаш матндаги вокеалар ривожини тўғри йўналишда кўрсата билишга ёрдам беради. Ўқувчи яхлит матн мавзусига нисбатан ундаги абзацнинг мавзусини, яъни кичик мавзуни ажратиб олиши мумкин бўлади, бу эса ўқувчидан маълум билим, кўникма ва малака, шунингдек, мантиқий мушоҳадани талаб қилади.

Матнни фикран тугалланган қисмларга ажратишга доир машқлар ўқувчиларда матн мавзусини аниқлаш, абзац чегарасини белгилаш, гапларнинг мазмунан ўзаро боғланганлик даражасини аниқлай олиш малакаларини шакллантиради. Матн мавзуси ва асосий фикрни аниқлаш юзасидан ўтилганларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги машқлар тавсия этилади:

1-машқ. Берилган матнни абзацларга ажратинг. (Матнда абзац ажратилмай, гаплар кетма-кет тартибда берилади. Ўқувчи қайси гапни хатбошидан ёзишни, яъни қайси гапда янги фикр бошланганини кўрсатади).

2-машқ. Берилган матндаги бош ва кичик мавзуларни аниқланг.

3-машқ. Матндаги кичик мавзулар чегарасини аниқланг.

4-машқ. Берилган мавзулардан қайси бири матнга мос келишини айтинг.

Бош мавзу сарлавҳа тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Шу боис баъзан бош мавзу сарлавҳа ўрнида ёзилади.

Сарлавҳа топишга ўргатиш юзасидан қуйидаги машқ турларига мурожаат этилади:

1-машқ. Берилган матнга сарлавҳалардан қайси бири мос келишини айтинг (Матн билан бирга бир нечта сарлавҳа таклиф этилади. Ўқувчилар матн мазмуни билан танишгач, берилган сарлавҳалардан мосини танлайдилар).

2-машқ. Берилган матнга сарлавҳа топинг. Кўрсатилган машқ ва топшириқларни бажаришда ўқитувчи ўзи танлаган матнлар билан бирга дарсликлардаги матнлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Шундай қилинганда, биринчидан, машқлар учун қўшимча вақт талаб қилинмайди, иккинчидан, дарсликлардаги матн устида олиб бориладиган тадбирлар мазмуни бойитилади.

Боғланишли нутқ ўстиришга бағишланган бир қатор методик адабиётларда фикрни изчил баён этишни осонлаштирувчи омил сифатида режадан фойдаланиш тавсия этилади, чунки режа тузиш мантиқий тафаккурнинг ривожланишига хизмат қилади, фикрни изчил ва равон, қиска ва лўнда ифодалаш кўникмаларини шакллантиради. Режа тузиш яратилажак матнни олдиндан мўлжаллаб, фикран шакллантириб олиш усулларидан бири ҳисобланади. К.В. Мальцева таъкидлаганидек, режа синтез жараёнини тезлаштиради[1].

Тайёр матнга режа тузиш эса ўқувчиларни ана шу матндан олган тасаввурларини тизимга солиш, абзац чегарасини аниқлаш, матндаги кичик мавзуларни белгилашга доир билим ва малакаларни амалда қўллашга ўргатади.

3. Грамматик воситалар билан таништириш, уларни аниқлаш ва ёзма нутқда қўллашга доир машқларга қуйидагилар киради:

Нуқталар ўрнига боғловчи воситани топиб қўйиш; гаплар орасидаги туташтирувчи воситаларни топиш; гапларни ўзаро боғлаш учун лексик ва грамматик воситаларни танлаш; абзацларни грамматик воситалар ёрдамида ўзаро боғлаш; ёнма-ён турган гапларнинг ўзаро бирикиш турини тушунтириш ва энг муҳим ташқи боғланиш воситалари билан таништириш; гапларнинг у ёки бу боғланиш турини аниқлаш; матн тузишда боғловчи воситаларни қўллаш; боғловчи воситаларни қўллаш ва гапларни ўзаро боғлашдаги хатоларни оғзаки таҳлил қилиш.

Матн қисмларини, гапларни ва боғловчи воситаларни аниқлашга доир машқлар орқали ўқувчи боғловчилар, кўмакчилар, кириш сўзлар ва кириш бирикмалар,шунингдек, маънодошлар, олмош ва равиш мавзуларига оид назарий билимларни қўллайди. Боғловчи воситаларни, уларнинг вазифасини эслаб, матндан топишга ҳаракат қилади.

Ўқувчиларга матний маънодошларнинг гапларни ўзаро боғлашдаги роли, матнда сўзларни ноўрин такрорламаслик мақсадида улардан фойдаланишнинг аҳамияти бадиий асар парчаси мисолида тушунтирилади, болалар дарсда қуйидаги матннинг мазмуни билан танишиб чикадилар:

"Юлдузча" аъзолари бугун ҳам учинчи бригаданинг олмазорига бордилар.

– Келинглар, бўталоқларим, келинглар, - деди Қудрат ота уларни кутиб олар экан.

Болалар одоб билан салом беришди.

---

[1] Методика объяснительного и литературного чтения в национальной школе / Под ред. К.В Мальцевой и З.С.Смелковой. – М.: Просвещение, 1978. – С. 200.

–Ваалайкум ассалом. Яшанглар, азаматлар, яшанглар. Анавиларни қаранглар, -деди ота олмазорни кўрсатиб, - таги билан битта бўлиб тўкилиб ётибди.

Болалар отанинг гапига дарров тушуниб, биттадан саватча олишди-да, олма теришни бошлашди.

Ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади:

Ўқитувчи: — «Юлдузча» аъзолари деганда кимни тушунасиз?

Ўқувчи: – Қудрат отага ёрдам берган болаларни, ўқувчиларни.

Ўқитувчи: – Қудрат ота болаларни қандай атаган?

Ўқувчи: – Бўталоқларим, азаматлар.

Ўқитувчи: – «Юлдузча» аъзолари, бўталокларим, азаматлар деган сўзларни болалар сўзига маънодош дейиш мумкинми?

Ўқувчи: – Шу матнда маънодош деб айтиш мумкин. Чунки улар болалар сўзи ўрнида ишлатилган.

Ўқитувчи: – Нима учун ёзувчи болаларни шундай атаган?

Ўқувчи: – Бир сўзни ҳар гапда такрорламаслик учун.

Ўқитувчи: –»Юлдузча» аъзолари, болалар, бўталоқларим, азаматлар деган сўзлар нима деб аталади?

Ўқувчи: – Бу сўзлар матний маънодошлар деб аталади.

Ўқитувчи: – Матний маънодошлар яна нима учун ишлатилади?

Ўқувчи: – Ҳар гапда бир сўзни такрорламаслик учун, матн қизиқарли, чиройли бўлиши учун.

Ўқитувчи: – Агар матний маънодош ўрнига фақат *болалар* сўзи ишлатилса, матн қандай бўлар эди?

Ўқувчи: – Матн зерикарли бўлар эди, уни эшитиш қизиқ бўлмас эди.

Матний маънодошлар ўрнига фақат *болалар* сўзини қўйиб, матнни қайта ўқиб кўринг, деган топшириқ берилади. Ўқувчилар матнни ўқийдилар ва ҳақиқатан ҳам матний маънодошларни ишлатмаганда матн зерикарли, ғализ чиқишига ишонч ҳосил қиладилар.

Грамматик воситаларни матндан топиш, уларнинг вазифасини аниқлашга доир қуйидаги машқларни бажариш топширилади:

1-машқ. Матнни ўқинг. Гапларни боғлашга хизмат қиладиган сўзларни топиб, тагига чизинг.

2-машқ. Матнни ўқинг. Ҳар гапда такрор ишлатиладиган сўзларнинг тагига чизинг. Уларнинг ўрнига матний маънодошларни (олмошларни, пайт маъносини, ўрин-жой маъносини билдирган сўз ва бирикмаларни) ёзинг.

3-машқ. Матнни ўқинг. Айтинг-чи, ажратиб кўрсатилган сўзлардан қайси бири матн қисмларини, қайси бири гапларни боғлайди?

Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстиришда, уларни матн тузишга ўргатишда нуқталар ўрнига зарур сўзларни қўйиш, қавсларни очиб гапларни ўқиш, гапларнинг ўрнини алмаштириб боғланишли матнни шакллантириш талаб этиладиган машқлар ҳам муҳим ҳисобланади. Бундай машқлар грамматик тўлдириш методини ифода этиб, ўқувчиларда грамматик воситаларни тез хотирлаш, ўзаро фарқлаб қўллаш каби кўникма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади. Ушбу метод грамматик

воситани (кўмакчи, боғловчи, кириш сўз ва ҳоказо) хотирага келтириб ишлатишни тақозо этади, шу жиҳати билан уни нутқда автоматлаштириш учун хизмат қилади. Бу метод асосида қуйидаги 3 хил машқ тури берилади:

1. Нуқталар ўрнига тегишли грамматик воситани қўйиб, матнни ўқиш ёки ёзиш.

2. Қавсларни тушириб қолдириб, гапларни ўқиш ёки кўчириш.

3. Гапларнинг ўрнини алмаштириб яхлит матн тузиш.

Биринчи турдаги машқларни бажаришда нуқталар ўрнига грамматик восита сифатида боғловчилар, кўмакчилар, олмошлар, матний маънодошлар, кириш сўз ва бирикмалар. пайт, ўрин-жой муносабатларини билдирган сўзларни қўйиш назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткида сўз такрорига доир хатолар кўплаб учрайди. Бундай хатолар бир сўзни маълум масофада такрор ишлатиш мумкинлиги, услубий ғализлик келтириб чикарадиган сўз такроридан сакланиш учун матний маънодошларни қўллаш, ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи сўз ва сўз бирикмаларига мурожаат этиб туриш кераклигини билиш, шуларга доир кўникма ва малакаларга эга бўлиш орқали бартараф қилинади.

Ўқувчилар берилган матнлардаги ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирган сўз ҳамда бирикмаларни топиб, уларнинг вазифасини аниклашга доир кўникма ҳосил қилганларидан сўнг нуқталар ўрнига шундай сўзларни топиб қўйишга доир қуйидаги машқларни бажарадилар:

1-машқ. Берилган матндаги нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўз ва сўз бирикмаларидан мосини танлаб ёзинг.

Қорни оч сичқонча овқатга ташланди. Аччиқ пўстлоқдан кейин дон жуда ҳам ширин бўлиб туюлар эди. Чий тўйганига ҳам карамасдан роса еди. Овқат еявериб, қорни шишиб кетганидан, нафас олиши оғирлашиб қолди.

... унинг томоғи яна хуштак чалиб. хириллай бошлади. ... полнинг тешигидан узун юзли, мўйлови ўсган бир нарса кўринди. Омборга аввал катта кулранг сичқон, унинг кетидан яна шунақа тўртта сичқон кириб келди.

(шунда, шу вақт, шу вақтда, тез орада, бир вақт.)

Бобом тоби қочиб, касалманд бўлиб юради-да. бирваракай ётиб қолади. ... у айвондан силжимайди. ... қаддини зўрга кўтариб, ёстиққа суяниб, офтобда ўтиради.

(баъзан, шу вақт, энди.)

Биз ёввойи бодом соясида чамаси 3-4 соат колиб кетдик. ... кирдан пастга тушаётганимизда йўл-йўлакай яна суҳбатлашдик. Жиянларнинг уйига етгунимизча кеч кириб, қоронгулик тушиб қолди. ... мен Жияннинг тогда кечирган ҳаёти ҳақида анча нарса билиб олдим.

(шунда, сўнгра, шунгача, бирдан.)

Юкорида берилган турдаги машқларда ўкувчилар тайёр сўз ва бирикмалардан керагини танлаган бўлсалар, навбатдаги машқларда улар зарур воситаларни ўзлари ўйлаб топадилар (ўз хотираларидан, баъзан турли манбалардан кидирадилар).

1-машқ. Нуқталар ўрнига пайтни билдирувчи сўз ёки сўз бирикмаси топиб қўйинг.

Қизилиштон думи билан дарахтга ёпишиб олди-да, кўкрагини орқага ташлаб, бошини лиқиллата бошлади. Думшуғи билан дарахт шохини кучи борича тақиллатаверди.

... дарахт пўстлоғи орасидан узун мўйловли қўнғиз чиқиб қолди.

Катта танаффусда ойим нима қилаётган эканлар деб уйга бордим. ... ҳали қўнғироқ чалинишига бир оз вақт бор эди.

Осмонда қорамтир булутлар сузиб, баъзан чақмоқ чақар, ундан кейин момақалдироқ гумбурларди. ... ёмғир томчилай бошлади.

Бундай машқларни бажариш вақтида бор билим ва кўникмалар ишга солинади, улар такомиллаштирилади, мустаҳкамланади ва малака ҳосил қилинади.

Ёнма-ён турган гапларнинг ўзаро боғланиш турини тушунтириш ва энг муҳим ташқи боғланиш воситалари билан таништиришга оид машқлар ўқувчиларни матндаги ички – мантиқий ва ташқи – лексик-грамматик боғланишни аниқлашга ўргатади, фикрнинг изчил равишда давом этиши, олдинги гап билан кейинги гапдаги фикрнинг ўзаро боғланишини таъминлашга хизмат қилаётган сўзларни топиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Матндаги гапларнинг богланиш турини аниқлашга доир машқлар занжир ва параллел боғланиш юзасидан олинган билимларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, улар фикрни изчил давом эттириш, ривожлантириш ёнма-ён турган гаплар воситасида қандай амалга оширилиши, ёнма-ён турмаган, аммо мазмунан бир-бирига боғлик бўлган гаплар мисолида қандай амалга оширилишини англашга, параллел боғланиш кайси турдаги матнларда кўпроқ қўлланиши мумкинлигини билиб олишга, олинган билимлардан амалда фойдаланишга ўргатади.

IV. Абзац яратишга доир машқлар (кичик иншолар ёзиш)га расм асосида ёки атроф-муҳит ҳақида гаплар тузиш, берилган гапга бир нечта гап қўшиб абзац ҳосил қилиш, берилган кичик мавзуда абзац тузиш, берилган намуна асосида мустақил равишда матн тузиш, турли хил боғловчи воситалар ёрдамида берилган мавзуда матн тузиш, намунага кисман таяниб ёки таянмай кичик матн яратиш, мулокотнинг реал вазиятига мувофиқ тайёргарлик асосида ёки тайёргарликсиз ҳикоя тузиш, жамоа бўлиб матн яратиш, кичик иншолар ёзиш каби машқ ва топшириқлар киради.

Бундай машқ ва топшириқларни бажаришда ўқувчилар фикрни изчил, боғланишли ифодалаш билан боғлиқ маҳоратларини, матн тузишга доир барча билим, кўникма ва малакаларини ишга соладилар.

Матн яратишга доир қуйидаги бир қанча машқ ва топшириқларни тавсия этиш мумкин:

1-машқ. Берилган бошлама гапнинг мазмунига қараб матнни давом эттиринг.

П а х т а о й

Бир пайкалда гўзал Пахтаой яшар экан. ...

2-машқ. Қуйидаги матнда тушириб қолдирилган бошлама гапни ўйлаб топинг ва нуқталар ўрнига ёзинг.

К у з

... Кузда кунлар қисқа, аммо тунлар узун бўлади. Дарахт япроқлари сарғайиб ерга тўкилади. Полиздаги ҳар хил сабзавотлар йиғиштирилади.

3-машқ. Матннинг хулоса қисмини ёзинг.

4-машқ. Матнни параллел боғланиш асосида давом эттиринг.

Ўқувчилар мактаб орқасида бўш ётган ерни боққа айлантирмоқчи бўлишди. Улар тўрт бригадага бўлиниб, иш бошлашди. Биринчи бригада аъзолари олма кўчати ўтказиш билан машғул бўлдилар. ...

5-машқ. Матнни занжир боғланиш йўли билан давом эттиринг.

Кечки пайт мен гулларга сув қуяётган эдим. Бир вақт дарвоза тарақлаб кетди. ...

Матн яратиш юзасидан ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, ўзлаштирганлик даражасини назорат қилиш мақсадида кичик иншолар ўтказиб туриш жоиздир.

Эслатиш жоизки, башарти, таълимий иншо ёмон баҳоларни журналга қуймасликдангина иборат бўлса, унинг ўтказилиши назорат ёзма ишидан фарқ қилиши керак, яъни назорат типидаги иншо қандай тартибда ёзилса, таълимий иншо ҳам шу тартибда ёзилмаслиги лозим.

Кичик иншолар дарснинг маълум қисмида ўтказилади. Бунда, асосан, 5-7 гапдан иборат ҳажмдаги матнлар, бошқача айтганда, бир ёки икки кичик мавзудан иборат бўлган матнлар тузиш таклиф этилади.

Ўқувчилар матн тузилишига доир олган билимлари асосида берилган мавзу юзасидан фикр баён қиладилар. Иншонинг ҳажм жиҳатдан кичиклиги болаларни зўриқтирмайди, лекин нутқий машқни аниқ малака сари йўналтиради. Малака ҳосил бўлиши учун иншони бир марта ўтказиш етарли эмас. Шунинг учун бундай ёзма ишларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, унда матннинг ривоя, тасвир, муҳокама элементларини аралаш қўллай олишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

V. Яратилган матнни такомиллаштириш, фикр баён қилиш изчиллигига доир машқлар матнни таҳрир қилиш (бунда дарсликда ва ўқитувчи томонидан шу мақсадда берилган матнлар ҳам, ўқувчилар тузган матнлар ҳам назарда тутилади), матннинг мазмуний-мантиқий тузилишини тиклаш, берилган гапларни маълум изчилликда жойлаштириш орқали матн яратишдан иборатдир.

Бундай машқларни бажариш жараёнида ўқувчи матн синтаксисига доир барча билимларини ишга солади. Матнни унинг композицион тузилиши,таркибий қисмларининг, яъни абзацларининг тўғри шакллантирилганлиги, абзацларни ва мустақил гапларни боғловчи

воситаларнинг ўринли қўлланганлиги, матн мавзусининг сарлавҳага ва тузилган режага мос келиши нуқтаи назаридан қараб чиқади.

Методик адабиётларда тайёр абзацни ўзгартириш ёки тўлдириш, берилган андазага қараб матнни қайта яратиш, берилган маълумотлардан фойдаланиб, режа ва бошқа таянчлар асосида абзацни шакллантириш туридаги машқлар ҳам тавсия этилади.

VI. Ёзилган ижодий ишни мазмунан бойитиш мақсадида таҳрир кўринишидаги машқларни бажариш, яъни матнга шеърий мисралар, мақоллар, мавзуга дахлдор ҳадис, ривоят, муҳокама-матнга эса цитата критиш билан боғлиқ топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни дастлаб 2-3 гапли кичик матндан бошлаш лозим. Масалан:

1.Қуйидаги цитатани ўқинг. Уни тиниш белгиларига диққат қилиб, матнга киритинг.

2. Матнни ўқинг. Ундан цитата олинг. 2-3та гап тузиб, шу гаплар орасида ушбу цитатани киритинг. Тиниш белгиларига диққат қилинг.

3. Қуйидаги матндан цитата ажратиб олинг ва уни иншога киритадиган ҳолатга келтириб кўчиринг.

4. Қуйидаги матндан цитата берилган гапни аниқланг, унинг шу матнда ишлатилган кўчирма гапдан фарқини изоҳланг.

Бу турдаги машқлар ҳам ёзилган, кейинроқ эса ёзилаётган ижодий ишни мазмунан бойитиш кўникмаларини ривожлантириш учун хизмат қилади.

Хуллас, ўқитувчи дарснинг мақсади, ўтиладиган мавзу ва ўқувчиларнинг билим савияси, ёши, таълим босқичига қараб машқлар тартибини ўзи белгилаши мумкин. Муҳими шундаки, машқлар тизимидан аниқ мақсад сари йўналтирилган ва ўқувчиларнинг билим даражаси, уларнинг лексик ва грамматик воситалардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланганда, улар яхши натижа беради. Ўқитувчи маълум машқ турини танлар экан, у ўқувчида шу машқ орқали қандай малакани шакллантирмоқчи эканлигини аввалдан аниқ билмоғи зарур. Кўникма ва малакалар бири иккинчисини такозо этиб, тўлдириб борар экан, машқлар тизими ҳам муайян билимлар асосида кўникмаларнинг шаклланишини, уларнинг такрорланиб, мустаҳкамланиб, малакага айланишини, ўз навбатида, ҳосил қилинган малакалар асосида янги кўникмалар шаклланишини таъминлайди. Тўғри танланган машқлар тизими ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, фикрни изчил, равон, қисқа ва лўнда баён қилиш, ўзаро мулоқот қила олиш малакаларини юқори савияда шакллантиради.

3.4. Дарсда иншо ёзиш (матн тузиш) жараёнини ташкил этиш, таҳлил дарсларини уюштириш, таҳрири устида ишлаш

Методист олим Н.Шукруллаев ўқувчиларга иншо аввалида кўпроқ ишлатиладиган тил ҳодисасини айтиб ўтиш кераклигини таъкидлайди: «Ўқитувчи ўқувчиларга миниатюра-иншо ёзишни таклиф этишдан аввал уларга тасвир ва ривоя-иншоларда асосан боғланган ва боғловчисиз қўшма

гаплар, муҳокама-иншоларда эргашган қўшма гаплардан фойдаланилишини таъкидлаб ўтади»[1]

Н.В.Ладиженская тингланган мусика асосида иншо ёзиш ҳақида гапириб, олдиндан бериладиган грамматик топшириқ ҳақида бутунлай бошқача фикр билдиради. На этом пути – от восприятия музыкальной миниатюры к сочинению – ни в коем случае не должно доминировать грамматическое задание. Известный лингвист С.Д.Кацнельсон в исследовании «Типология языка и речевое мышление» подчеркивал: «Операции, совершаемые механизмами речи в процессе ее порождения, не могут носить во всех случаях абсолютно "жесткий", автоматический характер»[2]. Неприемлемы, даже недопустимы задания типа: напишите рассказ, употребив в нем как можно больше слов с основой на шипящую: опишите осенний лес, пользуясь только односоставными предложениями; по проблеме, поднятой автором в таком-то произведении, составьте мини-сочинение из 150 слов и т.п. Учителю следует объявлять грамматическое задание только после того, как ученики на основе восприятия музыки напишут миниатюру[3].

«Русский язык в 8 классе» методик қўрсатмасида[4] ҳар бир иншони грамматик материал билан маълум даражада боғлаш ўқитувчидан алоҳида маҳорат талаб этади деб уқтирилади. Бунда ишнинг формасини олдиндан кўра билишнинг қийинлиги, баъзан унинг турини ҳам тез фурсатда оелгилаб бўлмаслиги, иншони ёзиш жараёнида композицияси ўзгариши мумкинлиги, шунга кўра ҳам, фикрни аниқ ва образли баён қилиш учун зарур тил воситаларини ажратиш осон эмаслигл назарда тутилади[5].

Грамматик топшириқ билан иншо ёзиш ҳақида сўз юритганда, ўқувчининг иш услуби билан ёзувчи ёки публицистнинг иш услубини гаққослаш ўринлидир. Ижодкор ҳаётни доимий равишда кузатиб боради, кўрган воқеалари, деталлар, эшитгаи сўз ва ибораларини ён дафтарчасига ёзиб боради[6].

Бу масалада А.Сайфуллаевнинг яна бир хулосаси ўринли: «Шундай қилиб, она тили дарсларида ўқувчилардан бирор грамматик материални ўз иншоларида қўллашни талаб этишдан кўра у ёки бу морфологик еки синтактик категориянинг функционал томонини гушунтиришга эътиборни кучайтиришимиз зарур»[7].

Она тили дарсларида ўрганиладиган тил ходисалари, бир томондан, ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилса, иккинчи томондан, уларнинг матндаги роли ўз ўрнида мисоллар асосида кўрсатиб борилса, ушбу билимлар ёзма нутққа ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди. Буни методист

---

[1] Шукруллаев Н. Развитие речи учащихся при изучении синтаксиса сложного предложения на уроках родного языка в VIII классах узбекской школы: Автореф. дисс. … канд.пед наук. – Ташкент, 1975. – С. 22 (31 с.)

[2] Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. – Л., 1972. – С. 121

[3] Ладыженская Н.В. Учим речевым жанрам. // Русский язык в школе. 2007. № 1. – С. 33.

[4] Русский язы!к в 8 клаойв. Намягаокяе указаамя к учебному пособию – М.: Просвещение, 1974. – С. 126.

[5] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 5-бет.

[6] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 5-бет

[7] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 5-бет.

олим А.Сайфуллаевнинг 8-синфда (ҳозирги 9-синфда) ёзилаётган иншоларда қўшма гаплар кўпайганлиги ҳақидаги хулосаси ҳам тасдиқлайди. Айтмокчимизки, ўқувчиларга иншо ёзишдан аввал яқин орада ўрганилган мавзу билан боғлаб грамматик топшириқ бериш шарт эмас.

Ўқувчи адабиёт дарсларида бадиий тасвир воситалари ва шеърий санъатлар ҳакида назарий маълумот олади, ўқилган асарларни таҳлил қилиш жараёнида уларни аниқлайди ва изоҳлайди, она тили дарсларида лексик қатламлар, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар билан танишади, нутқ услубларини ўрганади. Иншо ёзганда ана шу олган билими ва ҳосил қилган малакасига таянади. Буни шундан ҳам билса бўладики, «VIII синф ўқувчиларининг иншосида қўшма гаплар VII синф ўқувчиларининг иншосидагига қараганда кўпроқ ишлатилади, тур жиҳатдан ҳам фарқ қилади»[1].

Она тили дарсларида иншо ёзиш (матн яратиш)га доир топшириқлар икки хил усулда берилади:

1) ёзма иш ўтказиладиган дарс аввалида дарс мақсади эълон қилиниб, хаттахтага мавзулар ёзиб қўйилади;

2) дарсликда уйга вазифа сифатида кўрсатилган мавзу ёки мавзуларда матн яратиш.

Иккала холатда ҳам ўқитувчи бир хил камчиликка йўл қўяди: бу борада методист олима Н.Сатторова ўзининг қуйидаги хулосасида маълум даражада ҳақли саналади: «...иншо ёзишга киришиш жараёни тасодифий тарзда, аниқ мақсад ва йўналишлар белгиланмаган ҳолда амалга оширилади»[2]. Олима афсусланган ҳолда «...бир бутун иншога бирданига ўргатиш каби кийин холатлар, ҳамма учун бир хил бўлган умумий кўрсатмалар» берилиши[3] ана шу методик нуқсонга сабаб бўлади.

Айрим илғор иш тажрибали муаллимлар дарс аввалида илгарироқ берилган топшириқларнинг қай даражада бажарилганини, яъни кўрсатилган мавзулар бўйича материал тўплаган-тўпламаганлигини аниқлаб олади. Ўқувчилар мавзу бўйича адабиёт дарсликларидан ёки ўзларидаги бор китоблардан нималарни ўқиганликлари, олиб келган расмлари, тузган режалари, ёзиб келган сўз ва ибораларини кўрсатадилар. Бундай бошланган ёзма иш дарси ўзининг тасодифийлигини йўқотади. Болалар бу дарсга етарли тайёргарлик кўриб келган бўладилар. Табиийки, улар мавзу мазмунига кириб борган, бу ҳақда маълум тасаввур ҳосил қилган бўладилар.

Аксинча, дафъатан эълон қилинган ёзма ишлар дарсларда ўқувчилар ўзларини ўнғайсиз сезадилар. Шу сабабли, Н.Сатторова таъкидлаганидек, «таълимий иншо дарсларида ўқувчиларнинг фаоллиги етишмайди»; бунинг устига «...ўқитувчи ва ўқувчилар қандай фаолият кўрсатишлари лозимлиги ҳам аниқ белгиланмайди»[4]. Ўқитувчи одатда мавзуни хаттахтага ёзиб қўйгандан кейин кузатувчига айланади. Вахолонки, таълимий иншода унинг

---

[1] Сайфуллаев А. Иншо турлари, 5-бет

[2] Сатторова Н.Х. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синфда она тили ўқитиш жараёнида): Пед фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1995. – 10-бет.

[3] Сатторова. Ўша жойда.

[4] Сатторова Н.Х. Номи кўрсатилган автореферат, 11–12-бетлар.

ўргатувчилик роли камаймаслиги керак. Бундай ижодий ёзма иш ёзилаётган пайтда ўқувчи «Имло луғати»дан фойдаланиши, баъзи сўзларни муаллимдан сўраши мумкин. Ўқувчи ўқитувчидан ўзи танлаган эпиграфнинг қанчалик тўғри ёки хато эканлигини, иншо матнига киритмоқчи бўлган макол, ҳикмагли сўз, ҳадис ёки шеърий мисраларни қай тарзда бериш каби масалаларда сўраб маълумот олиши таълимийликни оширади. Бизнингча, таълимий иншони назорат ёзма ишидан фарқлантирадиган жиҳат қўйиладиган баҳоларгина эмас, балки баҳамжиҳатликда ишлашдир.

Эътироф этиш керакки, мактабда ўтказиладиган ижодий ёзма ишлар, асосан, таълимий характерда бўлади. 5–9-синфларда ўрганиладиган тил ходисаларидан кай бири матнда фикр тиниқлигини, аниқлигини, таъсирчанлигини, фактларнинг ишонарлилигини, ифоданинг равонлиги, жозибасини таъминлашини таъкидлаб бориш, буни матнлар мисолида англатиш ўқувчилар ўз нутқи ҳақида ўйлаш маҳсули бўла олади. Бу борада методист олима С.Боймирзаеванинг қуйидаги фикрини эслатиш ўринли: «Сўзсиз, ҳар қандай лисоний бирлик матн таркибида маъно жиҳатидан бойийди, янги мазмун касб этади. Матнда алоҳида олинган бирликларнинг тизимий маъно компонентлари йиғиндисига мос келмайдиган, янги сифатга эга бўлган мазмун ҳосил бўлиши кузатилган ҳолат бўлиб, бу матнга хос коммуникатив-прагматик хусусият ҳисобланади»[1]. Айни пайтда матн таркибида келтирилиб, у орқали ўрганилаётган тил ходисасининг функционал қиймати чуқурроқ англанади, қайси сўзни, қайси морфологик шаклни ёки қайси синтактик қурилмани ишлатса, матннинг сифати яхшиланиши ҳақида тушунча ҳосил бўлади: бири матн мазмунини хиралаштириб, турли хил ғализликларни юзага келтирса, иккинчиси уни тиниқлаштиради.

Хуллас, она тили дарсларида ижодий ёзма ишлар асосан таълимий характерда бўлади. Таълимийлик ёзилган иншо (яратилган матн) таҳлилидагина эмас, балки бевосита ёзиш жараёнида ҳам таъминланиши лозим. Иншо (матн) орфографик ва пунктуацион саводхонликни мустаҳкамлаш воситасигина бўлиб қолмаслиги учун дарсда имло луғатидан фойдаланишга рухсат бериш, шунга имконият яратиш мақсадга мувофиқдир. Имло луғатларидан фойдаланиш учун қулайлик яратиш мақсадида бундай луғат китобларининг ҳар бир партада ёки ҳаттоки ҳар бир ўқувчида бўлишига эришиш даркор.

Ижодий ёзма ишларнинг мақсади ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш, бошқача айтганда, матннинг назарий ва амалий ўрганилган қоидаларга амал қилган, БКМларни ишга солган ҳолда яратилишига эришиш, уларга доир шаклланиб келаётган кўникмаларни тадрижий равишда ривожлантиришдан, шу ишлар асосида вакти-вакти билан назорат қилиб боришдан иборат бўлиши керак. Ўқувчилар ёзган иншолар текширилганда асосан матний хатоларни аниқлашга устувор аҳамият бериш зарур. Масалан, ўқувчи керак жойда абзацни хатбоши билан ажратмаган бўлса, буни ҳам ўзи

[1] Боймирзаева С. Бадиий матнда қўшма гап. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2008 – 5-бет.

учун белгилаб олиши лозим. Афсуски, ёзма ишлар текширилганда, аксарият ўқитувчилар хатбоши ташланмаган бўлса, буни хато сифатида белгиламайдилар, хатбошидан ёзиш кераклигини кўрсатадиган белгини (∫) қўймайдилар, таҳлил дарсида уни изоҳламайдилар.

Айрим тилшунос ва методист олимлар матнни, ўқувчилар ёзган иншони таҳлил қилишда матн тузилиши билан боғлиқ масалалар диққат марказида бўлиши керак бўлган тил ҳодисаларини ажратишга ҳам ҳаракат қилганлар. А.Мамажонов боғланишли матнни таҳлил этиш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг диққат-эътиборини қуйидагиларга қаратиши лозим деб билиб, бир қатор масалаларни[1] ажратади. Шу каби фикрлардан ва бошқа ўзимиз аниқлаган зарурриятлардан келиб чиқиб иншо таҳлилида тўхталиш зарур бўлган тил ҳодисалари чегарасини ажратдик. Булар:

1) ёзилган иншо (яратилган матн)нинг ташкилий-техник жиҳатдан қандай расмийлаштирилгани; айниқса, абзацларнинг ажратилганлиги, хатбошиларнинг тўғри ташланганлиги

2) танланган мавзу таърифи асосида матннинг функционал типи тўғри балгиланганги ва унга амал қилинганлиги;

3) режага кўра кичик мавзуларнинг танлангани ва абзацлар сифатида ажратиб ёзилгани;

4) абзацларнинг композицион жиҳатдан тўғри шакллантирилгани;

5) таркибидаги гапларни бириктирувчи (олмошли боғланиш, матний маънодошлар, боғловчилар, такрорий бўлаклар ва ҳоказо) воситалардан тўғри ва ўринли фойдаланганлиги;

6) гапларнинг мантиқий боғланиши, баёндаги мазмуний муносабатларга риоя этилганлиги, тема-рематик боғланиш тўғри ташкил этилганлиги;

7) воқеа-ҳодисага идрок хусусиятлари асосида баҳо берилганлиги (*Баҳорда одамлар қанчалик хурсанд бўлишлари тасаввуримга ҳам сиғмайди).*

8) мустақил гаплар – содда гаплар, мураккаблашган содда гаплар, қўшма гаплар, мураккаб қўшма гаплар, кўчирма гаплар, диалогли гаплар ва шу кабиларнинг чегараси тўғри ажратилгани;

9) гап тузиш, сўз ва ибораларни ишлатиш билан боғлиқ матний, шунингдек, услубий хатоларнинг мавжудлиги, уларнинг кўп ёки озлиги, сабаблари, қандай билимларнинг етишмаслиги ёки бўш ўзлаштирилганлиги.

Ёзилган иншо (яратилган матн) таҳлил қилингандан кейин, баъзан эса таҳлил жараёнида айрим таҳririй юмушлар ҳам бажарилади.

3.5. Иншо ёзишни (матн тузишни) ўргатишнинг психологик, методик, лингводидактик асослари

Матн нутқнинг ёзувда реаллашган шакли экан, биз ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш йўлларини англаш учун аввал нутқ, фикрлаш жараёнлари, тил ва нутқ муносабати масалаларини билиб олишимиз керак.

Профессор Ҳ.Неъматов тил ва нутқ муносабатини шундай изоҳлайди: «Тил ва нутқ дихатомиясига диалектик материализмнинг умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат

[1] Мамажонов А. Боғли нутқ тексти ҳақида, 71-бет

(натижа) категориялари нуктаи назаридан ёндашсак, тилга умумийлик, моҳият, имконият, сабаб каби бевосита кўриб-билиб бўлмайдиган томонларнинг, нутққа эса хусусийлик, ҳодиса, вокелик, натижа каби томонларнинг алокадор эканлигини кўрамиз»[1].

С.Л.Рубинштейн тил фикрни шакллантириш ва аниқ ифодалаш воситаси бўлса, нутқ фикрни шакллантириш ва аниқ ифодалаш усулидир, деб изоҳлайди[2].

Фанда нутқ бир неча хил: нутқ-сўзлаш, фонация, матн, мулоқот жараёни сифатида талқин этилади. Лекин нутқни жараён сифатида эмас, балки юқорида таъриф берилганидек, уни амалга ошириш жараёнининг ўзида фикр ифодалаш усули деб тушунтириш нисбатан баркарордир[3].

Руҳшуносларнинг кўрсатишича, инсон фаолиятининг бир тури бўлмиш нутқий фаолият бир неча руҳий ва жисмоний жараёнларни ўз ичига олгани ҳолда, учта бир-бири билан узвий боғланган «матн – тил системаси», «мазмун – матн» ва «матн – мазмун» моделининг иккинчисига мос келади. Л.С.Виготский биринчилардан бўлиб «мазмун – матн» моделининг моҳиятини қуйидагича очиб берган эди: «Бирон-бир фикрни пайдо килувчи ниятдан шу фикрнинг ўзини шакллантиришга, уни (фикрни) ички сўзда восита сифатида ифодалашга, сўнг ташқи сўз мазмунида ва, ниҳоят, сўзларда ифода қилишга ўтилади»[4]. А.А.Леонтьев бу фикрни ривожлантириб, нутқнинг яратилишини ниятдан бошланиб, вазифалар аниқланиб, натижа билан тугайдиган қуйидаги 4 босқичдан иборат жараён деб кўрсатади:

а) нутқий интенция(ният)ни шакллантириш; б) яратилажак баённинг ички дастурини тузиш; в) баённи грамматик жиҳатдан амалга ошириш ва сўз танлаш; г) баённи ташқи жиҳатдан шакллантириш[5].

М.Ирискулов ҳам руҳшуносларнинг фикрларини умумлаштириб, нутқнинг қандай яратилишини қуйидагича тушунтиради: «Нутқ пайдо бўлишиниинг бошланғич нуқтаси руҳий, якуний нуқтаси жисмонийдир, чунки у нутқ органларининг ҳаракати натижасида содир бўлади. Нутқий фаолият ана шу икки нуқта ўртасида содир бўладиган жараёнлар натижасидир»[6].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, киши бирор мазмунни кимгадир етказиш ниятида туғилган нуткни (ёки матнни) у ёки бу шаклга келтириш учун биринчи босқичда хотирадаги луғат бойлигидан керакли сўзларни танлайди, иккинчи босқичда уни грамматик жиҳатдан шакллантиради, учинчи босқичда морфологик жиҳатдан шаклланган сўз билан боғланадиган сўзни танлайди, уни ҳам грамматик жиҳатдан шакллантиради; синтактик вазифасига кўра қайси сўзни авввал эслаш кераклиги баён қилиш жараёнида

---

[1] Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 10-бет.

[2] Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 1. – С. 479.

[3] Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М., 1983. – С. 122.

[4] Выготский Л.С. Мышление и речь / Избранные психологические исследования. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1956. – С. 380–381.

[5] Психологические проблемы массовой коммуникации / Ред. Леонтьев А.А. – М.: Наука, 1974. – 174 с.

[6] Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика ин-тлари талабаларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 224-бет.

сўзловчининг диққат марказида туради. Лекин буларнинг ҳаммасини матн шаклига келтириш масаласи баённинг ички дастурида, Л.С.Виготскийнинг таърифи билан айтганда, ички нутқда ҳал этилади.

Инсон нарсалар, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотни кўриш, сезиш, шунингдек, нутқни эшитиш (идрок этиш) орқали қабул қилади. Ўз навбатида, инсоннинг фикрлари нутқда зоҳир бўлади. Демак, тафаккурнинг нутқий фаолият маҳсули эканлиги, нутқнинг эса фаолият тури сифатида тафаккур туфайли мавжуд бўлиши тафаккур ва нутқнинг диалектик бирлигини таъминлайди.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга уларнинг тафаккурини, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш орқалигина эришиш мумкин. Зеро, ўқувчи фикрни изчил баён қилиш, грамматик қоидалардан тўғри фойдаланиш учун воқеа-ҳодисаларни кузатади, таққослайди ҳамда солиштиради, уларни муҳим ва номуҳимга ажратади, воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайди, мустақил равишда хулоса чиқаради ва шу асосда фикрни якунлайди.

С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, нутқ тафаккурнинг намоён бўлиш шакли; нутқ ва тафаккур ўртасида бирлик мавжуд, лекин бу нутқ ва тафаккур бирлиги айни бир нарса деган маънони билдирмайди[1]. Бу бирлик нутқий фаолиятнинг қай тарзда содир бўлишини яққол намоён этади: киши сўзлаётган вақтда, бир томондан, фаол фикрлайди, иккинчи томондан, ўз фикрларини сўз орқали ифодалайди. С.Л.Рубинштейн нутқ фикрлаш структураси билан мос келмайдиган ўз структурасига эга деб ҳисоблайди ва грамматика нутқнинг структурасини, мантиқ эса фикрлаш структурасини ифода этади, булар ўхшаш нарса эмас деб айтади[2]. Матн яратишда фикрлаш структурасига таъсир этадиган мантиқнинг (грамматиканинг эмас) роли катта. Руҳшуносларнинг хулосаларига кўра, тайёр маҳсулотни тингловчига етказишда таққослаш ва назорат қурилмалари (малакалари) ишга тушади. Улар сўзларнинг, сўзлар талаффузининг, сўз шаклларининг, сўз бирикмаларининг тўғри ёки нотўғрилигини назорат қилади, зарур ўринларда тузатишлар киритишни талаб қилади, сўзловчи ниятининг нутқига қанчалик мос ёки мос эмаслигини таққослайди. М.Ирискулов «мазмун → матн» жараёнининг моделини тавсия этар экан, учинчи босқич сифатида «чуқур синтактик босқич – ташқи синтактик босқич»ни ҳам ажратади. Бу босқичда сўзловчи субъект, объект ва предикатларни ифодалайдиган сўзлар ва синтактик қурилмаларни аниқлайди, деган фикрни илгари суради[3]. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, киши гапираётган пайтда ўзи тузадиган гапнинг қандай чиқишини (содда гапми, қўшма гапми) олдиндан режалаштира олмайди.

Маълумки, ҳар қандай нутқнинг содир бўлиши ниятдан, аниқроғи, сўзловчининг бирор кишига ахборот етказиш эҳтиёжидан бошланади.

---

[1] Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 1. – С. 458.
[2] Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 1. – С. 459.
[3] Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика ин-тлари талабаларига қулланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 297-бет

А.А.Леонтьев эҳтиёжнинг туғилишини муаммоли вазиятнинг пайдо бўлишига мос келади, деб кўрсатади[1]. М.Ирисқулов ниятнинг туғилишини нутққа киритмайди. Унинг фикрича, «гапириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, киши нимани айтмоқчилигини, яъни мавзуни белгилайди ва бу мавзу тўғрисида нима дейилиши, яъни рема аниқланади»[2]. Бизнингча, реал сўзлашувда ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Бирор кишидан бирор нарсани (ремани) аниқлаш нияти туғилганда, кишида аввал мавзу (фикр) туғилса, ўз суҳбатдошини гапга тортиш нияти пайдо бўлганда, аввал субъект тайин бўлади.

Нутқий фаолият кимга нимани қандай айтиш, буни тил ёрдамида қандай ифодалаш кераклигини ҳал этиш малакаларидан ташкил топади. Бу малакалар ўзаро узвий боғланган бўлиб, кўникмалар асосида ҳосил қилинади. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, кўп марта такрорланадиган ҳаракатлар аввал онгли равишда ўзлаштирилган тақдирда кўникмалар нисбатан тез ҳосил қилинади, мустаҳкам ўзлашади, осонроқ қайта тикланади.

«Нутқий фаолият турлари... икки асосда: мулоқот шакли (оғзаки, бевосита ёки ёзма, бавосита) ва нутқий ҳаракатнинг йўналтирилганлик характерига кўра «фикрдан сўзга» ёки «сўздан фикрга» тартибида аниқланади»[3]. Нутқий фаолиятни амалга оширишда ўқувчи нутқ механизмларини ишга солади. Бу механизм 3 қисмдан иборатдир: 1) англаш; 2) хотира; 3) илгариловчи акс эттириш[4].

Англаш жараёни оғзаки ҳикоя қилиш ёки ёзма нутқ – матнда маъновий боғланишни кўрсатиш ёки таъминлашдан иборат. Бунда матндаги гаплар ичида ва гаплараро боғланишни, шунингдек, матннинг таркибий қисмлари ва яхлит матндаги боғланишни идрок этиш назарда тутилади. Англаш орқали ўқувчи ўзи ўқимоқчи ёки ёзмоқчи бўлган матнни мазмун жиҳатдан шакллантиради. Бунда анализ ва синтез жараёнлари уйғунликда иштирок этади. Нутқий фаолиятни амалга оширишда нутқ механизмининг навбатдаги, иккинчи қисми – хотира иштирок этади. Хотира қисқа муддатли ва узоқ муддатли деган икки турга бўлиниб, кейинги тури, Н.И.Жинкин уқтирганидек,... умр бўйи эгалланган ва мулоқот жараёнида қўлланадиган билимларнинг «сақланадиган жойи» ҳисобланади[5]. Нутқ яратишда хотира хилма-хил сўзларни қўллаш, нутқнинг чуқур ва бой мазмунга эга бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Нутқий фаолиятнинг ўзи эса бевосита қисқа муддатли хотира ёрдамида амалга оширилади.

Нутқ механизмининг учинчи муҳим қисми илгариловчи акс эттириш (опережающее отражение) бўлиб, у нутқий фаолиятнинг рецепция ва продукция каби йўналишларида алоҳида-алоҳида тарзда намоён бўлади. Рецепцияда, яъни тайёр намуна асосида матнни тушунишда илгариловчи акс

---

[1] Леонтьев А.А. Признаки связности и цельности текста / Лингвистика текста // Сборник научных трудов МГПИИЯ Вып 103. М., 1976. – С. 74.

[2] Ирисқулов М.Т. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика ин-тлари талабаларига қулланма. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 244-бет.

[3] Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М., 1983. – С. 141.

[4] Зимняя И.А. Психология обучения иностранному языку в школе. – М., 1991. – С. 168.

[5] Жинкин Н.И. Механизмы речи. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958.

эттириш. Н.И.Жинкин ишлатган атамалар билан айтганда, эҳтимоллик асосида башорат килиш (вероятностное прогнозирование), продукцияда эса тартибга солувчи синтез тарзида содир бўлади. Башорат қилиш жараёни, асосан, эшитиш ва ўкиш учун аҳамиятли ҳисобланиб, англашни тезлаштиради. Гапириш ва ёзишда эса илгариловчи синтез тарзида ишга тушади. Бунда ўқувчи бир гапни айтар ёки ёзар экан, кейинги гапни ҳам олдиндан хотирада тайёрлай бошлайди. Демак, аввалги гап талаффуз килинаётган ёки ёзилаётган вақтда ўқувчи матннинг кейинги қисмларини ҳам олдиндан синтез қилиб, режалаштириб боради. Бу хол киши гапираётган пайтда камроқ, ёзаётганда кўпроқ содир бўлади. Шу боис илгариловчи (тартибга солувчи) синтез механизми ёзма нутқнинг асосий жиҳати деб каралади.

Н.И.Жинкин таъкидлаганидек, яратилажак матнни олдиндан тартибга солиш матн туза билишнинг бош ҳаракатлантирувчи кучидир[1]. Ушбу фикр боғланишли яхлит матн яратиш жараёнига хосдир. Чунки матн яратиш мажбуриятлари, таъкидлаб ўтилганидек, гапдан каттароқ баёнда ҳал этиб борилади. Боғланишли матн мажбуриятлари туфайли киши томонидан фикр баён килишнинг бошида айтилганлар ана шу мажбуриятлар асосида белгилаб берилган фикрнинг бундан кейинги ривожини кўзда тутади[2].

Руҳшунос олимлар (Н.И.Жинкин, И.А.Зимняя) илгариловчи синтезга тўскинлик қилувчи ва уни қийинлаштирувчи куйидаги икки тенденцияни кўрсатадилар:

а) сўз ясалишининг инертлик кучи;

б) тескари индукция[3].

Киши гапираётганда унинг диккати нимани қандай айтишга кучли даражада марказлашиб, нима дегани ва нималар демоқчи эканлиги хиралашади. шунга кўра ҳам нима ҳақда гапиргани ва нималар хақида гапириш кераклиги биринчи аснога чиқмайди, баъзан унутишлар билан кечади. Ушбу инертлик сўз танлашга монелик қилади, нутқда хилма-хил сўзлардан ва жумлалардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Натижада. матнда бир сўзни бир неча гапда такрор ишлатиш, олмошлар, лексик ва матний маънодошлардан, ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи бирикмалардан фойдалана билмаслик ҳолатлари келиб чиқади. Ўқувчи нутқининг таъсирчанлиги пасаяди, услубий жиҳатдан номукаммал, ғализ жумлалар тузилади.

Ёзув жараёнида хилма-хил ташки таъсирлар (ўқитувчининг, реал воқелик тезроқ ёзишга ундаши ва бошқалар) оқибатида юзага келадиган салбий индукция матнда баённинг изчиллигига салбий таъсир кўрсатади. Бу нарса, ўз навбатида, жумлалар ва матн қисмларини етарли даражада ўзаро боғлай олмасликка сабабчи бўлади. Натижада, матнда бир мавзудан

---

[1] Жинкин Н.И. Развитие письменной речи учащихся III–VIII классов. – М.: Изд-во АПН РСФСР, Вып. 78. 1956. – с. 245.

[2] Зимняя И.А. Психология обучения иностранному языку в школе. – М., 1991. – С. 90

[3] Жинкин Н.И. Развитие письменной речи учащихся III–VIII классов. – М.: Изд-во АПН РСФСР, Вып. 78. 1956. – с. 245, Зимняя И.А. Психология обучения иностранному языку в школе. – М., 1991. – С. 90.

бошқасига ўринсиз «сакраш», унда абзацга дахлдор бўлмаган жумлаларнинг учраб қолиши, фикрни якунлай билмаслик каби хато ва камчиликлар юзага келади. Бу икки таъсир кучи илгариловчи синтез фаоллигини ошириш оркали камайтирилади.

И.А.Зимняя нутқ механизмларини икки гуруҳга бўлиб кўрсатар экан, юқорида айтилган англаш, хотира ва илгариловчи акс эттиришни биринчи гуруҳга, яъни умумий вазифа механизмларига мансуб деб талқин қилади.

Иккинчи гуруҳга умумий вазифа механизмларига асосланадиган хусусий нутқий механизмларни киритадики, булар нутқий ҳаракатни бажарувчи (товуш ҳосил қилувчи), маъно ҳосил қилувчи механизмлардир[1].

С.Л.Рубинштейн фикр ифодалашнинг 3 хил усулини кўрсатади:

1. Ички (ўз-ўзи билан мулоқот қилишда).

2. Ташқи оғзаки (бевосита иштирок этувчи суҳбатдош билан мулоқот қилишда).

3. Ташқи ёзма (иштирок этмаётган суҳбатдош билан мулоқот қилишда)[2].

Ёзма нутқ оғзаки нутққа нисбатан анча мураккаб бўлиб, бу мураккаблик шундан иборатки, ёзма нутқ фикр баён қилишда қатъий мантиқий изчиллик ва боғланишни талаб қилади. Унда айтилмоқчи бўлган фикр аник ва тушунарли бўлиши лозим. Ёзма нуткда тингловчи бевосита иштирок этмайди. Оғзаки нуткдаги каби сўзловчининг нутқини тўлдириш, тузатиш, саволлар ёрдамида аниқлик киритиш ёки йўналишини ўзгартириш, тўғрилаш имконияти йўқ. Шунингдек, ифодалилик, ҳиссиёт, тўхтам (пауза), имо-ишора, оҳанг каби нутқни тушунишни осонлаштирувчи қўшимча имкониятлар ҳам йўқ.

Шунинг учун ўқувчи ёзма нутк махсули бўлмиш матнни яратар экан, унинг тингловчига тушунарли бўлишини назарда тутмоғи зарур. Бироқ ёзаётган шахснинг вақт жиҳатдан имконияти катта. У фактларни чамалаб кўриши, пухта ўйлаши, энг муҳимларини ажратиб олиши зарур. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, зарур ифода шаклини топиши мумкин. Ёзма нуткнинг бундай "ихтиёрий"лиги фикр ифодалашда энг қулай восита ҳисобланади[3].

Тингловчи бевосита иштирок этмаётган ёзма монологик нутқнинг тўғрилик даражасини белгилашда нутқнинг таққослаш ва назорат боскичи муҳим роль ўйнайди. Академик Л.В.Щербанинг таъкидлашича, монологик нутқнинг сўз ёрдамида ифодаланиши устидан онгнинг доимий назорати амал қилади, чунки монолог – фикрларнинг сўз шаклига бурканган, илгаридан уюштирилган тизимидир[4].

Ёзма нуткда суҳбатдош бевосита иштирок этмас экан, муаллиф ўзи билан ўзи суҳбатлашади, яъни матнни аввал ичда шакллантиради. Шу нуктаи назардан қараганда, матн яратишда ички нутқнинг аҳамияти каттадир. Ички нутқ кишиларнинг бир-бири билан бевосита мулоқот қилиш усули бўлмай,

---

[1] Зимняя И.А. Психология обучения иностранному языку в школе. – М., 1991. – С. 83.
[2] Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии: В 2-х т. – М.: Педагогика, 1989. Т. 1. – С. 453.
[3] Воҳидов М. Болалар психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1962. – 138 бет.
[4] Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз. 1957. – С. 115.

фикрлаш вазифасини бажаради, ўзаро оғзаки сўзлашувда эса мулокотга тайёргарлик вазифасини ўтайди. А.Н.Соколов ички нутқни «ичда айтиладиган нутқ ёки яширин вербализация»[1] деб атаганда, унинг тингловчига айтилишидан аввал ичда шакллантириб, тайёрлаб олинишини назарда тутган. Чунки «ички нутқ» туфайли мос, муайян нутқий стереотипларни қўзғатувчи нутқий кўрсатма яратилади ҳамда навбатдаги оғзаки ва ёзма ахборот учун сўз ва иборалар танлаш содир этилади[2].

Ички нутқ ҳам ташқи нутқ каби тингловчи учун мўлжалланади, бироқ реал бўлмаса-да, фараз қилинган тингловчи бўлади. Бошқача айтганда, сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам ички нутқни яратувчи шахснинг ўзидир.

Ички нутқнинг яратилишида даставвал нутқий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида ўйлаш содир этилади. Сўнг ички нутқ яратилади ва ташқарига узатилади. Тафаккур билан боғлиқ ички нутқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, «... бу нутқ жуда ҳам қисқа, лўнда бўлади. Одам ҳамиша нима ҳақда ўйлаётганини жуда яхши билгани учун узундан-узоқ жумлалар тузиб ўтиришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ. Шунинг учун одам қандай вазиятда бўлмасин, ички нутқдан фойдаланганда ишлатадиган жумлалари бир сўзлик ва икки сўзлик гаплардан тузилган бўлади»[3].

Ички нутқ ўзининг яна ҳам аниқ, фаркли кўринишига эгадир. Бу: «ички нутқ, ичдан ўзича пичирлаб гапириш ва ички режалаштиришдан иборат,моҳият эътибори билан 3 хил руҳий жараён бўлиб, бир-бирига ўхшаган, аммо айнан бир хил бўлмаган жараёндир»[4].

Сўзловчи ёки ёзаётган одам баъзан овоз чиқариб фикрлаш («публичное мышление»)[5] усулини ҳам қўллайди. Бу ҳам жумлаларни тиниқлаштиришга, ўқимишли қилишга ёрдам беради.

Н.И.Жинкин ички нутқнинг она тилида сўзлашиш, бир-бирини тушуниш учун жуда зарур транслятор-таржимон аппарат ҳисобланишини таъкидлайди ва унинг бу муҳим хусусияти иккинчи тилда фикр алмашишда катта роль ўйнашини эслатиб ўтади. Чунки «грамматик қоидалардан ташқари, ҳамма инсоний тиллар учун қўлланадиган қоидалар ҳам бўлиши керак.... Булар мантиқий қоидалар бўлиб, ... тушунчалар орасидаги, гап бўлаклари орасидаги, тема ва рема орасидаги маъновий боғланиш» ана шу қоидалар асосида вужудга келади[6].

Шундай қилиб, матн яратиш жараёни нутқ механизмига боғлиқ бўлиб, бу механизм фикрлашдан иборат ички нутқнинг фалолияти билан боғлиқ жараёнлар тарзида кечади. Бунда яратилажак баённинг ички дастурини тузиш ва уни амалга ошириш муҳим роль ўйнайди. «Мазмун – матн»

---

[1] Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление. – М.: Просвещение, 1968. – С 3.

[2] Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление. – М.: Просвещение, 1968. – С. 56.

[3] Воҳидов М. Болалар психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1962. – 138 бет.

[4] Леонтьев А.А. Признаки связности и цельности текста / Лингвистика текста // Сборник научных трудов МГПИИЯ. Вып. 103. М., 1976. – С. 6, Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М., 1983. – С. 160.

[5] Никитина Е.И. Уроки развития речи: К учебнику «Русская речь» развитие речи. 8 кл – М.: Дрофа, 2001. – С. 7.

[6] Жинкин Н.И. Речь, как проводник информации. – М.: Наука, 1982. – С. 93; Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку. – М., 1983. – С. 150.

схемасида баён яратишда фикрлаш жараёни тартибга солувчи синтез тарзида содир бўлиб, бу жараён, кўпроқ, ёзувчининг нима ҳақда ёзгани ва нима ҳақда ёзмоқчи эканлиги тариқасида режалаштирилади ва шу асосда матн вужудга келтирилади.

Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёнида тестлар, қўшимча машқ ва топшириқлар тузишлари учун қуйидаги савол ҳамда топшириқлар тавсия этилади:

Берилган матнни ўқиб, тўғри ёки нотўғри бошланганини аниқланг.

Берилган матнга қайси сарлавҳа мос келади?

Асосий фикр қайси гапда берилган? Тўғри жавоб кўрсатилган қаторни белгиланг.

Нукталар ўрнига берилган сўзлардан қайси бирини қўйиш мумкинлигини кўрсатинг.

Берилган парчани ўқинг. Бозор сўзи тўғри такрорланганми? Ҳа ёки йўқ жавобини ёзинг.

Матнда нима ҳақида гапирилаётгани тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

Вақт маъносини билдирган сўз бирикмаси бор матнни белгиланг.

Ўрин-жой маъносини билдирган сўз бирикмаси бор матнни белгиланг.

Матнни ўқинг,такрор берилган бир хил сўзни олмош ёки бошқа сўз билан алмаштиринг.

Қайси қатордаги режа берилган матн мазмунига мос келади?

Қайси матнда матний маънодош бор?

Қайси қатордаги гап матнга кириш қисм бўла олади?

Қайси қатордаги гап матнга хулоса кисм бўла олади?

Берилган матннинг мавзуси тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

Берилган гапларни қайси қатордаги сўзлар билан ўзаро боғлаш мумкин?

Берилган матнда нечта кичик мавзу бор?

Матндаги гаплар қайси йўл билан боғлангани тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.

Берилган матнда параллел боғланиш қайси сўз орқали амалга оширилган?

Нуқталар ўрнига кайси қатордаги феъларни қўйиш мумкинлигини белгиланг.

Берилган матнни нечта абзацга ажратиш мумкин?

Берилган парчада матннинг қайси турлари аралаш қўлланган?

Берилган гаплардан қайси бири билан кейинги – иккинчи абзац бошланади?

Берилган матндаги нуқталар ўрнига қайси қатордаги кириш сўзни қўйиш мумкин?

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жавобларни танлаш асосида тузилган тест саволларига ўқувчиларнинг берган жавоблари тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъи назар, чуқур ўйлаш асосида бажариладиган бу ишларнинг таълимий самараси таҳлиллар орқали таъминланадиЎйлаш эса шаклланаётган кўникмани янада ривожлантириш имконини беради.

3.6. «Она тили» дарсликларидаги матн яратишга доир топшириқларни матний бирликлар билан бойитишга доир айрим тавсиялар

Она тили дарсликларида матн тузиш, матн яратишга доир топшириқлар кўп бўлгани ҳолда ўқувчилар нутқидаги типик матний хатоларни бартараф этиш учун хизмат қиладиган, стандарт талаби ҳисобланмиш МСБ билан боғлиқ таълим мазмунида кўзда тутилиши мумкин бўлган лисоний бирликлар ўз ифодасини топмаган. Шу боис ўқувчилар берилган мавзуларда шунчаки матн тузадилар, бошқача айтганда, ушбу ижодий иш тури матн билан боғлиқ бирор тушунчани мустаҳкамлаш сари қаратилмаган. Ваҳолонки, методист олима Г.Н.Урумбаева тўғри таъкидалаганидек, машқлар тизими фаол-ижодий характерга эга бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантиришга, баҳо беришга қаратилган мушоҳадаларини шакллантиришга ёрдам берадиган микроматн тузишни ўргатадиган тавсифда бўлмоғи даркор...[1]

Шуниси эътиборга лойиқки, кейинги даврда айрим тадқиқотчилар томонидан матн тузилишига доир БКМларни мактабдан кейинги таълим босқичларида она тили ўқитиш мазмунига киритиш юзасидан тажрибаларни амалга оширилди. Методист олима Қ.Қиясова касб-ҳунар коллежларида шу йўналишда иш олиб бориб, яхши натижаларни қўлга киритганлигини таъкидлайди: «Биз синов-тажриба дастурида «Ижодий ёзма иш устида ишлаш усуллари» бўлимини киритдик. Талабалар мазкур бўлимни ўрганишда расмлар, таассуротлар ва кузатишлари эшитганлари ва кўрганлари хусусида ёзма ишлар ёзиш, матнга мавзу танлаш, матн учун материал тўплаш, ёзма ишга режа тузиш, мавзуга эпиграф танлаш, хомаки матн, қайта ишлаган матн хусусида зарурий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирилади»[2]. Лекин ушбу таълим мазмуни ҳали матн тузилиши билан боғлиқ асосий тушунчаларни (хатбоши, абзац, мустақил гапларнинг ўзаро боғланиш усуллари ва воситалари кабиларни) ўргатиш характерида эмас.

Она тилидан амалда бўлган аввалги дарсликларда боғланишли нутқ ўстиришга доир машқ ва топшириқлар маълум изчилликда бериб борилган. Методист олима Ф.Аминова ушбу дарсликларидаги машқ шартларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни қайд қилади[3]:

М.Асқарова ва К.Қосимова томонидан яратилган 5-синф учун **"Она тили"** дарслигидаги[4] 33-, 47-, 105-, 120-, 123-, 125-, 151-, 157-, 258-, 368-, 381-, 383-, 392-машкларда «Кузнинг қизғин палласи» мавзусида иншо ёзиш учун энг зарур бўладиган сўз, сўз бирикмаларини танланг; фикрингизни баён

---

[1] Урумбаева Г.Н. Лингводидактические основы обучения учащихся 7–9 классов сложному синтаксическому целому как базовой структуре русской монологической речи (на материале школ с каракалпакским языком обучения): Автореф. дисс. ...канд.пед.наук. – Ташкент, 2001. – С.11 (17 с.)

[2] Қиясова ҚҚ. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган касб-ҳунар коллежларида ихтисосий нутқни шакллантиришнинг методик асослари, 8–9-бетлар.

[3] Аминова Ф.Ҳ. Ўқувчиларни матн яратишга ўргатишнинг дидактик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 36–38-бетлар

[4] Асқарова М., Қосимова К. Она тили: 5 – синф учун дарслик. Иккинчи нашри, Т., Ўқитувчи, 1999..

қилиш йўллари устида ишланг; тавсия қилинаётган иншо мавзуларини диққат билан ўкинг, тушуниб олишга ҳаракат қилинг; тайёргарлигингиз ва маълумотларни ҳисобга олиб, мавзулардан бирини танланг ва уйда иншо ёзинг, таклифнома ёзинг, фикр баёнининг қурилишини таҳлил қилинг; ўртоғингизга ўқишларингиз ва ишларингиз ҳақида хат ёзинг, хатингизда ундалмали гаплар ҳам бўлсин; расмда нималар тасвирлангани ҳақида ёки "Энг қизиқ ўтган куним" мавзусида иншо ёзинг; расмни кўринг. унда нималар тасвирланганини аниқланг; сарлавҳа топиб, расм асосида иншо ёзинг; берилган асосий фикрларни таҳлил қилинг; фикр баён қилиш йўлингизни танланг; иншоингиз учун маълумотлар йиғинг; мавзулардан бирини танлаб, иншо ёзинг: "Мушугим менга жуда ўрганиб қолган", "Мушугим чиройли, ювош", "Мушугимни жуда яхши кўраман"; биринчи ва учинчи мавзуларда иншо ёзиш учун маълумот йиғинг, уларни сараланг, тартибга солинг ва иншо ёзинг; расмни кўринг; ўқувчилар бажараётган ишлар баҳор фаслининг қайси даврига тўғри келишини, шу даврда боғда қандай ишлар бажарилишини сўзлаб беринг; ўзингиз шахсан иштирок этган боғдаги ишларингиздан бири ҳақида газетага ёзма хабар тайёрланг, расмга қараб табиатда сувнинг айланишини ҳикоя қилиб беринг; ҳикоянгизда қуйидаги феъллардан фойдаланинг: иситмоқ, буғланмоқ, сув томчиларига айланмоқ, ёмғир бўлиб ёғмоқ, сингмоқ. "Табиатда сувнинг айланиши" сарлавҳали ҳикоя ёзинг; феъларнинг тагига чизинг, "Яқинда ёзги таътилга чиқамиз" ёки "Биз ўқувчилар оромгоҳига борамиз" мавзусида 4-5 та гап ёки боғланишли матн тузинг тарзидаги топшириқлар берилган. Таҳлилдан кўриниб турибдики, дарсликда 400 дан ортиқ машқ берилган бўлиб, улардан атиги 13 таси ўқувчини ижодий матн яратишга ундайди.

Машқ турларидан кўриниб турибдики, мазкур 5-синф «Она тили» дарслигида берилган бош мавзу асосида иншо ёзиш; расм асосида сарлавҳа топиб иншо ёзиш каби кенг маънодаги матнлар яратишга каратилган топшириқлар ўз ифодасини топган, матннинг тузилиши билан боғлиқ унсурларга ўтилмаган. Ф.Аминова амалга оширган 6-синф «Она тили» дарслигининг қуйидаги таҳлилида ҳам шу манзарани кўриш мумкин.

А.Ғуломов, Й.Абдуллаев, З.Маъруфов ва М.Омилхонова томонидан яратилган 6-синф учун **"Она тили"** дарслигидаги[1] 9-, 44-, 48-, 79-, 96-, 115-, 164-, 237-, 269-, 307-, 312-, 316-, 320-, 330-, 338-, 345-, 349-, 351-, 355-, 363-машқларда "Дарсдан кейин" мавзусида матн; "қовун полизида", "Менинг ота-онам" мавзусида тасвир унсурли иншо; "Жазо" мавзусида ҳикоя; "Куз кунларида", "Бизнинг мактабимиз" мавзусида иншо; Баҳорда момақалдироқ бўлишини тасвирлаб матн; синф ёки мактабдаги янгиликлар ҳақида мақола; "Ёш чавандоз" мавзусида тасвирий иншо; "Зийрак бола" мавзусида иншо; "қиш оқшоми", "қуёш ботиши" мавзуларидан бирида сифатларни қатнаштириб кичик иншо; кузатишларингиз ҳамда қуйидаги расм асосида "қишки ўйинлар" мавзусида ҳикоя; "Пахта қандай терилади?" мавзусида иншо; табрикнома; эълон; уй ҳайвонларининг тасвири, "қанотли

[1] Ғуломов А., Абдуллаев Й., Маъруфов З., Омилхонова М. Она тили: 6-синф учун дарслик. 1-нашри, Т., Ўқитувчи, 1999.

дўстларимиз" мавзусида иншо; "қор ёғяпти", "Ёмғир ёғяпти" мавзуларидан бирида иншо; мусича боласининг учадиган бўлгандан кейинги тасвирини баён қилиб иншо; эртак ёзинг тарзидаги машқлар берилган. Кўриниб турибдики, синфдан-синфга ўтган сари ижодий топшириқлар миқдори кўпайиб бормоқда, лекин матн яратишга оид топшириқлар сони 2 та бўлиб, мулоқот матни яратишга оид топшириқлар умуман берилмаган.

Бугунги кунда истеъмолдаги 5–9-синф «Ona tili» дарсликларидан жой олган матн яратишга доир машқ ва топшириқларни матн тузилишини ўрганиш билан боғлаш зарурияти мавжуд. Буни улардаги топшириқлар тавсифидан ҳам билиш қийин эмас. Биз уларни айрим тавсияларимиз билан бойитишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

V синфда ўқитувчи матнларнинг қандай ташкилий қисмлардан иборат бўлиши, матнда нима ҳақда гапирилишига қараб кичик мавзулар доирасида бир неча гаплар йиғиндисидан иборат абзацлар ажратилиши, ҳар бир абзацнинг биринчи гапи хатбошидан ёзилиши, режа моддалари шу кичик мавзуларга кўра таърифланиши, матннинг таърифи, матннинг гаплар йиғиндисидан фарқи, матндаги асосий фикрни аниқлашга доир назарий маълумотлар билан таништирган ҳолда, юқорида тавсия этилган машқ турларидан тегишлиларини бажартиради. Маънодош сўзлар ҳам шу синфда ўтилганлиги сабабли мавзу билан боғлиқ ҳолда матний маънодошларнинг нуткда қўлланиши, занжир боғланишни амалга оширишда матний маънодошларнинг гапларни ўзаро боғлайдиган восита эканлиги бир неча дарс давомида ўргатилади.

Маълумки, VI синфда феъл, от, сифат, сон, равиш сўз туркумлари ўтилади. Феъллар нуткда энг кўп қўлланадиган сўз туркуми эканлиги сабабли, шунингдек, ўқувчиларнинг феъл шаклларини қўллашда хатоликларга йўл қўйишларини ҳисобга олиб, бу синфда феъларни матнда ўзаро узвийликда тўғри қўллаш устидаги ишларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ саналади. Дарсликда берилган грамматик машқларга қўшимча топшириқ сифатида гапларни узилишсиз ва узилишли боғлаб матн тузиш, ривоя ва тасвир-матн яратишда гапларнинг боғланишидаги ўзига хосликлар ҳақида маълумот берилади. "Равиш" мавзуси ўтилганда ўрин-жой ва пайт муносабатини билдирувчи сўз ва бирикмаларнинг матн тузишдаги вазифаси тушунтирилади.

Абзац чегарасини аниқлай билиш, фикрни ёзма баён қилишда абзацларни тўғри белгилашга ўргатиш ҳам алоҳида аҳамиятга молик мавзу ҳисобланади. Ўқувчиларнинг VII синфга қадар матн ва мавзу муносабати, мавзу ва кичик мавзулар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлишларини назарда тутиб, абзац мавзусини ўтиш шу синфга мўлжалланАди. Шунингдек, гапларни узилишсиз ва узилишли боғлаш йўли билан матн тузиш, ривоя ва тасвир-матн яратишдаги ўзига хосликларни ўрганиш давом эттирилади. 7-синфда "Олмош ва унинг маъно турлари" мавзусига кенг ўрин ажратилган. Матн яратишга доир тадбирларни шу мавзулар билан боғлиқ ҳолда давом эттириш қулай ва ўринли бўлади. Ёрдамчи сўз туркумлари ўрганилганда ҳам грамматик машқлар мазмунини боғланишли матн тузишга доир тадбирлар

билан тўлдириш, бойитиш мумкин.

VIII синфда иншо ва унинг турлари, иншога эпиграф танлаш, матн мавзусини аниқлаш, матндаги асосий фикрни топишга доир маълумот берилган. Бунга қўшимча равишда параллел боғланиш ва муҳокама-матнлар тузиш мавзуси режалаштирилади. Бунда параллел боғланиш ва муҳокама-матнларнинг тузилишидаги ўзига хосликлар (ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисага муаллифнинг муносабатини билдирувчи гаплардан, кириш сўз ва кириш бирикмалар, умумлаштирувчи сўз ва бирикмалардан фойдаланиш) тушунтирилади. Асосий фикрни атов гаплар тарзида ифодалаб матн тузишга ўргатиш ҳам шу синфга мўлжалланади.

IX синфда МСБ ҳақида маълумот берилиб, МСБ ва матн ҳакидаги тушунчаларни тизимга солиш режалаштирилади.